www.arabic.uz кутубхонаси

# معجم الإعراب في النحو العربي

(قواعد وتطبيقات وفهارس)

أنطوان الدحداح

# НАҲВ ФАНИДАН ГРАММАТИК ТАҲЛИЛ

Таржимон:
**Абу Муҳаммад**

Мусаҳҳиҳ:
**Анвар Аҳмад**

**Тошкент:**
**2013**

# БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

# 1
# ИСТИСНО

يَعِيْشُ الطُّلاَّبُ بِرَاحَةٍ إلاَّ الْكَسُولَ

***Маъноси:***

**Талабалар роҳатда яшайди, фақат дангасалар ундоқ эмас.**

يَعِيْشُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الطُّلاَّبُ – фоил, замма ила марфуъ.

بِرَاحَةٍ – ب ҳарфи жор қилувчи ҳарфлардан, يَعِيْشُга мутаъаллиқ, رَاحَةٍ касра билан мажрур бўлган исм.

إلاَّ – истисно ҳарфи.

الْكَسُولَ – мустасно, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

1. Истисно адотлари ҳарфлардан қуйидагилардир:

عَدَا، خَلاَ، حَاشَا، حَتَّى، بَيْدَ، أَوْ، إِلاَّ.

Исмлардан қуйидагилардир:

لاَ سِيَّمَا، غَيْرُ، سِوَى

Феъллардан қуйидагилардир:

لاَ يَكُونُ، لَيْسَ

2. Мустасно мусбат жумлада вужубан (шарт равишда) насб қилинади. Манфий жумлада ҳам насб қилинади агар мустасно қилинаётганнинг жинсидан бўлмасдан мустасно мунқотеъ бўлса.

3. Манфий жумлада агар мустасно муттасил бўлса, яъни мустасно қилинаётганнинг жинсидан бўлса, насб қилиш жоиздир.

4. غَيْرُ ва سِوَى да إِلاَّ дан кейин келадиган исмнинг эъробига мувофиқ бўлади. لاَ سِيَّمَا мураккаб исм бўлиб, لاَ жинсни нафий қилувчи ҳарф, سِيَّ унинг исми, مَا исми мавсул, мустаснонинг рафъ ҳолатида бўлса у (яъни مَا ) музофун илайҳдир. Насб ва жор ҳолатида эса зоидадир, хабар эса маҳзуфдир.

مَا جَاءَ الْقَوْمُ غَيْرَ (غَيْرُ) زَيْدٍ

***Маъноси:***
**“Зайддан бошқа ҳеч ким келмади”.**

مَا – нафий ҳарфи.

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْقَوْمُ – замма ила марфуъ, фоил.

غَيْرَ – мустасно, фатҳа ила мансуб, музоф.

**(غير)** – القومдан бадал, рафъда унга тобеъ, музоф.

زَيْدٍ – музофун илайҳ, касра билан мажрур.

عَادَ الوَفْدُ سِوَى وَاحِدٍ

***Маъноси:***
**“Вакилларидан биргинаси келмади”.**

عَادَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الوَفْدُ – фоил, замма ила марфуъ.

سِوَى – мустасно, таъаззур сабабли алифга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб, музоф.

وَاحِدٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 2
## ИСМИ ИСТИФҲОМ

مَا ذَا فَعَلْتَ يَا تِلْمِيذُ؟

***Маъноси:***
**Эй ўқувчи нима қилдинг?**

مَا – исми истифҳом, сукунга мабний, рафъ ўрнида бўлиб, мубтадодир.

ذَا – исми мавсул, сукунга мабний, рафъ ўрнида бўлиб, хабардир.

فَعَلْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида бўлиб, фоилдир.

يَا – нидо ҳарфи.

تِلْمِيذُ – мунодо, заммага мабний, насб ўрнида.

## ҚОИДАЛАР

1. Истифҳом исмлари:

أَنَّى، أَيْنَ، أَيَّانَ، أَيُّ، كَمْ، كَيفَ، مَتَى، مَنْ، مَنْ ذَا، مَا، مَا ذَا.

2. Бу исмлар мабнийдир. Фақатгина أَيٌّ жумладаги ўрнига қараб эърobланади.

3. Ҳар бир исми истифҳом ила жумлани бошлаш мумкиндир.

أَيُّ النَّاسِ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟

***Маъноси:***
**Инсонларнинг қай бири сенга суюклироқ?**

أَيُّ – исми истифҳом, мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

النَّاسِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

أَحَبُّ – мубтадонинг хабари, замма ила марфуъ.

إِلَيْكَ – إِلَى ҳарфи жор бўлиб, أَحَبُّга мутаъаллиқ, ك замир бўлиб, жор ўрнидадир.

كَمْ كِتَابًا اشْتَرَيْتَ؟

***Маъноси:***
**Нечта китоб сотиб олдинг?**

كَمْ – исми истифҳом, сукунга мабний, насб ўрнида бўлиб, муқаддам мафъулун биҳдир.

كِتَابًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

اشْتَرَيْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида бўлиб, фоилдир.

كَيْفَ حَالُكَ اليَوْمَ؟

***Маъноси:***
**Бугун аҳволинг қандоқ?**

كَيْفَ – исми истифҳом, фатҳага мабний, рафъ ҳолатида бўлиб, хабари муқаддам.

حَالُكَ – мубтадо муаххар бўлиб, замма ила марфуъ, ك замир бўлиб, музофун илайҳдир.

اليَوْمَ – зарфи замон мафъулун фийҳ, фатҳа ила мансуб бўлиб, كَيْفَга мутаъаллиқ.

## 3
## ИСМИ ИШОРА

سَوْفَ تَقْصِفُ هَاتَانِ الطَّائِرَتَانِ مَوَاقِعَ العَدُوِّ

***Маъноси:***
**Бу икки тайёра тезда душман жойлашган жойларни ўққа тутади.**

سَوْفَ – истиқбол (келажакка далолат қилувчи) ҳарфи.

تَقْصِفُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

هَاتَانِ – исми ишора, “алиф”га мабний бўлиб, рафъ ўрнида, фоил.

طَائِرَتَانِ – هَاتَانِдан бадал бўлиб, мусанно бўлгани учун “алиф” ила марфуъ.

مَوَاقِعَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб бўлиб, музоф.

العَدُوِّ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

1. Яқиндаги нарсани билдирувчи исми ишоралар: هَذَا، هَذِهِ дир.

Ўрта масофани билдирувчи исми ишоралар: ذَاكَ ذانِكَ дир.

Узоқни билдирувчи исми ишоралар: ذَانِّكَ، ذَلِكَ дир.

Рафъ ўрнида бўлади (таснияда алиф). Насб ва жор ҳолатида бўлади (таснияда ي ҳарфи).

2. Муфрад ва жамъда келувчи барча исми ишоралар ҳаракатга мабнийдир, мусаннода ҳарфга мабнийдир.

3. Исми ишора الْ билан бошланадиган исмнинг олдидан келса الْ билан бошланадиган исм исми ишорадан бадал бўлади, ўша исмдан кейин келса, унга наът бўлиб келади.

4. هُنَاكَ، هَنَا маконга оид исми ишоралар бўлиб, зарфликни лозим тутади ёки ҳарфи жор ила жорликни лозим тутади.

**ذَهَبْنَا مِنْ هُنَا**

***Маъноси:***

**“У ердан кетдик”.**

ذَهَبْنَا – маълум мозий феъли, نَا замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, نَا рафъ ўрнида бўлиб, фоилдир.

مِنْ – ҳарфи жор, ذَهَبْنَاга мутаъаллиқ.

هُنَا – исми ишора, сукунга мабний, жор ўрнида.

رَأَيْتُ هَذَيْنِ الرَّجُلَيْنِ

***Маъноси:***
**Бу икки кишини кўрдим.**

رَأَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида бўлиб, фоилдир.

هَذَيْنِ – исми ишора, ي ҳарфига мабний бўлиб, насб ўрнидадир, мафъулун биҳ.

الرَّجُلَيْنِ – هَذَيْنِдан бадал бўлиб, мусанно бўлгани учун ي ҳарфи ила мансуб.

هَذِهِ فَتَاةٌ جَمِيلَةٌ (الفَتَاةُ هَذِهِ جَمِيلَةٌ)

***Маъноси:***
**Бу қиз гўзалдир.**

هَذِهِ – исми ишора, касрага мабний бўлиб, рафъ ўрнидадир, мубтадо. (فَتَاة – мубтадо)

فَتَاةٌ – хабар, замма ила марфуъ. (هَذِهِ – наът)

جَمِيلَةٌ – فَتَاةга наът бўлиб, унга рафъликда тобеъ. (جَمِيلَةٌ – хабар).

## 4
## ИСМИ ОЛАТ

أَصْبَحَ الْمَنْجَنِيقُ مِدفَعًا وَالْمِنْجَلُ حَاصِدَةً

***Маъноси:***

**Манжаниқ пулемётга, ўроқ комбайнга айланди.**

أَصْبَحَ – ноқис мозий феъли كَانَнинг аховатларидан, фатҳага мабний.

الْمَنْجَنِيقُ – أَصْبَحَнинг исми, замма ила марфуъ.

مِدفَعًا – أَصْبَحَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

وَ – атф ҳарфи.

الْمِنْجَلُ – الْمَنْجَنِيقُга маътуф бўлиб, рафъда унга тобеъ.

حَاصِدَةً – مِدفَعًاга маътуф бўлиб, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

1. Муштақк (иштиқоқ қилинган) исми олатнинг вазнлари қиёсий бўлиб, вазни қандай бўлмасин масдардан олинади.

Вазнлари: مِفْعَالٌ، مِفْعَلَةٌ، مِفْعَلٌ дир. Бази лафзлар қиёсга хилоф ҳолда келган.

2. Жомид исми олатнинг вазнлари кўпдир, уни таъйин қилувчиси йўқдир.

3. Исми олат феълининг амалини қилмайди, фоил ёки ноиби фоилни рафъ қилмайди, мафъулун биҳни насб қилмайди.

الْمِنْشَارُ تُحَرِّكُهُ طَاقَةُ الكَهرَبَاءِ

***Маъноси:***
**Аррани электр токи ҳаракатлантиради.**

الْمِنْشَارُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

تُحَرِّكُهُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, ه замир насб ўрнида, мафъулун биҳ.

طَاقَةُ – фоил, замма ила марфуъ, музоф.

الكَهرَبَاءِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

تَرْتَسِمُ الْحُرُوفُ فِي الْمَطْبَعَةِ بِلَمْسَةٍ دَقِيقَةٍ

***Маъноси:***

**Ҳарфлар босма машинасида ингичка чизиқда чизилади.**

تَرْتَسِمُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الْحُرُوفُ – фоил, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, تَرْتَسِمга мутаъаллиқ.

الْمَطْبَعَةِ – касра ила мажрур.

بِلَمْسَةٍ – البَاء ҳарфи жор تَرْتَسِمга мутаъаллиқ.

دَقِيقَةٍ – لَمْسَةٍга наът, жорликда унга тобеъ.

النَّاعُورَةُ دُولاَبٌ

***Маъноси:***

**Сув чиқарувчи мослама бу челакдир.**

النَّاعُورَةُ – исми олат, мубтадо, замма ила марфуъ.

دَولاَبٌ – хабар, замма ила марфуъ.

## 5
## ИСМИ ЖИНС

هُوَ إِنْسَانٌ أَوْ حَيَوَانٌ أَوْ نَبَاتٌ

***Маъноси:***
**Бу ё инсон ё ҳайвон ё ўсимлик.**

هُوَ – мунфасил замир, фатҳага мабний, рафъ ўрнида бўлиб, мубтадодир.

إِنْسَانٌ – хабар, замма ила марфуъ.

أَوْ – ҳарфи атф.

حَيَوَانٌ – إِنْسَانٌга маътуф бўлиб, унга рафъда тобеъ.

أَوْ – ҳарфи атф.

نَبَاتٌ – إِنْسَانٌга маътуф бўлиб, унга рафъда тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

1. Кўпчилик наҳв олимлари наздида накра исми жинсга ўхшатилган бўлиб, улар орасида фарқ кўринмайди. Агар муайянга яъни таъйин этилган нарсага далолат қилса у “**накраи мақсуда**”дир. Агар муайянга далолат қилмаса у “**накраи ғойри мақсуда**”дир.

2. Исми жинсни маърифага айлантириш ирода қилинганда, унга лафзий ёки маънавий зиёда қўшиш шарт бўлади. Ўша зиёда далолат қилаётган нарсани бошқа нарсага таъсир ўтказмасдан ёлғиз ўзида мужассам қилади.

3. Мана шундан накра бўлган исми жинс ва маърифа бўлган исми алам орасидаги фарқ билинади.

رَأَيْتُ رَجُلاً فِي النَّادِي فَصَافَحْتُ الرَّجُلَ

*Маъноси:*

**“Йиғилишда бир кишини кўриб, у билан қўл бериб кўришдим”.**

رَأَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабнийдир, ت рафъ ўрнида, фоил.

رَجُلاً – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

فِي – жор ҳарфи, رَأَيْتُга мутаъаллиқ.

النَّادِي – талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган касрага мутаъаллиқ.

فَصَافَحْتُ – ف атф ҳарфи, صَافَحْتُ маълум мозий феъл бўлиб, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний. ت рафъ ўрнида, фоил.

الرَّجُلَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

أَعْجَبَنِي هَذَا الرَّأْيُ

*Маъноси:*

**Бу фикр мени ажаблантирди.**

أَعْجَبَنِي – أَعْجَبَ маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ن ҳарфи виқоя, ي замир бўлиб, насб ўрнида мафъулун биҳ.

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида бўлиб, фоилдир.

الرَّأْيُ – هَذَاдан бадал, унга рафъда тобеъдир.

## 6
## ИСМИ ЗАМОН

مَطْلَعُ الفَجْرِ خَيْرُ وَقْتٍ لِلْقِرَاءَةِ

***Маъноси:***
**Тонг отар пайт ўқиш учун энг яхши вақт.**

مَطْلَعُ – мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

الفَجْرِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

خَيْرُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

وَقْتٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

لِلْقِرَاءَةِ – ل ҳарфи жор, خَيْرُга мутаъаллиқ, القِرَاءَةُ касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

Сулосийдан уч кўринишда олинади:

1. Музореъда ع ни заммалик ёки фатҳалик бўлса ёки охири касал ҳарф бўлса مَفْعَل вазнида ясалади.

2. Музореъда ع ни касралик бўлса ёки калиманинг ف си иллатли ҳарфлардан бўлса مَفْعِل вазнида олинади.

3. Калиманинг ع ни “алиф” бўлса مَفِيل، مَفَال вазнларида олинади.

2. Сулосийдан бошқада ўзининг исми мафъули вазнида олинади.

3. Исми замон феълининг амалини қилмайди, фоил ёки ноиби фоилни рафъ қилмайди, мафъулун биҳни насб қилмайди.

كَانَ إِنْشَادُ الشِّعْرِ مَوْعِدًا لِلنَّاسِ

*Маъноси:*
**Одамларга шеър айтиш фурсати эди.**

كَانَ – ноқис феъли мозий, фатҳага мабний.

إِنْشَادُ – كَانَнинг исми, замма ила марфуъ, музоф.

الشِّعْرِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

مَوْعِدًا – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

لِلنَّاسِ – ل ҳарфи жор, مَوْعِدًاга мутаъаллиқ النَّاسِ касра ила мажрур.

وَقَعَ الْحَادِثُ عِنْدَ الْمَغِيبِ

*Маъноси:*
**Ҳодиса қуёш ботаётганда рўй берди.**

وَقَعَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْحَادِثُ – фоил, замма ила марфуъ.

عِنْدَ – зарфи замон, мафъулун фийҳ, фатҳа ила мансуб وَقَعَга мутаъаллиқ, музоф.

الْمَغِيبِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

الْمَشْرَقَةُ بُزُوغُ الشَّمْسِ

*Маъноси:*
**Ишроқ бу қуёшнинг чиқиши.**

الْمَشْرَقَةُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

بُزُوغُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

الشَّمْسِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 7
## ИСМИ ШАРТ – ЗАРФЛАР

أَنَّى يَأْتِ صَاحِبُ الْمَالِ يُكْرَمْ

***Маъноси:***
**Мол-дунё эгаси қаерга бормасин ҳурмат қилинади.**

أَنَّى – исми шарт, зарф, жазм қилувчи, сукунга мабний, насб ўрнида, мафъулун фийҳ, жавоби шарт бўлган يُكْرَمْга мутаъаллиқ.

يَأْتِ – маълум музореъ феъли, أَنَّى ила мажзум бўлиб, феъли шарт, жазм аломати иллат ҳарфининг ҳазф бўлиши.

صَاحِبُ – фоил, замма ила марфуъ, музоф.

الْمَالِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

يُكْرَمْ – мажҳул музореъ феъли, أَنَّى ила мажзум бўлиб, жавоби шарт, жазм белгиси сукун, фоили هُوَ мустатир (яширинган) замир.

## ҚОИДАЛАР

1. Исми шартлар зарф ва зарф бўлмаганлардан иборат бўлиб, жазм қилувчи ва жазм қилмайдиган бўлади.
2. Жозима (феъли музореъни сукун қилувчи) зарфлар:
مَتَى، حَيْثُمَا، أَيَّانَ، أَيْنَمَا، أَيْنَ، أَنَّى.

Жазм қилмайдиганлари: لَمَّا، كُلَّمَا، إِذَا.

3. إِذَاдан кейинги исм маҳзуф феълга фоил ёки ноиби фоил бўлади.

4. Барча зарфлар ўзининг охирига мабнийдир, зарфиятлиги – мафъулун фийҳлиги учун насб ўрнидадир.

مَتَى تَمُتْ تُعْرَفْ

*Маъноси:*

**Вафот этганингда таниласан.**

مَتَى – зарфий исми шарт, мажзум, сукунга мабний, насб ўрнида, мафъулун фийҳ, تُعْرَفْ жавоби шартига мутаъаллиқ.

تَمُتْ – маълум музореъ феъли مَتَى ила мажзум, чунки у феъли шарт, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

تُعْرَفْ – Мажҳул музореъ феъли, مَتَي ила мажзум чунки у жавоби шарт, жазм аломати сукун, ноиби фоили أَنْتَ мустатир (яширинган) замири.

وَإِذَا الشَّيْخُ قَالَ...

*Маъноси:*

**Вақтики қария деди:. . .**

وَإِذَا – و ўзидан олдинги нарсага мувофиқдир, إِذَا зарфий исми шарт, мажзум эмас, сукунга мабний бўлиб, насб ўрнида мафъулун фийҳ, жавоби шартга мутаъаллиқ.

الشَّيْخُ – мубтадо, замма ила марфуъ, قَالَ феъли баён қилувчи маҳзуф феълга фоил.

قَالَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ (яширинган) мустатир замир, рафъ ўрнида хабар, жумла изофа сабабидан жор ўрнида.

## 8
## ЗАРФ БЎЛМАГАН ИСМИ ШАРТ

أَيُّ تِلْمِيذٍ يَجْتَهِدْ يَنْجَحْ

***Маъноси:***
**Қайси ўқувчи интилса муваффақият қозонади.**

أَيُّ – жазм қилувчи исми шарт, мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

تِلْمِيذٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

يَجْتَهِدْ – маълум музореъ феъли, феъли шарт бўлгани учун أَيُّ ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили هُوَ мустатир замири.

يَنْجَحْ – маълум музореъ феъли, жавоби шарт бўлгани учун أَيُّ ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили هُوَ мустатир замири, шарт ва жавоб жумлалари рафъ ўрнида бўлиб мубтадонинг хабари.

## ҚОИДАЛАР

1. Зарф бўлмаган исми шартлардан иккита феълни жазм қиладигани қуйидагилардир: مَا، مَهْمَا، مَنْ، كَيْفَمَا، أَيُّ

2. إِذَا ҳақида:

А) Ундан кейин лозим феъл келади, ўзи эса мубтадо бўлади, феъли шарт жумласи эса хабари бўлади.

Б) Ундан кейин мафъулига тўлиқ таъсир ўтказувчи мутаъаддий феъл келади, ўзи эса мубтадо бўлади, феъли шарт унинг ҳабари бўлади.

В) Ундан кейин мафъулига тўлиқ таъсир ўтказмайдиган феъл келади, шунда у мафъулун биҳ бўлади.

Г) Ундан кейин масдар келади ва у мафъулун мутлақ бўлади.

Д) Ҳарфи жор ёки музофдан кейин келади, шунда у жор ўрнида бўлади.

3. أَيٌّ мўъраб бўлиб музоф ёки мубтадо ёки мафъулун биҳ ёки мафъулун фийҳ ёки ب ила мажрур бўлади.

4. كَيْفَمَا доимо насб ўрнида, ҳол бўлади.

مَا تَقْرَأْ أَقْرَأْ

*Маъноси:*

**Нимани ўқисанг ўшани ўқийман.**

مَا – жазм қилувчи исми шарт, сукунга мабний, насб ўрнида, мафъулун биҳ.

تَقْرَأْ – маълум музореъ феъли, феъли шарт бўлгани учун مَا ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

أَقْرَأْ – маълум музореъ феъли, жавоби шарт бўлгани учун مَا ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنَا мустатир замири.

أَيَّ سُلُوكٍ تَسْلُكْ أَسْلُكْ

*Маъноси:*

**Қайси йўлни тутсанг мен ҳам уни тутаман.**

أَيَّ – исми шарт жазм қилувчи, мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб, музоф.

سُلُوكٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

تَسْلُكْ – маълум музореъ феъли, феъли шарт бўлгани учун أَيَّ ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

أَسْلُكْ – маълум музореъ феъли, жавоби шарт бўлгани учун أَيَّ ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنَا мустатир замири.

## 9
## ИСМИ АДАД АСЛИЙ – МУФРАД

اِعْتَقَلَ رِجَالُ الشُّرْطَةِ اليَوْمَ سَبْعَةَ لُصُوصٍ

***Маъноси:***

**Бугун милиция ходимлари еттита ўғрини ҳибсга олдилар.**

اِعْتَقَلَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

رِجَالُ – фоил, замма ила марфуъ, музоф.

الشُّرْطَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

اليَوْمَ – зарфи замон, мафъулун фийҳ, фатҳа ила мансуб, музоф, اِعْتَقَلَга мутаъаллиқ.

سَبْعَةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

لُصُوصٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

# ҚОИДАЛАР

1. Муфрад адад бу 1 дан 10гача ва 100дан 1000гача.
2. Бир ва икки сўзлари маъдуддан сўнг келиб, унга наът бўлади.
3. Учдан ўнгача ва юздан минггача бўлган сонларда адад олдин келса, ўз ўрнига қараб эъроб қилинади.
4. Маъдуд жамъ сийғасида келиб, изофа ила мажрур бўлади.
5. Муфрад ададнинг ўзигагина ёки маъдуднинг ўзигагина اَلْ киргизиш ила маърифа қилинади.

فِي جَيْبِي خَمْسُ لِيرَاتٍ

***Маъноси:***
**Чўнтагимда беш лира бор.**

فِي – ҳарфи жор, муқаддам маҳзуф хабарга мутаъаллиқ.

جَيْبِي – касра ила мажрур, ي замир бўлиб, музофун илайҳ.

خَمْسُ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ, музоф.

لِيرَاتٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

هُنَالِكَ مَدْرَسَتَانِ اثْنَتَانِ

***Маъноси:***
**У ерда икки мадраса бор.**

هُنَالِكَ – макон учун исми ишора, фатҳага мабний, рафъ ўрнида, хабари муқаддам.

مَدْرَسَتَانِ – мубтадо муаххар, мусанно бўлгани учун алиф ила марфуъ.

اثْنَتَانِ – مَدْرَسَتَانِга наът, мусанногa мулҳақ бўлган учун алиф ила марфуъ.

قَرَأْتُ العَشَرَةَ كُتَبٍ

*Маъноси:*
**Ўнта китобни ўқидим.**

قَرَأْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида, фоил.

العَشَرَةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

كُتَبٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 10
## ИСМИ АДАД – МУРАККАБ, ЎНЛИК, МАЪТУФ

قَدْ حَضَرَ إِلَى الْمَجْلِسِ ثَلاثَةَ عَشَرَ نَائِبًا

*Маъноси:*
**Мажлисга ўн учта ноиб келди.**

قَدْ – ҳарфи таҳқиқ.

حَضَرَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

إِلَى – ҳарфи жор, حَضَرَга мутаъаллиқ.

الْمَجْلِسِ – касра ила мажрур.

ثَلاثَةَ عَشَرَ – исми адад, фатҳага мабний, рафъ ўрнида бўлиб фоил.

نَائِبًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

# ҚОИДАЛАР

1. Ўн бирдан ўн тўққизгача бўлган исми ададларнинг иккала қисми ҳам фатҳага мабнийдир. Фақат ўн иккининг биринчи қисми мусанно каби эъробланади, иккинчи қисми мабнийдир.

Йигирма ва ўттиздан то тўқсонгача бўлган ўнталиклар жамъи музаккари солимга мулҳақ (қўшилган) бўлиб, у каби эъробланади.

Йигирма бир, йигирма иккидан то тўқсон тўққизгача бўлган маътуфларнинг биринчи қисми муфрад каби ўрнига қараб эъробланади, иккинчи қисми ўнталикларга ўхшаб жамъи музаккари солимга мулҳақ бўлади.

2. Маъдуд юқорида зикр қилинган уч ҳолатнинг барчасида муфрад сийғасида тамйиз бўлиб келиб, доимо насб бўлади.

رَأَيْتُ اثْنَتَى عَشْرَةَ امْرَأَةً

***Маъноси:***
**Ўн иккита аёлни кўрдим.**

رَأَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида, фоил.

اثْنَتَى عَشْرَةَ – исми адад, мафъулун биҳ, мусаннога мулҳақ бўлгани учун ي ила биринчи қисми мансуб, иккинчи қисми фатҳага мабний.

امْرَأَةً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

هُمْ خَمْسُونَ طَيَّارًا.

***Маъноси:***

**Улар элликта учувчи. . .**

هُمْ – замири мунфасил, сукунга мабний, рафъ ўрнида, мубтадо.

خَمْسُونَ – хабар, жамъи музаккари солмга мулҳақ бўлгани учун الوَاو ила марфуъ.

طَيَّارًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

. . . بِثَلاثَةٍ وَ عِشْرِينَ طَائِرَةً

***Маъноси:***

**. . .йигирма учта учқич.**

بِثَلاثَةٍ – ب ҳарфи жор خَمْسُونَга мутаъаллиқ, ثَلاثَةٍ касра ила мажрур.

وَ عِشْرِينَ – و ҳарфи атф, عِشْرِينَ ثَلاثَةٍга маътуф, жамъи музаккари солимга мулҳақ учун ي ила мажрур.

طَائِرَةً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

## 11
## ТАРТИБИЙ ИСМИ АДАД

حَلَّ سَمِيرٌ ثَالِثًا فِي سِبَاقِ الرَّكْضِ

***Маъноси:***

**Самир югуришда мусобақасида учинчи ўринни эгаллади.**

حَلَّ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

سَمِيرٌ – фоил, замма ила марфуъ.

ثَالِثًا – зарф замон, мафъулун фийҳ, фатҳа ила мансуб حَلَّга мутаъаллиқ.

فِي – ҳарфи жор, حَلَّга мутаъаллиқ.

سِبَاقِ – касра ила мажрур, музоф.

الرَّكْضِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

1. Тартибий адад аслийга ўхшаб тўрт турлидир, фақат юз ва минг ўнталик бўлиб келади.

2. Иккидан ўнгача бўлган ададлар فَاعِلٌ вазнида олинади ва адади аслийдан иштиқоқ қилинади. Ушбу ададлар масдар бўлмагани учун тартибий адад унга мажбурий равишда қиёс қилинади.

3. Мураккаб тартибий худди аслийдек бўлади ва унинг иккала қисми фатҳага мабний бўлади.

هَذِهِ هِيَ الصَّفْحَةُ الأُوْلَى

***Маъноси:***
**Бу биринчи бетдир.**

هَذِهِ – исми ишора, касрага мабний, рафъ ўрнида, мубтадо.

هِيَ – фасл замири, эъробда ўрни йўқ.

الصَّفْحَةُ – хабар, замма ила марфуъ.

الأُوْلَى – الصَّفْحَةُга наът, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

كُتِبَتِ الرِّسَالَةُ الثَّالِثَةَ عَشْرَةَ

*Маъноси:*
**Ўн учинчи хат ёзилди.**

كُتِبَتِ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний, ت муаннаслик белгиси.

الرِّسَالَةُ – ноиб фоил, замма ила марфуъ.

الثَّالِثَةَ عَشْرَةَ – мураккаб тартибий исми адад, фатҳага мабний, рафъ ўрнида бўлиб, наът.

وَصَلَ الْمُشْتَرِكُ الْخَامِسُ وَ العِشْرُونَ

*Маъноси:*
**Иштирокчи йигирма бешинчи бўлиб етиб келди.**

وَصَلَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمُشْتَرِكُ – фоил, замма ила марфуъ.

الْخَامِسُ – الْمُشْتَرِكُга наът бўлиб, унга рафъликда тобеъ.

وَ العِشْرُونَ – و атф ҳарфи, العِشْرُونَ исми الْخَامِسُга маътуф, жамъи музаккари солимга мулҳақ бўлгани учун و ила марфуъ.

## 12
## ИСМИ АЛАМ МУФРАД

تَلَقَّى أَسْعَدُ هَدِيَّةً غَالِيَةً مِنْ إِبْرَاهِيمَ

***Маъноси:***
**Асад Иброҳимдан қимматбаҳо ҳадя олди.**

تَلَقَّى – маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний.

أَسْعَدُ – фоил, замма ила марфуъ, сарфдан манъ қилингани, яъни ғойри мунсариф бўлгани учун танвин олмаган.

هَدِيَّةً – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

غَالِيَةً – هَدِيَّةًга наът, унга насбда тобеъ.

مِنْ – تَلَقَّىга мутаъаллиқ бўлган ҳарфи жор.

إِبْرَاهِيمَ – ғойри мунсариф бўлгани учун касранинг ўрнига фатҳа ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

Алами муфрадга тегишли қоидалар;

1. Музоф бўлмайди. 2 Таъриф алиф ломини қабул қилмайди. 3. Накра унга сифат бўлмайди. 4. Гапда мубтадо бўлиб кела олади. 5. Ундан кейин келган накра ҳол бўлиб, насб қилинади. 6. Ўзида маълум шартлар бўлса сарфдан манъ қилинади яъни, ғойри мунсариф бўлади.

خَالِدٌ شُجَاعٌ

***Маъноси:***
**Холид шижоатлидир.**

خَالِدٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

شُجَاعٌ – хабар, замма ила марфуъ.

شُوهِدَ سَمِيرٌ حَامِلاً كُتُبَهُ

***Маъноси:***
**Самирни китобларини кўтариб олган ҳолда кўришди.**

شُوهِدَ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний.

سَمِيرٌ – фоил, замма ила марфуъ.

حَامِلاً – ҳол, фатҳа ила мансуб.

كُتُبَهُ – исми фоил бўлган حَامِلاًга мафъулун биҳдир, фатҳа ила мансуб, ه замир бўлиб, музофун илайҳ.

يَحُدُّ مِصْرَ شَمَالاً البَحْرُ الأَبْيَضُ الْمُتَوَسِّطُ

***Маъноси:***
**Шимолдан ўрта ер денгизи Мисрга чегарадошдир.**

يَحُدُّ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

مِصْرَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

شَمَالاً – зарфи макон мафъулун фийҳ, фатҳа ила мансуб бўлиб, يَحُدُّга мутаъаллиқ.

البَحْرُ – фоил, замма ила марфуъ.

الأَبْيَضُ – البَحْرُга наът, рафъда унга тобеъ.

الْمُتَوَسِّطُ – البَحْرُга иккинчи наът, рафъда унга тобеъ.

# МУРАККАБ ИСМИ АЛАМ

صَادَفْتُ عَبْدَ اللهِ أَمَامَ النَبْعِ

***Маъноси:***
**Абдуллоҳни булоқ олдида учратдим.**

صَادَفْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

عَبْدَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

اللهِ – лафзи жалола, музофун илайҳ, касра ила мажрур.

أَمَامَ – зарфи макон мафъулун фийҳ, фатҳага мабний, صَادَفْتُга мутаъаллиқ, музоф.

النَبْعِ – касра ила мажур, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

Мураккаб исми алам қуйидагиларга бўлинади:

1. Изофий мураккаб (музоф, музофун илайҳ), биринчи қисми ўз ўрнига қараб эъробланади. Иккинчиси эса изофа сабабидан мажрур бўлади.
2. Аралашган мураккаб (бир калима). Биринчи қисми фатҳага мабний, иккинчи қисми ўз ўрнига қараб эъробланади ва сарфдан манъ бўлади.
3. Иснодий мураккаб ( муснад, муснадун илайҳ). Биринчи қисми ўз охирига мабний, иккинчи қисми ҳам ўз охирига мабнийдир.

بَعْلَبَكُّ بَعْلُ البِقَاعِ أَوْ مَدِينَةُ الشَّمْسِ

***Маъноси:***
**Баълабакка бу макон эгаси ёки қуёш шаҳри.**

بَعْلَبَكُّ – мубтадо, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

بَعْلُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

البِقَاعِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

أَوْ – атф ҳарфи.

مَدِينَةُ – بَعْلُга маътуф, рафъда унга тобеъ, музоф.

الشَّمْسِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

تَشَاجَرْتُ مَعَ فَتَحَ اللهُ

***Маъноси:***
**ФатаҳАЛЛОҲУ билан тортишдим.**

تَشَاجَرْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида, фоил.

مَعَ – зарфи макон мафъулун фийҳ, фатҳа ила мансуб, تَشَاجَرْتُга мутаъаллиқ бўлиб, музоф.

فَتَحَ اللهُ – музофун илайҳ, тақдир қилинган касра ила мажрур, исноди мураккаб алам бўлгани учун ҳикоя ҳаракати касрани зоҳир бўлишидан тўсган.

## 14
## ИСМИ ФЕЪЛ – УНИНГ ТАРКИБИ

سُرْعَانَ مَا يَأْكُلُ النَّاسُ الْمَالَ

***Маъноси:***

**Инсонлар мол мулкни қанчалар ҳам тез ишлатиб юборадилар.**

سُرْعَانَ – أَسْرَعَ маъносидаги мозий феъли, фатҳага мабний.

مَا – ҳарфи масдарий.

يَأْكُلُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

النَّاسُ – фоил, замма ила марфуъ.

الْمَالَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

يَأْكُلُ – жумласи рафъ ўрнида бўлиб, исми феълнинг фоилидир.

## ҚОИДАЛАР

1. Исми феъл ўз таркибида ё замонга ёки сийғага таъаллуқли турли хил кўринишларда келади.

2. Замонда мозий ёки музореъ ёки амр маъносида келади.

3. Сийғада уч хил кўринишда бўлади:

1. فِعَالِ вазнида қиёсий бўлади.

2. ҳарфи жор ёки ҳарфи танбеҳ ёки зарф ёки масдардан нақл қилинган бўлади.

3. муртажал исм бу бошқа исмдан иштиқоқ қилинмаган балки айни бўлган исм. Бунга исми совт (овоз ва товушларнинг исми) киради.

هَلُمَّ أَيُّهَا العَبْدُ

***Маъноси:***

**Эй қул, бери кел.**

هَلُمَّ – амр исм феъли, фатҳага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

أَيُّهَا – мунодо, заммага мабний бўлиб насб ўрнида, هَا ҳарфи танбеҳ.

العَبْدُ – أَيُّдан бадал унга тобеъ, лафзан марфуъ, маҳаллан мансуб.

أُفٍّ مِنْ مَلَلٍ أَوْ كَربٍ

***Маъноси:***

**Малоллик ёки ғамдан чарчадим.**

أُفٍّ – музореъ исми феъл (бирор ишга иштиёқи йўқлигини билдириш учу ишлатилади), касрага мабний, фоили أَنَا мустатир замири.

مِنْ – ҳарфи жор, أُفٍّга мутаъаллиқ.

مَلَلٍ – касра ила мажрур.

أَوْ – ҳарфи атф.

كَربٍ – مَلَلٍга маътуф, унга жорликда тобеъ.

إِلَيْكَ عَنِّي

***Маъноси:***

**Мендан узоқроқ бўл.**

إِلَيْكَ – амр исми феъли, фатҳага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

عَنِّي – عَنْ ҳарфи жор, إِلَيْكَга мутаъаллиқ ي замир, жор ўрнида.

## 15
## ИСМИ ФЕЪЛ – ВА УНИНГ АМАЛИ

**هَيْهَاتَ صَدِيقٌ أَمِينٌ لا يَغْدُرُ**

***Маъноси:***

**Омонатдор дўстнинг хиёнат қилиши мумкин эмас.**

هَيْهَاتَ – мозий исми феъл (воқеъ бўлиши деярли мумкин бўлмаган ишга нисбатан ишлатилади), фатҳага мабний.

صَدِيقٌ – исми феълнинг фоили, замма ила марфуъ.

أَمِينٌ – صَدِيقٌга наът, унга рафъда тобеъ.

لا – нафий ҳарфи.

يَغْدُرُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири, يَغْدُرُ жумласи рафъ ўрнида صَدِيقٌга наът.

## ҚОИДАЛАР

1. Исми феъл лозим бўлса фақатгина рафъ ҳолатида бўлиб, фоили ёки исми зоҳир ёки мустатир замир бўлади. Мутаъаддий бўлса фоилни рафъ, мафъулни насб қилади. Агар феъл ҳарфи жор ила мутаъаддий бўлса исми феъл ҳам шу ҳарф ила мутаъаддий бўлади.

2. Маъмули ва унинг орасини ажратиш жоиз эмас, маъмули гапда ундан олдин келмайди.

3. Исми феъл доимо ҳаракатга ё сукунга мабнийдир, унинг эъробда ўрни йўқ.

بَلْهَ الكَذِبَ وَالنِّفَاقَ

***Маъноси:***
**Ёлғон ва нифоқни тарк эт.**

بَلْهَ – амр исми феъли, фатҳага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

الكَذِبَ – исми фоилга мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

وَالنِّفَاقَ – و ҳарфи атф, النِّفَاق сўзи الكَذِبга маътуф бўлиб, унга насбда тобеъ.

صَهْ تَتَعَلَّمْ

***Маъноси:***
**Жимсанг, ўрганасан.**

صَهْ – амр исми феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

تَتَعَلَّمْ – мажзум музореъ феълидир, чунки у талабнинг жавоби бўлиб, жазм аломати сукундир, фоили أَنْتَ мустатир замири.

قَدْكَ عَمَلٌ شَاقٌّ

***Маъноси:***

**Сенга оғир иш кифоя қилади.**

قَدْكَ – музореъ исм феъли, сукунга мабний ك замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

عَمَلٌ – исми фоил фоили, замма ила марфуъ.

شَاقٌّ –عَمَلга наът, рафъда унга тобеъ.

## 16
## ИСМИ ФОИЛ – СИЙҒАСИ

يُسَمَّى الْمُتَأَخِّرُ تَابِعًا وَالْمُتَقَدِّمُ مَتْبُوعًا

*Маъноси:*

**Ортда қолувчи эргашувчи, олдинда бораётган эргашилаётган, деб номланади.**

يُسَمَّى – мажҳул музореъ феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

الْمُتَأَخِّرُ – ноиб фоил, замма ила марфуъ.

تَابِعًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

وَالْمُتَقَدِّمُ – و ҳарфи атф, الْمُتَقَدِّمُ сўзи الْمُتَأَخِّرُга маътуф, унга насбда тобеъ.

مَتْبُوعًا – تَابِعًاга маътуф, унга насбда тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

1. Исми фоил мужаррад сулосий маълум мозий феълидан فَاعِلٌ вазнида олинади.

2. Сулосийдан бошқада маълум музореъ феълидан ҳарфи музороаътни заммалик “мим”га алмаштириб, охиридан битта олдинги ҳарфни касралик қилиб олинади: يُكْرِمُ - مُكْرِمٌ

3. Исми фоил ва исми мафъул икки сийғада فَعُولٌ، فَعِيلٌ муштаракдирлар.

كِتَابُ الْمُعَلِّمِ أَفْضَلُ دَلِيلٍ

***Маъноси*:**
**Муаллимнинг китоби энг афзал далил.**

كِتَابُ – мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

الْمُعَلِّمِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

أَفْضَلُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

دَلِيلٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

أَيُّهَا الْمُتَسَلِّطُ عَلَى العَرْشِ! اِسْمَعْ . . .

***Маъноси:***
**Эй тахтдаги ҳукмдор: эшит. . .**

أَيُّهَا – أَيُّ мунодо, заммага мабний, насб ўрнида, هَا ҳарфи танбеҳ.

الْمُتَسَلِّطُ – أَيُّга наът, унга тобеъ, лафзан марфуъ, маҳаллан мансуб.

عَلَى – الْمُتَسَلِّطُга мутаъаллиқ ҳарфи жор.

العَرْشِ – касра ила мажрур.

اِسْمَعْ – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

كَانَ الْحَاكِمُ صَبُورًا وَفَهِيمًا

***Маъноси:***
**Ҳоким ўта сабрли ва ўта фаҳмли эди.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

الْحَاكِمُ – كَانَнинг исми, замма ила марфуъ.

صَبُورًا – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

وَفَهِيمًا – و ҳарфи атф, فَهِيمًا сўзи صَبُورًاга маътуф бўлиб, унга насбда тобеъ.

## 17
## ИСМИ ФОИЛ – АМАЛИ

هَذَا تِلْمِيذٌ مُقَدِّرٌ أُسْتَاذُهُ اِجْتِهَادَهُ

***Маъноси:***
**Бу ўқувчининг тиришқоқлигини устози қадрлайди.**

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида бўлиб мубтадо.

تِلْمِيذٌ – хабар, замма ила марфуъ.

مُقَدِّرٌ – تِلْمِيذٌга наът, рафъда унга тобеъ.

أُسْتَاذُهُ – исми фоилга фоил, замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

اِجْتِهَادَهُ – исми фоилга мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, ه замир, музофун илайҳ.

# ҚОИДАЛАР

1. Исми фоил икки навъдир:

Лафзий ва маҳаллий.

Унинг тўрт ҳолати бор: “Алиф ломдан ҳоли, алиф ломга макрун, музоф, музоф бўлмаган ҳолатлари”.

Агар лозим бўлса фоилни лафзан рафъ қилади, маҳаллан изофа ила жор қилади. Агар мутаъаддий бўлса мафъулун биҳни насб қилади, маҳаллан изофа ила жор қилади.

2. Мафъул мажрур бўлганда лафзини риоя этган ҳолда, жор қилса жоиз ёки маҳаллини риоя қилиб насб қилса ҳам жоиз.

جَاءَ القَائِدُ الفَاتِحُ البَلَدَ

***Маъноси:***

**Шаҳарнинг фотиҳи саркарда келди.**

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

القَائِدُ – фоил, замма ила марфуъ.

الفَاتِحُ – القَائِدُга наът, унга рафъда тобеъ.

البَلَدَ – исми фоилга мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

هُوَ حِصَانٌ آكِلٌ تِبْنًا

***Маъноси:***

**У сомон ейдиган от.**

هُوَ – замири мунфасил, фатҳага мабний, рафъ ўрнида бўлиб, мубтадо.

حِصَانٌ – хабар, замма ила марфуъ.

آكِلٌ – حِصَانٌга наът, унга рафъда тобеъ.

تِبْنًا – исми фоилга мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

إِنَّهُ مُبْتَغِي جَاهٍ وَمَالٍ (وَمَالاً)

*Маъноси:*

**У мансаб ва мол истовчидир.**

إِنَّهُ – إِنَّ феълга ўхшаш ҳарф, ه замир, насб ўрнида, إِنَّнинг исми.

مُبْتَغِي – إِنَّнинг хабари, талаффузга оғирлиги сабабли يга тақдир қилинган замма ила марфуъ, музоф.

جَاهٍ – музофун илайҳ, лафзан касра ила мажрур, ўрнига кўра мафъулун биҳ.

وَمَالٍ – و атф ҳарфи, مَالٍ сўзи جَاهٍга маътуф, унга жорда тобеъ.

(مَالاً – جَاهٍга маътуф, унга маҳаллан насбда тобеъ).

## 18
## ИСМИ МУЖАРРАД ВА ИСМИ МАЗИЙД

السَّفَرْجَلُ شَجَرٌ مُثْمِرٌ مِنَ الفَصِيلَةِ الوَرْدِيَّةِ

*Маъноси:*

**Беҳи бу гулликлар оиласига мансуб мевали дарахт.**

السَّفَرْجَلُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

شَجَرٌ – хабар, замма ила марфуъ.

مُثْمِرٌ – شَجَرٌга наът, рафъда унга тобеъ.

مِنَ – ҳарфи жор, شَجَرٌга мутаъаллиқ.

الفَصِيلَةِ – касра ила мажрур.

الوَرِدِيَّةِ – الفَصِيلَةِга наът, унга жорда тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Мўъраб ёки мутамаккин исм иккига бўлинади:

1. Мужаррад: “Асоси учта ёки тўртта ёки бешта ҳарфлардан таркиб топади. Учтадан кам ҳарф бўлса бирор ҳарфи маҳзуф қилинган бўлади. Бештадан ошиқ ҳарфи бўлса унга ҳарф қўшилган бўлади.

2. Мазийд: “Аслидан зиёда ҳарфлари биттадан тўрттагача бўлади, у исмнинг ҳарфлари еттитадан ошмайди”.

* Зиёда икки хил бўлади:

1. Лафзни سَأَلْتُمُونِيهَا ҳарфлари билан зиёда қилиш ила:

2. Калиманинг ҳарфларидан бирор калимани иккилантириш ила: مُكَرَّمٌ – كَرَمٌ.

إِنَّ الطَّرْبُوشَ مَصْبُوغٌ بِالقِرْمِزِ

***Маъноси:***
**Дўппи қизил рангга бўялган.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

الطَّرْبُوشَ – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

مَصْبُوغٌ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

بِالقِرْمِزِ – ب ҳарфи жор, مَصْبُوغٌга мутаъаллиқ, القِرْمِزِ касра ила мажрур.

الْمَلَكُوتُ عَالَمُ الغَيْبِ الْمُخْتَصُّ بِالأَرْوَاحِ وَالنُّفُوسِ وَالعَجَائِبِ

*Маъноси:*

**Малакут бу руҳлар, нафслар, ажойиботлар ила хос бўлган ғайб оламидир.**

الْمَلَكُوتُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

عَالَمُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

الغَيْبِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

الْمُخْتَصّ – عَالَمُга наът, рафъда унга тобеъ.

بِالأَرْوَاحِ – ب ҳарфи жор, المخْتَصّга мутаъаллик, الأَرْوَاحِ касра ила мажрур.

وَالنُّفُوسِ – و атф ҳарфи, النُّفُوسِ га маътуф, الأَرْوَاحِ унга жорда тобеъ.

وَالعَجَائِبِ – و атф ҳарфи, الأَرْوَاحِ сўзи العَجَائِبِга маътуф, унга жорда тобеъ.

## 19
## ИСМИ МАФЪУЛ – СИЙҒАСИ

إِنَّهُ هُوَ الْمَقْصُودُ بِالوَصْفِ

*Маъноси:*

**Албатта у васф ила мақсад қилингандир.**

إِنَّهُ – إِنَّ феълга ўхшатилган ҳарф, ه замир, насб ўрнида.

هُوَ – фасл замири, эъробда ўрни йўқ.

الْمَقْصُودُ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

بِالوَصْفِ – ب ҳарфи жор, الْمَقْصُودُга мутаъаллик, الوَصْفِ касра ила мажрур.

# ҚОИДАЛАР

1. Исми мафъул мажҳул мужаррад сулосий мозий феълидан مَفْعُولٌ вазнида олинади. Сулосийдан бошқада мажҳул музореъ вазнида музороаът ҳарфини заммалик “мим”га алмаштириш ила олинади: مُتَعَلَّمٌ – يَتَعَلَّمُ каби.

2. Ўзи ёки восита ила таъаддий қилувчи феълдангина ясалади.

حَضَرَ الْمَلِكُ الْمُعَظَّمُ

***Маъноси:***
**Улуғланган подшоҳ келди.**

حَضَرَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمَلِكُ – фоил, замма ила марфуъ.

الْمُعَظَّمُ – الْمَلِكُга наът, рафъда унга тобеъ.

كَانَ القَانُونُ مُحْتَرَمًا وَ مَعْمُولاً بِهِ

***Маъноси:***
**Қонун эҳтиром қилинган ва амал қилинилгандир.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

القَانُونُ – كَانَнинг исми, замма ила марфуъ.

مُحْتَرَمًا – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

وَ مَعْمُولاً – و атф ҳарфи, مُحْتَرَمًا сўзи مَعْمُولاًга маътуф, насбда унга тобеъ.

بِهِ – ب ҳарфи жор, مَعْمُولاًга мутаъаллиқ, ه замир, жор ўрнида.

الْحَجَرُ الْمُتَدَحْرِجُ يُشَكِّلُ خَطَرًا

***Маъноси:***
**Думалаб тушаётган тош хавф келтириб чиқаради.**

الْحَجَرُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

الْمُتَدَحْرِجُ – الْحَجَرُга наът, рафъда унга тобеъ.

يُشَكِّلُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири.

خَطَرًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

يُشَكِّلُ жумласи рафъ ўрнида бўлиб, мубтадонинг хабари.

## 20
## ИСМИ МАФЪУЛ – АМАЛИ

هَلْ مُعْطًى العَامِلُ [...] أَجْرَهُ

***Маъноси:***
**Ишчининг ҳаққи берилганми?**

هَلْ – ҳарфи истифҳом.

مُعْطًى – мубтадо ёки хабари муқаддам, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

العَامِلُ – исми мафъулга ноиби фоил, замма ила марфуъ, хабар ўрнини эгаллаган ёки мубтадо муаххар.

أَجْرَهُ – исми мафъулга мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, ه замир, музофун илайҳ.

# ҚОИДАЛАР

* Исми мафъул мажҳул феълнинг амалини қилади. У ноиби фоилни рафъ қилади, мафъулун биҳни насб қилади.

* Амали икки хил бўлади:

Лафзий ва маҳаллий.

1. Агар алиф лом ёки унга мақрун бўлгандан ҳоли бўлиб музоф бўлмаса, ноиби фоилни рафъ қилади.

2. Агар алиф лом ёки унга мақрун бўлгандан ҳоли бўлиб, музоф бўлса музофун илайҳни жор қилади, ўрнига кўра эса фоил бўлади.

هَذَا رِيَاضِيٌّ مَحْمُودٌ خُلُقُهُ

***Маъноси:***

**Бу хулқи мақталган спортчи.**

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида, мубтадо.

رِيَاضِيٌّ – хабар, замма ила марфуъ.

مَحْمُودٌ – رِيَاضِيٌّга наът, рафъда унга тобеъ.

خُلُقُهُ – исми мафъулга ноиби фоил, замма ила марфуъ, هـ замир, музофун илайҳ.

فَازَ الرِّيَاضِيُّ الْمَحْمُودُ الْخُلُقِ

***Маъноси:***

**Хулқи мақталган спортчи ғалаба қозонди.**

فَازَ – феъли мозий маълум, фатҳага мабний.

الرِّيَاضِيُّ – фоил, замма ила марфуъ.

الْمَحْمُودُ – الرِّيَاضِيُّ сўзига рафъда тобеъ, музофдир.

الْخُلُقِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, ўринга кўра ноиби фоил.

السَّيَّارَةُ مَمْنُوعٌ دُخُولُهَا إِلَى الْمَدْرَسَةِ

*Маъноси:*
**Машинанинг мадрасага кириши таъқиқланган.**

السَّيَّارَةُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

مَمْنُوعٌ – хабар, замма ила марфуъ.

دُخُولُهَا – исми мафъулга нoиби фоил, замма ила марфуъ, هـ замир, музофун илайҳ.

إِلَى – ҳарфи жор, دُخُولُهَا га мутаъалиқ.

الْمَدْرَسَةِ – касра ила мажрур.

## 21
## ИСМИ МАҚСУР – МАНҚУС – МАМДУД

هَذَا فَتًى يَسِيرُ عَلَى هُدًى

*Маъноси:*
**Бу ёш йигит тўғри йўлда юрибди.**

هَذَا – исми ишора сукунга мабний, рафъ ўрнида бўлиб, мубтадо.

فَتًى – хабар, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

يَسِيرُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири, يَسِيرُ жумласи рафъ ўрнида бўлиб, فَتًى га наът.

عَلَى – ҳарфи жор, يَسِيرُ га мутаъаллиқ.

هُدًى – узр сабабли алифга тақдир қилинган касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

1. **Мақсур**: “Эъроб аломатлари узр сабабли калиманинг охирига тақдир қилиб яширилади. Сарфдан манъ бўлмаса, яъни ғойри мунсариф бўлмаса, эъробдаги ўрни қандай бўлмасин икки фатҳа ила танвинланади.
2. **Манқус**: “Накра يси рафъ ва жорда ҳазф қилинади, насбда зоҳир қилинади. Талаффузга оғир бўлгани учун калиманинг охирида замма ва касра тақдир қилинади, фатҳа енгиллиги сабабидан зоҳир қилинади.
3. **Мамдуд**: “Эъроб аломатлари рафъда, насбда, жорда комил ҳолатда кўринади, фақат сарфдан манъ бўлганида замма ила рафъ қилинади, касра ила насб ва жор қилинади.

أَنْتَ هَادٍ لِكُلِّ عَاصٍ وَ لَوْ كَانَ عَاتِيًا

***Маъноси:***

**Сен ҳар бир осийни агар у қайсар бўлса ҳам ҳидоят қилгувчисан.**

أَنْتَ – мунфасил замир, фатҳага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

هَادٍ – хабар, талаффузга оғирлиги сабабли маҳзуф يга тақдир қилинган, замма ила марфуъ.

لِكُلِّ – لِ ҳарфи жор, أَهَاءٍга мутаъаллиқ, كُلِّ касра ила мажрур, музоф.

عَاصٍ – музофун илайҳ, талаффузга оғирлиги сабабли маҳзуф يга тақдир қилинган касра ила мажрур.

وَلَوْ – و истинофия ҳарфи, لَوْ шарт ҳарфи.

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний, фоили рафъ ўрнида бўлган هُوَ мустатир замири.

عَاتِيًا – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

مَرَرْتُ بِمَرْجَةٍ خَضْرَاءَ

***Маъноси:***
**Яшил яйловдан ўтдим.**

مَرَرْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

بِمَرْجَةٍ – ب ҳарфи жор مَرَرْتُга мутаъаллиқ, مَرْجَةٍ касра ила мажрур.

خَضْرَاءَ – مَرْجَةٍга наът, сарфдан манъ бўлгани учун касранинг ўрнига фатҳа ила мажрур.

## 22
## ИСМИ МАКОН

أَقَامَ الرَّسَّامُ مَعْرِضًا لِلَوْحَاتِهِ

***Маъноси:***
**Рассом ўз расмлари учун кўргазма уйуштирди.**

أَقَامَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الرَّسَّامُ – фоил, замма ила марфуъ.

مَعْرِضًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

لِلَوْحَاتِهِ – ل ҳарфи жор, مَعْرِضًاга мутаъаллиқ, لَوْحَاتِ касра ила мажрур ه замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Исми макон сулосий феълдан қуйидаги йўллар билан олинади.

1. Музореъда ع заммалик ёки фатҳалик бўлса ёки охири касал ҳарф бўлса مَفْعَل вазнида.

2. Музореъда ъайни касралик бўлса ёки калиманинг فси касал бўлса مَفْعِل вазнида.

3. ع ни алиф бўлса مَفَال مَفِيل вазнларида.

Сулосийдан бошқада ундан олинадиган исми мафъул вазнида олинади.

* Исми макон ўз феълининг амалини қилмайди, фоилни ёки ноиби фоилни рафъ қилмайди, мафъулун биҳни насб қилмайди.

إِنَّ مَجْلِسَ النُّوَّابِ يَقَعُ فِي سَاحَةِ النَّجْمَةِ

***Маъноси:***

**Ноибларнинг мажлиси “юлдуз майдони”да бўлиб ўтади.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

مَجْلِسَ – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб, музоф.

النُّوَّابِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

يَقَعُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири, يَقَعُ жумласи рафъ ўрнида бўлиб, إِنَّнинг хабари.

فِي – ҳарфи жор, يَقَعُга мутаъаллиқ.

سَاحَةِ – касра ила мажрур, музоф.

النَّجْمَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

الْمُجْتَمَعُ البَشَرِيُّ مُخْتَبَرٌ كَبِيرٌ وَمُعْتَرَكٌ يَوْمِيٌّ

*Маъноси:*

**Инсоният жамияти катта лаборатория ва ҳар кунлик жанг майдонидир.**

الْمُجْتَمَعُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

البَشَرِيُّ – الْمُجْتَمَعُга наът, рафъда унга тобеъ.

مُخْتَبَرٌ – хабар, замма ила марфуъ.

كَبِيرٌ – مُخْتَبَرٌга наът, рафъда унга тобеъ.

وَ مُعْتَرَكٌ – وَ атф ҳарфи, مُعْتَرَكٌ مُخْتَبَرٌга маътуф, унга рафъда тобеъ.

يَوْمِيٌّ – مُعْتَرَكٌга наът, рафъда унга тобеъ.

## 23
## САРФДАН МАНЪ ЭТИЛГАН ИСМ (1)
## (Ғойри мунсариф)

زَارَ عُثْمَانُ وَأَحْمَدُ مَكْتَبَ عُمَرَ

*Маъноси:*

**Усмон ва Аҳмад Умарнинг мактабасига зиёратга боришди.**

زَارَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

عُثْمَانُ – фоил, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

وَ أَحْمَدُ – و ҳарфи атф, عُثْمَانُ сўзи أَحْمَدُга маътуф, унга рафъда тобеъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

مَكْتَبَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

عُمَرَ – музофун илайҳ, сарфдан манъ учун касра ўрнига фатҳа ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Сарфдан манъ исмга танвин ва касра кирмайди, фатҳа жор аломати бўлади.

* Алам исм қуйидаги ҳолатларда сарфдан манъ бўлади:

1. Зоида “алиф” ва “нун” ила тугаган бўлса.
2. Феъл вазнида бўлса.
3. Таркиб жиҳатидан мураккаб  мазжий (аралаш) бўлса.
4. Лафзан ёки маънан муаннас бўлса.
5. Уч ҳарфдан зиёда ажамий исм бўлса.
6. فُعَلُ вазнида феълдан олинган бўлса.

دُهِشَ مُعَاوِيَةُ عِنْدَمَا رَأَى قَوْسَ قُزَحَ

*Маъноси:*

**Муовия камалакни кўрганда даҳшатга тушди.**

دُهِشَ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний.

مُعَاوِيَةُ – ноиби фоил, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

عِنْدَمَا – зарфи замон, сукунга мабний, насб ўрнида бўлиб, мафъулун фийҳ, دُهِشَга мутаъаллиқ, مَا масдарий ҳарф.

رَأَى – маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири. رَأَى жумласи масдар ўрнида бўлиб музофун илайҳдир.

قَوْسَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

قُزَحَ – музофун илайҳ, сарфдан манъ бўлгани учун касра ўрнига фатҳа ила мажрур.

إِنَّ يَعْقُوبَ مُقِيمٌ فِي بَيْرُوتَ

***Маъноси:***
**Албатта Ёқуб Байрутда туради.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

يَعْقُوبَ – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

مُقِيمٌ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, مُقِيمٌга мутаъаллиқ.

بَيْرُوتَ – сарфдан манъ бўлгани учун касра ўрнига фатҳа ила мажрур.

## 24
## САРФДАН МАНЪ ИСМ (2)

لا تُعَاقِبْ [...] وَ أَنْتَ غَضْبَانُ

***Маъноси:***
**Ғазабланган ҳолингда жазолама.**

لا – жазм қилувчи наҳий ҳарфи

تُعَاقِبْ – маълум музореъ феъли, لا ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

وَ أَنْتَ – و ҳарфи атф, أَنْتَ мунфасил замири фатҳага мабний, рафъ ўрнида бўлиб, мубтадо.

غَضْبَانُ – хабар, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган. وَأَنْتَ غَضْبَانُ жумласи насб ўрнида бўлиб, ҳол.

## ҚОИДАЛАР

* Муфрад сифат қуйидаги икки ҳолатда сарфдан манъ бўлади.

1. Муаннаси فَعْلاَء вазнида бўлган أَفْعَل вазнида келса. Муаннаси فَعْلَى вазнида бўлган فَعْلاَن вазнида келса.

2. Бошқа лафздан олинган бўлса.

Жамъларнинг интиҳоси مَفَاعِيل، مَفَاعِل вазнларида келиб, улар ҳам сарфдан манъ этилгандир.

Мақсур ва мамдуд исмларнинг охирида, ўша исмнинг икки асл ҳарфдан сўнг алифи мақсура келса ёки икки асл ҳарф ва алифдан сўнг алифи мамдуда келса сарфдан манъ бўлади.

وُضِعَ الزَّيْتُ فِي فَوَانِيسَ كَبِيرَةٍ

***Маъноси:***

**Зайтун ёғи катта чироқларга солинади.**

وُضِعَ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний.

الزَّيْتُ – ноиби фоил, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, وُضِعَга мутаъаллиқ.

فَوَانِيسَ – сарфдан манъ бўлгани учун касранинг ўрнига фатҳа ила мажрур.

كَبِيرَةٍ – فَوَانِيسَга наът, касра ила мажрур.

لِي أَصْدِقَاءُ مَرْضَى فِي الْمُسْتَشْفَى

***Маъноси:***
**Шифохонада касал бўлиб ётган дўстларим бор.**

لِي – ل ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ, ي замир, музофун илайҳ.

أَصْدِقَاءُ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

مَرْضَى – أَصْدِقَاءُга наът, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ.

الْمُسْتَشْفَى – узр сабабли алифга тақдир қилинган касра ила мажрур.

## 25
## ИСМИ МУНСАРИФ

عَدُوٌّ صَادِقٌ خَيْرٌ مِنْ حَلِيفٍ كَاذِبٍ

***Маъноси:***
**Ростгўй душман ёлғончи иттифоқдошдан яхшидир.**

عَدُوٌّ – мубтадо, замма ила марфуъ.

صَادِقٌ – عَدُوٌّга наът, рафъда унга тобеъ.

خَيْرٌ – хабар, замма ила марфуъ.

مِنْ – ҳарфи жор, خَيْرٌга мутаъаллиқ.

حَلِيفٍ – касра ила мажрур.

كَاذِبٍ – حَلِيفٍга наът, жорда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Мунсариф мўъраб исм танвин қабул қилади ва охирида эъроб аломатларининг барчаси кўринади.

* Мунсариф исмлар қуйидагилар: “Масдар, исми фоил, исми мафъул, сифати мушаббаҳа, муболаға мисоллари, исми тафзил, исми макон, исми замон, исми олат, исми жинс, исми алам, асмои хомса, баъзи ададлар, баъзи киноялар ва баъзи зарфлар”.

كَانُوا رِجَالاً ثَلاَثَةً

***Маъноси:***
**Уч киши эдилар.**

كَانُوا – ноқис мозий феъли, жамъ وига ёпишгани учун заммага мабний, و замир рафъ ўрнида كَانнинг исми.

رِجَالاً – كَانнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

ثَلاَثَةً – رِجَالاًга наът, унга насбда тобеъ.

حَانَ الْمَوْعِدُ الْمَضْرُوبُ

*Маъноси:*
**Белгиланган муддат келди.**

حَانَ – маълум музореъ феъли, фатҳага мабний.

الْمَوْعِدُ – фоил, замма ила марфуъ.

الْمَضْرُوبُ – الْمَوْعِدُга наът, унга рафъда тобеъ.

زَارَنَا فُلاَنٌ

*Маъноси:*
**Фалончи бизни зиёрат қилди.**

زَارَنَا – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, نَا замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

فُلاَنٌ – фоил, замма ила марфуъ.

العِلْمُ نُورٌ

*Маъноси:*
**Илм нурдир.**

العِلْمُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

نُورٌ – хабар, замма ила марфуъ.

## 26
## ИСМИ МАВСУЛ

أُحِبُّ [...] الَّذِينَ يَحْصُدُونَ الزَّرْعَ

*Маъноси:*

**Ҳосилни йиғиб олувчиларни яхши кўраман.**

أُحِبُّ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири.

الَّذِينَ – исми мавсул, фатҳага мабний, насб ўрнида, мафъулун биҳ.

يَحْصُدُونَ – маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун ن нинг собитлиги ила марфуъ, و замир, рафъ ўрнида фоил.

الزَّرْعَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

(يَحْصُدُونَ жумласи мавсулнинг силаси.)

## ҚОИДАЛАР

* Мавсул икки қисм:

1. Музаккар, муаннас, муфрад, мусанно, жамъларга хос бўлгани: الَّذِي، الَّذِينَ، اللَّذَانِ، اللاَّتِي каби.

2. Бир лафз ила муштарак бўлгани: ذُو، أَلْ، أَيُّ، ذَا، مَا، مَنْ каби.

* Барча мавсулалар қуйидагиларга мабний:

1. Муфрад ва жамъда ҳаракатга мабний.

2. Мусаннода ҳарфга мабний.

3. Фақатгина أَيُّ мўърабдир. Агар баъзи шартлар вужудга келса у ҳам мабнийдир.

* Мавсул силасининг шарти хабарий жумла ёки зарф ва ҳарфи жор ила шибҳи жумла бўлади. Эъробда унинг ўрни йўқдир.

يَسُرُّنِي أَيُّهُمْ هُوَ قَادِمٌ

***Маъноси:***

**Улардан қайси бири келса ҳам, мени хурсанд қилади.**

يَسُرُّنِي – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

أَيُّهُمْ – أَيُّ исми мавсул, фоил, замма ила марфуъ, هُمْ музофун илайҳ.

هُوَ – фатҳага мабний, мубтадо, рафъ ўрнида.

قَادِمٌ – хабар, замма ила марфуъ.

قَرَأْتُ مَا فِي الكِتَابِ

***Маъноси:***
**Китобдаги нарсани ўқидим.**

قَرَأْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

مَا – исми мавсул, сукунга мабний, насб ўрнида мафъулун биҳ.

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф феълга мутаъаллиқ.

الكِتَابِ – касра ила мажрур.

(فِي الكِتَابِ шибҳи жумласи мавсул силаси.)

## 27
## АСМОИ ХОМСА

اِسْتَمِعْ إِلَى نَصِيحَةِ أَبِيكَ

***Маъноси:***
**Отангнинг насиҳатига қулоқ сол.**

اِسْتَمِعْ – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

إِلَى – ҳарфи жор, اِسْتَمِعْга мутаъаллиқ.

نَصِيحَةِ – касра ила мажрур, музоф.

أَبِيكَ – музоф, асмои хомсадан бўлгани учун ي ила мажрур, ك музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

*Асмои хомсалар исми жинслар бўлиб, учинчи ҳарфи ҳазф қилинади ва икки ҳарфда келади.

أَبٌ، أَخٌ، حَمٌ، فُو، ذُو каби.

Асмои хомса "алиф" билан насб қилинади, "вов" билан рафъ қилинади, "ё" билан жор қилинади.

* Эъроб олиш шартлари:

1. Муфрад бўлиши.
2. "Ё" мутакаллим замиридан бошқа замирга музоф бўлиши.
3. Исмга музоф бўлиши.
4. "Алиф лом"дан ҳоли бўлиши.
5. Исми тасғир бўлмаслиги.

جَاءَ حَمُو الْجَارِ

***Маъноси:***
**Қўшнининг қайин отаси келди.**

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

حَمُو – фоил, асмои хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, музоф.

الْجَارِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

أَكْرِمْ ذَا الفَضْلِ

*Маъноси:*

**Фазл эгасини икром қил.**

أَكْرِمْ – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

ذَا – мафъулун биҳ, асмои хомсадан бўлгани учун “алиф” ила мансуб, музоф.

الفَضْلِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

فِي فِيهِ مَاءٌ

*Маъноси:*

**Оғзида сув бор.**

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф хабари муқаддамга мутаъаллиқ.

فِيهِ – асмои хомсадан бўлгани учун ي ила мажрур, ه музофун илайҳ.

مَاءٌ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ.

إِنَّ أُخَيَّكَ مُجْتَهِدٌ

*Маъноси:*

**Албатта укагинанг тиришқоқдир.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

أُخَيَّكَ – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб, ك музофун илайҳ.

مُجْتَهِدٌ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

## 28
## ИСМИЙЛИК – АЛОМАТЛАРИ

بِاسْمِ الشَّعْبِ اللُّبْنَانِيِّ أُعْلِنُ [...]

***Маъноси:***
**Ливан халқи номидан эълон қиламанки...**

بِاسْمِ – ب ҳарфи жор, أُعْلِنُга мутаъаллиқ, اسْمِ касра ила мажрур, музоф.

الشَّعْبِ – музофун илайҳ, мажрур.

اللُّبْنَانِيِّ – الشَّعْبِга наът, жорда унга тобеъ.

أُعْلِنُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири.

## ҚОИДАЛАР

* Исмийлик аломатлари бешта бўлиб, шулардан бирортаси келса калима исм эканига далолат қилади.

1. Мажрур калима наҳвий сабаблардан бир сабаб ила фақатгина исм бўлади.
2. Калималардан охирида икки замма, икки фатҳа, икки касра бўлишини тақозо қиладиганлари бўлиб, улар фақатгина исм бўлади.
3. Калима мунодо бўлса исм бўлади.
4. Калима “ алиф лом” ила бошланса исм бўлади.

5. Калима муснад илайҳ бўлса фақатгина исм бўлади.

أَتَى مُنِيرٌ

***Маъноси:***
**Мунир келди.**

أَتَى – маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний.

مُنِيرٌ – фоил, замма ила марфуъ.

يَا جَمِيلُ

***Маъноси:***
**Эй Жамил.**

يَا – нидо ҳарфи.

جَمِيلُ – мунодо, заммага мабний, насб ўрнида.

التِّلْمِيذُ الكَسْلاَنُ هُوَ الخُسْرَانُ

***Маъноси:***
**Дангаса ўқувчи зиён кўргандир.**

التِلْمِيذُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

الكَسْلاَنُ – التِلْمِيذُга наът, унга рафъда тобеъ.

هُوَ – фасл замири, эъробда ўрни йўқ.

الخُسْرَانُ – хабар, замма ила марфуъ.

سَمِيرٌ سَافَرَ

***Маъноси:***
**Самир сафар қилди.**

سَمِيرٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

سَافَرَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири, سَافَرَ жумласи рафъ ўрнида бўлиб, хабар.

## 29
## ИЗОФА

عَلَى قَدْرِ أَهْلِ الْعَزْمِ تَأْتِي الْعَزَائِمُ

***Маъноси:***
**Азм аҳлининг азми миқдорича азийматлар келур.**

عَلَى – ҳарфи жор, تَأْتِيга мутаъаллиқ.

قَدْرِ – касра ила мажрур, музоф.

أَهْلِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, музоф.

الْعَزْمِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

تَأْتِي – маълум музореъ феъли, талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

الْعَزَائِمُ – фоил, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Музофун илайҳ ўзидан олдин келувчи музоф деб номланувчи исм ила мажрур бўлиб, иккови бир исмдир.

* Музоф исм ёки сифат ёки зарф бўлади, музофун илайҳ исм ёки замир ёки жумла бўлади.

* Музофдан танвини ҳазф қилинганидек, мусанно ва жамъи музаккари солим бўлганда ن и ҳазф қилинади.

مُوَزِّعَا الْبَرِيدِ قَادِمَانِ

***Маъноси:***

**Икки почта тарқатувчи келувчидирлар.**

مُوَزِّعَا – мубтадо, мусанно бўлгани учун алиф ила марфуъ, музоф.

الْبَرِيدِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

قَادِمَانِ – хабар, мусанно бўлгани учун алиф ила марфуъ.

اِتَّصَلْتُ بِمُعَلِّمِي الرِّيَاضِيَّاتِ

***Маъноси:***

**Жисмоний тарбия устозлари ила боғландим.**

اِتَّصَلْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

بِمُعَلِّمِي – ب жор ҳарфи, اِتَّصَلْتُга мутаъаллиқ, مُعَلِّمِي жамъи музаккари солим бўлгани учун ي ила мажрур, музоф.

الرِّيَاضِيَّاتِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

وَقَفْتُ حِينَ أَقْبَلَ الْوَالِدُ

***Маъноси:***

**Ота келганида тўхтадим.**

وَقَفْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

حِينَ – зарфи замон, фатҳага мабний, насб ўрнида мафъулун фийҳ, وَقَفْتُга мутаъаллиқ, музоф.

أَقْبَلَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْوَالِدُ – фоил, замма ила марфуъ.

## 30
## ИСМИ ТАФЗИЛ – СИЙҒАСИ

اللِّيطَانِي هُوَ النَّهْرُ الأَطْوَلُ فِي لُبْنَانَ

***Маъноси:***
**Лийтони Ливандаги энг узун дарё.**

اللِّيطَانِي – мубтадо, талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

هُوَ – фасл замири, эъробда ўрни йўқ.

النَّهْرُ – хабар, замма ила марфуъ.

الأَطْوَلُ – النَّهْرُга наът, рафъда унга тобеъ.

فِي – ҳарфи жор, الأَطْوَلُга мутаъаллиқ.

لُبْنَانَ – сарфдан манъ бўлгани учун касра ўрнига фатҳа ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Исми тафзил мужаррад мозий феълидан أَفْعَلَ вазнида олинади. Унда қуйидаги нарсалар шарт қилинади.

1. Сулосий бўлиши.
2. Мутасарриф бўлиши.
3. Том (тугал бўлиши).
4. Маълум бўлиши.
5. Ортиқликни қабул қилиши.
6. Рангга ёки айбга ёки сифатга далолат қилмаслиги.

الأَرْضُ أَكْبَرُ مِنَ الْقَمَرِ

***Маъноси:***
**Ер ойдан каттадир.**

الأَرْضُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

أَكْبَرُ – хабар, замма ила марфуъ.

مِنَ – ҳарфи жор, أَكْبَرُга мутаъаллиқ.

الْقَمَرِ – касра ила мажрур, ўрнига кўра фоил.

كَانَ هَنِيبَعْلُ أَبْرَعَ مِنْ خَصْمِهِ

***Маъноси:***
**Ганнибал ўз душманидан кўра моҳирроқ эди.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

هَنِيبَعْلُ – كَانَнинг исми, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

أَبْرَعَ – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

مِنْ – ҳарфи жор, أَبْرَعَга мутаъаллиқ.

خَصْمِهِ – касра ила мажрур, ўрнига кўра фоил, هـ замир, музофун илайҳ.

إِنَّ أَصْدِقَاءَكَ أَصْدِقَاءُ أَفْضَلُونَ

***Маъноси:***

**Албатта дўстларинг энг афзал дўстлардир.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

أَصْدِقَاءَكَ – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб, ك замир, музофун илайҳ.

أَصْدِقَاءُ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

أَفْضَلُونَ – أَصْدِقَاءُга наът, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила марфуъ.

## 31

## ИСМИ ТАФЗИЛ – АМАЛИ

أَنْتَ يَا أَحْمَدُ، أَكْرَمُ النَّاسِ رَجُلاً

***Маъноси:***

**Сен эй Аҳмад, инсонларнинг энг карамлиларидан бўлган кишисан.**

أَنْتَ – мунфасил замир, фатҳага мабний, ўрнига кўра рафъ ҳолатида бўлиб, мубтадо.

يَا – нидо ҳарфи.

أَحْمَدُ – мунодо, заммага мабний, насб ўрнида.

أَكْرَمُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

النَّاسِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

رَجُلاً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Исми тафзил, ўз феълининг амалини қилиб, фоилни ҳарф ёки изофа ила жор қилади ва фоилдан нақл этилганни тамйиз ҳолда насб қилади. Унда тўрт ҳолат бор:

1. Музоф бўлмаган, “алиф лом” ила мақрун бўлиб, унинг амали йўқ.

2. Музоф бўлмаган, “алиф лом”дан ҳоли бўлиб, тафзил қилинаётганни مِنْ воситасида жор қилади ва у ўрнига кўра фоил бўлади.

3. Накрага музоф бўлиб, “алиф лом”дан ҳолидир. У музофун илайҳни жор қилиб, ўрнига кўра фоил бўлади.

4. Маърифага музоф бўлиб, “алиф лом”дан ҳолидир. Юқорида ўтганидек, тамйиздан нақл этилган ҳолда, у насб бўлади.

النِّسَاءُ الْفُضْلَيَاتُ آتِيَاتٌ

***Маъноси:***
**Фозила аёллар келувчидирлар.**

النِّسَاءُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

الْفُضْلَيَاتُ – النِّسَاءُга наът, рафъда унга тобеъ.

آتِيَاتٌ – хабар, замма ила марфуъ.

كُنْتَ أَقْدَرَ مِنْ أَخِيكَ

***Маъноси:***

**Акангдан кўра қудратлироқ экансан.**

كُنْتَ – ноқис мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида كُنْتَнинг исми.

أَقْدَرَ – كُنْتَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

مِنْ – ҳарфи жор, أَقْدَرَга мутаъаллиқ.

أَخِيكَ – أَخِي асмои хомсадан бўлгани учун ي ила мажрур, ўрнига кўра фоил, ك музофун илайҳ.

زَيدٌ أَلْمَعُ تِلْمِيذٍ

***Маъноси:***

**Зайд энг ёрқин талаба.**

زَيدٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

أَلْمَعُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

تِلْمِيذٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 32

## АФЪОЛИ ХОМСА

السُّفَرَاءُ يَرْفَعُونَ [...] اِسْمَ الْوَطَنِ عَالِيًا

***Маъноси:***
**Элчилар ватан номини олий қиладилар.**

السُّفَرَاءُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

يَرْفَعُونَ – маълум мозий феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун نнинг собитлиги ила марфуъ, و замир, рафъ ўрнида фоил, يَرْفَعُونَ жумласи рафъ ўрнида, хабар.

اِسْمَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

الْوَطَنِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

عَالِيًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Афъоли хомсалар қуйидагилардир:
يَفْعَلاَنِ، تَفْعَلاَنِ، يَفْعَلُونَ، تَفْعَلُونَ، تَفْعَلِينَ

Унинг марфуълиги ўзида мавжуддир. Улар: “Жамълик “вов”и, мусанно “алиф”и, мухотоб “ё”сидир.

Уни зоида “нун” ила эъробланади.

* Ушбу феъллар:

1. “Нун”нинг тушиб кетмасдан, собит қолиши ила рафъ бўлади.

2. “Нун”ни тушириб юбориш ила насб ва жазм қилинади.

لَمْ يَقُولاَ كَلِمَةً

***Маъноси:***
**Иккови бирор сўз демадилар.**

لَمْ – ҳарфи жазм.

يَقُولاَ – маълум музореъ феъли, لَمْ ила мажзум, афъоли хомсадан бўлгани учун жазм аломати ҳазфи “нун”, алиф замир, рафъ ўрнида фоил.

كَلِمَةً – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

لَنْ تُؤْخَذِي بِالْعَاطِفَةِ

***Маъноси:***
**Ҳиссиётга берилма.**

لَنْ – ҳарфи насб.

تُؤْخَذِي – мажҳул музореъ феъли, لَنْ ила мансуб, афъоли хомсадан бўлгани учун насб аломати ҳазфи “нун”, “ё” замир, рафъ ўрнида ноиби фоил.

بِالْعَاطِفَةِ – ب ҳарфи жор, تُؤْخَذِيга мутаъаллиқ, الْعَاطِفَةِ касра ила мажрур.

تُصْبِحُونَ عَلَى خَيْرٍ

***Маъноси:***
**Яхшиликда тонг оттирасизлар.**

تُصْبِحُونَ – ноқис музореъ феъли, كَانَнинг ахавотларидан, афъоли хомсадан бўлгани учун ن собитлиги ила марфуъ, و замир, рафъ ўрнида, تُصْبِحُونَнинг исми.

عَلَى – ҳарфи жор, تُصْبِحُونَнинг маҳзуф хабарига мутаъаллиқ.

خَيْرٍ – касра ила мажрур.

## 33
## ИККИ СУКУННИНГ ЎЗАРО УЧРАШИШИ

لَمْ يَكُنِ التِّلْمِيذُ قَدْ نَجَحَ

***Маъноси:***
**Талаба муваффақиятга эришмади.**

لَمْ – жазм ҳарфи.

يَكُنِ – ноқис мозий феъли, لَمْ ила мажзум, жазм аломати икки сукун ўзаро учрашиб қолгани учун касра ила эваз қилинган сукундир.

التِّلْمِيذُ – يَكُنِнинг исми, замма ила марфуъ.

قَدْ – ҳарфи таҳқийқ.

نَجَحَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, نَجَحَ жумласи насб ўрнида يَكُنِнинг хабари.

## ҚОИДАЛАР

* Икки сукуннинг ўзаро учрашуви фақат икки ҳолатда мумкиндир:

1. Вақфда, охирги ҳарфидан битта олдинги ҳарфи сукунли бўлса.
2. Аввалги сукунли ҳарф “ҳарфи лийн” бўлиб, иккинчиси идғом қилинган бўлса.

* Икки сукун жамъ бўлганида:

1. Икки бўлак калималарда фақат лафзий ҳазф ҳосил бўлади.
2. Аввалгиси саҳиҳ бўлса ҳаракати касра қилинади.
3. Агар аввалгиси ҳарфи иллат бўлиб, ундан олдин унга жинсдош бўлмаган ҳаракат бўлса, ўзига жинсдош ҳаракат ила ҳаракатлантирилади.

مُذُ الأَمْسِ وَصَلْنَا

*Маъноси:*
**Кечадан бери етиб келдик.**

مُذْ – ҳарфи жор, وَصَلْنَاга мутаъаллиқ.

الأَمسِ – касра ила мажрур.

وَصَلْنَا – маълум мозий феъли, نَا замирига ёпишгани учун сукунга мабний, نَا рафъ ўрнида фоил.

لاَ تَخْشَيِ اللَّوْمَ

*Маъноси:*
**Маломатдан қўрқма.**

لاَ – наҳий ҳарф, жазм қилувчи.

تَخْشَيِ – музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун, ҳазфи “нун” ила мажзум, ي фоил, икки сукун учрашмаслиги учун касра ила ҳаракатлантирилган.

اللَّوْمَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

عَلَيْكُمُ السَّلاَمُ

*Маъноси:*
**Сизга салом.**

عَلَيْكُمُ – عَلَي ҳарфи жор, муқаддам маҳзуф, хабарга мутаъаллиқ, كُم замир жор ўрнида, икки сукун учрашмаслиги учун замма ила ҳаракатлантирилган.

السَّلاَمُ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ.

**34**

# ЭЪРОБ ЛАҚАБЛАРИ

التِّلْمِيذُ الْمُجْتَهِدُ يُكَرِّمُهُ الأُسْتَاذُ [...]

*Маъноси:*
**Тиришқоқ талабанинг устози, уни ҳурмат қилади.**

التِّلْمِيذُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

الْمُجْتَهِدُ – التِلمِذُга наът, рафъда унга тобеъ.

يُكَرِّمُهُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ. ه замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

الأُسْتَاذُ – фоил, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Эъроб лақаблари наҳвий вазифалардан мақсад қилинган фоиллик, мафъуллик, масдарийлик ва бундан бошқалари каби маъноларга рамз бўлади. Улар:

1. Рафъ, исмга ва музореъ феълига киради.
2. Насб, исмга ва музореъ феълига киради.
3. Жазм, фақат музореъ феълига киради.
4. Жор, фақат исмга киради.

إِنَّ سَعِيدًا لَنْ يَفْلَحَ

*Маъноси:*
**Албатта Саид ҳеч муваффақият қозонмайди.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

سَعِيدًا – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

لَنْ – ҳарфи насб.

يَفْلَحَ – маълум музореъ феъли, لَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, фоили هُوَ мустатир замири. يَفْلَحَ жумласи рафъ ўрнида إِنَّнинг хабари.

إِنْ تَتَعَلَّمْ تَتَقَدَّمْ

***Маъноси:***
**Илм олсанг олдимлайсан.**

إِنْ – ҳарфи шарт, икки феълни жазм қилади.

تَتَعَلَّمْ – маълум музореъ феъли, феъли шарт бўлгани учун إِنْ ила мажзум, фоили أَنْتَ мустатир замири.

تَتَقَدَّمْ – маълум музореъ феъли, жавоби шарт бўлгани учун إِنْ ила мажзум, фоили أَنْتَ мустатир замири.

بِاسْمِ اللهِ

***Маъноси:***
**АЛЛОҲ номи ила.**

بِاسْمِ – ب ҳарфи жор, тақдирдаги "бошлайман" маҳзуф феълига мутаъаллиқ, اسْمِ касра ила мажрур, музоф.

اللهِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

**35**

## БИНО ЛАҚАБЛАРИ

أَيُّهَا الْعُمَّالُ الفَلاَّحُونَ تَعَالَوْا

***Маъноси:***
**Эй ишчи деҳқонлар, келинглар.**

أَيُّهَا – أَيُّ мунодо, заммага мабний, насб ўрнида, ها ҳарфи танбеҳ.

الْعُمَّالُ – أَيُّга наът, унга тобеъ бўлиб, лафзан марфуъ, ўрнига кўра мансуб.

الفَلاَّحُونَ – أَيُّга иккинчи наът бўлиб, лафзан марфуъ, ўрнига кўра мансуб.

تَعَالَوْا – амр феъли, афъоли хомсага мулҳақ бўлгани учун ҳазфи “нун”га мабний, و замир, рафъ ўрнида фоил.

## ҚОИДАЛАР

* Бино лақаблари аслий аломатлар бўлиб, ҳаракатларда намоён бўлади. Фаръий аломатларда эса ҳарфларда намоён бўлади. Улар:

1. Замма, мунодода унинг ўрнини “алиф” ва “вов” босади.
2. Фатҳа, унинг ўрнини жинсни нафий қилувчи لا нинг исмида ўша исм муфрад ҳолида мусанно ёки жамъи музаккари солим бўлса ي босади.
3. Касра, унинг ўрнини ҳеч нарса босмайди.
4. Сукун, у ҳаракатнинг зидди бўлиб, феъл ва ҳарфга хосдир.

قِيلَ: لاَ طَيَّارِيْنَ فِي الأَجْوَاءِ

*Маъноси:*
**“Осмонда учувчилар йўқ” дейилди.**

قِيلَ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний, ноиби фоили هُوَ мустатир замири.

لاَ – жинсни нафий қилувчи.

طَيَّارِيْنَ – жинсни нафий қилувчи لاَнинг исми, يга мабний насб ўрнида.

فِي – ҳарфи жор, لاَнинг маҳзуф хабарига мутаъаллиқ.

الأَجْوَاءِ – касра ила мажрур.

تَنَزَّهَ هَؤُلاَءِ الأَوْلاَدُ فِي الْغَابَةِ

*Маъноси:*
**Анави болалар ўрмонда сайр қилишди.**

تَنَزَّهَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

هَؤُلاَءِ – исми ишора, касрага мабний, рафъ ўрнида фоил.

الأَوْلاَدُ – هَؤُلاَءِдан бадал, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, تَنَزَّهَга мутаъаллиқ.

الْغَابَةِ – касра ила мажрур.

اِسْمَعْنَ يَا فَتَيَاتُ

*Маъноси:*
**Қизлар, эшитинглар.**

اِسْمَعْنَ – амр феъли, сукунга мабний, ن замир, рафъ ўрнида фоил.

يَا – ҳарфи нидо.

فَتَيَاتُ – мунодо, заммага мабний, насб ўрнида.

## 36

## МУБОЛАҒА МИСОЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИЙҒАЛАРИ

لاَ تَكُنْ [...] رَوَّاغًا عَنِ الْحَقِّ

***Маъноси:***
**Ҳақдан оғувчи бўлма.**

لاَ – ҳарфи нафий, жозим.

تَكُنْ – ноқис мозий феъли, لاَ ила мажзум, жазм аломати сукун, исми أَنتَ мустатир замири бўлиб, рафъ ўрнида.

رَوَّاغًا – تَكُنْнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

عَنِ – ҳарфи жор, رَوَّاغًاга мутаъаллиқ.

الْحَقِّ – касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Муболаға мисоллари исми фоилда муболаға маъносини ўз ичига олади. فَاعِل сийғасини яъни, сулосий феъл масдаридан бўлган исми фоил сийғасини, кўплик ва муболағани ифода қилувчи فَعَّال сийғасига алмаштириш мумкин.

* Бу сулосийдан олинади. Сулосийдан бошқасида ҳам келади. Улар вазнларини энг машҳурлари: فَعَّالَة، فَعَّال، فَعُول، مِفْعَال дир. Уларнинг ҳаммаси самоиъйдир.

وَجَدْتُ العَلاَّمَةَ الْمِفْضَالَ

*Маъноси:*
**Жуда фазилатли алломани учратдим.**

وَجَدْتُ – маълум музореъ феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

العَلاَّمَةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

الْمِفْضَالَ – العَلاَّمَةَга наът, унга насбда тобеъ.

الْحِمَارُ صَبُورٌ عَلَى الْمَتَاعِبِ

*Маъноси:*
**Эшак қийинчиликларга ўта чидамлидир.**

الْحِمَارُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

صَبُورٌ – хабар, замма ила марфуъ.

عَلَى – ҳарфи жор, صَبُورٌга мутаъаллиқ.

الْمَتَاعِبِ – касра ила мажрур.

إِنَّ هَذِهِ الأَرْضَ مِعْطَاءٌ

*Маъноси:*
**Албатта бу Ернинг (АЛЛОҲнинг инояти ила) атолари кўпдир.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

هَذِهِ – исми ишора, касрага мабний, насб ўрнида إِنَّнинг исми.

الأَرْضَ – هَذِهِдан бадал, фатҳа ила мансуб.

مِعْطَاءٌ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

## 37
## МУБОЛАҒА МИСОЛЛАРИ – АМАЛИ

هَذَ بَلَدٌ خَوَّاضٌ جَيْشُهُ الْمَعَارِكَ

***Маъноси:***

**Бу мамлакатнинг аскарлари жангларга кўп шўнғувчидир.**

هَذَ – исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

بَلَدٌ – хабар, замма ила марфуъ.

خَوَّاضٌ – بَلَدٌга наът, рафъда унга тобеъ.

جَيْشُهُ – муболаға мисолига фоил, замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

الْمَعَارِكَ – муболаға мисолига мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Муболаға мисоллари феълининг амалини бажариб, фоилни рафъ, мафъулни насб қилади.

Унда тўрт ҳолат бор:

1. Феъли лозимдан бўлиб, музоф бўлмаса, фоилни рафъ қилади.

2. Феъли мутаъаддийдан бўлиб, музоф бўлмаса, мафъулни насб қилади.

3. Музоф бўлиб, феъли лозимдан бўлса музофун илайҳни жор қилади, ўрнига кўра фоил бўлади.

4. Музоф бўлиб, феъли мутаъаддийдан бўлса, музофун илайҳни жор қилади, ўрнига кўра мафъулун биҳ, бўлади.

هَذَا بَلَدٌ مِقْدَامُ الْجَيْشِ

*Маъноси:*

**Бу мамлакатнинг аскарлари бостириб келувчидир.**

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

بَلَدٌ – хабар, замма ила марфуъ.

مِقْدَامُ – بَلَدٌга наът, рафъда унга тобеъ.

الْجَيْشِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, ўрнига кўра фоил.

هَذَ بَلَدٌ خَوَّاضُ الْحُرُوبِ

*Маъноси:*

**Бу давлат жангларга шўнғувчидир.**

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

بَلَدٌ – хабар, замма ила марфуъ.

خَوَّاضُ – بَلَدٌга наът, рафъда унга тобеъ.

الْحُرُوبِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, ўрнига кўра мафъулун биҳ.

سَوْقَ الْعُدَاةِ ضَرُوبٌ بِالسَّيْفِ

*Маъноси:*
**Душман болдирлари қилич ила урилгандир.**

سَوْقَ – муболаға сийғасига мафъулун биҳи муқаддам, фатҳа ила мансуб, музоф.

الْعُدَاةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

ضَرُوبٌ – маҳзуф мубтадога хабар, замма ила марфуъ.

بِالسَّيْفِ – ب ҳарфи жор, ضَرُوبٌга мутаъаллиқ, السَّيْفِ касра ила мажрур.

## 38

## ИМКОНИЙЛИК (КАЛИМАЛАРНИНГ ОХИРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР) – ҲОЛАТЛАРИ

جَاءَنِي سِيبَوَيْهِ وَسِيْبَوَيْهٍ آخَرُ

*Маъноси:*
**Олдимга Сийбавайҳ ва бошқа юзи қора одам келди.**

جَاءَنِي – маълум музореъ феъли, фатҳага мабний, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

سِيبَوَيْهِ – алам исм, касрага мабний, рафъ ўрнида фоил, маърифа бўлгани учун танвин олмаган.

وَسِيْبَوَيْهٍ – و атф ҳарфи, سِيْبَوَيْهٍ сўзи سِيبَوَيْهِга маътуф, унга рафъда тобеъ, накра бўлгани учун танвин олган.

آخَرُ – سِيْبَوَيْهٍга наът, замма ила марфуъ, сарфдан манъ, яъни ғойри мунсариф бўлгани учун танвин олмаган.

# ҚОИДАЛАР

* Эъроб ва танвин жумлаларнинг таркибида мақсад қилинган маънони зоҳир этади ва имконликда тўрт ҳолатга сабаб бўлади.

1. “Мутамаккинун амкана” яъни мўъраб мунсариф: охирининг ҳаракати ўзгаради ва унга танвин киради.

2. “Мутамаккинун ғойру амкана” яъни, мўъраб бўлиб, сарфдан манъ этилгандир. Унинг охири ҳаракати ўзгаради, танвин олмайди.

3. “Танвин билан истисноий ғойру мутаммакин” яъни, накра танвинига мабний. Унинг охиридаги ҳаракати ўзгармайди, унга накра танвини киради.

4. “Ғойру мутамаккин” яъни, ўз охирига мабний. Унинг охирининг ҳаракати ўзгармайди ва танвин олмайди.

وَأَمْسِ سَهِرْتُ فِي عَمَّانَ

***Маъноси:***

**Кеча Уммонда бедор бўлдим.**

وَأَمْسِ – و истинофия ҳарфи, أَمْسِ зарфи замон, касрага мабний, насб ўрнида мафъулун фийҳ, سَهِرْتُга мутаъаллиқ.

سَهِرْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

فِي – ҳарфи жор, سَهِرْتُга мутаъаллиқ.

عَمَّانَ – сарфдан манъ бўлгани учун касра ўрнига фатҳа ила мажрур.

فِي التَّبْغِ مَوَادٌّ سَامَّةٌ

***Маъноси:***
**Тамакида зарарли моддалар бор.**

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф муқаддам хабарга мутаъаллиқ.

التَّبْغِ – касра ила мажрур.

مَوَادُّ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

سَامَّةٌ – مَوَادُّга наът, замма ила марфуъ.

## 39
## ЎРИННИНГ МАШҒУЛ БЎЛИШИ

رَأَيْتُ خَادِمِي خَارِجَ الْبَيْتِ

***Маъноси:***
**Уйнинг ташқарисида ходимимни кўрдим.**

رَأَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

خَادِمِي – мафъулун бих, муносиб ҳаракат ила ўрин эгаллангани учун مга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб, ي замир, музофун илайҳ.

خَارِجَ – мафъулун фийҳ, зарфи макон, фатҳа ила мансуб, رَأَيْتُга мутаъаллиқ, музоф.

الْبَيْتِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Ўриннинг машғул бўлиши бу калиманинг охиридаги эъроб аломатларининг зоҳир бўлишини манъ қилишга ишлатиладиган наҳвий қоидага биноан калиманинг охиридаги тақозо бўлган ҳаракат тақдир қилинишидир:

1. Музоф исмнинг охиридаги мутакаллим يсига замма ва фатҳа тақдир қилинади.

2. Сукундан сўнг воқеъ бўлса, сукун тақдир қилинади.

اِنْتَقَلَ صَدِيقِي إِلَى مَرْكَزِ عَمَلِهِ

*Маъноси:*

**Дўстим ишининг марказига кўчиб ўтди.**

اِنْتَقَلَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

صَدِيقِي – фоил, ўрин муносиб ҳаракат ила эгаллангани учун قга тақдир қилинган замма ила марфуъ, ي замир, музофун илайҳ.

إِلَى – ҳарфи жор, اِنْتَقَلَга мутаъаллиқ.

مَرْكَزِ – касра ила мажрур, музоф.

عَمَلِهِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ.

لاَ تَضْرِبِ الرَّجُلَ إِلاَّ دِفَاعًا عَنِ النَّفْسِ

*Маъноси:*

**Кишини ўзингни ҳимоя қилганингдагина ургин.**

لاَ – ҳарфи наҳий, жазм қилувчи.

تَضْرِبِ – маълум музореъ феъли, لاَ ила мажзум, жазм аломати сукун, зоҳир бўлишини, ўриннинг икки сокин

учрашмаслиги учун келтирилган касра ила эгалланганлиги манъ қилган.

الرَّجُلَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

إِلاَّ – истисно ва ҳаср ҳарфи.

دِفَاعًا – мафъулун лиажлиҳ, фатҳа ила мансуб.

عَنِ – ҳарфи жор, دِفَاعًاга мутаъаллиқ.

النَّفْسِ – касра ила мажрур.

## 40
## БАДАЛ

هَلْ زُرْتَ طَرَابُلُسَ عَاصِمَةَ الشِّمَالِ

***Маъноси:***
**Шимолнинг пойтахти Триполини зиёрат қилдингми?**

هَلْ – ҳарфи истифҳом.

زُرْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت замир, рафъ ўрнида фоил.

طَرَابُلُسَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

عَاصِمَةَ – طَرَابُلُسَдан бадал (куллун мин кулл), насбда унга тобеъ, музоф.

الشِّمَالِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Бадал уч қисм бўлиб, ҳар биридан ҳукм мақсад қилинган.

1. “Бадали куллун мин кулл” бадал қилинаётганга эъробда, навъда ва ададда тобеъ бўлади.

2. “Бадалул баъз минал кулл” бадал қилинаётганга эъробда тобеъ бўлиб, гоҳида навъ ва ададда унга хилоф бўлади.

3. “Бадали шомил” ўзидан олдингига ўхшаш.

أَكَلْتُ الرَّغِيفَ ثُلُثَهُ وَ الْجُبْنَةَ نِصْفَهَا

***Маъноси:***

**Нонни учдан бирини, пишлоқни ярмини тановул қилдим.**

أَكَلْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت замир рафъ ўрнида фоил.

الرَّغِيفَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

ثُلُثَهُ – الرَّغِيفَдан бадали (баъз минал кулл), الرغيفдан насбликда тобеъ, ه замир, музофун илайҳ.

وَ الْجُبْنَةَ – و ҳарфи атф, الْجُبْنَةَ сўзи الرَّغِيفَга маътуф, унга насбда тобеъ.

نِصْفَهَا – الْجُبْنَةَдан бадал (баъз минал кулл ), насбда унга тобеъ, هَا замир музофун илайҳ.

أُقَدِّرُ امْرَأَ الْقَيْسِ تَصْمِيمَهُ عَلَى النَّصْرِ

***Маъноси:***

**Имру-ул қойсни, насрдаги тузилмасини қадрлайман.**

أُقَدِّرُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири.

امْرَأً – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

الْقَيْسِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

تَصْمِيمَهُ – امْرَأً الْقَيْسِдан бадали (шомил), насбда унга тобеъ, ه замир, музофун илайҳ.

عَلَى – ҳарфи жор, تَصْمِيمَهُга мутаъаллиқ.

النَّصْرِ – касра ила мажрур.

## 41

## ИСМ БИНОСИ

هَذَا هُوَ الَّذِي قَالَ بَجَلْ

*Маъноси:*

**Бу, ўша “етади” деган одамдир.**

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

هُوَ – мунфасил замир, фатҳага мабний, рафъ ўрнида хабар.

الَّذِي – исми мавсул, сукунга мабний, рафъ ўрнида, هُوَга наът.

قَالَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

بَجَلْ – музореъ исми феъл, сукунга мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

## ҚОИДАЛАР

* Бино - исм охирининг омилсиз равишда ҳаракат ёки ҳарф лозим тутиши. Исмлардан ҳарфга қуйидаги уч кўринишда ўхшайдиганлари бино қилинади.

1. Таркибда: ҳарфларининг адади уч ҳарфдан кам бўлганда.

2. Маънода: исм ҳарф маъносини ўз ичига олса.

3. Истеъмолда: ўзидан бошқага омил бўлса ва бошқа унга омил бўлмаса.

* Исм биноси икки турга бўлинади:

1. Лозим: замир, исми ишора, исми истифҳом, исми шарт, исми мавсул, исми феъл, баъзи киноялар, баъзи зарфлар.

2. Ориз: мунодо, мураккаб адад, аралаш таркиб, зарф, жумлага музоф, олти тараф.

يَا سَمِيرُ حَذَارِ

***Маъноси:***

**Эҳтиёт бўл, эй Самир.**

يَا – ҳарфи нидо.

سَمِيرُ – мунодо, заммага мабний, насб ўрнида.

حَذَارِ – амр исми феъли, касрага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

زُرْنِي صَبَاحَ مَسَاءَ خَمْسَ عَشْرَةَ مَرَّةً

***Маъноси:***

**Мени, эртаю кеч ўн беш марта зиёрат қил.**

زُرْنِي – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

صَبَاحَ مَسَاءَ – зарфи замон (бир калима), фатҳага мабний, насб ўрнида мафъулун фийҳ, زُرْنِي га мутаъаллиқ.

خَمْسَ عَشْرَةَ – исми адад (бир калима), фатҳага мабний, насб ўрнида мафъулун фийҳдан ноиби фоил.

مَرَّةً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

## 42

## ФЕЪЛ БИНОСИ

فَعَلَ [...]، فَعَلُوا، فُعِلْتُمْ

فَعَلَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

فَعَلُوا – маълум мозий феъли, و замирига ёпишгани учун сукунга мабний, و рафъ ўрнида фоил.

فُعِلْتُمْ – мажҳул мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида ноиби фоил.

## ҚОИДАЛАР

* Феълнинг биноси бу феъл охирининг аломати ҳаракат ёки сукун ёки уларнинг икковининг ўрнини босувчи нарсани лозим тутишидир. Мабний феъллар қуйидагилар:

1. Фатҳага мабний мозий феъли, заммага мабний, сукунга мабний.

2. Музореъ феълига икки “нун”и тавкид ёпишиб келса фатҳага мабний бўлади, “нун”и нисва (аёллик нуни) ёпишиб келса, сукунга мабний бўлади.

3. Амр феъли сукунга мабний, афъоли хомсада ҳазфи “нун”, иллат ҳарфни ҳазф қилиш сукуннинг ўрнини босади, икки “нун”и тавкид ёпишиб келса, фатҳага мабний бўлади.

يَفْعَلَنْ، تَفْعَلَنَّ، يَفْعَلْنَ، تُفْعَلْنَ

يَفْعَلَنْ – маълум музореъ феъли, енгил “нун”и тавкидга ёпишгани учун фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

تَفْعَلَنَّ – маълум музореъ феъли, оғир “нун”и тавкидга ёпишгани учун сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

يَفْعَلْنَ – маълум музореъ феъли, муаннас “нун”ига ёпишгани учун сукунга мабний, “нун” замир, рафъ ўрнида фоил.

تُفْعَلْنَ – мажҳул музореъ феъли, муаннас “нун”ига ёпишгани учун сукунга мабний, “нун” замир, рафъ ўрнида ноиби фоил.

اِفْعَلْ، اِفْعَلُوا، أَعْطِ، اِفْعَلَنْ

اِفْعَلْ – феъли амр, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

اِفْعَلُوا – феъли амр, афъоли хомсага мулҳақ бўлгани учун ҳазфи “нун”га мабний, و замир, рафъ ўрнида фоил.

أَعْطِ – феъли амр, иллат ҳарфининг ҳазфига мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

اِفْعَلَنْ – феъли амр, “нун”и хафифа тавкидга ёпишгани учун фатҳага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замир.

## 43
## ТАСҒИЙР

فَانْطَلَقَ الْعَدَّاءُ مُسْرِعًا بَعْدَ هُنَيْهَةٍ

*Маъноси:*
**Югурувчи озгинадан сўнг шошилган ҳолда кетди.**

فَانْطَلَقَ – فَ истинофия ҳарфи, انْطَلَقَ маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْعَدَّاءُ – фоил, замма ила марфуъ.

مُسْرِعًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

بَعْدَ – мафъулун фийҳ, зарфи замон, фатҳа ила мансуб, انْطَلَقَга мутаъаллиқ, музоф.

هُنَيْهَةٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Тасғийр қилинган исмнинг ҳукми аввали замма, иккинчиси фатҳа қилиниб, қуйидаги вазнларга солинишидир:

1. Сулосийдан: فُعَيْل вазнида.
2. Рубоъийдан: فُعَيْعِل вазнида.
3. Хумосийдан: فُعَيْعِيل вазнида.

* “Иснодий мураккаб” исм, тасғийр қилинмайди, аммо “изофий” ва “мазжий” боши тасғийр қилиниб, қолгани шундай қолади.

فِي الْغَابَةِ ثُعَيْلِبٌ مُحْتَالٌ

*Маъноси:*
**Ўрмонда айёр тулкича бор.**

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф муқаддам хабарга мутаъаллиқ.

الْغَابَةِ – касра ила мажрур.

ثُعَيْلِبٌ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ.

مُحْتَالٌ – ثُعَيْلِبٌга наът, рафъда унга тобеъ.

يَسْتَعْمِلُ الصَّائِغُ مُنَيْشِيرًا قَاطِعًا

*Маъноси:*
**Ҳунарманд ўткир аррачани ишлатади.**

يَسْتَعْمِلُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الصَّائِغُ – фоил, замма ила марфуъ.

مُنَيْشِيرًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

قَاطِعًا – مُنَيْشِيرًاга наът, насбда унга тобеъ.

لَيْسَ عُبَيْدُ اللهِ مِنْ رِفَاقِنَا

*Маъноси:*
**Убайдуллоҳ дўстларимиздан эмас.**

لَيْسَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

عُبَيْدُ – لَيْسَнинг исми, замма ила марфуъ, музоф.

اللهِ – лафзи жалола, музофун илайҳ, касра ила мажрур.

مِنْ – ҳарфи жор, لَيْسَнинг маҳзуф хабарига мутаъаллиқ.

رِفَاقِنَا – касра ила мажрур, نَا замир, музофун илайҳ.

**44**

# ИСМ – ЭЪРОБНИ ТАҚДИР ҚИЛИШ

حَمَلَ [...] عَصًا بِيَدِهِ

***Маъноси:***
**Асони қўлида кўтарди.**

حَمَلَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

عَصًا – мафъулун биҳ, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб.

بِيَدِهِ – بِ ҳарфи жор, حَمَلَга мутаъаллиқ, يَدِ касра ила мажрур, هِ замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Эъроб аломатлари қуйидаги ҳолатларда тақдир қилинади:

1. “Алифи мақсура” исм бўлиб, узр сабабли рафъда, насбда ва жорда эъроб тақдир қилинади.

2. “Манқус ى” ва ҳазф қилинган “ى”лик исмни талаффузи оғирлиги сабабидан рафъда ва жорда эъроб тақдир қилинади.

3. “Мутакаллим ى”сига музоф бўлган исмни ўринни муносиб ҳаракат ила эгаллангани сабабидан рафъда ва насбда эъроби тақдир қилинади.

يَمُوجُ الْمَرْعَى بِالْخُضْرَةِ

*Маъноси:*
**Яйлов ўт – ўланлар ила мавж урмоқда.**

يَمُوجُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الْمَرْعَى – фоил, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила мансуб.

بِالْخُضْرَةِ – بِ ҳарфи жор, يَمُوجُга мутаъаллиқ, الْخُضْرَةِ касра ила мажрур.

مَرَرْتُ بِقَاضٍ عَادِلٍ

*Маъноси:*
**Одил қозининг ёнидан ўтдим.**

مَرَرْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

بِقَاضٍ – بِ ҳарфи жор, مَرَرْتُга мутаъаллиқ, قَاضٍ талаффузга оғир бўлгани учун маҳзуф یга тақдир қилинган касра ила мажрур.

عَادِلٍ – قَاضٍга наът, касра ила мажрур.

إِنَّهُ خَادِمِي حَامِلاً الْمَأْكُولاَتِ الشَّهِيَّةِ

*Маъноси:*
**Иштаҳа тортувчи егуликларни кўтариб турган менинг ходимимдир.**

إِنَّهُ – إِنَّ феълга ўхшаш ҳарф, ه замир, насб ўрнида إِنَّнинг исми.

خَادِمِي – إِنَّнинг хабари, ўринни муносиб ҳаракат ила эгаллангани сабабли мга тақдир қилинган замма ила марфуъ, ي замир, музофун илайҳ.

حَامِلاً – ҳол, фатҳа ила мансуб.

الْمَأْكُولاَتِ – исми фоилга мафъулун биҳ, жамъи муннаси солим бўлгани учун фатҳанинг ўрнига касра ила мансуб.

الشَّهِيَّةِ – الْمَأْكُولاَتِга наът, фатҳа ила мансуб.

## 45
## ФЕЪЛ – ЭЪРОБНИ ТАҚДИР ҚИЛИШ

لَنْ يَخْشَى [...] الْمَسْؤُولِيَّةَ فِي الْوَظِيفَةِ

***Маъноси:***

**У вазифадаги масъулиятдан қўрқмайди.**

لَنْ – насб ҳарфи.

يَخْشَى – маълум музореъ феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб, фоили هُوَ мустатир замири.

الْمَسْؤُولِيَّةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

فِي – ҳарфи жор, يَخْشَىга мутаъаллиқ.

الْوَظِيفَةِ – касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Музореъда, қуйидаги ҳолатларда эъроб аломатлари тақдир қилинади:

1. Алиф билан тугаганда, узр сабабли алифга замма ёки фатҳа тақдир қилинади.

2 “Вов” ёки “ё” билан тугаганда, талаффузга оғир бўлгани учун “вов”га ёки “ё”га замма тақдир қилинади.

3. Феълдан кейин сукун бўлса, икки сукун тўқнашиб қолишини олдини олган ҳолда, тақдир қилинади.

4. Феълдан кейин “нун”и тавкид бўлса, талаффузга оғир бўлгани учун “нун”дан олдин “нун” тақдир қилинади.

نَطْوِي الصَّفْحَةَ وَنَمْشِي قُدُمًا

*Маъноси:*

**Саҳифани ёпиб, кейингисига ўтамиз.**

نَطْوِي – маълум музореъ феъли, талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили نَحْنُ мустатир замири.

الصَّفْحَةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

وَنَمْشِي – و атф ҳарфи, نَمْشِي маълум музореъ феъли, талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили نَحْنُ мустатир замири.

قُدُمًا – ҳол ёки мафъулун мутлақнинг ноиби, фатҳа ила мансуб.

يَدْعُوكَ الأُسْتَاذُ إِلَى الصَّفِّ

*Маъноси:*

**Устоз сени сафга чақирмоқда.**

يَدْعُوكَ – маълум музореъ феъли, талаффузга оғир бўлгани учун وга тақдир қилинган замма ила марфуъ, ك замир, насб ўрнида, муқаддам мафъулун биҳ.

الأُسْتَاذُ – фоил, замма ила марфуъ.

إِلَى – ҳарфи жор, يَدْعُوга мутаъаллиқ.

الصَّفِّ – касра ила мажрур.

هَلْ تَضْرِبَانِّ ( تَضْرِبَانِنَّ)

***Маъноси:***
**Урмайсизларми?**

هَلْ – истифҳом ҳарфи.

تَضْرِبَانِّ – маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлиб, бир хил ҳарфлар кетма – кет келмаслиги учун ҳазф қилинган “нун” ила марфуъ, алиф рафъ ўрнида фоил, ташдидли “нун” эса, тавкид учундир.

## 46
## БИНО ТАҚДИРИ

يَا يَحْيَى اقْتَرِبْ [...] مِنِّي

***Маъноси:***
**Эй Яҳё, менга яқинлаш.**

يَا – нидо ҳарфи.

يَحْيَى – мунодо, узр сабабли алифга тақдир қилинган заммага мабний, насб ўрнида.

اقْتَرِبْ – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

مِنِّي – مِن ҳарфи жор, اقْتَرِبْга мутаъаллиқ, ن ҳарфи виқоя, ي замир, жор ўрнида.

## ҚОИДАЛАР

* Бино аломатлари қуйидаги ҳолатларда тақдир қилинади:

1. Жинсни нафий қилувчи لاнинг исмида.

2. Нидода, мунодо нидодан аввал мабний бўлганми ёки мўъраб бўлганми фарқи йўқ.

3. Алиф ила тугалланувчи мозий феълида.

لاَ مَعْنَى فِي كَلاَمِكَ

***Маъноси:***

**Гапингда маъно йўқ.**

لاَ – жинсни нафий қилувчи.

مَعْنَى – لاнинг исми, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний, насб ўрнида.

فِي – ҳарфи жор لاнинг маҳзуф хабарига мутаъаллиқ.

كَلاَمِكَ – касра ила мажрур, ك замир, музофун илайҳ.

أَتَى الْجُنْدِيُّ وَطَوَى الْعَلَمَ

***Маъноси:***

**Аскар келди ва байроғни ёпди.**

أَتَى – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْجُنْدِيُّ – фоил, замма ила марфуъ.

وَطَوَى – و атф ҳарфи, طَوَى маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

الْعَلَمَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

يَا هَذَا مِنْ أَيْنَ جِئْتَ

***Маъноси:***
**Эй сен, қаердан келгансан?**

يَا – нидо ҳарфи.

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний насб ўрнида мунодо.

مِنْ – жор ҳарфи, جِئْتَга мутаъаллиқ.

أَيْنَ – исми истифҳом, фатҳага мабний, жор ўрнида.

جِئْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

## 47
## ТАМЙИЗИ ЗОТ

كَمْ ضَرْبَةً ضَرَبْتَ رَفِيقَكَ

***Маъноси:***
**Қанчалик уриш ила дўстингни урдинг.**

كَمْ – киноя, сукунга мабний, насб ўрнида мафъулун мутлақнинг ноиби.

ضَرْبَةً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

ضَرَبْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

رَفِيقَكَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, ك замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Тамйизи зот ёки тамйизи муфрад, зикр қилинган муфрад исмни ноаниқлигини ойдинлаштириб беради ва ойдинлаштириб берилаётган нарса миқдор ёки ададга далолат қилади.

* Миқдорлар уч турлидир:

1. Масофа 2. Вазн 3. Ҳажм

* Адад икки турлидир:

1. Очиқ – ойдин адад
2. Киноя: كَمْ، كَأَيِّنْ، كَذَا каби.

اِشْتَرَيْتُ مُدَّيْنِ قَمْحًا

***Маъноси:***
**Икки мудд буғдой сотиб олдим.**

اِشْتَرَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

مُدَّيْنِ – мафъулун биҳ, мусанно бўлгани учун ي ила мансуб.

قَمْحًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

لِي فَرْسَخٌ أَرْضًا

***Маъноси:***
**Мени бир фарсах ерим бор.**

لِي – لِ жор ҳарфи, маҳзуф хабари муқаддамга мутаъаллиқ, ي замир, жор ўрнида.

فَرْسَخٌ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ.

أَرْضًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

جَاءَ عِشْرُونَ رَجُلاً وَتِسْعَ عَشْرَةَ اِمْرَأَةً

***Маъноси:***

**Йигирмата эркак киши ва йигирма тўққизта аёл келди.**

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

عِشْرُونَ – фоил, жамъи музаккари солимга мулҳақ бўлгани учун و ила марфуъ.

رَجُلاً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

وَتِسْعَ عَشْرَةَ – و атф ҳарфи, تِسْعَ عَشْرَةَ сўзи عِشْرُونَга маътуф, фатҳага мабний, рафъ ўрнида.

اِمْرَأَةً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

## 48
## НИСБАТ ТАМЙИЗИ

اِشْتَهَرَ التَّاجِرُ أَمَانَةً وَالصِّنَاعِيُّ جَوْدَةً

***Маъноси:***

**Савдогар омонатдорликда, ҳунарманд сахийликда машҳур бўлган.**

اِشْتَهَرَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

التَّاجِرُ – фоил, замма ила марфуъ.

أَمَانَةً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

وَالصِّنَاعِيُّ – و ҳарфи атф, الصِّنَاعِيُّ сўзи التَّاجِرُга маътуф, рафъда унга тобеъ.

جَوْدَةً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Нисбат тамйизи ёки жумла тамйизи феълга нисбатан ҳосил бўлувчи ноаниқликни ойдинлаштириб беради ва манқул (нақл қилинган) ва ғойри манқулга бўлинади.
* Манқул: 1. Фоилдан 2. Мафъулдан 3. Мубтадодан.
* Бирор нарсадан қилинган ғойри манқул, насб бўлиши ва жор бўлиши жоиз.

فَاضَ الإِنَاءُ مَاءً

*Маъноси:*
**Челак суви тошди.**

فَاضَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الإِنَاءُ – фоил, замма ила марфуъ.

مَاءً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

أَنَا أَكْثَرُ مِنْكَ وَلَدًا

*Маъноси:*
**Мен сендан фарзанд жиҳатидан кўпроқман.**

أَنَا – замири мунфасил, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

أَكْثَرُ – хабар, замма ила марфуъ.

مِنْكَ – مِن ҳарфи жор, أَكْثَرُга мутаъаллиқ, ك замир, жор ўрнида.

وَلَدًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

لِلّٰهِ دَرُّهُ فَارِسًا (مِنْ فَارِسٍ)

***Маъноси:***
**Эҳ қандай ҳам яхши чавандоз.**

لِلّٰهِ – ل жор ҳарфи, маҳзуф муқаддам хабарга мутаъаллиқ, الله лафзи жалола, касра ила мажрур.

دَرُّهُ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

فَارِسًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

(مِنْ فَارِسٍ – مِنْ ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ, فَارِسٍ касра ила мажрур).

## 49
## ТАМЙИЗ ВА ҲОЛ

اِشْتَرَيْتُ السَّاعَةَ فِضَّةً وَفُولاَذًا

***Маъноси:***
**Соатни кумуш ва мислигини сотиб олдим.**

اِشْتَرَيْتُ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

السَّاعَةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

فِضَّةً – ҳол, фатҳа ила мансуб.

وَفُولاَذًا – و ҳарфи атф, فُولاَذًا сўзи فِضَّةً га маътуф, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Тамйиз ва ҳол орасида ўхшашлик нуқталари, иккови исм, накра, тўлдирувчи, мансуб, мубҳамлик (ноаниқлик)ни кўтарувчи.

* Фарқланиш нуқталари:

1. Ҳол жумла ва зарф бўлиб келади, тамйиз фақат исм бўлиб келади.
2. Ҳол ҳайъатни очиб беради, тамйиз зотни ўзини очиб беради.
3. Ҳол атф ила ва атфсиз бир жумлада кўп келаверади, тамйиз фақат атф ила кўп бўлиб келади.
4. Ҳол омилидан олдин келади, тамйиз омилидан олдин келмайди.
5. Ҳол аслида муштоқ бўлади, гоҳида жомид бўлиб келади, тамйиз аслида жомид бўлади, гоҳида муштоқ бўлиб келади.

عِنْدِي رِطْلٌ زَيْتًا

***Маъноси:***

**Менда бир ратл зайтун бор.**

عِنْدِي – мафъулун фийҳ зарфи замон, муносиб ҳаракат ила ўриннинг эгаллангани сабабли دга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб, маҳзуф хабари муқаддамга мутаъаллиқ, ي замир, музофун илайҳ.

رِطْلٌ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ.

زَيْتًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

جَاءَ زَيْدٌ رَاكِبًا مُبْتَسِمًا

***Маъноси:***
**Зайд улов минган ҳолда кулиб келди.**

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

زَيْدٌ – фоил, замма ила марфуъ.

رَاكِبًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

مُبْتَسِمًا – иккинчи ҳол, фатҳа ила мансуб.

كَيْفَ رَجَعْتَ

***Маъноси:***
**Қандай қайтдинг?**

كَيْفَ – исми истифҳом, фатҳага мабний, насб ўрнида ҳол.

رَجَعْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида, фоил.

## 50
## ТАНВИН

قُمْنَا وَحِينَئِذٍ سَافَرْنَا

***Маъноси:***
**Турдик ва ўша заҳоти сафарга чиқдик.**

قُمْنَا – маълум мозий феъли, نَا замирига ёпишгани учун сукунга мабний, نَا рафъ ўрнида, фоил.

وَحِينَئِذٍ – و атф ҳарфи, حِينَ мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, قُمْنَاга мутаъаллиқ, музоф, إِذْ музофун илайҳ, эваз танвини ила ўрин эгаллангани сабабли тақдир қилинган сукунга мабний.

سَافَرْنَا – маълум мозий феъли, نَا замирига ёпишгани учун сукунга мабний, نَا рафъ ўрнида, фоил.

## ҚОИДАЛАР

* Танвин исмий аломатлардан бир аломатдир, охирида икки замма, икки фатҳа, икки касра бўлишини тақазо қилувчи калималар фақатгина исм бўлади.

Танвин навлари – тамкин танвини, танкир танвини, муқобала танвини, эваз танвини бўлиб, бошқа танвинлар истеъмолда нодирдир.

طَارَ عُصْفُورٌ صَغِيرٌ

***Маъноси:***
**Кичкина чумчук учди.**

طَارَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

عُصْفُورٌ – фоил, замма ила марфуъ.

صَغِيرٌ – عُصْفُورٌга наът, рафъда унга тобеъ.

رَأَيْتُ أَحْمَدًا

***Маъноси:***
**Аҳмадни кўрдим.**

رَأَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида, фоил.

أَحْمَدًا – мафъулун бих, фатҳа ила мансуб.

العُيُونُ بَوَاكٍ

***Маъноси:***
**Кўзлар йиғловчидир.**

العُيُونُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

بَوَاكٍ – хабар, эваз танвин ила ўринни эгаллангани учун маҳзуф يга тақдир қилинган замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлган яъни ғойри мунсариф.

هَذَ ابْنُ فَاطِمَةٍ

***Маъноси:***
**Бу Фотиманинг ўғли.**

هَذَ – исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

ابْنُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

فَاطِمَةٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур. Шеърдаги қофияни риояси учун танвин қўйилган.

## 51

## Лафзий тавкид

اِصْطَحَبَ الأَمِيرُ رَجُلاً وَاحِدًا وَاحِدًا فَقَطْ

***Маъноси:***

**Амир ўзи билан биргина фақат биргина кишини ҳамроҳ қилиб олди.**

اِصْطَحَبَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الأَمِيرُ – фоил, замма ила марфуъ.

رَجُلاً – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

وَاحِدًا – رَجُلاًга наът, насбда унга тобеъ.

وَاحِدًا – وَاحِدًاга тавкид, насбда унга тобеъ.

فَقَطْ – ف зийнатлаш ҳарфи, قَطْ “холос, кифоя қилади” маъносидаги музореъ исми феъли, сукунга мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

## ҚОИДАЛАР

* Лафзий тавкид – ўтган лафзнинг ўзини ёки синонимини такрорлаб келувчи тобеъдир.

* Тавкид қилинаётган лафз яъни, матбуъ ё зоҳир исм ёки замир, ёки ҳарф ёки феъл ёки жумла ёки синоним бўлади.

سَأبقَى أَنَا جَالِسًا فِي الصَّفِّ

***Маъноси:***

**Мен, ўзим сафда ўтираверaман.**

سَأبقَى – س истиқбол (келажак) ҳарфи, أبقَى маълум музореъ феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири.

أَنَا – أَنَا фоилига тавкид, унга рафъда тобеъ.

جَالِسًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

فِي – ҳарфи жор, جَالِسًاга мутаъаллиқ.

الصَّفِّ – касра ила мажрур.

سَقَطَتْ سَقَطَتْ بَابِلُ

*Маъноси:*

**Мағлуб бўлди, Бобил мағлуб бўлди.**

سَقَطَتْ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таъмис.

سَقَطَتْ – سَقَطَتْга тобеъ, унга бинода тобеъ.

بَابِلُ – фоил, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

فَازَ اِنْتَصَرَ الْقَائِدُ

*Маъноси:*

**Ғалаба, қўмондон ғалаба қозонди.**

فَازَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

اِنْتَصَرَ – فَازَга тавкид, унга бинода тобеъ.

الْقَائِدُ – фоил замма ила марфуъ.

## 52
## МАЪНАВИЙ ТАКИД

الْجُنُودُ أَنْفُسُهُمْ فَخْرُ بِلاَدِهِمْ

***Маъноси:***
**Қўшиннинг ўзлари юртлари фахридирлар.**

الْجُنُودُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

أَنْفُسُهُمْ – الْجُنُودُга тавкид, унга рафъда тобеъ, هُمْ замир, музофун илайҳ.

فَخْرُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

بِلاَدِهِمْ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, هُمْ замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Маънавий тавкид – маълум лафзларни ишлатиш ила мукаммал бўладиган тобеъ бўлиб, у таъкид қилинаётган лафзнинг замирига музоф бўлади.

Тавкиди маънавийни таъкидга муносиб замирга изофа қилиниши шарт қилинади.

*Унинг лафзлари икки турлидир:

1. Нисбат тавкиди: نَفْسٌ، عَيْنٌ;
2. Қамраб олиш тавкиди: كِلاَ، كِلْتَا، كُلٌّ، أَجْمَعْ، جَمِيع، عَامَّة;

سَارَ الْمَدْعُوُّونَ كُلُّهُمْ أَجْمَعُونَ

***Маъноси:***
**Чақирилганларнинг ҳаммаси жам бўлиб, жўнаб кетди.**

سَارَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمَدْعُوُّونَ – фоил, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила марфуъ.

كُلُّهُمْ – الْمَدْعُوُّونَга тавкид, замма ила марфуъ, هُمْ замир бўлиб, музофун илайҳ.

أَجْمَعُونَ – الْمَدْعُوُّونَга иккинчи тавкид, рафъликда унга тобеъ, жамъи музаккари солимга мулҳақ бўлгани учун рафъ аломати و.

رَفْرَفَ الطَّائِرُ بِجَنَاحَيْهِ كِلَيْهِمَا

***Маъноси:***

**Қуш иккала қаноти ила қанот қоқди.**

رَفْرَفَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الطَّائِرُ – фоил, замма ила марфуъ.

بِجَنَاحَيْهِ – بِ ҳарфи жор, رَفْرَفَга мутаъаллиқ, جَنَاحَيْهِ тасния бўлгани учун ي ила жор қилинган, ه замир, музофун илайҳ.

كِلَيْهِمَا – جَنَاحَيْهِга тавкид, таснияга мулҳақ бўлгани учун ي ила мажрур, هِمَا замир, музофун илайҳ.

حَضَرَتِ الْجَوْقَةُ عَامَّتُهَا إِلَى الْقَاعَةِ

***Маъноси:***

**Жамоатнинг ҳаммаси залга йиғилди.**

حَضَرَتِ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таънийс.

الْجَوْقَةُ – фоил, замма ила марфуъ.

عَامَّتُهَا – الْجَوْقَةُга тавкид, рафъда унга тобеъ, هَا замир, музофун илайҳ.

إِلَى – ҳарфи жор, حَضَرَتِ-га мутаъаллиқ.

القَاعَةِ – касра ила мажрур.

## 53

## ТАВОБЕЪ

مَرَرْتُ بِزَيْدٍ رَجُلٍ عَالِمٍ

***Маъноси:***
**Олим инсон – Зайднинг олдидан ўтдим.**

مَرَرْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

بِزَيْدٍ – بِ ҳарфи жор مَرَرْتُ-га мутаъаллиқ, زَيْدٍ касра ила мажрур.

رَجُلٍ – زَيْدٍ-дан бадал, жорда унга тобеъ.

عَالِمٍ – رَجُلٍ-га наът (сифат), жорда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Ўзидан бошқага каломда эргашиб, унинг маъносини равшанлаштириб берувчи лафзлар тавобеълардир. Тавобеълар эъроб, таъриф, ифрод, тазкийр ва уларнинг шаҳобчалари каби хос ҳолатлар ила чекланади. Олдин келганини матбуъ (эргашилмиш) ва кейин келганини тобеъ (эргашувчи), деб аталади.

* Тобеъ матбуъга эъробда доим эргашади. Эъробнинг навида улар бир хил бўлишлари вожиб бўлганидек, унинг сабабида турли бўлиши ҳам вожибдир. Аввалгиси, яъни матбуъда эъробнинг сабаби фоилийят, ибтидоийят, хабарийят, мафуълийят ва ҳоказолар бўлади. Аммо

иккинчиси, яъни тобеъда сабаб битта бўлиб, у табаъийят (матбуънинг эробига эргашиш)дир.

* Тавобеълар қуйидагилар: Наът, тавкид, бадал, атф, ҳикоят.

هَذَا ثَوْبٌ مُمَزَّقٌ

***Маъноси:***
**Бу йиртилган кийим.**

هَذَا – исми ишора сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

ثَوْبٌ – хабар, замма ила марфуъ.

مُمَزَّقٌ – ثَوْبٌга наът, рафъда унга тобеъ.

الشَّمْسُ الشَّمْسُ أُمُّ الأَرْضِ

***Маъноси:***
**Ернинг онаси қуёшдир, қуёшдир.**

الشَّمْسُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

الشَّمْسُ – الشَّمْسُга тавкид, рафъда унга тобеъ.

أُمُّ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

الأَرْضِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

وَصَلَ الْمُعَلِّمُ وَالتِّلْمِيذُ

***Маъноси:***
**Муаллим ва ўқувчи етиб бордилар.**

وَصَلَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمُعَلِّمُ – фоил, замма ила марфуъ.

وَالتِّلْمِيذُ – و атф ҳарфи, التِّلْمِيذُ калимаси الْمُعَلِّمُга маътуф бўлиб, рафъда унга тобеъ.

## 54
## ИСМНИНГ ЖОР БЎЛИШИ

تَقَدَّمَ الشَّارِي مِنْ صَاحِبِ الْمَنْزِلِ الكَبِيرِ

***Маъноси:***

**Сотиб олувчи катта уйнинг эгасидан олдимлаб кетди.**

تَقَدَّمَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الشَّارِي – талаффузга оғирлик қилгани сабабли يга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

مِنْ – жор ҳарфи تَقَدَّمَга мутаъаллиқ.

صَاحِبِ – касра ила мажрур, музоф.

الْمَنْزِلِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

الكَبِيرِ – الْمَنْزِلِга наът, жорда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Мажрур исмлар охирида жор аломати бўлади ва ҳарфлар ёки ҳаракатлар ила эъробланади.
* Жор зоҳир ёки муқаддар ёки маҳаллан бўлади.

Исм уч ўринда жор қилинади:
1. Ҳарфи жордан кейин келса.
2. Музофун илайҳ бўлса.
3. Мажрур исмга тобеъ бўлса.

نَحْتَاجُ إِلَى مَصَانِعَ مُتَطَوِّرَةٍ

*Маъноси:*
**Ривожланган заводларга эҳтиёжимиз бор.**

نَحْتَاجُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили نَحْنُ мустатир замири.

إِلَى – ҳарфи жор, نَحْتَاجُга мутаъаллиқ.

مَصَانِعَ – сарфдан манъ бўлгани учун касра ўрнига фатҳа ила мажрур.

مُتَطَوِّرَةٍ – مَصَانِعَга наът, касра ила мажрур.

دَخَلَ الْمَدِينَةَ عَلَى حِينِ غَفْلَةٍ مِنْ أَهْلِهَا

*Маъноси:*
**Шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатда эканида кирди.**

دَخَلَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمَدِينَةَ – мафуълун биҳ, фатҳа ила мансуб.

عَلَى – ҳарфи жор, دَخَلَга мутаъаллиқ.

حِينِ – касра ила мажрур, музоф.

غَفْلَةٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

مِنْ – ҳарфи жор, غَفْلَةٍга мутаъаллиқ.

أَهْلِهَا – касра ила мажрур, هَا замир, музофун илайҳ.

اِبْتَعِدْ عَنِ الدَّجَّالِينَ

*Маъноси:*
**Адаштирувчи дажжоллардан узоқлаш.**

اِبْتَعِدْ – маълум амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

عَنِ – ҳарфи жор, اِبْتَعِدْга мутаъаллиқ.

الدَّجَّالِينَ – жамъи музаккари солим бўлгани учун ي ила мажрур.

## 55
## ФЕЪЛНИ ЖАЗМ ҚИЛИШ

كَيْفَمَا تَتَّجِهْ تَجِدْ أَصْدِقَاءَ

***Маъноси:***
**Қаерга йўл олма дўстлар топасан.**

كَيْفَمَا – икки феълни жазм қилувчи исми шарт, сукунга мабний, насб ўрнида, ҳол.

تَتَّجِهْ – маълум музореъ феъли, феъли шарт бўлгани учун كَيْفَمَا ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

تَجِدْ – маълум музореъ феъли, жавоби шарт бўлгани учун كَيْفَمَا ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

أَصْدِقَاءَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб. Сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

## ҚОИДАЛАР

* Музореъ феълидан олдин жазм қилувчи адотлардан келса ушбу феъл жазм қилинади:

1. Бир феълни жазм қилувчилар: لَمْ، لَمَّا، لام الأمْرِ، لا الناهية

2. Икки феълни жазм қилувчилар:

إِنْ، إِذْمَا، مَا، مَنْ، مَهْمَا، أَيٌّ، كَيْفَمَا، مَتَى، أَيَّانَ، أَيْنَمَا، أَنَّى، حَيْثُمَا.

* Жазм аломатлари:
1. Афъоли хомсадан бошқада охиридаги сукун.
2. Афъоли хомсада “нун” ҳазф қилиниши.
3. Охири касал феълларда феълнинг охирини ҳазф қилиш.

**أَلَمْ تَسْمَعَا نِدَائِي بَعْدُ**

***Маъноси:***
**Нидоимни ҳануз эшитмадингизми?**

أَلَمْ – ҳамза истифҳом ҳарфи, لَمْ нафий ва жазм ҳарфи.

تَسْمَعَا – маълум музореъ феъли, لَمْ ила мажзум, афъоли ҳомсадан бўлгани учун ҳазфи “нун”, жазм аломати, تَسْمَعَاдаги алиф замир бўлиб, рафъ ўрнида, фоил.

نِدَائِي – мафъулун биҳ, ўринни муносиб ҳаракат ила эгаллангани сабабли ҳамзага тақдир қилинган фатҳа ила мансуб, ي замир, музофун илайҳ.

بَعْدُ – зарфи замон, заммага мабний, насб ўрнида мафъулун фийҳ, تَسْمَعَاга мутаъаллиқ.

**لاَ تَرْمِ النُّفَايَاتِ فِي الشَّارِعِ**

***Маъноси:***
**Чиқиндиларни кўчага ташлама.**

لاَ – нафий ва жазм ҳарфи.

تَرْمِ – маълум музореъ феъли, لاَ ила мажзум, ҳарфи иллат ҳазфи жазм аломатидир, фоили أَنْتَ мустатир замири.

النُّفَايَاتِ – мафъулун биҳ, жамъи муаннаси солим бўлгани учун фатҳа ўрнига касра ила мансуб.

فِي – ҳарфи жор, تَزْمِга мутаъаллиқ.

الشَّارِعِ – касра ила мажрур.

## 56
## ЖАМЪИ ТАКСИЙР – ҚИЛЛА ВА КАСРА

اِنْتَشَرَتِ القُطْعَانُ حَوْلَ ضِفَافِ الغُدْرَانِ

***Маъноси:***

**Кесилган нарсалар ҳовуз қирғоғи бўйлаб, сочилиб кетди.**

اِنْتَشَرَتِ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таънис.

القُطْعَانُ – фоил, замма ила марфуъ.

حَوْلَ – мафъулун фийҳ, зарфи макон, фатҳа ила мансуб, اِنْتَشَرَتِга мутаъаллиқ, музоф.

ضِفَافِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, музоф.

الغُدْرَانِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Жамъи таксир муфраднинг суратини ўзгартириш ила турли сийғаларда олинади, у сийғаларнинг кўпи самоъийдир (яъни, фақат эшитиб билинади).

Масалан: 1. Аслига зиёда кириши ила. 2. Аслидан камайиш ила. 3. Ҳаракатлари ўзгариши ила. 4. Муфрад ва жамъ бир хил бўлиши ила.

Жамъул қилла вазнлари учтадан ўнтагача бўлган нарсаларга далолат қилади. Улар: أَفْعَال ،أَفْعِلَة ،أفْعَلُ ،فِعْلَة.

Кўплик вазнлари ўндан то чексизгача далолат қилади, унинг вазнлари кўпдир: فُعَل ،أَفْعِلاَء.......

الرُّسُلُ هُدَاةُ الإِنْسَانِيَّةِ

*Маъноси:*
**Расуллар инсоният йўлбошчиларидир.**

الرُّسُلُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

هُدَاةُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

الإِنْسَانِيَّةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

نِيَاقٌ هِجَانٌ مَرَّتْ تَحْتَ الأَعْمِدَةِ

*Маъноси:*
**Зотдор урғочи туялар устунларнинг тагидан ўтдилар.**

نِيَاقٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

هِجَانٌ – نِيَاقٌга наът, рафъда унга тобеъ.

مَرَّتْ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таънийс, феълий жумла рафъ ўрнида, хабар.

تَحْتَ – мафъулун фийҳ, зарфи макон фатҳа ила мансуб, مَرَّتْга мутаъаллиқ.

الأَعْمِدَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

اِحْذَرِ الأُسْدَ الجْائِعَةَ

***Маъноси:***

**Оч шерлардан эҳтиёт бўл.**

اِحْذَرِ – амр феъли, сукунга мабний, икки сокин учрашиб қолмаслиги учун касрани сукундан эваз қилиб келтирилган, фоили أَنْتَ мустатир замири.

الأُسْدَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

الجْائِعَةَ – الأُسْدَга наът, насбда унга тобеъ.

## 57
## ЖАМЪИ ТАКСИЙР – БОШҚА ЖАМЪЛАР

الْمَبَالِغُ مُحَوَّلَةٌ إِلَى دَرَاهِمَ وَدَنَانِيرَ

***Маъноси:***

**Маблағлар дирҳаму динорларга айланур.**

الْمَبَالِغُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

مُحَوَّلَةٌ – хабар, замма ила марфуъ.

إِلَى – ҳарфи жор, مُحَوَّلَةٌга мутаъаллиқ.

دَرَاهِمَ – сарфдан манъ бўлгани учун касра ўрнига фатҳа ила мажрур.

وَ دَنَانِيرَ – و атф ҳарфи, دَنَانِيرَ сўзи دَرَاهِمَга маътуф, унга жорда тобеъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

# ҚОИДАЛАР

* Жамъи таксир қуйидагиларни ўз ичига олади:

Камлик жамъи, кўплик жамъи, мунтаҳал жумуъ, жамънинг жамъи, исми жамъ, исми жинс ал-жамъ.

* Ушбу жамълардан ҳар бирининг ўзига хос сийғалари бордир.

Мунтаҳал жумуънинг сарфдан манъ бўлган тўрт вазни бор: مَفَاعِل، أَفَاعِل، مَفَاعِيل، أَفَاعِيل.

الجَيْشُ يَتَأَلَّفُ مِنْ فَيَالِقَ وفِرَقٍ

***Маъноси:***

**Қўшин майда қисмлар ва гуруҳларга бўлинади.**

الجَيْشُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

يَتَأَلَّفُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири, феълий жумла, рафъ ўрнида, хабар.

مِنْ – ҳарфи жор, يَتَأَلَّفُга мутаъаллиқ.

فَيَالِقَ – сарфдан манъ бўлгани учун касра ўрнига фатҳа ила мажрур.

وفِرَقٍ – و атф ҳарфи, فِرَقٍ сўзи فَيَالِقَга маътуф, касра ила мажрур.

أَبْنَاءُ العَبَّاسِ هُمْ مِنَ الرِّجَالاَتِ العَرَبِيَّةِ العَرِيقَةِ

***Маъноси:***

**Аббос ўғиллари асл қадимий араб ўғлонларидандир.**

أَبْنَاءُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

العَبَّاسِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

هُمْ – мунфасил замир, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

مِنَ – ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ.

الرِّجَالاَتِ – касра ила мажрур.

العَرَبِيَّةِ – الرِّجَالاَتِга наът, жорда унга тобеъ.

العَرِيقَةِ – الرِّجَالاَتِга иккинчи наът, жорда унга тобеъ. Исмий жумла рафъ ўрнида бўлиб, أَبْنَاءُ мубтадосининг хабари.

## 58
## ЖАМЪИ МУАННАСИ СОЛИМ

إِنَّ الْمُمَرِّضَاتِ سَاهِرَاتٌ عَلَى صِحَّةِ الْمَرْضَى

***Маъноси:***

**Албатта ҳамширалар касалларнинг соғлиги учун бедор бўладилар.**

إِنَّ – ҳарфга ўхшаш феъл.

الْمُمَرِّضَاتِ – إِنَّнинг исми, жамъи муаннаси солим бўлгани учун фатҳа ўрнига касра ила мансуб.

سَاهِرَاتٌ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

عَلَى – ҳарфи жор, سَاهِرَاتٌга мутаъаллиқ.

صِحَّةِ – касра ила мажрур, музоф.

الْمَرْضَى – музофун илайҳ, узр сабабли алифга тақдир қилинган касра ила мажрур.

# ҚОИДАЛАР

* Жамъи муаннаси солим сўзнинг муфрад суратини ўзгартирмаган ҳолда охирига ات қўйиш ила ясалади. Рафъ ҳолатида заммалик, насб ва жор ҳолатларида касралик бўлади.

* Жамъи муаннаси солимнинг эъробида унга мулҳақ қилинганлар қуйидагилар:

عَرَفَاتٌ، بَرَكَاتٌ، أَخَوَاتٌ، أُولاَتٌ، بَنَاتٌ деб номланганлар ҳам киради.

لاَ زَائِرَاتَ (زَائِرَاتِ) فِي البَيْتِ

***Маъноси:***

**Уйда зиёрат қилувчи аёллар йўқ.**

لاَ – жинсни нафий қилувчи لا.

زَائِرَاتَ – لاнинг исми, фатҳага мабний, насб ўрнида.

( زَائِرَاتِ – لاнинг исми, жамъи муаннаси солим бўлгани учун фатҳа ўрнига касрага мабний, насб ўрнида).

فِي – ҳарфи жор, لاнинг маҳзуф хабарига мутаъаллиқ.

البَيْتِ – касра ила мажрур.

كَانَ لِلْمُهَنْدِسِ نَشَاطَاتٌ وَاسِعَةٌ

***Маъноси:***

**Муҳандиснинг кенг кўламдаги фаолиятлари бор эди.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

لِلْمُهَنْدِسِ – لِ ҳарфи жор, كَانَнинг маҳзуф муқаддам хабарига мутаъаллиқ.

نَشَاطَاتٌ – كَانَнинг муаххар исми, замма ила марфуъ.

وَاسِعَةٌ – نَشَاطَاتٌга наът, рафъда унга тобеъ.

## 59
## ЖАМЪИ МУЗАККАРИ СОЛИМ

إِنَّ الكَذَّابِينَ مَعْرُوفُونَ فِي كُلِّ مَكَانٍ

***Маъноси:***

**Албатта ёлғончилар ҳар бир маконда таниқлидир.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

الكَذَّابِينَ – إِنَّнинг исми, жамъи музаккари солим бўлгани учун ي ила мансуб.

مَعْرُوفُونَ – إِنَّнинг хабари, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, مَعْرُوفُونَга мутаъаллиқ.

كُلِّ – касра ила мажрур, музоф.

مَكَانٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Жамъи музаккари солим сўзнинг муфрад суратини ўзгартирмаган ҳолда охирига ون ҳолатида نни фатҳалик қилиб рафъ ҳолида келтирилади. Насб ва жор ҳолатида эса ين ҳолатида نни фатҳалик қилиб келтирилади.

* Жамъи музаккари солимда рафъ аломати وдир, насб ва жор аломати يдир. Ушбу жамъ исмга ёки замирга изофа қилинганида охиридан ن ҳазф қилинади.

* Жамъи музаккари солимнинг эъробида унга мулҳақ қилинганлар қуйидагилар:

أُولُو، بَنُونَ، أَهْلُونَ، عِلِّيُّونَ، أَرْضُونَ، عَالَمُونَ، سِنُونَ، عِشْرُونَ...... تِسْعِينَ дир.

اِنْتَخَبَ الْمُحَامُونَ مَجْلِسَ نَقَابَتِهِمْ

*Маъноси:*
**Оқловчилар бошқарув кенгашини сайладилар.**

اِنْتَخَبَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمُحَامُونَ – фоил, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила марфуъ.

مَجْلِسَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

نَقَابَتِهِمْ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, هِمْ замир, музофун илайҳ.

قَتَلُوا عِشْرِينَ مِنْ مُحَارِبِينَ فِي الْمَعْرَكَةِ

*Маъноси:*
**Жангда йигирмата жангчини ўлдиришди.**

قَتَلُوا – маълум мозий феъли, жамъ вига ёпишгани учун заммага мабний, و замир, рафъ ўрнида фоил.

عِشْرِينَ – мафъулун биҳ, жамъи музаккари солимга мулҳақ бўлгани учун ي ила мансуб.

مِنْ – ҳарфи жор, قَتَلُواга мутаъаллиқ.

مُحَارِبِينَ – жамъи музаккари солим бўлгани учун ي ила мажрур, هِمْ замир, музофун илайҳ.

فِي – ҳарфи жор, عِشْرِينَга мутаъаллиқ.

الْمَعْرَكَةِ – касра ила мажрур.

## 60
## ЖУМЛА

ذَهَبَ العَامِلُ بَاكِرًا وَالشَّوَارِعُ خَالِيَةٌ

***Маъноси:***
**Ишчи эрта тонгда, кўчалар бўшлигида кетди.**

ذَهَبَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

العَامِلُ – фоил, замма ила марфуъ.

بَاكِرًا – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, ذَهَبَга мутаъаллиқ.

وَالشَّوَارِعُ – و ҳолия, الشَّوَارِعُ мубтадо, замма ила марфуъ.

خَالِيَةٌ – хабар замма ила марфуъ, وَالشَّوَارِعُ خَالِيَةٌ жумласи насб ўрнида ҳол.

## ҚОИДАЛАР

* Жумла муснад ва муснад илайҳидан ташкил топган иснодий бирликдир. Муснад ва муснад илайҳ жумланинг асосини ташкил қилиб, унга ифодали маъно беради. Асосга маънони тўлиқроқ очиб берувчи ва каломни гўзал қилувчи қўшимчалар қўшилиши мумкин.

* Жумлани яна маъноли мураккаб калом деб ҳам атаймиз. У икки қисмдир:

1. Феълий жумла. 2. Исмий жумла. Икковларига шибҳи жумла мулҳақ қилинади.

كَتَبَ التِّلْمِيذُ رِسَالَةً فِي الْمَدْرَسَةِ

***Маъноси:***
**Ўқувчи мадрасада хат ёзди.**

كَتَبَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

التِلْمِيذُ – фоил, замма ила марфуъ.

رِسَالَةً – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

فِي – ҳарфи жор, كَتَبَга мутаъаллиқ.

الْمَدْرَسَةِ – касра ила мажрур.

الْجُنْدِيُّ شُجَاعٌ عَلَى سَاحَةِ القِتَالِ

***Маъноси:***
**Аскар жанг майдонида шижоатлидир.**

الْجُنْدِيُّ – мубтадо, замма ила марфуъ.

شُجَاعٌ – хабар, замма ила марфуъ.

عَلَى – ҳарфи жор, شُجَاعٌга мутаъаллиқ.

سَاحَةِ – касра ила мажрур, музоф.

القِتَالِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

إِلَى قَلْعَةِ بَعْلَبَكَّ . . .

*Маъноси:*
**Баълабакка қалъасига......**

إِلَى – ҳарфи жор, маҳзуф жумлаи феълияга мутаъаллиқ тақдири: نَذْهَبُ (кетяпмиз).

قَلْعَةِ – касра ила мажрур, музоф.

بَعْلَبَكَّ – музофун илайҳ, сарфдан манъ бўлгани учун касра ўрнига фатҳа ила мажрур.

## 61

## ИБТИДОИЙ ЖУМЛА, ИСМИЙ ЖУМЛА

سَاعَدَنِي سَمِيرٌ جَزَاهُ اللهُ

*Маъноси:*
**Самир менга ёрдам берди, АЛЛОҲ уни мукофотласин.**

سَاعَدَنِي – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

سَمِيرٌ – фоил, замма ила марфуъ.

جَزَاهُ – маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний, ه замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

اللهُ – лафзи жалола, фоил, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Ибтидоий жумла исти`нофий жумла деб ҳам номланади. Уни муфрадга таъвил қилиб бўлмагани учун эъробда ўрни йўқ. Икки ўринда келади:

1. Калом бошида.
2. Калом асносида, ўзидан олдингисидан узилган ҳолда.

الْمُجْتَمَعُ الإِنْسَانِيُّ مَدِينٌ لِليَدِ العَامِلَةِ

***Маъноси:***
**Инсоният жамияти “ишчи қўлга” қарздордир.**

الْمُجْتَمَعُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

الإِنْسَانِيُّ – الْمُجْتَمَعُга наът, рафъда унга тобеъ.

مَدِينٌ – хабар, замма ила марфуъ.

لِليَدِ – ل ҳарфи жор, مَدِينٌга мутаъаллиқ, اليد касра ила мажрур.

العَامِلَةِ – اليدга наът, жорда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Жумлаи исмийя асосан муснад илайҳ вазифасида келувчи “мубтадо” деб номланувчи исм ила бошланади. Бошқа исм муснад вазифасида келувчи бўлиб, уни хабар деб номланади. Ушбу жумлага уни носих қилувчи кирса муснад илайҳи носихнинг исми, муснад носихнинг хабари, деб номланади. Жумла эса исмиялигича қолади.

## 62
## ИХТИСОС ЖУМЛАСИ, ЖУМЛАИ ИНШОИЙЯ

نَحْنُ [...] [...] الْجُنُودَ نَحْمِي [...] العَلَمَ

*Маъноси*:
**Биз аскарлар байроқни ҳимоя қиламиз.**

نَحْنُ – замири мунфасил, заммага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

الْجُنُودَ – маҳзуф феълга мафъулун биҳ, тақдири أَخُصُّ, фатҳа ила мансуб, أَخُصُّ الْجُنُودَ жумласи насб ўрнида ҳол.

نَحْمِي – маълум музореъ феъли, талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили نَحْنُ мустатир замири, نَحْمِي жумласи рафъ ўрнида хабар.

العَلَمَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Ихтисос жумласи маҳзуф феълдан ва хосланган исмдан иборат бўлади, насб ўрнида ҳол бўлиб келади.

أَلاَ لَيْتَ الشَّبَابَ يَعُودُ [...] [...] يَوْمًا

***Маъноси:***
**Эҳ, қани эди ёшлик бир кун қайтса.**

أَلاَ – истифтоҳ ҳарфи.

لَيْتَ – феълга ўхшаш ҳарф.

الشَّبَابَ – لَيْتَнинг исми, фатҳа ила мансуб.

يَعُودُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири, يَعُودُ рафъ ўрнида لَيْتَнинг хабари.

يَوْمًا – зарфи замон, мафъулун фийҳ, фатҳа ила мансуб, يَعُودُга мутаъаллиқ.

## 63

## ЖУМЛАИ ҲОЛИЙЯ

اِسْتَعْرَضَ القَائِدُ الْجُنْدَ وَثَغْرُهُ بَاسِمٌ

*Маъноси:*

**Лашкарбоши қўшинни юзида табассум қилган ҳолда кўздан кечирди.**

اِسْتَعْرَضَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

القَائِدُ – фоил, замма ила марфуъ.

الْجُنْدَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

وَ ثَغْرُهُ – و ҳолийя, ثَغْرُ мубтадо замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

بَاسِمٌ – хабар, замма ила марфуъ, وَثَغْرُهُ بَاسِمٌ жумласи насб ўрнида, ҳол.

## ҚОИДАЛАР

* Жумлаи ҳолия ё жумлаи исмийя ёки жумлаи феълийя бўлиб, жумлада ўзидан олдин келувчи муснад илайҳининг ҳайъатини баён қилиб беради ёки маъносини қувватлантиради.

* Насб ўрнида келувчи бу жумла ҳол бўлиб, унда қуйидагилар шарт қилинади:

1. Иншоий эмас, хабарий жумла бўлиши.

2. Келаси замонга тасриф қилиши мумкин бўлган макрунадан ҳолий бўлиши.

3. Ўтган жумладаги муснад илайҳга замир ёки “вов” орқали боғланган бўлиши.

جَاءَ الأُسْتَاذُ أَفْكَارُهُ عِلْمِيَّةٌ

*Маъноси*:

**Фикрлари илмий бўлган  устоз келди.**

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الأُسْتَاذُ – фоил, замма ила марфуъ.

أَفْكَارُهُ – мубтадо замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

عِلْمِيَّةٌ – хабар, замма ила марфуъ, أَفْكَارُهُ عِلْمِيَّةٌ жумласи насб ўрнида, ҳол.

النَّاسُ يَنْظُرُونَ إِلَى الأَشْيَاءِ وَهِيَ مَصْبُوغَةٌ بِأَوْهَامِهِمْ

***Маъноси:***

**Одамлар нарсаларга янглиш фикрлари ила чулғанган ҳолда назар соладилар.**

النَّاسُ – мубтадо замма ила марфуъ.

يَنْظُرُونَ – маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун نнинг собит туриши ила марфуъ, و замир, рафъ ўрнида фоил, يَنْظُرُونَ жумласи рафъ ўрнида, хабар.

إِلَى – ҳарфи жор, يَنْظُرُونَга мутаъаллиқ.

الأَشْيَاءِ – касра ила мажрур.

وَهِيَ – و ҳолия, هِيَ мунфасил замир, мабний рафъ ўрнида мубтадо.

مَصْبُوغَةٌ – хабар, замма ила марфуъ.

بِأَوْهَامِهِمْ – ب ҳарфи жор, مَصْبُوغَةٌга мутаъаллиқ, أَوْهَامِهِمْ касра ила мажрур, هِمْ замир, музофун илайҳ. وَهِيَ مَصْبُوغَةٌ жумласи насб ўрнида ҳол.

## 64

## ЖУМЛАИ ХАБАРИЯ, ЖУМЛАИ ШАРТИЯ

العِلْمُ صَاحِبُهُ جَلِيلٌ [...]

***Маъноси:***
**Илм соҳиби улуғвордир.**

العِلْمُ – мубтадо замма ила марфуъ.

صَاحِبُهُ – иккинчи мубтадо, замма ила марфуъ, هـ замир, музофун илайҳ.

جَلِيلٌ – صَاحِبُهُ мубтадосининг хабари, замма ила марфуъ.

صَاحِبُهُ جَلِيلٌ жумласи рафъ ўрнида, العِلْمُ мубтадосининг хабари.

## ҚОИДАЛАР

* Хабарий жумла ё феълий ёки исмий жумла бўлиб, ўзидан олдин келувчи исмий жумлада муснад вазифасида келади. Ва у мубтадога замир ёки лафзий ва маънавий омиллар ила боғланиши шарт қилинади. У икки хил ҳолатда келади:

1. Рафъ ўрнида, мубтадонинг хабари ёки баъзи носихларнинг хабари.

2. Насб ўрнида, бошқа носихларнинг хабари.

إِنْ تَكْسَلْ [...] فَسَتَنْدَمْ [...]

***Маъноси:***
**Агар дангасалик қилсанг бас тезда надомат қиласан.**

إِنْ – икки феълни жазм қилувчи шарт ҳарфи.

تَكْسَلْ – маълум музореъ феъли, إِنْ феъли шарт бўлгани учун мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

فَسَتَنْدَمْ – ف ҳарфи жазо, س ҳарфи истиқбол, تَنْدَمْ маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنْتَ мустатир замири.

تَنْدَمْ жумласи рафъ ўрнида маҳзуф мубтадонинг хабари, тақдири (أَيْ أَنْتَ تَنْدَمْ), маҳзуф мубтадо ва хабардан ташкил топган жумла жазм ўрнидаги жавоби шартдир.

## ҚОИДАЛАР

* Жумлаи шартийя – жумлаи шарт ва жумлаи жавобдан ташкил топган ифодали каломдир.

## 65

## ЖУМЛАИ ЗАРФИЯ, ЖУМЛАИ ФЕЪЛИЯ

عِنْدَ غُرُوبِ الشَّمْسِ [...] [...]

*Маъноси:*
**Қуёш ботганда...**

عِنْدَ – мафъулун фийҳ, зарфи замон, фатҳа ила мансуб, маҳзуф феълий жумлага мутаъаллиқ, тақдири: نفطر "ифтор қиламиз", музоф.

غُرُوبِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, музоф.

الشَّمْسِ – музофун илайҳи, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Жумлаи зарфия феълий ва исмий жумлаларга қўшилади, мутаъаллиқининг ҳазф бўлгани сабабидан музоф илайҳ ва зарф ила бошланади ёки мажрури ва ҳарфи жор ила бошланади. Бу юқоридаги икки нарса исталган маънони ифода қилганда бўлади. Бу жумла яна " шибҳи жумла" деб ҳам аталади.

لاَ تَمْشِ [...] فِي الأَرْضِ مُتَكَبِّرًا

*Маъноси:*
**Ер юзида мутакаббирлик ила юрма.**

لاَ – ҳарфи наҳий, жозима.

تَمْشِ – маълум музореъ феъли, لاَ ила мажзум, жазм аломати иллат ҳарфининг батамом тушиб кетиши, фоили أَنْتَ мустатир замири.

فِي – ҳарфи жор, تَمْشِ мутаъаллиқ.

الأَرْضِ – касра ила мажрур.

مُتَكَبِّرًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Феълий жумла асосан томм бўлган феъл ила бошланади. Асоси феъл яъни, муснад ва фоил ёки ноиби фоил яъни, муснад илайҳи бўлади. Муснад маълум феъл бўлса, муснад илайҳи фоил бўлади, муснад мажҳул феъл бўлса, муснад илайҳи ноиби фоил бўлади.

## 66

## ЭЪРОБДА ЎРНИ БЎЛГАН ЖУМЛА

تَحَقَّقْتُ أَنَّ العِلْمَ نَافِعٌ [...]

*Маъноси:*

**Илмнинг фойдали эканига ишонч ҳосил қилдим.**

تَحَقَّقْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

أَنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

العِلْمَ – أَنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

نَافِعٌ – أَنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

أَنَّ العِلْمَ نَافِعٌ жумласи масдарга таъвил қилинади, насб ўрнида, мафъулун биҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Эъробда ўрни бор жумлалар еттитадир:
1. Хабар бўлиб келувчи жумла.
2. Ҳол бўлиб келувчи жумла.
3. Мафъулун биҳ бўлиб келувчи жумла.
4. Зарфга музофун илайҳ бўлиб келувчи жумла.
5. Муфрадга тобеъ бўлиб келувчи жумла.
6. Эъробда ўрни бор жумлага тобеъ бўлиб келувчи жумла.
7. فَ ёки фужоийя бўлиб келувчи إِذَا, жазм қилувчи шартга жавоб бўлувчи жумла.

أُسَافِرُ يَوْمَ هُوَ يُسَافِرُ

***Маъноси:***
**У сафар қилган куни мен ҳам сафар қиламан.**

أُسَافِرُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири.

يَوْمَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб أُسَافِرُга мутаъаллиқ, музоф.

هُوَ – мунфасил замир, фатҳага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

يُسَافِرُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири, يُسَافِرُ жумласи рафъ ўрнида هُوَ мубтадосининг хабари. هُوَ يُسَافِرُ жумласи жор ўрнида, музофун илайҳ.

زَيْدٌ يَقْرَأُ وَ يَكْتُبُ

***Маъноси:***
**Зайд ўқияпти ва ёзяпти.**

زَيْدٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

يَقْرَأُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири, يَقْرَأُ жумласи рафъ ўрнида хабар.

وَ يَكْتُبُ – و ҳарфи атф, يَكْتُبُ маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири. يَكْتُبُ жумласи يَقْرَأُ жумласига маътуф, рафъ ўрнида.

## 67
## ЭЪРОБДА ЎРНИ ЙЎҚ ЖУМЛА

تَبَدَّدَتِ الغُيُومُ وَانْقَطَعَ الْمَطَرُ

***Маъноси:***
**Булутлар тарқалиб ёмғир тўхтади.**

تَبَدَّدَتِ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таънис.

الغُيُومُ – фоил, замма ила марфуъ.

وَانْقَطَعَ – و ҳарфи атф, انْقَطَعَ маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمَطَرُ – фоил, замма ила марфуъ.

انْقَطَعَ الْمَطَرُ жумласи تَبَدَّدَتِ الغُيُومُ жумласига маътуф бўлгани учун эъробда ўрни йўқ.

## ҚОИДАЛАР

* Эъробда ўрни йўқ жумлалар еттитадир:
1. Ибтидоий жумла, у ила калом очилади.
2. Ўзаро бир-бирига мулозим икки нарса орасида ориз бўлувчи жумла бўлиб, у фосиладир.
3. Ўзидан олдинги жумлани тафсир қилувчи.
4. Мавсуланинг силаси бўлиб келувчи жумла.

5. Қасамга жавоб бўлиб келувчи жумла.

6. Жазм қилмайдиган шартга ёки ف ёки фужоийя маъносида келувчи إِذَاга боғланиб келмаган, жазм қилувчи шартга жавоб сифатида келувчи жумла.

7. Эъробда ўрни йўқ жумлага тобеъ бўлиб келувчи жумла.

القَاضِي، رَحِمَهُ اللهُ، كَانَ عَادِلاً

*Маъноси:*

**Қози, Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин, одил эди.**

القَاضِي – мубтадо, талаффузга оғирлик қилгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

رَحِمَهُ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ه замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

اللهُ – фоил, замма ила марфуъ, رَحِمَهُ اللهُ жумласи икки нарса орасида ориз бўлгани учун эъробда ўрни йўқ.

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний, исми рафъ ўрнида бўлган هُوَ мустатир замири.

عَادِلاً – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

كَانَ عَادِلاً жумласи рафъ ўрнида, хабар.

وَ أَبِيكَ لأَحْفَظَنَّ عَهْدَكَ

***Маъноси:***

**Отангга қасамки аҳдингни албатта сақлайман.**

وَ أَبِيكَ – و қасам ва жор ҳарфи, маҳзуф қасам феълига мутаъаллиқ, أَبِيكَ асмои хомсадан бўлгани учун ي ҳарфи ила мажрур, كَ замир, музофун илайҳ.

لَأَحْفَظَنَّ – لَ ҳарфи жавоб, أَحْفَظَنَّ маълум мозий ن феъли, “нун”и тавкидга ёпишиб келгани учун фатҳага мабний, фоили أَنَا мустатир замири.

عَهْدَكَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, ك замир, музофун илайҳ.

لَأَحْفَظَنَّ жавоби қасам бўлгани учун эъробда ўрни йўқ.

## 68

## ОРИЗ БЎЛУВЧИ ЖУМЛА, ТАФСИР ҚИЛУВЧИ ЖУМЛА

يَفْتَخِرُ، أَدَامَكَ اللهُ، الوَطَنُ بِالْمُخْلِصِينَ

***Маъноси:***

**Аллоҳ умрингни давомли қилсин, ватан фидоийлар билан фахрланади.**

يَفْتَخِرُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

أَدَامَكَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ك замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

اللهُ – фоил, замма ила марфуъ, أَدَامَكَ اللهُ жумласи икки нарса орасида ориз бўлгани учун эъробда ўрни йўқ.

الوَطَنُ – фоил, замма ила марфуъ.

بِالْمُخْلِصِينَ – ب ҳарфи жор, يَفْتَخِرُга мутаъаллиқ, الْمُخْلِصِينَ жамъи музаккари солим бўлгани учун ي ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Ориз жумла эъробда ўрни йўқ жумла бўлиб, феъл ва фоил, мубтадо ва хабар, шарт ва унинг жавоби каби ўзаро боғлиқ нарсаларнинг орасини ажратади.

أَشَرْتُ إِلَيْهِ أَنِ ارْحَلْ [...]

***Маъноси:***
**Унга "қани жўна" деб ишора қилдим.**

أَشَرْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

إِلَيْهِ – إِلَي ҳарфи жор, أَشَرْتُга мутаъаллиқ, ه замир, жор ўрнида.

أَنِ – тафсир ҳарфи.

ارْحَلْ – феъли амр, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

أَنِ ارْحَلْ жумласи тафсирий бўлгани учун эъробда ўрни йўқ.

## ҚОИДАЛАР

* Тафсирий жумла эъробда ўрни йўқ жумла бўлиб, ўзидан олдин келган калом ҳақиқатини очиб беради. Асосан أَنْ ёки أَي билан келади.

## 69
## НАЪТИЙ ЖУМЛА

سَمِعْتُ عَالِمًا يُحَاضِرُ [...][...]

***Маъноси:***
**Маъруза ўқиётган олимни эшитдим.**

سَمِعْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

عَالِمًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

يُحَاضِرُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири.

يُحَاضِرُ жумласи насб ўрнида عَالِمًاга наът.

## ҚОИДАЛАР

* Наътий жумла феълий жумла бўлиб, холис накрадан кейин васф ҳолида келади.

1. Жумлаи феълийя холис маърифадан сўнг келса, ҳол бўлади.
2. Холис бўлмаган маърифа ёки холис бўлмаган накрадан сўнг келган феълий жумлани наът ёки ҳол деб эътибор қилса бўлади.

جَاءَ شَاعِرٌ مُبْدِعٌ يُنْشِدُ

***Маъноси:***
**Ижодкор шоир шеър айтган ҳолда келди.**

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

شَاعِرٌ – фоил, замма ила марфуъ.

مُبْدِعٌ – شَاعِرٌга наът, рафъда унга тобеъ.

يُنْشِدُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири.

يُنْشِدُ жумласи рафъ ўрнида, شَاعِرٌга наът, (ёки насб ўрнида ҳол.)

جَاءَ الشَّاعِرُ يُنْشِدُ

***Маъноси:***

**Шоир шеър айтган ҳолда келди.**

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الشَّاعِرُ – фоил, замма ила марфуъ.

يُنْشِدُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири.

يُنْشِدُ жумласи насб ўрнида, ҳол.

يُعْجِبُنِي الإِنْسَانُ يَتَصَدَّقُ

***Маъноси:***

**Садақа қилувчи инсон мени ажаблантиради.**

يُعْجِبُنِي – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида, мафъулун биҳ.

الإِنْسَانُ – фоил, замма ила марфуъ.

يَتَصَدَّقُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири.

يَتَصَدَّقُ жумласи маҳаллан рафъ ўрнида, الإِنْسَانُга наът (ёки маҳаллан насб ўрнида, ҳол.)

## 70
## ОЛТИ ТАРАФ

كَانَ الكِتَابُ تَحْتَ إِبْطِهِ [...]

*Маъноси:*
**Китоб қўлтиғи остида эди.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

الكِتَابُ – كَانَнинг исми, замма ила марфуъ.

تَحْتَ – мафъулун фийҳ, олти тараф зарфи, фатҳа ила мансуб, كَانَнинг маҳзуф хабарига мутаъаллиқ, музоф.

إِبْطِهِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Олти тараф исмлари аниқ бўлмаган зарфлар бўлиб, изофадан ҳоли бўлмайди.

Улар: أَمَامَ، تَحْتَ، شِمَالَ، فَوْقَ، وَرَاءَ، يَمِينَ дир.

Уларга қуйидагилар мулҳақ қилинади:
أَوَّلَ، بَعْدَ، بَيْنَ، تُجَاهَ، تِلْقَاءَ، خَلْفَ، عَلُ، عِنْدَ، قَبْلَ، قُدَّامَ.

1. Агар музоф бўлса ёки изофадан лафзан ва маънан узилган бўлса у эъробланади ва мансуб бўлади.

2. Агар изофадан маънан эмас, лафзан узилган бўлса насб ўрнида бўлиб, заммага бино қилинади.

جَلَسْتُ أَمَامًا

*Маъноси:*
**Олдинда ўтирдим.**

جَلَسْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

أَمَامًا – мафъулун фийҳ, олти тараф зарфи, изофадан лафзан ва маънан узилган бўлгани учун фатҳа ила мансуб, جَلَسْتُга мутаъаллиқ.

أَتَى مِنْ بَعْدُ

*Маъноси*:

**Кейин келди.**

أَتَى – маълум мозий феъли, узр сабабли ىга тақдир қилинган фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

مِنْ – ҳарфи жор, أَتَىга мутаъаллиқ.

بَعْدُ – зарфи замон, изофадан маънан эмас, лафзан узилгани учун заммага мабний, жор ўрнида.

حَطَّهُ السَّيْلُ مِنْ عَلِ

*Маъноси*:

**Сел уни тепадан оқизиб тушди.**

حَطَّهُ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ه замир насб ўрнида мафъулун биҳ.

السَّيْلُ – фоил, замма ила марфуъ.

مِنْ – ҳарфи жор, حَطَّهُга мутаъаллиқ.

عَلِ – касра ила мажрур, шеърий зарурат сабабидан танвин олмаган.

# 71

# ҲАРФИ ИБТИДО

لَكِنْ كَانُوا يُقَاوِمُونَ [...]

***Маъноси:***
**Лекин улар қаршилик кўрсатар эдилар.**

لَكِنْ – ҳарфи ибтидо.

كَانُوا – ноқис мозий феъли, “вов”и жамъга ёпишиб келгани учун заммага мабний, و замир, рафъ ўрнида, كَانُواнинг исми.

يُقَاوِمُونَ – маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун “нун” собитлиги ила марфуъ, و замир, рафъ ўрнида, фоил.

يُقَاوِمُونَ жумласи насб ўрнида كَانُواнинг хабари.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи ибтидо маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, каломни бошлашда ишлатилади. Гоҳида ўзаро атф қилиб бўлмайдиган икки жумла ўртасида келади.

Ибтидо ҳарфлари қуйидагилар: بَلْ، حَتَّى، ف، ل، لَكِنْ، و

فَوَاعَجَبًا حَتَّى كُلَيْبٌ تُسُبُّنِي

*Маъноси:*

**Во ажабо, ҳатто бир кучукча ҳам мени сўкмоқда.**

فَوَاعَجَبًا – ف ҳарфи истинофийя, و ҳарфи нидо, عَجَبًا мунодо, фатҳа ила мансуб.

حَتَّى – ҳарфи ибтидо.

كُلَيْبٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

تُسِبُّنِي – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида, мафъулун биҳ.

تُسِبُّنِي жумласи рафъ ўрнида, хабар.

مَا جِئْتُ بَلْ ذَهَبْتُ

*Маъноси*:

**Келдим эмас, кетдим.**

مَا – ҳарфи нафий.

جِئْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

بَلْ – ҳарфи ибтидо.

ذَهَبْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

لَسَمِيرٌ شُجَاعٌ

*Маъноси:*

**Самирдир шижоатли.**

لَسَمِيرٌ – لَ ҳарфи ибтидо, سَمِيرٌ мубтадо, замма ила марфуъ.
شُجَاعٌ – хабар, замма ила марфуъ.

## 72
## ҲАРФИ ИСТИНОФИЙЯ, ҲАРФИ ИСТИСНО

خَرَجْتُ فَانْهَمَرَ الْمَطَرُ

***Маъноси:***
**Чиқдиму, ёмғир ёға бошлади.**

خَرَجْتُ – маълум мозий феъли, تُ замирига ёпишгани учун сукунга мабний, تُ рафъ ўрнида фоил.
فَانْهَمَرَ – فَ ҳарфи истинофийя, انْهَمَرَ маълум мозий феъли, фатҳага мабний.
الْمَطَرُ – фоил, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи истинофийя маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, ўзидан олдинги жумладан тугаганидан кейин янги жумла бошланганлигига далолат қилувчидир.

Истиънофийя ҳарфлар ушбулардир: ف ،و.

يُعَاقَبُ الْمُذْنِبُ أَوْ تَظْهَرَ بَرَاءَتُهُ

***Маъноси:***

**Гуноҳкор иқоб қилинади ёки айбсизлиги ошкор бўлади.**

يُعَاقَبُ – мажҳул музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الْمُذْنِبُ – фоил, замма ила марфуъ.

أَوْ – ҳарфи истисно, замирда турувчи أَنْ ила насб қилади (إِلاَّ أَنْ маъносидаги)

تَظْهَرَ – маълум музореъ феъли, أَوْ ила мансуб, насб аломати фатҳа.

بَرَاءَتُهُ – фоил, замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи истисно маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, ўзидан олдинги исмни ҳукмидан кейин келувчи исм маъносини чиқаради.

Истисно ҳарфлари олтитадир: إِلاَّ، أَوْ، حَتَّى، حَاشَا، خَلاَ، عَدَا.

## 73
## ҲАРФИ ИСТИДРОК, ҲАРФИ ИСТИФТОҲ

زَيْدٌ شُجَاعٌ لَكِنَّهُ بَخِيلٌ

*Маъноси:*

**Зайд шижоатли лекин у бахилдир.**

زَيْدٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

شُجَاعٌ – хабар, замма ила марфуъ.

لَكِنَّهُ – لَكِنَّ ҳарфи истидрок, феълга ўхшаш ҳарф, ه замир, насб ўрнида, لَكِنَّнинг исми.

بَخِيلٌ – لَكِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи истидрок маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, ўзидан кейингисига ҳукман мансуб бўлиб, ўзидан олдингининг ҳукмига мухолиф бўлади ёки субути шубҳали нарсадан ўша шубҳани кўтаради.

Истидрок ҳарфлари қуйидагилардир: عَلَى، كَأَنَّ، لَكِنْ، لَكِنَّ

أَلاَ إِنَّهُمْ هُمُ الظَّافِرُونَ

***Маъноси:***

**Огоҳ бўлинглар улар ҳаддан ошганлардир.**

أَلاَ – истифтоҳ ҳарфи.

إِنَّهُمْ – إِنّ феълга ўхшаш ҳарф, هُمْ замир, насб ўрнида, إِنّнинг исми.

هُمُ – هُمْнинг тавкиди, мабний, насб ўрнида.

الظَّافِرُونَ – إِنّнинг хабари, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи истифтоҳ маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, энди айтиладиган нарсага бевосита боғлиқликни талаби учун ишлатилади ва ўзидан кейинги нарсани собитлигига далолат қилади.

Истифтоҳ ҳарфлари ушбулардир: أَلاَ، أَمَا

# ҲАРФИ ИСТИФҲОМ, ҲАРФИ ИСТИҚБОЛ

هَلْ عَادَ زَيْدٌ إِلَى وَعْيِهِ

***Маъноси:***
**Зайд ҳушига келдими?**

هَلْ – ҳарфи истифҳом.

عَادَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

زَيْدٌ – фоил, замма ила марфуъ.

إِلَى – ҳарфи жор, عَادَга мутаъаллиқ.

وَعْيِهِ – касра ила мажрур, ه замир, жор ўрнида.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи истифҳом маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, фаҳмлаш, тасаввур қилиш, тасдиқ этишни талаб қилиш учун ишлатилади.

Истифҳом ҳарфлари ушбулардир: أ، مَا، هَلْ

قَالَ سَوْفَ أَفْعَلُ كَذَا

***Маъноси:***
**“Буни тезда қиламан” деди.**

قَالَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замир.

سَوْفَ – ҳарфи истиқбол.

أَفْعَلُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири.

كَذَا – исми киноя, сукунга мабний, насб ўрнида мафъулун биҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Истиқбол ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, тор вақтни яъни “ҳозир”ни кенг вақтга, истиқболга яъни келажакка айлантиради.

Истиқбол ҳарфлари ушбулардир: السين وسوف

## 75
## ИЗРОБ ВА АМР ҲАРФИ

سَافِرْ [...] أَوْ دَعِ [...] السَّفَرَ اليَوْمَ

***Маъноси:***

**Сафар қил ёки бугун сафарингни қўй.**

سَافِرْ – феъли амр, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

أَوْ – изроб ҳарфи.

دَعِ – феъли амр, сукунга мабний, икки сукун учрашиб қолмаслиги учун касра ила эъваз қилинган, фоили أَنْتَ мустатир замири.

السَّفَرَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

اليَوْمَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, السَّفَرَга мутаъаллиқ.

## ҚОИДАЛАР

* Изроб ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, маънони ботил қилиш ёки бир мақсаддан бошқасига ўтказиш учун ишлатилади.

Изроб ҳарфлари ушбулардир: أو، بَلْ، لَكِنْ

لِيُقَاصَصِ الكَسْلاَنُ وَ لِيُكَرَّمِ الْمُجْتَهِدُ

*Маъноси:*

**Дангаса жазолансин, тиришқоқ икром қилинсин.**

لِيُقَاصَصِ – لـ амр ҳарфи, يُقَاصَصِ мажҳул музореъ феъли, “лом”и амр ила мажзум, жазм аломати сукун, икки сукун учрашиб қолмаслиги учун касра ила эваз қилинган.

الكَسْلاَنُ – ноиби фоил, замма ила марфуъ.

وَ لِيُكَرِّمِ – و ҳарфи атф, لـ амр ҳарфи يُكَرِّمِ мажҳул музореъ феъли, ломи амр ила мажзум, жазм аломати сукун, икки сукун учрашиб қолмаслиги учун касра ила эваз қилинган.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи амр маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, устунроқ турувчидан қуйироқда турувчининг бирор нарсани бажаришни талаб қилишига ишлатиладиган ҳарфдир. Амр ҳарфи биттадир, у амр “лом”идир.

## 76
## ҲАРФИ БАДАЛ, ҲАРФИ ТАЪНИС

قُمْ [...] عَنْ أَخِيكَ بِالعَمَلِ

***Маъноси:***
**Биродарингдан амал ила ўзиб кет.**

قُمْ – феъли амр, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

عَنْ – жор ва бадал ҳарфи, قُمْга мутаъаллиқ.

أَخِيكَ – асмои хомсадан бўлгани учун ي ила мажрур, ك замир, музофун илайҳ.

بِالعَمَلِ – ب ҳарфи жор, قُمْга мутаъаллиқ, العَمَلِ касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи бадал маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, бирор нарсанинг ўрнида турувчининг эвази ёки ўринбосарига далолат қилиш учун ишлатилади.

Бадал ҳарфи битта бўлиб, у عَنْ ҳарфидир.

هَذِهِ هِيَ سَلْمَى وَتِلْكَ فَاطِمَةُ

***Маъноси:***
**Бу Салма ва бу Фотима.**

هَذِهِ – исми ишора касрага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

هِيَ – фасл замири, эъробда ўрни йўқ.

سَلْمَى – хабар, узр сабабли “алиф”га тақдир қилинган замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

وَتِلْكَ – و атф ҳарфи, تِلْكَ هَذِهِ мубтадосига маътуф, фатҳага мабний, рафъ ўрнида.

فَاطِمَةُ – سَلْمَى хабарига маътуф, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

## ҚОИДАЛАР

* Таъниc ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, муаннасга далолат қилиб, музаккардан ажратиш учун исмни охирида келади. Таъниc ҳарфлари учта бўлиб, таъниc аломатлари деб аталади:

Улар қуйидагилардир: “та марбута”, “алифи мақсура”, “алифи мамдуда”.

## 77
## ТАҲЗИЗ (ЧОРЛАШ), ТАҲҚИҚ (ТАКИДЛАШ) ҲАРФИ

هَلاَّ تَقُومُ [...] بِوَاجِبِكَ

***Маъноси:***
**Ўзингнинг мажбуриятларингни бажармайсанми!?**

هَلاَّ – чорловчи ҳарф.

تَقُومُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنْتَ мустатир замири.

بِوَاجِبِكَ – ب ҳарфи жор, تَقُومُга мутаъаллик, وَاجِبِ касра ила мажрур, ك замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Таҳзиз (чорлаш) ҳарфи маънога эга бўлиб, бир нарсани шиддат ила талаб қилиш, ундаш, қўзғаш учун ишлатилади.

Ундов ҳарфлари бештадир: ألاَ، ألاَّ، هَلاَّ، ألاَّ، ألا

لَقَدْ أَفْلَحَ مَنْ جَاهَدَ [...]

***Маъноси:***

**Албатта жидду-жаҳд қилган нажот топди.**

لَقَدْ – ل ҳарфи қасам, قَدْ такидлаш ҳарфи.

أَفْلَحَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

مَنْ – исми мавсула, сукунга мабний, рафъ ўрнида фоил.

جَاهَدَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

## ҚОИДАЛАР

* Такидлаш ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб бир нарсани исбот қилиш учун ишлатилади.

Таъкидлаш ҳарфлари ушбулардир: قَدْ، أَمَا.

## 78
## ИХТИЁР ВА УМИДВОРЛИК ҲАРФИ

تَزَوَّجْ هِنْدًا أَوْ وَالِدَتَهَا

***Маъноси:***

**Ҳиндга ёки унинг онасига уйланди.**

تَزَوَّجَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

هِنْدًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

أَوْ – атф ва ихтиёр ҳарфи.

وَالِدَتَهَا – هِنْدًاга маътуф, насбда унга тобеъ, هَا замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Ихтиёр ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, бир нарсани устун қўйиш, бошқасидан хослаш ва олдинга қўйиш учун ишлатилади.

Ихтиёр ҳарфлари ушбулардир: أَوْ، إِمَّا.

لَعَلَّ الغَائِبَ عَائِدٌ مِنْ غَرْبَتِهِ

***Маъноси:***

**Шоядки ғоиб ғурбатидан қайтгувчи бўлса.**

لَعَلَّ – феълга ўхшаш ва умидворлик ҳарфи.

الغَائِبَ – لَعَلَّнинг исми, фатҳа билан мансуб.

عَائِدٌ – لَعَلَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

مِنْ – ҳарфи жор, عَائِدٌга мутаъаллиқ.

غَرْبَتِهِ – касра ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Умидворлик ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, собит бўлиши осон нарсани тамаъ ва иштиёқ ила кутишга далолат қилиш учун ишлатилади.

Умидворлик ҳарфлари қуйидагилардир: لَعَلَّ، عَلَّ.

## 79
## ТАШБЕҲ ВА ТАСРИФ ҲАРФИ

كَأَنَّكِ البَدْرُ لَيْلَةَ كَمَالِهِ

***Маъноси:***
**Сен кечки тўлин ой кабидирсан.**

كَأَنَّكِ – феълга ўхшаш ҳарф, ك замир, музофун илайҳ, насб ўрнида كَأَنَّнинг исми.

البَدْرُ – كَأَنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

لَيْلَةَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, البَدْرُга мутаъаллиқ, музоф.

كَمَالِهِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Ташбеҳ ҳарфи маънога эга бўлиб, бир ишни бошқа ишга маъно жиҳатидан шерик қилишда ишлатилиб, кўчма маънода ишлатилмайди.

Ташбеҳ ҳарфлари ушбулардир: كَأَنَّ، ك.

أَفْعَلُ [...]، تَفْعَلُ [...]، فَعَلْتُمْ [...]

*Маъноси:*
**Бажараман, бажарасан, бажардинглар.**

أَفْعَلُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замир.

تَفْعَلُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنْتَ мустатир замири.

فَعَلْتُمْ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил, مْ ҳарфи жамъ.

## ҚОИДАЛАР

* Тасриф ҳарфи маънога эга бўлиб, бир аслни унга ўхшаш турли хил кўринишга ўзгартириш учун ишлатилади.

Тасриф ҳарфлари 12 тадир:

الهمزة، التاء، السين، اللام، الميم، النون، نون الثقيلة، الهاء، الواو، الألف، الياء.

## 80
## ТАЪАЖЖУБ ВА ТАЪРИФ ҲАРФИ

**يَا [...] [...] لَهُ مِنْ شَاعِرٍ**

*Маъноси:*
**Бу мунчалар ҳам ажойиб шоир!**

يَا – ҳарфи нидо.

لَهُ – لِ ҳарфи жор ва таъажжуб, маҳзуф нидо феълига мутаъаллиқ, тақдири أُنَادِي, ه замир, музофун илайҳ.

مِنْ – зоида ҳарф.

شَاعِرٍ – касра ила мажрур, насб ўрнида тамйиз.

## ҚОИДАЛАР

* Таажжуб ҳарфи маънога эга бўлиб, сабаби номаълум нарсадан нафснинг ҳаяжонланишига далолат қилиш учун ишлатилади. Таажжуб ҳарфи биттадир: لِ.

لُبْنَانُ هُوَ البَلَدُ السَّيِّدُ الحُرُّ الْمُسْتَقِلُّ

***Маъноси:***
**Ливан суверен, ҳур, мустақил давлат.**

لُبْنَانُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

هُوَ – фасл замири, эъробда ўрни йўқ.

البَلَدُ – хабар, замма ила марфуъ.

السَّيِّدُ – البَلَدُга наът, рафъда унга тобеъ.

الحُرُّ – البَلَدُга иккинчи наът, рафъда унга тобеъ.

الْمُسْتَقِلُّ – البَلَدُга учинчи наът, рафъда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Таъриф ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, накрани маърифа қилиш учун ишлатилади.

Таъриф ҳарфи биттадир: У маърифанинг алифи.

## 81

# ҲАРФИ ТАЪЛИЛ, ҲАРФИ ТАФСИР

غَامِرْ [...] كَيْ تَبْلُغَ [...] الْمَجْدَ

*Маъноси:*
**Улуғликка етишиш учун ўзингни қўлга ол.**

غَامِرْ – феъли амр, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

كَيْ – масдар, насб ва таълил ҳарфи.

تَبْلُغَ – маълум музореъ феъли, كَيْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, фоили أَنْتَ мустатир замири.

الْمَجْدَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб. تَبْلُغَ الْمَجْدَ жумласи масдар таъвилида, тақдирдаги لِ ила жор ўрнида яъни, (لِتَبْلُغَ الْمَجْدَ).

## ҚОИДАЛАР

* Таълийл ҳарфи маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб, ҳужжат ва унинг исботини зоҳир қилиш учун ишлатилади. Таълил ҳарфлари саккизта: إِذْ، حَتَّى، عَلَى، عَنْ، فِي، كَيْ، لِ، مِنْ.

كَتَبْتُ إِلَيْهِ أَنْ حَارِبْ [...]

*Маъноси:*
**Унга: “Курашгин” деб ёздим.**

كَتَبْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

إِلَيْهِ – إِلَى ҳарфи жор, كَتَبْتُга мутаъаллиқ, ه замир, жор ўрнида.

أَنْ – ҳарфи тафсир.

حَارِبْ – феъли амр, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи тафсир маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб лафзнинг маъносини изоҳлаш ва мушкил нарсадан бўлган муродни ва таъвийлни кашф қилиш учун ишлатилади. Тафсир ҳарфлари қуйидагилардир: أَنْ، أَيْ.

## 82

## ТАФСИЛ (АЖРАТИШ) ҲАРФИ, ТАҚЛИЛ (ОЗАЙТИРИШ) ҲАРФИ

اِخْتَرْ [...] إِمَّا الْجِدَّ وَإِمَّا الشّقَاءَ

***Маъноси:***
**Танла, ё жидду-жаҳд ёки бахтсизлик.**

اِخْتَرْ – феъли амр, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

إِمَّا – ҳарфи тафсил.

الْجِدَّ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

وَ إِمَّا – و ҳарфи атф, إِمَّا тафсил ҳарфи.

الشِّقَاءَ – الْجِدَّга маътуф, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Тафсийл ҳарфи маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб, жузни ёки бир қисмни умумдан ажратиш учун қўлланилади. Тафсил ҳарфлари тўртта: أَمَّا، إِمَّا، أَوْ، مِنْ.

رُبَّ مَوْتٍ [...] فِي أُمْنِيَّةٍ تَحَقَّقَتْ [...]

***Маъноси:***
**Орзудагидек ўлим топиш камдан кам рўёбга чиқар.**

رُبَّ – зоидага ўхшаш ҳарфи жор ҳамда тақлил ҳарфи.

مَوْتٍ – касра ила мажрур, рафъ ўрнида мубтадо.

فِي – ҳарфи жор, мубтадонинг маҳзуф ҳабарига мутаъаллиқ.

أُمْنِيَّةٍ – касра ила мажрур.

تَحَقَّقَتْ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таънис, фоили هِيَ мустатир замир.

## ҚОИДАЛАР

* Тақлийл ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, бир нарсани ёки ададни камлигини ифодалаш учун ишлатилади. Тақлил ҳарфлари учта: رُبَّ، قَدْ، وَ.

## 83

## ТАКСИЙР (КЎПАЙТИРИШ) ҲАРФИ, ТАМАННИ (ТИЛАК) ҲАРФИ

خَمْسَةٌ فِي خَمْسَةٍ هِيَ عَلاَمَةُ الضَّرْبِ

***Маъноси:***
**Беш карра беш кўпайтириш аломатидир.**

خَمْسَةٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, خَمْسَةٌ нинг маҳзуф хабарига наът.

خَمْسَةٍ – касра ила мажрур.

هِيَ – фасл замири, эъробда ўрни йўқ.

عَلاَمَةُ – хабар, замма ила марфуъ.

الضَّرْبِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Таксир ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, бир нарсани ёки ададни кўплигини ифодалаш учун ишлатилади. Таксир ҳарфлари қуйидагилардир: رُبَّ، فِي.

لَوْ تَذْهَبُ [...] مَعَنَا غَدًا

***Маъноси:***
**Эртага биз билан бирга кетсанг эди.**

لَوْ – таманни ҳарфи

تَذْهَبُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنْتَ мустатир замири.

مَعَنَا – مَعَ мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, تَذْهَبُга мутаъаллиқ, نَا замир, музофун илайҳ.

غَدًا – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб تَذْهَبُга мутаъаллиқ.

## ҚОИДАЛАР

* Таманни ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, рўёбга чиқиши қийин бўлган нарсани ҳосил бўлишини талаб қилиш учун ишлатилади.

Таманни ҳарфлари учтадир: لَعَلَّ، لَوْ، لَيْتَ

## 84

## ТАНБЕҲ (ОГОҲЛАНТИРИШ) ҲАМДА ТАНДИЙМ (НАДОМАТ ҚИЛИШ) ҲАРФИ

يَا أَيُّهَا الرَّجُلُ الْمُعَلِّمُ غَيْرَهُ

***Маъноси:***

**Эй, ўзгага таълим бераётган киши!**

يَا – ҳарфи нидо

أَيُّهَا – أَيُّ мунодо, заммага мабний бўлиб, насб ўрнида. هَا ҳарфи танбеҳ.

الرَّجُلُ – أَيُّдан бадал, унга тобеъ, лафзан марфуъ, маҳаллан мансуб.

الْمُعَلِّمُ – الرَّجُلُга наът, унга тобеъ, лафзан марфуъ, маҳаллан мансуб.

غَيْرَهُ – الْمُعَلِّمُ исми фоилига мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, هـ замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Танбеҳ ҳарфи маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб, фатонатли тингловчини йўналтириш қасди ила бирор нарсани баён қилиш учун ишлатилади.

Танбеҳ ҳарфлари: أَلاَ، ها.

هَلاَّ رَجَعْتَ عَنْ ضَلاَلِكَ

***Маъноси:***

**Адашишингдан қайтсанг эди!**

هَلاَّ – ҳарфи тандийм.

رَجَعْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

عَنْ – ҳарфи жор, رَجَعْتَга мутаъаллиқ.

ضَلاَلِكَ – касра ила мажрур, ك замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи тандийм маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, ўтган нарсага афсусланиш, ҳафалик, хасратни изҳор қилиш учун ишлатилади.

Тандийм ҳарфлари ушбулардир: أَلاَّ، هَلاَّ.

## 85

## ҲАРФИ ТАЪКИД

عَلِمْتُ أَنْ قَدْ يَرْجِعُ [...]

***Маъноси:***

**Билдимки у қайтаётгани аниқ.**

عَلِمْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

أَنْ – ҳарфи таъкид.

قَدْ – ҳарфи таҳқиқ.

يَرْجِعُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири.

## ҚОИДАЛАР

* Таъкид ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, қасд қилинган нарсага жидду-жаҳд қилиш ва аҳд қилинган нарсада мустаҳкам туришни ифодалаш учун ишлатилади.

Таъкид ҳарфлари саккизтадир:

أَمَّا، أَنْ، إِنَّ، البَاءُ، عَلَى، الْكَاف، النُّون، وَالنُّونُ الْمُشَدَّدَة

مَا كَانَ رَبُّكَ بِظَالِمٍ

***Маъноси:***

**Роббинг золим эмасдир.**

مَا – ҳарфи нафий.

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

رَبُّكَ – كَانَнинг исми замма ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳи.

بِظَالِمٍ – ب ҳарфи жор зоида, ظَالِمٍ касра ила мажрур, насб ўрнида كَانَнинг хабари.

إِنَّ الطَّائِرَ طَلِيقٌ

*Маъноси:*
**Албатта учувчи чекланишлардан озоддир.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

الطَّائِرَ – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

طَلِيقٌ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

أَمَّا زَيْدٌ فَشُجَاعٌ

*Маъноси:*
**Аммо Зайд шижоатлидир.**

أَمَّا – ҳарфи таъкид.

زَيْدٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

فَشُجَاعٌ – ف ҳари зоида, شُجَاعٌ хабар, замма ила марфуъ.

اِذْهَبَنَّ

*Маъноси:*
**Албатта кетгин.**

اِذْهَبَنَّ – феъли амр, ташдидли “нун”и таъкидга ёпишиб келгани учун фатҳага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

## 86

## ҲАРФИ ЖОР

أَكَلْتُ السَّمَكَةَ حَتَّى رَأْسِهَا

***Маъноси:***
**Балиқни бош қисмигача тановул қилдим.**

أَكَلْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

السَّمَكَةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

حَتَّى – ҳарфи жор, أَكَلْتُга мутаъаллиқ.

رَأْسِهَا – касра ила мажрур, هَا замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи жор маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, ўзидан кейин бевосита келувчи исмга омил бўлиб, уни ўз мутаъаллиқига тегишли қилади ва касра ёки унинг ўрнини босувчи ноиби орқали калиманинг охирида эъроб зоҳир қилади.

Жор ҳарфлари ўн тўққизта бўлиб уч қисмга бўлинади:

1. Зоҳир исм ва замирни жор қилувчи ҳарфлар:

إِلَى، البَاء، حَاشَا، خَلاَ، عَدَا، عَلى، عَنْ، فِي، اللاَّم، مِنْ

2. Фақат исми зоҳирни жор қилувчи ҳарфлар:

التَّاءُ، حَتَّى، رُبَّ، الكَافُ، مُذْ، مُنْذُ، الوَاوُ

3. Замирни жор қилувчи битта ҳарф: لَولاَ

كَذَبَ القَوْمُ حَاشَا زَيْدٍ

***Маъноси:***
**Зайддан бошқа ҳамма ёлғон сўзлади.**

كَذَبَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

القَوْمُ – фоил, замма ила марфуъ.

حَاشَا – ҳарфи жор, كَذَبَга мутаъаллиқ.

زَيْدٍ – касра ила мажрур.

لَوْلاَهُ لَخَسِرْنَا الْمُبارَيَاتِ

***Маъноси:***
**Агар у бўлмаганида мусобақаларда ютқазар эдик.**

لَوْلاَهُ – لَوْلاَ зоидага ўхшаш жор ҳарфи, ه замир, лафзан мажрур, мубтадолиги учун маҳаллан марфуъ, хабари маҳзуф.

لَخَسِرْنَا – ل ҳарфи жавоб, خَسِرْنَا маълум мозий феъли, نَا замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, نَا рафъ ўрнида фоил.

الْمُبارَيَاتِ – мафъулун биҳ, жамъи муаннаси солим бўлгани учун фатҳа ўрнига касра ила мансуб.

الكِتَابُ عَلَى الطَاوِلَةِ

***Маъноси:***
**Китоб стол устида.**

الكِتَابُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

عَلَى – ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ.

الطَاوِلَةِ – касра ила мажрур.

**86**

## ҲАРФИ ЖАЗМ

**لَمَّا يَقُمْ [...] حَتَّى هَذِهِ اللَّحْظَةِ**

***Маъноси:***
**У ҳатто шу лаҳзагача ҳам ўрнидан турмади.**

لَمَّا – ҳарфи нафий, жазм қилувчи.

يَقُمْ – маълум музореъ феъли, لَمَّا ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили هُوَ мустатир замири.

حَتَّى – ҳарфи жор, يَقُمْга мутаъаллиқ.

هَذِهِ – исми ишора, касрага мабний жор ўрнида.

اللَّحْظَةِ – هَذِهِдан бадал, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Жазм ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, ўзидан кейин бевосита келувчи феълга омил бўлиб, уни жазм қилади ва сукун ёки ёки унинг ўрнини босувчи ноиби орқали феълнинг охирида эъроб зоҳир қилади.

Жазм ҳарфлари ўн олтита бўлиб, у икки қисмга бўлинади:

1. Қуйидаги тўртта ҳарф битта феълни жазм қилади:

لَمْ، لَمَّا، لام الأمْرِ، لا ناهِيَة

2. Қуйидаги ўн икки ҳарф икки феълни жазм қилади:

إِنْ، إِذْمَا، مَنْ، مَا، مَهْمَا، مَتَى، أَيَّانَ، أَيْنَمَا، أَنَّى، حَيْثُمَا، كَيْفَمَا، أَيُّ

**أَلَمْ تَسْتَيْقِظِي بَعْدُ**

***Маъноси:***
**Ҳали ҳам уйғонмадингми?**

أَلَمْ – أَ ҳарфи истифҳом, لَمْ ҳарфи нафий, жазм қилувчи.

تَسْتَيْقِظِي – маълум музореъ феъли, لَمْ ила мажзум, афъоли хомсадан бўлгани учун жазм аломати ҳазфи “нун”, ي замир, рафъ ўрнида фоил.

بَعْدُ – зарфи замон, заммага мабний, изофадан маънан бўлмай лафзан узилгани учун насб ўрнида, мафъулун фийҳ. تَسْتَيْقِظِي га мутааллиқ.

لاَ تَنْسَ

***Маъноси:***
**Эсингдан чиқарма!**

لاَ – жазм қилувчи ҳарфи нафий.

تَنْسَ – маълум музореъ феъли, لاَ ила мажзум, жазм аломати иллат ҳарфнинг ҳазф бўлиши, фоили أَنْتَ мустатир замири.

إِنْ تَدْرُسْ تَنْجَحْ

***Маъноси:***
**Дарс қилсанг, муваффақиятга эришасан.**

إِنْ – ҳарфи шарт, икки феълни жазм қилади.

تَدْرُسْ – маълум музореъ феъли, феъли шарт бўлгани учун إِنْ ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

تَنْجَحْ – маълум музореъ феъли, жавоби шарт бўлгани учун إِنْ ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

## 88

## ҲАРФИ ЖАВОБ ВА ҲАРФИ ХИТОБ

إِذَنْ تَنْجَحَ غَدًا وَ بَعْدَ غَدٍ

***Маъноси:***

**Ундай бўлса эртага ёки унинг эртасига муваффақиятга эришасан.**

إِذَنْ – ҳарфи насб ва жавоб.

تَنْجَحَ – маълум музореъ феъли, إِذَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, фоили أَنْتَ мустатир замири.

غَدًا – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, تَنْجَحَга мутаъаллиқ.

وَبَعْدَ – و атф ҳарфи, بَعْدَ сўзи маътуф غَدًاга. Насбда ва таъаллуқда унга тобеъ.

غَدٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Жавоб ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, чақириш, савол, хитоб, хат ёки эътирозга жавоб қайтариш учун ишлатилади. Жавоб ҳарфлари ўн биттадир:

أَجَلْ، إِذَنْ، إِذَا، إِيْ، بَلَى، جَلَلْ، جَيْرِ، الْفَاءُ، اللاَّمُ، لاَ، نَعَمْ.

قِيلَ [...] لَهُ رُوَيْدَكَ زَيْدًا

***Маъноси:***
**“Зайдга муҳлат бер” деб унга айтилди.**

قِيلَ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

لَهُ – ل ҳарфи жор, قِيلَга мутаъаллиқ.

رُوَيْدَكَ – رُوَيْدَ амр исм феъли, фатҳага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири, ك ҳарфи хитоб.

زَيْدًا – исм феълга мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи хитоб маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб, фаҳмлатиш мақсадида каломни бошқа одамга йўналтириш учун ишлатилади. Хитоб ҳарфи битта бўлиб у كдир. Исми ишора, исм феъллар ва لَكَ كَلاَّ، كَلاَّكَ каби баъзи эшитилувчи ҳарфлар билан келади.

## 89

## РАД ВА ЗАЖР ҚИЛИШ ҲАМДА ЗОИДА ҲАРФ

أَذَهَبْتَ مَعَ سَمِيرٍ؟ كَلاَّ

***Маъноси:***

**Самир билан кетдингми? Асло йўқ.**

أَذَهَبْتَ – أَ ҳарфи истифҳом, ذَهَبْتَ маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

مَعَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, ذَهَبْتَга мутаъаллиқ, музоф.

سَمِيرٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

كَلاَّ – рад қилиш ҳарфи.

## ҚОИДАЛАР

* Рад қилиш ҳарфи маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб, зажр қилиш ва хилоф ила рад этишни изҳор қилиш учун ишлатилади.

Рад қилиш ҳарфи: كَلاَّ дир.

لَمَّا أَنْ جَاءَ فَرِحْتُ

***Маъноси:***

**У келганида хурсанд бўлдим.**

لَمَّا – зарфи замон, сукунга мабний насб ўрнида мафъулун фийҳ, جَاءَга мутаъаллиқ.

أَنْ – ҳарфи зоида.

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

فَرِحْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

## ҚОИДАЛАР

* Зоида ҳарфи маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб, такидлаш, чегаралаш ва муболаға қилиш учун ишлатилади. Зоида ҳарфлар еттитадир: أَلْ، أَنْ، إِنْ، التَّاء، اللاَّمُ، مَا، الوَاو.

* Аммо зоида жор ҳарфларининг муталлиқга ҳожати бўлмайди, улар: البَاء، الكَافُ، اللاَّم، مِنْ.

Зоидга ўхшаш икки ҳарфи жор ҳам шундай, улар: رُبَّ، لَوْلاَ.

## 90

## САКТА (ТЎХТАШ) ВА ЗОИДГА ЎХШАШ ҲАРФ

**وَا [...] كَبِدَاهْ**

***Маъноси:***
**Вой жигарим!**

وَا – ҳарфи нидо.

كَبِدَاهْ – мотам нидоси, сўзнинг охирига тақдир қилинган заммага мабний, зоҳир бўлишидан ўриннинг муносиб ҳаракат ила бандлиги манъ қилган, тақдирдаги мотам феъли сабабли насб ўрнида, тақдири: أَنْدَبُ. “Алиф” мотам ҳарфи, ه ҳарфи сакта.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи сакта маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, гапириш асносида ва сўзлашдан тўхтаётганда овозни кесишга эътиборни тортиш учун ишлатилади. Сакта ҳарфи ـه ҳарфидир.

رُبَّ فَقِيرٍ فِي الدُّنْيَا غَنِيٌّ فِي الآخِرَةِ

***Маъноси:***
**Бу дунёдаги аксар камбағал, охиратда бойдир.**

رُبَّ – зоидага ўхшаш ҳарфи жор.

فَقِيرٍ – касра ила мажрур, рафъ ўрнида мубтадо.

فِي – ҳарфи жор, فَقِيرٍнинг тақдирдаги наътига мутаъаллиқ.

الدُّنْيَا – узр сабабли “алиф”га тақдир қилинган касра ила мажрур.

غَنِيٌّ – хабар, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, غَنِيٌّга мутаъаллиқ.

الآخِرَةِ – касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Зоидага ўхшаш ҳарф жумлага янги мустақил маъно берувчи ҳарф бўлиб, зоида ҳарфи жорга ўхшаб мутаъалликға эҳтиёжи бўлмайди.

Зоидага ўхшаш ҳарфлар ушбулардир: رُبَّ، لَوْلاَ.

## 91
## ҲАРФИ ШАРТ

لَوْ شَاءَ لأَكْرَمْتُهُ

*Маъноси:*
**Агар ҳоҳласа уни икром қилардим.**

لَوْ – ҳарфи шарт.

شَاء – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

لأَكْرَمْتُهُ – ل ҳарфи жавоб, أَكْرَمْتُهُ маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил, هُ замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи шарт маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб, бир ишни бошқа иш воқеъ бўлишига боғланиб амалга ошишини билдириш учун ишлатилади. Шарт ҳарфлари саккизта:

إِذْمَا، أَمَّا، إِنْ، عَلَى، لَوْ، لَولاَ، لَومَا،

Бу ҳарфлардан إِذْمَا، إِنْ иккта музореъ феълини жазм қилади.

إِذْمَا تَأْتِ آتِ

*Маъноси:*
**Келганингда келаман.**

إِذْمَا – ҳарфи шарт.

تَأْتِ – маълум музореъ феъли, феъли шарт бўлгани учун إِذْمَا ила мажзум, жазм аломати ҳарфи иллатни ҳазф бўлиши, фоили أَنْتَ мустатир замири.

آتِ – маълум музореъ феъли, феъли шарт бўлгани учун إِذْمَا ила мажзум, жазм аломати ҳарфи иллатни ҳазф бўлиши, фоили أَنَا мустатир замири.

لَوْلاَ رَحْمَةُ اللهِ لَهَلَكَ النَّاسُ

*Маъноси*:

**Аллоҳнинг раҳмати бўлмаганида одамлар ҳалок бўлар эди.**

لَوْلاَ – ўзига шарт маъносини олган мавжудликни нафий қилувчи ҳарф.

رَحْمَةُ – мубтадо замма ила марфуъ, хабари вужубан маҳзуф, музоф.

اللهِ – лафзи жалола, музофун илайҳ, касра ила мажрур.

لَ – ҳарфи жавоб.

هَلَكَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

النَّاسُ – фоил, замма ила марфуъ.

أَمَّا كَرِيمٌ وَ نَبِيلٌ فَالعَرَبِيُّ

*Маъноси*:

**Аммо Карим ва Набил арабдурлар.**

أَمَّا – ҳарфи шарт.

كَرِيمٌ – хабари муқаддам, замма ила марфуъ.

وَنَبِيلٌ – و атф ҳарфи, نَبِيلٌ كَرِيمٌга маътуф, рафъда унга тобеъ.

فَالعَرَبِيُّ – ف ҳарфи зоида, العَرَبِيُّ мубтадо муаххар, замма ила марфуъ.

## 92
## ҲАРФИ ЗАРФИЙ

وُلِدْتُ إِذْ بَدَأَتِ الحَرْبُ

***Маъноси:***
**Уруш бошланганда туғилганман.**

وُلِدْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

إِذْ – зарфи замон сукунга мабний, насб ўрнида мафъулун фийҳ, وُلِدْتُга мутаъаллиқ.

بَدَأَتِ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таъnис.

الحَرْبُ – фоил, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи зарфий маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, зарфий исм каби ишнинг содир бўлиш замони ёки маконига далолат қилиш учун ишлатилади. Зарфий ҳарфлар ўн олтитадир:
إِذْ، إِذْمَا، إِذَا، إِلَى، أَوْ، البَاء، عَلَى، عَنْ، فِي، اللام، لَمَّا، مُذْ، مِنْ، مُنْذُ، مَا، الوَاو.

كُلٌّ يَجْرِي لِأَجَلٍ مُسَمًّى

***Маъноси:***

**Ҳар бир нарса белгиланган муддатгача давом этур.**

كُلٌّ – мубтадо, замма ила марфуъ.

يَجْرِي – маълум музореъ феъли, талаффузга оғирлик қилгани учун тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири, يَجْرِي жумласи рафъ ўрнида хабар.

لأَجَلٍ – ل зарфий ҳарфи жор, يَجْرِيга мутаъаллиқ, أَجَلٍ касра ила мажрур.

مُسَمًّى – لأَجَلٍга наът, узр сабабли “алиф”га тақдир қилинган касра ила мажрур.

مَا رَأَيْتُهُ مُذْ سَافَرَ

*Маъноси:*
**Сафар қилгандан бери уни кўрмадим.**

مَا – ҳарфи нафий.

رَأَيْتُهُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил, ه замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

مُذْ – зарфи замон сукунга мабний, насб ўрнида мафъулун фийҳ, رَأَيْتُهُ га мутаъаллиқ, музоф.

سَافَرَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

. . . إِلَى الأَمَامِ

*Маъноси:*
**Олдинга...**

إِلَى – зарфий ҳарфи жор, маҳзуф феълий жумлага мутаъаллиқ, тақдийри تَقَدَّمُوا.

الأَمَامِ – касра ила мажрур.

## 93
## ҲАРФИ ТАКЛИФ, ҲАРФИ АТФ

أَلاَ تَذْهَبُ {...} مَعَ سَلِيمٍ إِلَى الْمَلْهَى

***Маъноси:***
**Салим билан театрга бориб келмайсанми?**

أَلاَ – таклиф ҳарфи

تَذْهَبُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنْتَ мустатир замири.

مَعَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, تَذْهَبُга мутаъаллиқ, музоф.

سَلِيمٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

إِلَى – ҳарфи жор, تَذْهَبُга мутаъаллиқ.

الْمَلْهَى – узр сабабли “алиф”га тақдир қилинган касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Таклиф ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, майинлик ва рифқ ила бирор нарсани талаб қилиш учун ишлатилади. Таклиф ҳарфлари бешта: أَلاَ، أَمَا، لَوْ، لَوْلاَ، لَوْمَا.

أَكَلْتُ السَّمَكَةَ حَتَّى رَأْسَهَا

***Маъноси:***
**Балиқни, ҳатто бошини ҳам тановул қилдим.**

أَكَلْتُ – маълум музореъ феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида, фоил.

السَّمَكَةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

حَتَّى – ҳарфи атф.

رَأْسَهَا – السَّمَكَةَга маътуф, насбда унга тобеъ, هَا замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи атф маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, тобеънинг матбуъга лафзда ёки маънода шерик қилиш учун ишлатилади.

Атф ҳарфлари ўнта: الوَاو، لاَ، لَكِنْ، الفَاء، حَتَّى، ثُمَّ، بَلْ، أَوْ، أَمْ، إِلاَّ.

## 94
## ОМИЛ БЎЛМАГАН ВА ОМИЛ БЎЛГАН ҲАРФ

إِنْ أَحَدٌ خَيْرًا مِنْ أَحَدٍ إِلاَّ بِالعِلْمِ

***Маъноси:***
**Бир киши бошқасидан фақат илм ила устун бўлади.**

إِنْ – لَيْسَга ўхшаш ҳарф.

أَحَدٌ – إِنْнинг исми, замма ила марфуъ.

خَيْرًا – إِنْнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

**مِنْ** – ҳарфи жор, خَيْرًا га мутаъаллиқ.

**أَحَدٍ** – касра ила мажрур.

**إِلاَّ** – ҳарфи истисно.

**بِالعِلْمِ** – بِ ҳарфи жор, خَيْرًا га мутаъаллиқ, العِلْمِ касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Омил бўлмаган ҳарф маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, эъробда амали йўқ. У исм ёки феълнинг охирида ўзгариш пайдо қилмайди.

Омил бўлмаган ҳарфлар йигирма саккизта:

أَجَل، إِذْ، إِذًا، إِذَا، أَلْ، أَمَا، إِمَّا، إِيْ، بَلَى، جَلَلْ، جَيْرِ، السِّينُ، سَوْفَ، قَدْ، كَلاَّ، لَوْ، لَوْمَا، الْمِيم، النُّونُ، نَّ، نَعَمْ، الْهَاء، هَلاَّ، هَا، الأَلِف، اليَاء، هَلْ، أَمَّا.

* Ҳарфи омил маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, эъробда амали бўлиб, исм ёки феъл охирида ўзгариш содир қилади.

Омил бўлувчи ҳарфлар:

**<u>Исмда:</u>**

1. Жор ҳарфлари:

إِلَى،البَاء،التَّاء،حَتَّى،حَاشَا،خَلاَ،رُبَّ،عَدَا،عَلَى،عَنْ،فِي،الكَاف،كَيْ،اللاَّم،لَوْلاَ،مُذْ،مِنْ،مُنْذُ،الوَاو

2. Жумлани насх қилувчи ҳарфлар:

إِنْ، إِنَّ، أَنَّ، كَأَنَّ، لَعَلَّ، لَكِنَّ، لا، لاَتَ، مَا.

3. Нидо ҳарфлари:

الْهَمْزَةُ، آ، آيَ، أَيْ، أَيَا، هَيَا، وَا، يَا.

4. Истисно ҳарфи: إِلاَّ.

**Феълда:**

1. Жазм ҳарфлари: لا ،لَمَّا ،لَمْ ،اللاَّمُ ،إِنْ ،إِذْمَا.

2. Насб ҳарфлари: لَنْ ،كَيْ ،أَنْ ،إِذَنْ.

Ва фаръий насб ҳарфлари: الوَاو ،اللاَّمُ ،الفَاء ،حَتَّى ،ثُمَّ ،أَوْ.

**Исм ва феълда:**

Атф ҳарфлари: الوَاو ،لا ،لَكِنْ ،الفَاء ،حَتَّى ،ثُمَّ ،بَلْ ،أَوْ ،أَمْ.

سَنَذْهَبُ

***Маъноси:***

**Тезда кетамиз.**

سَنَذْهَبُ – س ҳарфи истиқбол, نَذْهَبُ маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили نَحْنُ мустатир замири.

## 95
## ҲАРФИ ҒОЯ

لَنْ نَخْرُجَ حَتَّى تَطْرُدَنَا

***Маъноси:***

**Бизни ҳайдамагунингча бу ердан чиқмаймиз.**

لَنْ – насб ҳарфи.

نَخْرُجَ – маълум музореъ феъли, لَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, фоили نَحْنُ мустатир замири.

حَتَّى – фаръий насб, ғоя ва жор ҳарфи.

تَطْرُدَنَا – маълум музореъ феъли, замирдаги أَنْ ила мансуб насб аломати фатҳа, фоили أَنْتَ мустатир замири, نَا замир, насб ўрнида мафъулун биҳ, تَطْرُدَنَا жумласи масдар таъвийлида, тақдирдаги “лом” ила жор ўрнида.

* Ҳарфи ғоя маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, бирор нарса уни мақсади ёки итиҳосига олиб боришига ва у ўша бирор нарсадан келиб чиқишига далолат қилиш учун ишлатилади. Ғоя ҳарфлари тўртта: إِلَى، البَاء، حَتَّى، كَيْ.

دَرَسْتُ إِلَى الْمَسَاءِ

*Маъноси*:
**Кечгача дарс қилдим.**

دَرَسْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت замир, рафъ ўрнида фоил.

إِلَى – ҳарфи ғоя ва жор, دَرَسْتُга мутаъаллиқ.

الْمَسَاءِ – касра ила мажрур.

أَحْسَنَ زَيْدٌ بِي

***Маъноси:***
**Зайд менга яхшилик қилди.**

أَحْسَنَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

زَيْدٌ – фоил, замма ила марфуъ.

بِي – ب ҳарфи ғоя ва жор, أَحْسَنَга мутаъаллиқ, ي замир, жор ўрнида.

أَدْرُسُ اليَوْمَ كَيْ أَنْجَحَ غَدًا

*Маъноси:*

**Эртага муваффақиятга эришиш учун бугун дарс қиламан.**

أَدْرُسُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири.

اليَوْمَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, أَدْرُسُга мутаъаллиқ.

كَيْ – насб, масдар ва ғоя ҳарфи.

أَنْجَحَ – маълум музореъ феъли, كَيْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, фоили أَنَا мустатир замири.

غَدًا – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, أَنْجَحَга мутаъаллиқ, أَنْجَحَ жумласи масдар таъвийлида, тақдирдаги “лом” ила жор ўрнида.

## 96
## ЖАЗО “ФО”СИ, САБАБ “ФО”СИ

إِنْ تُسَافِرْ [...] فَقَدْ أُسَافِرُ [...]

*Маъноси:*

**Агар сафар қилсанг мен ҳам албатта сафар қиламан.**

إِنْ – ҳарфи шарт.

تُسَافِرْ – маълум музореъ феъли, феъли шарт бўлгани учун إِنْ ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

فَقَدْ – ف ҳарфи жазо, قَدْ ҳарфи таҳқиқ.

أُسَافِرُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири, أُسَافِرُ жумласи рафъ ўрнида, тақдири أَنَا бўлган маҳзуф мубтадонинг хабари.

## ҚОИДАЛАР

* Жазо “фо”си маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, жавоби шартга киради ва “жавоб фо”си ёки “жавоби шартни боғловчи фо” деб аталади. Музореъ жазо “фо”си билан келганда рафъ бўлиб, жазм бўлмайди ва маҳзуф мубтадога хабар бўлади.

أَتَذْهَبُ [...] فَأَلْحَقَكَ [...]

***Маъноси:***
**Кетасанми сенга қўшилиб оламан.**

أَتَذْهَبُ – أَ ҳарфи истифҳом, تَذْهَبُ маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنْتَ мустатир замири.

فَأَلْحَقَكَ – ف сабаб “фо”си, фаръий насб ҳарфи, أَلْحَقَ маълум музореъ феъли, замирдаги أَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, ك замир, насб ўрнида мафъулун биҳ, фоили أَنَا мустатир замири.

## ҚОИДАЛАР

* Сабаб “фо”си маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб, замирдаги أَنْ ила музореъни қуйидаги ҳолларда вужубан насб қилади:

1. Ҳарф, феъл ёки исм ила қилинган нафийдан сўнг.

2. Амр қилиш, сўраш, орзу қилиш, умид қилиш, қизиқтириш ёки арз қилиш ила талабдан сўнг.

## 97
## ҲАРФИ ҚАСАМ, ҲАРФИ КИФОЯ

تَاللهِ لأُكَرِّمَنَّكَ [...]

***Маъноси:***
**Аллоҳга қасамки сени икром қилурман.**

تَاللهِ – ت ҳарфи жор ва қасам, أُقْسِمُ маҳзуф феъли қасамига мутаъаллиқ, اللهِ лафзи жалола касра ила мажрур.

لأُكَرِّمَنَّكَ – ل ҳарфи жавоб, أُكَرِّمَنَّكَ маълум музореъ феъли, ташдидли “нун”и тавкидга ёпишгани учун фатҳага мабний, ك замир, насб ўрнида мафъулун биҳ, фоили أَنَا замири.

## ҚОИДАЛАР

* Қасам ҳарфи маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб, Аллоҳ таоло ила қасам ичилганда ишлатилади.

Қасам ҳарфлари ушбулардир: البَاء، التَّاء، اللاَّم، الوَاو.

قَدْ زَيْدًا دِرْهَمٌ عَلَى حِسَابِ الأَجَاوِدِ

***Маъноси:***
**Саҳийлар ҳисоби бўйича Зайдга бир дирҳам кифоя қилади.**

قَدْ – يَكْفِي маъносидаги музореъ исми феъл, сукунга мабний.

زَيْدًا – мафъулун бих, фатҳа ила мансуб.

دِرْهَمٌ – исми феълнинг фоили, замма ила марфуъ.

عَلَى – ҳарфи жор, قَدْга мутаъаллиқ.

حِسَابِ – касра ила мажрур, музоф.

الأَجَاوِدِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Қифоя ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, исми далолат каби бир нарсанинг ҳосил бўлишига ва ундан бошқа нарсадан беҳожат қилишга ишлатилади.

Ҳарфи кифоя биттадир: قَدْ.

## 98
## ЖИНСНИ НАФИЙ ҚИЛУВЧИ لا ҲАРФИ

لاَ فَضِيلَةَ أَنْبَلُ مِنَ الْمُحَبَّةِ

***Маъноси:***
**Муҳаббатдан олийроқ фазийлат йўқдир.**

لاَ – жинсни нафий қилувчи لاَ.

فَضِيلَةَ – لاَнинг исми, фатҳага мабний, насб ўрнида.

أَنْبَلُ – لاَнинг хабари, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

مِنَ – ҳарфи жор, أَنْبَلُга мутаъаллиқ.

المُحَبَّةِ – касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Жинсни нафий қилувчи носих لاَ маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, исмий жумлага кириб хабарни жинсдан бутунлай нафий қилиш учун ишлатилади. У мубтадони насб қилади (لاَнинг исми), хабарни рафъ қилади (لاَнинг хабари). У амал қилиши учун қуйидагилар шарт:

1. Ҳеч бир ўзгаришсиз жинсни нафий қилувчи ҳарф бўлиши.
2. Исми ва хабари накра бўлиши.
3. Исми ўзига муттасил ҳолда келиши.
4. Хабари исмидан олдин келмаслиги.
5. Унга жор ҳарф кирмаслиги.

لاَ غَالِبَ وَ لاَ مَغْلُوبَ

***Маъноси:***
**Ғолиб ҳам мағлуб ҳам йўқ.**

لاَ – жинсни нафий қилувчи لاَ.

غَالِبَ – لاَнинг исми, фатҳага мабний, насб ўрнида. لاَнинг хабари маҳзуф.

وَ لاَ – و ҳарфи атф, لاَ жинсни нафий қилувчи.

مَغْلُوبَ – غَالِبَга маътуф, насбда унга тобеъ.

(لاَни لَيْسَга ўхшатган ҳолда олинса ҳам бўлади, шунда исми рафъ, хабари насб ҳолатида бўлади.)

لاَ قَائِلاً حَقًّا جَبَانٌ

***Маъноси:***
**Ҳақни айтувчи қўрқоқ эмас!**

لاَ – жинсни нафий қилувчи لاَ.

قَائِلاً – لاَнинг исми, музофга ўхшагани учун фатҳа ила мансуб.

حَقًّا – قَائِلاً исми фоилининг мафъули, фатҳа ила мансуб.

جَبَانٌ – لاَнинг хабари, замма ила марфуъ.

لاَ جَاهِلاَتَ مُحْتَرَمَاتٌ

***Маъноси:***
**Жоҳилалар ҳурматга лойиқмасдирлар.**

لاَ – жинсни нафий қилувчи لاَ.

جَاهِلاَتَ – لاَнинг исми, фатҳага мабний, насб ўрнида. (Жамъи муаннаси солим бўлгани учун جَاهِلاَتِ деб айтилиши ҳам жоиз).

مُحْتَرَمَاتٌ – لاَнинг хабари, замма ила марфуъ.

## 99

## ЖИНСНИ НАФИЙ ҚИЛУВЧИ لا ҲАРФИ – لا سِيَّمَا

يُكَافَأُ الأُدَبَاءُ لاَ سِيَّمَا الشُّعَرَاءِ

***Маъноси:***
**Адиблар, хусусан шоирлар тақдирланадилар.**

يُكَافَأُ – мажҳул музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الأُدَبَاءُ – ноиби фоил, замма ила марфуъ.

لاَ – жинсни нафий қилувчи لاَ.

سِيَّمَا – سِيَّ لاَнинг исми, музоф бўлгани учун фатҳа ила мансуб, مَا ҳарфи зоид, لاَнинг хабари маҳзуф.

الشُّعَرَاءِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* لاَ سِيَّمَا, (لا – سي – ما) дан таркиб топган, لاَ жинсни нафий қилувчи ҳарф, سِيَّ исми, хабари маҳзуф, مَا исми мавсул ёки ҳарфи зоид.

1. إِلاَّ ва унинг аховотларига мулҳақ қилинади.

2. Ундан кейин накра исм келса маҳзуф мубтадога хабар сифатида рафъ қилиш жоиз бўлади, тамйиз сифатида насб қилиш жоиз бўлади, музофун илайҳи сифатида жор қилиш жоиз бўлади.

3. Ундан кейин маърифа исм келса рафъи ва насби жоиз бўлади.

4. مَا мустаснонинг рафъ ҳолатида سِيَّга музоф бўлиб исми мавсул бўлади, насб ва жор ҳолида ҳарфи зоид бўлади.

5. لاَ سِيَّمَا гоҳида “хусусан” маъносида ишлатилади, шунда мутлоқ мафъулийят сабабидан насб қилинади, ундан кейин ҳол ёки шарт ёки зарф келади.

كُلُّ صَادِقٍ يَنْجَحُ لاَ سِيَّمَا مُجْتَهِدٌ (مُجْتَهِدًا، مُجْتَهِدٍ)

***Маъноси:***

**Ҳар бир ростгўй муваффақиятга эришади айниқса тиришқоқ.**

كُلُّ – мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

صَادِقٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

يَنْجَحُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири, يَنْجَحُ жумласи рафъ ўрнида хабар.

لاَ – жинсни нафий қилувчи لاَ.

سِيَّمَا – سِيَّ لاَнинг исми, музоф бўлгани учун фатҳа ила мансуб, مَا исми мавсул сукунга мабний, жор ўрнида музофун илайҳ. (مُجْتَهِد насб ёки жор бўлса, مَا ҳарфи зоид бўлади), لاَнинг хабари маҳзуф.

مُجْتَهِدٌ – маҳзуф мубтадонинг хабари, замма ила марфуъ.

(مُجْتَهِدًا : тамйиз, фатҳа ила мансуб)

(مُجْتَهِدٍ : музофун илайҳи, касра ила мажрур)

## 100

## ЖУҲУД (ИНКОР ЭТИШ), ФАРҚЛОВЧИ ВА КЎЧУВЧИ لام ҲАРФИ

لَمْ أَكُنْ [...] لأَظْلِمَ [...] [...] النَّاس

***Маъноси:***
**Одамларга зулм қилмайман.**

لَمْ – нафий ва жазм қилувчи ҳарф.

أَكُنْ – ноқис музореъ феъли, لَمْ ила мажзум, жазм аломати сукун, исми рафъ ўрнидаги أَنَا мустатир замири.

**لِأَظْلِمَ** – لِ ҳарфи жуҳуд ва жор, أَكُنْ хабари қилинган أَظْلِمَ феълига мутаъаллиқ, أَظْلِمَ маълум музореъ феъли, لِдан кейин келувчи замирдаги أَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, фоили أَنَا мустатир замири.

**النَّاس** – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб. لأَظْلِمَ жумласи масдар таъвийлида бўлиб, ل ила жор ўрнида.

## ҚОИДАЛАР

* Жуҳуд "лом"и манфий كَانَдан кейин уни таъкидлаб келади, у ҳарфи жор бўлиб, музореъ феълига кириб замирдаги أَنْ ила уни насб қилади, замирдаги أَنْ ва феълдан ташкил топган таъвийлдаги масдар ل ила жор ўрнида бўлади, жор ва мажрур маҳзуф хабарга мутаъаллиқ бўлади.

* Фарқловчи "лом" ҳарфи нафий қилувчи إِنْ ва ташдидсиз бўлган إِنَّнинг орасини фарқлайди, у аслида "лом"и ибтидо бўлиб, إِنْнинг амали йўқ хабарига кўчган бўлади.

* Кўчувчи "лом" ҳарфи إِنَّнинг исмидан унинг хабарига кўчади, асли "лом"и ибтидодир, худди шундай бу ҳарф, хабар жор ва мажрур бўлганда إِنَّнинг исмига ёпишиб келади.

إِنْ زَيْدٌ لَشُجَاعٌ

***Маъноси:***
**Албатта Зайд шижоатлидир.**

**إِنْ** – ҳарфи тавкид.

**زَيْدٌ** – мубтадо, замма ила марфуъ.

**لَشُجَاعٌ** – ل фарқловчи "лом", شُجَاعٌ хабар, замма ила марфуъ.

إِنَّ فِي العِلْمِ لَعِبْرَةً

*Маъноси:*
**Албатта илмда ибрат бор.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

فِي – ҳарфи жор, إِنَّнинг маҳзуф хабарига мутаъаллиқ.

العِلْمِ – касра ила мажрур.

لَعِبْرَةً – ل кўчувчи "лом", عِبْرَةً إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

## 101

## لَيْسَГА ЎХШАШ ҲАРФ

مَا شَيْءٌ مُنْهِكًا سِوَى طُولِ الْمَسِيرِ

*Маъноси:*
**Узоқ пиёда юришдан кўра холдан тойдирувчироқ нарса йўқдир.**

مَا – لَيْسَга ўхшаш ҳарфи нафий.

شَيْءٌ – مَاнинг исми, замма ила марфуъ.

مُنْهِكًا – مَاнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

سِوَى – мустасно, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб, музоф.

طُولِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, музоф.

الْمَسِيرِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* لَيْسَга ўхшаш ҳарф маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, насх қилувчидир, لَيْسَга нафий қилишда ўхшайди. У исмий жумлага кириб мубтадони рафъ, хабарни насб қилади. Шунда мубтадо унинг исми, хабар унинг хабари бўлади. لَيْسَга ўхшаш ҳарфлар тўртта: مَا، لاَتَ، لا، إِنْ.

لاَ رَجُلٌ مُقِيمًا وَلَكِنْ رَاحِلٌ

***Маъноси:***
**Киши муқим эмас, у кетувчи.**

لاَ – لَيْسَга ўхшаш ҳарфи нафий.

رَجُلٌ – لاнинг исми, замма ила марфуъ.

مُقِيمًا – لاнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

وَ لَكِنْ – و ҳарфи зоид, لَكِنْ ҳарфи атф.

رَاحِلٌ – тақдири هُوَ бўлган маҳзуф мубтадонинг хабари, замма ила марфуъ.

لاَتَ سَاعَةَ نَدَامَةٍ

***Маъноси:***
**Надомат қиладиган вақт эмас эди.**

لاَتَ – لَيْسَга ўхшаш ҳарфи нафий, исми вужубан маҳзуф, тақдири السَّاعةُ.

سَاعَةَ – لاَتَнинг хабари, фатҳа ила мансуб, музоф.

نَدَامَةٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

مَا إِبْرَاهِيمُ إِلاَّ مُجَاهِدٌ

*Маъноси*:
**Иброҳим тиришқоқдир.**

مَا – ҳарфи нафий.

إِبْرَاهِيمُ – мубтадо, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

إِلاَّ – истисно ва ҳаср ҳарфи.

مُجَاهِدٌ – хабар, замма ила марфуъ, (хабари إِلاَّ ила мубтадодан бўлинганда бу ҳарфлар амалдан қолади).

## 102
## ФЕЪЛГА ЎХШАШ ҲАРФ (1)

إِنَّ الشِّعْرَ اِسْتِغْرَاقٌ فِي نَشْوَةٍ جَمَالِيَّةٍ

***Маъноси:***
**Албатта шеър эстетик завқланишга шўнғишдир.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

الشِّعْرَ – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

اِسْتِغْرَاقٌ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, اِسْتِغْرَاقٌга мутаъаллиқ.

نَشْوَةٍ – касра ила мажрур.

جَمَالِيَّةٍ – نَشْوَةٍга наът, унга жорликда тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Феълга ўхшаш ҳарф маънога эга бўлган носих ҳарф бўлиб, исмий жумлага киради ва мубтадони насб қилади. (мубтадо унинг исми бўлади).

Хабарни эса рафъ қилади (хабар унинг хабари бўлади).

Феълга ўхшаш ҳарфлар олтитадир: إِنَّ، كَأَنَّ، لَكِنَّ، لَيْتَ، لَعَلَّ.

Бу ҳарфлар феълга ўхшашлиги, феълнинг маъносини ўз ичига олгани учундир. У учта ва ундан кўпроқ ҳарфдан бўлади, мозий феълига ўхшаб фатҳага мабний бўлади ва “нуни виқоя"ни олади.

لَعَلَّ الْمَرِيضَ يُشْفَى

***Маъноси:***
**Шоядки касал тузалса.**

لَعَلَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

الْمَرِيضَ – لَعَلَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

يُشْفَى – мажҳул музореъ феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ, ноиби фоили هُوَ мустатир замири. يُشْفَى жумласи рафъ ўрнида لَعَلَّнинг хабари.

إِنَّ فَوْقَ يَدِكَ يَدًا

***Маъноси:***
**Қўлинг устида қўл.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

فَوْقَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, إِنَّнинг маҳзуф муқаддам хабарига мутаъаллиқ, музоф.

يَدِكَ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, كَ замир, музофун илайҳ.

يَدًا – إِنَّнинг муаххар исми, фатҳа ила мансуб.

كَأَنَّمَا التَّعْلِيمُ رِسَالَةٌ

*Маъноси*:

**Таълим гўёки рисолат кабидир.**

كَأَنَّمَا – كَأَنَّ феълга ўхшаш ҳарф, مَا ила амалдан тўхтатилган, مَا амалдан қолдирувчи ҳарф.

التَّعْلِيمُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

رِسَالَةٌ – хабар, замма ила марфуъ.

## 103
## ФЕЪЛГА ЎХШАШ ҲАРФ (2)

إِنَّ زَيْدًا لَنِعْمَ الرَّجُلُ

***Маъноси:***

**Зайд қандоқ ҳам яхши инсон.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

زَيْدًا – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

لَنِعْمَ – لَ ҳарфи ибтидо, نِعْمَ жомид мозий феъли, фатҳага мабний.

الرَّجُلُ – фоил, замма ила марфуъ, نِعْمَ الرَّجُلُ жумласи рафъ ўрнида إِنَّнинг хабари.

## ҚОИДАЛАР

* Ибтидо “лом”и إِنَّнинг исмига хабаридан кейин келганида киради.

* إِنَّнинг хабарига қуйидаги ҳолларда "лом" киради:

1. Мусбат муаххар бўлганда.
2. Жомид мозий бўлганда.
3. Музореъ феъли س ва سَوْفَсиз келганида, мозий феъли قَدْ билан келганида.
4. Фасл замири ундан олдин келганида.

إِنَّ فِي السَّمَاءِ لَخَبَرًا

***Маъноси:***
**Албатта осмонда хабар бордир.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

فِي – ҳарфи жор, إِنَّнинг маҳзуф муқаддам хабарига мутаъаллиқ.

السَّمَاءِ – касра ила мажрур.

لَخَبَرًا – ل ҳарфи ибтидо, خَبَرًا - إِنَّнинг муаххар исми, фатҳа ила мансуб.

إِنَّكَ لَقَدْ قُلْتَ الْحَقَّ

***Маъноси:***
**Сен, аниқки ҳаққни айтдинг.**

إِنَّكَ – إِنَّ феълга ўхшаш ҳарф, ك замир, насб ўрнида إِنَّнинг исми.

لَقَدْ – ل ҳарфи ибтидо, قَدْ ҳарфи таҳқийқ.

قُلْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

الْحَقَّ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, قُلْتَ الْحَقَّ жумласи рафъ ўрнида إِنَّнинг хабари.

إِنَّ هَذَا لَهُوَ الأَصْلُ وَالفَصْلُ

***Маъноси:***

**Албатта бу ўша илдиз ва унинг решалари.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, насб ўрнида إِنَّнинг исми.

لَهُوَ – ل ҳарфи ибтидо, هُوَ фасл замири, эъробда ўрни йўқ.

الأَصْلُ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

وَالفَصْلُ – و атф ҳарфи, الفَصْلُ - الأَصْلُга маътуф, рафъда унга тобеъ.

## 104
## ҲАРФИ МАСДАРИЙ, ҲАРФИ МУФОЖА`А

أَخْشَى أَنْ تَفْشَلَ الْمَسَاعِي

***Маъноси:***
**Уринишлар зое кетади деб қўрқаман.**

أَخْشَى – маълум музореъ феъли, узр сабабли “алиф”га тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири.

أَنْ – насб ва масдар ҳарфи.

تَفْشَلَ – маълум музореъ феъли, أَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа.

الْمَسَاعِي – фоил, талаффузга оғирлик қилгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ. أَنْ تَفْشَلَ الْمَسَاعِى жумласи масдар таъвийлида насб ўрнида бўлиб, мафъулун биҳдир.

## ҚОИДАЛАР

* Масдарий ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, ўз ўрнига масдар қўйиш мумкин бўлган жумлада ишлатилади. Масдарий ҳарфлар тўрттадир: أَ، أَنْ، كَيْ، لَوْ.

خَرَجْتُ فَإِذَا الأَسَدُ وَاقِفٌ

***Маъноси:***
**Чиқсам – шер турган экан.**

خَرَجْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

فَإِذَا – ف ҳарфи истинофия, إِذَا ҳарфи муфожа`а.

الأَسَدُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

وَاقِفٌ – хабар, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Муфожа`а ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, ҳодисани бирданига, бирор муддат ўтмай содир бўлганига далолат қилиш учун ишлатилади.

Муфожа`а ҳарфлари ушбулардир: إِذْ، إِذَا.

## 105
## ҲАРФИ МАВСУЛ, ҲАРФИ НУДБА

مِنَ القَوْمِ [...] الرَّسُولُ اللهِ

***Маъноси:***

**Қавмдандир РасулУЛЛОҲ.**

مِنَ – ҳарфи жор, маҳзуф муқаддам хабарга мутаъаллиқ.

القَوْمِ – касра ила мажрур.

الرَّسُولُ – ال исми мавсул, القَوْمِга наът, сукунга мабний, жор ўрнида, رَسُولُ мубтадо муаххар, замма ила марфуъ, музоф.

اللهِ – лафзи жалола, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Мавсула ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, исм каби муайян нарсага далолат қилиш учун ишлатилади. Унинг кетидан маънони тушунтириб келувчи сила эргашади.

Мавсула ҳарфлари ушбулардир: أَلْ، مَا.

وَا [...] [...] فَخْرَ الوَطَنِ وَالأُمَّةِ

*Маъноси:*
**Во... ватан ва уммат фахри!**

وَا – ҳарфи нудба.

فَخْرَ – мунодо, маҳзуф нудба феъли ила мансуб, тақдири: أَنْدَبُ, музоф.

الوَطَنِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

وَ الأُمَّةِ – و ҳарфи атф, الأُمَّةِ الوَطَنِга маътуф, жорда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Нудба ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, дуо ва қаттиқ ҳафаликни изҳор қилиш учун ишлатилади.

Нудба ҳарфлари ушбулардир: وَا، يَا.

## 106
## ҲАРФИ НИДО

أَفَاطِمَ مَهْلاً بَعْضَ هَذَا التَّدَلُّلِ

*Маъноси:*
**Эй Фотима бу нозланишингни баъзисини қўй.**

أَفَاطِمَ – أَ ҳарфи нидо, فَاطِمَ мунодо, тархим учун бўлган ةнинг заммасига мабний, насб ўрнида.

مَهْلاً – мафъулун мутлақ, фатҳа ила мансуб.

بَعْضَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, жор ўрнида музофун илайҳ.

التَّذَلُّلِ – هَذَاдан бадал, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи нидо маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, нидони йўналтириш ва эшитувчини эътиборини жалб этиш учун ишлатилади. Нидо ҳарфларининг ҳаммаси أُنَادِي нидо феълининг ўрнини босади.

Улар саккизтадир: أَ، آ، آيَ، أَيْ، أَيَا، هَيَا، وَا، يَا.

اللَّهُمَّ اِغْفِرْ لِي

***Маъноси:***
**Аллоҳим мени мағфират қил.**

اللَّهُمَّ – يَا ҳарфи нидо маҳзуф، ٱللَّه лафзи жалола, мунодо, заммага мабний, насб ўрнида, م маҳзуф ҳарфи нидодан эваз.

اِغْفِرْ – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

لِي – ل ҳарфи жор, اِغْفِرْга мутаъаллиқ, ي замир, жор ўрнида.

فَقَالَتْ هَيَا رَبَّاهُ

***Маъноси:***
**“Эй РОББ” деди.**

فَقَالَتْ – ف ҳарфи истинофийя, قَالَتْ маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таънис, фоили هِيَ мустатир замири.

هَيَا – ҳарфи нидо.

رَبَّاهُ – мунодо, маҳзуф يга тақдир қилинган заммага мабний, зоҳир бўлишини ўриннинг муносиб ҳаракат ила эгаллангани манъ қилган, насб ўрнида, ا ҳарфи зоид, هـ сакта ҳарфи.

يَا أَيُّهَا اللُّبْنَانِيُّونَ

***Маъноси:***
**Эй Ливанликлар.**

يَا – ҳарфи нидо.

أَيُّهَا – أَيُّ мунодо, заммага мабний насб ўрнида, هَا эътибор тортиш ҳарфи.

اللُّبْنَانِيُّونَ – أَيُّга наът, унга тобеъ, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила лафзан марфуъ, маҳаллан мансуб.

## 107
## НАСБ ҲАРФИ

أُرِيدُ أَنْ أَتَعَلَّمَ

***Маъноси:***
**Таълим олишни хоҳлайман.**

أُرِيدُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири.

أَنْ – насб ҳарфи.

أَتَعَلَّمَ – маълум музореъ феъли, أَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, фоили أَنَا мустатир замири.

## ҚОИДАЛАР

* Насб ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, феъл ёки исмга омил бўлади ва калиманинг охирида фатҳа ёки унинг ўрнини босувчи нарса ила эъробни зоҳир қилади.

***Насб ҳарфлари:***

1. Музореъни насб қилувчи ҳарфлар: أَنْ، لَنْ، إِذَنْ، كَيْ.

2. Яширинган أَنْ ила музореъни насб қилувчи ҳарфлар: أَوْ، ثُمَّ، حَتَّى، الفَاء، اللاَّم، الوَاو.

3. Мубтадони насб қилувчи ҳарфлар: إِنَّ ва ахавотлари ҳамда жинсни нафий қилувчи لا.

4. Хабарни насб қилувчи ҳарфлар: مَا ва унинг ахавотлари.

مَا أَنَا مُسِيءٌ فَأَخَافَ

***Маъноси:***

**Мен ёмонлик қилувчи бўлсам эканки, қўрқсам.**

مَا – ҳарфи нафий.

أَنَا – мунфасил замир бўлиб, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

مُسِيءٌ – хабар, замма ила марфуъ.

فَأَخَافَ – ف фаръий насб ҳарфи, أَخَافَ маълум музореъ феъли, فَдан кейинги яширилган أَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, фоили أَنَا мустатир замири.

لَكِنَّ لُبْنَانَ عَزِيزٌ

***Маъноси:***
**Лекин Ливан азиздир.**

لَكِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

لُبْنَانَ – لَكِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

عَزِيزٌ – لَكِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

مَا رَجُلٌ قَنُوعًا وَزَاهِدًا

***Маъноси:***
**Қаноатли ва зоҳид киши эмас.**

مَا – لَيْسَга ўхшаш ҳарф.

رَجُلٌ – مَاнинг исми, замма ила марфуъ.

قَنُوعًا – مَاнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

وَ زَاهِدًا – و ҳарфи атф, زَاهِدًا - قَنُوعًاга маътуф, насбда унга тобеъ.

## 108
## ФАРЪИЙ НАСБ ҲАРФИ

اِضْرِبِ [...] الْمُذْنِبَ حَتَّى يَتُوبَ [...]

*Маъноси:*
**Гуноҳкорни тавба қилгунча ур!**

اِضْـرِبِ – амр феъли, сукунга мабний, икки сокин йўлиқмаслиги учун сукундан касра эваз қилинган, фоили أَنْتَ мустатир замири.

الْمُذْنِبَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

حَتَّى – фаръий насб ва жор ҳарфи.

يَتُوبَ – маълум музореъ феъли, حَتَّى дан кейинги яширилган أَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, фоили هُوَ мустатир замири. يَتُوبَ жумласи таъвилда масдар, жор ўрнидадир.

## ҚОИДАЛАР

* Фаръий насб ҳарфи маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб, яширилган أَنْ ила музореъ феълини насб қилади.

Фаръий насб ҳарфлари олтитадир: الوَاو، اللاَّم، الفَاء، حَتَّى، ثُمَّ، أَوْ.

وَلُبْسُ عَبَاءَةٍ وَتَقَرَّ عَيْنِي أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ لُبْسِ الشُّفُوفِ

*Маъноси:*
**Дағал кийим кийганим ва кўзим қувониши, менга майин кийим кийганимдан кўра суюклироқ.**

وَلُبْسُ – و истинофийя ҳарфи, لُبْسُ мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

عَبَاءَةٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

وَ تقَرَّ – و фаръий насб ҳарфи, تقَرَّ маълум музореъ феъли, вдан кейинги змирдаги أَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа.

عَيْنِي – фоил, ўринни муносиб ҳаракат ила эгаллангани сабабли “нун”га тақдир қилинган замма ила марфуъ. ي замир, музофун илайҳ.

أَحَبُّ – хабар, замма ила марфуъ.

إِلَيَّ – إِلَي ҳарфи жор, أَحَبُّга мутаъаллиқ, ي замир, жор ўрнида.

مِنْ – ҳарфи жор, أَحَبُّга мутаъаллиқ.

لُبْسِ – касра ила мажрур, музоф.

الشُّفُوفِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

اِجْتَهِدْ لِتَفْلَحَ

***Маъноси:***
**Муваффақият қозониш учун тиришқоқлик қил.**

اِجْتَهِدْ – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замир.

لِتَفْلَحَ – ل иллат ломи ва ҳарфи жор, تَفْلَحَ маълум музореъ феъли, Lдан кейинги яширилган أَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, фоили أَنْتَ мустатир замири, لِتَفْلَحَ жумласи масдар таъвилида, жор ўрнида.

## 109
## НАФИЙ ҲАРФИ

لَمْ تَأْتِ الطَّائِرَةُ فِي الوَقْتِ الْمُحَدَّدِ

***Маъноси:***
**Тайёра, белгиланган вақтда етиб келмади.**

لَمْ – жазм қилувчи нафий ҳарфи.

تَأْتِ – маълум музореъ феъли, لَمْ ила мажзум, жазм аломати иллат ҳарфининг ҳазфи.

الطَّائِرَةُ – фоил, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, تَأْتِга мутаъаллиқ.

الوَقْتِ – касра ила мажрур.

الْمُحَدَّدِ – الوَقْتِга наът, жорда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи нафий маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, ўзидан кейин келган нарсанинг ҳукмини инкор қилиш ёки мавжудлигини инкор қилиш учун ишлатилади.

Нафий ҳарфлари саккизтадир: إِنْ، كَلاَّ، لَمْ، لَمَّا، لَنْ، لاَ، لاَتَ، مَا.

لاَ مِصْبَاحَ مَكْسُورٌ

***Маъноси:***
**Синган чироқ эмас.**

لاَ – жинсни нафий қилувчи ҳарф.

مِصْبَاحَ – لاَнинг исми, фатҳага мабний, насб ўрнида.

مَكْسُورٌ – لاَнинг хабари, замма ила марфуъ.

مَا عَاشَ مَنْ عَاشَ مَذْمُومًا خَصَائِلُهُ

*Маъноси:*

**Кимки ёмонланган хислатлар ила ҳаёт кечирса, у ҳақиқий ҳаёт кечирмабди.**

مَا – ҳарфи нафий.

عَاشَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

مَنْ – исми мавсула, сукунга мабний, рафъ ўрнида фоил.

عَاشَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замир.

مَذْمُومًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

خَصَائِلُهُ – مَذْمُومًا исми мафъулига ноиби фоил, замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

لَنْ يَبْقَى تِلْمِيذٌ فِي الصَّفِّ

*Маъноси:*

**Сафда биророта ҳам ўқувчи қолмади.**

لَنْ – нафий ҳарфи.

يَبْقَى – маълум музореъ феъли, لَنْ ила мансуб, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳа насб аломати.

تِلْمِيذٌ – фоил, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, يَبْقَىга мутаъаллиқ.

الصَّفِّ – касра ила мажрур.

# 110
# НАҲИЙ ҲАРФИ ҲАМДА “НУН”И ВИҚОЯ ҲАРФИ

أَلاَ! لاَ يَجْهَلَنْ أَحَدٌ عَلَيْنَا

*Маъноси:*
**Огоҳ бўлинглар, бизга ҳамма маълум.**

أَلاَ – ҳарфи истифтоҳ.

لاَ – жазм қилувчи наҳий ҳарфи.

يَجْهَلَنْ – маълум музореъ феъли, “нун”и тавкидга ёпишиб келгани учун фатҳага мабний, لاَ сабабли жазм ўрнида.

أَحَدٌ – фоил, замма ила марфуъ.

عَلَيْنَا – عَلَى ҳарфи жор يَجْهَلَنْга мутаъаллиқ, نَا замир, жор ўрнида.

## ҚОИДАЛАР

* Наҳий ҳарфи маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, бирор ишни тарк қилишни талаб қилиш, уни ёмонлаш, ундан манъ қилиш учун ишлатилади.

Наҳий ҳарфлари: لاَ ،أَلاَّ.

سَوْفَ تَرَانِي [...] وَاقِفًا

*Маъноси:*
**Тезда мени тўхтаган ҳолимда кўрасан.**

سَوْفَ –истиқбол ҳарфи.

تَرَانِي – маълум музореъ феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ, фоили أَنْتَ мустатир замир.

وَاقِفًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* "Нун"и виқоя – маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, касрадан қутилиш учун мутакаллим يси билан феъл, ёки унга ўхшаш калима, ёки ҳарфнинг орасини бўлувчи нарсадир.

1. У феъл ва исми феълда вожиб бўлади. لَيْتَ، مِنْ، عَنْ

2. إِنَّ، لَعَلَّ، لَكِنَّ، كَأَنَّларда жоиз бўлади.

3. لَدُنْ، قَدْ، قَطْ сўзларида собит қолдириш аълороқдир.

4. Афъоли хомсада тарк қилиниши, идғоми ёки икковидан бирининг ҳазф бўлиши жоиздир. Аммо мансуб, мажзум феълларда собит қолиши вожиб бўлади.

## 111
## НОСИХ ҲАРФ

إِنَّ اتِّحَادَكُمْ قُوَّةٌ لَكُمْ

***Маъноси:***
**Бирлашишингиз сиз учун қувватдир.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

اِتِّحَادَكُمْ – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб, ك замир, музофун илайҳи, م жамъ аломати.

قُوَّةٌ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

لَكُمْ – لِ ҳарфи жор, قُوَّةٌга мутаъаллиқ, كُمْ замир, жор ўрнида.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи носих маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, исмий жумлага киради ва жумланинг икки рукнининг эъроб ҳаракатини ўзгартиради.

Носих ҳарфлар:

1. إِنَّ ва аховатлари ёки феълга ўхшаш ҳарфлар мубтадони насб хабарни рафъ қилади.

2. Жинсни нафий қилувчи لا, мубтадони насб хабарни рафъ қилади.

3. مَا ва аховатлари, لَيْسَга ўхшаш нафий ҳарфлари, мубтадони насб хабарни рафъ қилади.

لاَ عِلْمَ بِغَيْرِ ثَوْرَةٍ عَلَى الْجَهْلِ

***Маъноси:***

**Жаҳолатга нисбатан ғалаёнсиз илм бўлмайди.**

لاَ – жинсни нафий қилувчи ҳарф.

عِلْمَ – لاнинг исми, фатҳага мабний, насб ўрнида.

بِغَيْرِ – بِ ҳарфи жор, لاнинг маҳзуф хабарига мутаъаллиқ, غَيْرِ касра ила мажрур, музоф.

ثَوْرَةٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

عَلَى – ҳарфи жор, ثَوْرَةٍга мутаъаллиқ.

الْجَهْلِ – касра ила мажрур.

مَا أَحَدٌ مُرْتَئِيًا رَأْيَكَ فِي هَذَا الْمَوْضُوعِ

***Маъноси:***
**Бу мавзуда фикрингга қўшиладиган ҳеч ким йўқ.**

مَا – ҳарфи нафий لَيْسَга ўхшаш

أَحَدٌ – مَاнинг исми, замма ила марфуъ.

مُرْتَئِيًا – مَاнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

رَأْيَكَ – مُرْتَئِيًا исми фоилига мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, كَ замир, музофун илайҳи.

فِي – ҳарфи жор, رَأْيَكَга мутаъаллиқ.

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, жор ўрнида.

الْمَوْضُوعِ – هَذَاдан бадал, касра ила мажрур.

## 112
## “ВОВ”И ҲОЛИЙЙЯ, БИРГАЛИКНИ БИЛДИРУВЧИ “ВОВ” ( مَعِيَّةِ )

شَمَخَ الأَرْزُ وَالتَّارِيخُ شَاهِدٌ عَلَيْهِ

***Маъноси:***
**“Кедр” дарахти юксак бўлди ва бунга тарих гувоҳдир.**

شَمَخَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الأَرْزُ – фоил, замма ила марфуъ.

وَالتَّارِيخُ – و ҳол, التَّارِيخُ мубтадо, замма ила марфуъ.

شَاهِدٌ – хабар, замма ила марфуъ.

عَلَيْهِ – عَلَى ҳарфи жор, شَاهِدٌга мутаъаллиқ, ه замир, музофун илайҳи.

## ҚОИДАЛАР

* “Вов”и ҳолийя маъно ифодаловчи ҳарф бўлиб, мустақил жумладан кейин келади ва феълий ёки исмий бўлган ҳолий жумлани бошлайди. Бу жумла насб ўрнида ҳол бўлади.

كَيْفَ أَنْتَ وَدُرُوسَ القَوَاعِدِ العَرَبِيَّةِ

***Маъноси:***
**Ўзинг ва араб тили қоидаси дарсларинг қандай?**

كَيْفَ – исми истифҳом, фатҳага мабний, рафъ ўрнида хабари муқаддам.

أَنْتَ – замир, фатҳага мабний, рафъ ўрнида мубтадо муаххар.

وَدُرُوسَ – و биргаликни билдирувчи “вов” (مَعِيَّةِ), دُرُوسَ мафъулун маъаҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

القَوَاعِدِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

العَرَبِيَّةِ – القَوَاعِدِга наът, унга жорда тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Биргаликни билдирувчи ҳарф маънога эга бўлган ҳарф бўлиб, феъл ва мафъулун маъаҳ орасида бир-бирига боғлиқликни такидлаш ва ўзаро боғлиқликни таминлаш учун ишлатилади. Биргаликни билдирувчи ҳарф و бўлиб “вов”и маъийя, дейилади.

## 113
## ГАПНИ БОШЛАШ ҲАҚҚИ

كَمْ طَالِبًا جَاءَ [...][...] اليَوْمَ

*Маъноси:*
**Бугун қанча талаба келди.**

كَمْ – исми истифҳом, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

طَالِبًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири, جَاءَ жумласи рафъ ўрнида хабар.

اليَوْمَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, جَاءَга мутаъаллиқ.

## ҚОИДАЛАР

* Гапни бошлаш ҳаққи бу каломни бошлаш учун тайин қилинган исмнинг мартабаси бўлиб, у мубтадо бўлиши мумкин. Гапни бошлаш ҳаққига эга ҳарфлар:

Исми истифҳом, исми шарт, исми ишора, исми мавсул, замир, таъажжуб ифодаловчи مَا, хабарий كَمْ.

مَا أَحْسَنَ مَا يَكُونُ لِقَاؤُنَا

*Маъноси:*
**Учрашувимиз қанчалар яхши.**

مَا – таъажжуб учун ишлатилувчи исм, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

أَحْسَنَ – жомид мозий феъли, фатҳага мабний, аслга хилоф ҳолда фоили вужубан бўлиб هُوَ мустатир замири.

مَا – масдар ҳарфи.

يَكُونُ – ноқис бўлмаган маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

لِقَاؤُنَا – фоил, замма ила марфуъ, نَا замир, музофун илайҳ. أَحْسَنَ مَا يَكُونُ لِقَاؤُنَا рафъ ўрнида хабар, مَا يَكُونُ لِقَاؤُنَا масдар таъвилида насб ўрнида, мафъулун биҳ.

نَحْنُ لُبْنَانِيُّونَ أَنْتَ وَأَنَا

***Маъноси:***

**Биз Ливанликлармиз, сен ва мен.**

نَحْنُ – мунфасил замир, заммага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

لُبْنَانِيُّونَ – хабар, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила марфуъ.

أَنْتَ – мунфасил замир, фатҳага мабний, рафъ ўрнида نَحْنُдан бадал.

وَأَنَا – و атф ҳарфи, أَنَا мунфасил замир, сукунга мабний, рафъ ўрнида, أَنْتَга атф қилинган.

هَذَانِ الرَّجُلاَنِ مُهَنْدِسَانِ

***Маъноси:***

**Бу икки киши муҳандислардир.**

هَذَانِ – исми ишора “алиф”га мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

الرَّجُلاَنِ – هَذَانِдан бадал, мусанно бўлгани учун “алиф” ила марфуъ.

مُهَنْدِسَانِ – хабар, мусанно бўлгани учун “алиф” ила марфуъ.

## 114
## МУФРАД ҲОЛ

سَرَّنِي رُجُوعُكَ سَالِمًا

***Маъноси:***
**Саломат ҳолда қайтишинг мени хурсанд қилди.**

سَرَّنِي – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

رُجُوعُكَ – фоил, замма ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ.

سَالِمًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳол бу мансуб исм, тўлдирувчи, феъл ёки унга ўхшаш нарса воқеъ бўлиш ҳолатидаги фоил ёки мафъулнинг ҳайъатини сифатлаб келади. Аслида ҳол муштақ қилинган накра бўлади, агар маърифа бўлиб келса накрага таъвил қилинади.

* Хабар мубтадога ҳукм бўлганидек ҳол ўз соҳибига ҳукмдир ва хабар мубтадога боғланганидек у ҳам боғланади. Ҳол эгаси маҳкумун алайҳи бўлгани учун маърифа бўлиши шарт қилинган, гоҳида накра ҳам бўлади. Ҳол эгаси фоил ё мафъул ёки мажрур бўлади.

شَرِبْتُ الْمَاءَ صَافِيًا

*Маъноси:*
**Сувни соф ҳолида ичдим.**

شَرِبْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

الْمَاءَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

صَافِيًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

اِلْتَقَيْتُ بِأَبِيكَ رَاجِعًا

*Маъноси:*
**Отангиз билан у қайтаётганда кўришдим.**

اِلْتَقَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

بِأَبِيكَ – بِ ҳарфи жор, اِلْتَقَيْتُга мутаъаллиқ, أَبِيكَ асмои хомсадан бўлгани учун ي ила мажрур, ك замир, музофун илайҳ.

رَاجِعًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

الشِّتَاءُ بَرْدًا أَشَدُّ مِنْهُ دِفْئًا

*Маъноси:*
**Совуқ қишдан илиқ қиш шиддатлироқ.**

الشِّتَاءُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

بَرْدًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

أَشَدُّ – хабар, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

مِنْهُ – مِنْ ҳарфи жор, أَشَدُّга мутаъаллиқ, هـ жор ўрнида.

دِفْئًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

## 115
## ЖУМЛА ҲОЛ

سَافَرَ الرَّسُولُ وَ قَدْ طَلَعَ الفَجْرُ

***Маъноси***:
**Элчи сафарга чиққанида тонг отган эди**.

سَافَرَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الرَّسُولُ – фоил, замма ила марфуъ.

وَقَدْ – و ҳолия, قَدْ ҳарфи таҳқийқ.

طَلَعَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الفَجْرُ – фоил, замма ила марфуъ, феълий жумла насб ўрнида ҳол.

## ҚОИДАЛАР

* Аслида ҳол муфрад яъни бирлик калима бўлади. Лекин гоҳида исмий жумла, феълий жумла ёки шибҳи жумла бўлиб келади. Шунда жумла насб ўрнида ҳол бўлади. Ҳолда, у исмий ё феълий бўлсин, хабар берувчи бўлиши ва уни келажак замонга буриб юборувчи қарийнадан холи бўлиши шарт қилинади.

تَكَلَّمَ الْخَطِيبُ وَهُوَ وَاقِفٌ

***Маъноси:***
**Хатиб тик турган ҳолда сўзлади.**

تَكَلَّمَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْخَطِيبُ – фоил, замма ила марфуъ.

وَهُوَ – و ҳолия, هُوَ мунфасил замир, фатҳага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

وَاقِفٌ – хабар, замма ила марфуъ, исмий жумла насб ўрнида ҳол.

قُمْتُ لاَ أُبَالِي

***Маъноси:***
**Аҳамият бермасдан тик ҳолда турдим.**

قُمْتُ – маълум музореъ феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида, фоил.

لاَ – ҳарфи нафий.

أُبَالِي – маълум музореъ феъли, талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири. Феълий жумла насб ўрнида ҳол.

جَاءَ الأَمِيرُ بَيْنَ رِجَالِهِ

***Маъноси:***
**Амир ўз одамлари орасида келди.**

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الأَمِيرُ – фоил, замма ила марфуъ.

بَيْنَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, جَاءَга мутаъаллиқ, музоф.

رِجَالِهِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ. Шибҳи жумла насб ўрнида ҳол.

## 116
## ИСМНИ РАФЪ ҚИЛИШ

يَقْتَرِبُ الْمَوْعِدُ الْمَضْرُوبُ وَاليَوْمُ الْمَشْهُودُ

***Маъноси:***

**Келишилган муддат ва диққатга сазовор кун яқинлашяпти.**

يَقْتَرِبُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الْمَوْعِدُ – фоил, замма ила марфуъ.

الْمَضْرُوبُ – الْمَوْعِدُга наът, рафъда унга тобеъ.

وَاليَوْمُ – و атф ҳарфи, اليَوْمُ الْمَوْعِدُга маътуф, рафъда унга тобеъ.

الْمَشْهُودُ – اليَوْمُга наът, рафъда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Исмни рафъ қилиш бу мутасорриф ёки мутасорриф бўлмаган исмни рафъ ҳолатига ўтказишдир. Рафъ иснод учун келган, лафзий авомиллардан ҳоли бўлган калиманинг табий ҳолатидир.

* Рафъ зоҳирда, тақдирда ёки ўринда (маҳаланда) бўлади. Исм ҳаракатлар ёки ҳарфлар билан эърбланади.

1. Замма билан: муфрад исм, жамъи таксир, жамъи муаннаси солим.

2. Алиф билан: мусанно.

3. “Вов” билан: асмои хомса, жамъи музаккари солим.

* Исм қуйидаги ўринларда рафъ қилинади:

Фоил, ноиби фоил, мубтадо, хабар, كَانَнинг исми, كَادَнинг исми, مَاнинг исми, إِنَّнинг хабари, жинсни нафий қилувчи لاнинг хабари, марфуъ исмнинг тобеъси.

أَيُسْلَبُ الفَلاَّحُونَ؟

***Маъноси:***

**Деҳқонлар талон – тарож қилинадиларми?**

أَيُسْلَبُ – أَ ҳарфи истифҳом, يُسْلَبُ мажҳул музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الفَلاَّحُونَ – ноиби фоил, жамъи музаккари солим бўлгани учун “вов” ила марфуъ.

الْمَطَرُ وَشِيكٌ

***Маъноси:***

**Тезда ёмғир ёғади.**

الْمَطَرُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

وَشِيكٌ – хабар, замма ила марфуъ.

كَادَتْ عَيْنَاهُ تَدْمَعَانِ

***Маъноси:***

**Икки кўзи ёшланай деди.**

كَادَتْ – носих мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таънис.

عَيْنَاهُ – كَادَнинг исми, мусанно бўлгани учун замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

تَدْمَعَانِ – маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун "нун"нинг собитлиги ила марфуъ, "алиф" замир, рафъ ўрнида фоил, феълий жумла насб ўрнида كَادَнинг хабари.

## 117
## ФЕЪЛНИ РАФЪ ҚИЛИШ

وَيُقْبِلُ العُمَّالُ فَيَجْتَمِعُونَ

***Маъноси:***
**Ишчилар келиб, дарров жамланадилар.**

وَيُقْبِلُ – و ҳарфи истинофия, يُقْبِلُ маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

العُمَّالُ – фоил, замма ила марфуъ.

فَيَجْتَمِعُونَ – ف ҳарфи атф, يَجْتَمِعُونَ маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун "нун"нинг собитлиги ила марфуъ, "вов" замир, рафъ ўрнида фоил.

## ҚОИДАЛАР

* Феълни рафъ қилиш музореъ феълининг насб қилувчилар, жазм қилувчилар ва мабний бўлишини вожиб қилувчилардан ҳолий бўлган ҳолатидир.

Музореънинг рафъ бўлиш ўринлари:

1. Юқорида санаб ўтилган омиллардан ҳолий бўлгани учун охиридаги зоҳир замма ила.

2. Охири “алиф” бўлганда узр сабабли тақдир қилинган замма ила.

3. Охири “вов” ёки “ё” бўлганда талаффузга оғир бўлгани учун тақдир қилинган замма ила.

4. Афъоли хомсадан бўлганида заммадан ноиб бўлган ҳолда собит қолган “нун” ила.

يَسْعَى الطَّالِبُ إِلَى النَّجَاحِ

***Маъноси:***

**Талаба муваффақият сари интилмоқда.**

يَسْعَى – маълум музореъ феъли, узр сабабли “алиф”га тақдир қилинган замма ила марфуъ.

الطَّالِبُ – фоил, замма ила марфуъ.

إِلَى – ҳарфи жор, يَسْعَى га мутаъаллиқ.

النَّجَاحِ – касра ила мажрур.

يَمْضِي السَّهْمُ بِسُرْعَةٍ

***Маъноси:***

**Ўқ тезлик билан ўтиб кетади.**

يَمْضِي – маълум музореъ феъли, талаффузга оғирлик қилгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

السَّهْمُ – фоил, замма ила марфуъ.

بِسُرْعَةٍ – ب ҳарфи жор, يَمْضِي га мутаъаллиқ, سُرْعَةٍ касра ила мажрур.

يَدْنُو الغُصْنُ مِنَ الأَرْضِ

***Маъноси:***
**Дарахт шохи ерга яқинлашади.**

يَدْنُو – маълум музореъ феъли, талаффузга оғирлик қилгани учун وга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

الغُصْنُ – фоил, замма ила марфуъ.

مِن – ҳарфи жор, يَدْنُوга мутаъаллиқ.

الأَرْضِ – касра ила мажрур.

هَلْ تَذْهَبِينَ؟

***Маъноси:***
**Кетяпсанми?**

هَلْ – ҳарфи истифҳом.

تَذْهَبِينَ – маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун “нун”нинг собитлиги ила марфуъ, замир, ى рафъ ўрнида фоил.

## 118
## “ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШ”

مَا مُسَافِرٌ أَخَوَاكَ إِلَى الاِغْتِرَابِ

***Маъноси:***
**Иккала аканг узоқларга кетган мусофир эмас.**

مَا – ҳарфи нафий.

مُسَافِرٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

أَخَوَاكَ – مُسَافِرٌ исми фоилига фоил, хабарни ўрнини эгаллаган, мусанно бўлгани учун “алиф” ила марфуъ, كَ замир, музофун илайҳ.

إِلَى – ҳарфи жор, مُسَافِرٌга мутаъаллиқ.

الاِغْتِرَابِ – касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* “Ўрнини эгаллаш” бу наҳвий ибора бўлиб, гапдаги эга – кесим ёки тўлдирувчиларни айтиб ўтишга ҳожат туғдирмаслик учундир.

Бу ҳолат қуйидаги ўринларда бўлади:

1. Жавоби қасам мубтадонинг ўрнини эгаллаганида, мубтадо ҳазф қилинади.

2. Сифат муфрад бўлса, ундан кейинги мусанно ёки жамъ бўлса, ўша сифат ила гапни бошласа бўлади ва ундан кейинги нарса марфуъ бўлиб, хабар ўрнини эгаллайди. Бу нарса сифат ўзидан кейин келган билан ифродда мутобиқ бўлса жоиз бўлади.

3. Афъолул қулубнинг икки мафъулининг ўрни: бирирнчи мафъулини أَنَّ ва унинг силаси, иккинчи мафъулини أَنْ ва унинг силаси эгаллайди.

4. Хабарни ўрнини эгаллаган ҳолга қиёсан ҳолнинг омилини ҳазф қилиш вожиб бўлади.

5. Таъвил қилинган муштоқ наътга муштоқни ўрнини эгаллаган “мимий” бўлмаган масдарга илҳоқ қилинади. Шунда ифрод ва тазкийр лозим бўлади.

Масалан: مَاءٌ سَكْبٌ (оқар сув) каби.

فِي ذِمَّتِي لأَفْعَلَنَّ

***Маъноси:***

**Зиммамдадир... албатта қиламан.**

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф хабари муқаддамга мутаъаллиқ.

ذِمَّتِي – касра ила мажрур, ي замир, музофун илайҳ.

لأَفْعَلَنَّ – ل ҳарфи жавоб, أَفْعَلَنَّ маълум музореъ феъли, ташдидли “нун”и тавкидга ёпишиб келгани учун фатҳага мабний, фоили أَنَا мустатир замири. Жавоби қасам маҳзуф мубтадони ўрнини эгаллаган.

(فِي ذِمَّتِي يَمِينٌ)

ضَرْبِي العَبْدَ مُسِيئًا

***Маъноси:***

**Қулни ёмон ҳолида уришим...**

ضَـرْبِي – мубтадо, ўринни муносиб ҳаракат билан эгаллангани учун ب-га тақдир қилинган замма ила марфуъ, ي замир лафзан музофун илайҳ, ўрнига кўра фоил.

العَبْدَ – ضَرْبِي масдарига мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

مُسِيئًا – ҳол, фатҳа ила мансуб, хабарни ўрнини эгаллаган.

## 119
## ШИБҲИ ЖУМЛА

أَيْنَ أَنْتَ [...]؟ فِي الْمُسْتَشْفَى [...] [...]

***Маъноси:***
**Қаердасан? Касалхонада.**

أَيْنَ – исми истифҳом, зарфи макон, фатҳага мабний, насб ўрнида мафъулун фийҳ, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ.

أَنْتَ – замири мунфасил, фатҳага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

فِي – ҳарфи жор, тақдирдаги мубтадонинг маҳзуф хабарига мутаъаллиқ.

الْمُسْتَشْفَى – узр сабабли “алиф”га тақдир қилинган касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Шибҳи жумла исмий ва феълий жумлаларга мулҳақ қилинган, ҳарфи жор ва мажрур ила ёки зарф ва музофун илайҳ ила бошланади, бу ҳолат мутаъаллиқларининг ҳазфи сабабли қасд қилинган маънони бутунлай ифода қилганларида бўлади.

Шибҳи жумланинг воқеъ бўлиш  ўринлари:

1. Мавсуланинг силаси ўрнида, агар мавсуланинг силаси билан васл қилишда маъно ифодаланса.

2. Маҳзуф ёки тақдир қилинган хабар ўрнида.

3. Ҳол ўрнида, маъно ифодалаш наът, адад ёки бошқа нарса ила бўлганда.

4. Наът ўрнида.

كُنْتُ فِي الجَوِّ فَرَأَيْتُ البُيُوتَ الكَبِيرَةَ فَوْقَ الأَرْضِ صَغِيرَةً

*Маъноси*:

**Осмонда учаётган эдим, ердаги катта уйларни кичкина ҳолда кўрдим.**

كُنْتُ – ноқис мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида كُنْتُнинг исми.

فِي – ҳарфи жор, كُنْتُнинг маҳзуф хабарига мутаъаллиқ.

الجَوِّ – касра ила мажрур.

فَرَأَيْتُ – ف ҳарфи истинофия, رَأَيْتُ маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

البُيُوتَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

الكَبِيرَةَ – البُيُوتَга наът, унга насбда тобеъ.

فَوْقَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, رَأَيْتُга мутаъаллиқ, музоф.

الأَرْضِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

صَغِيرَةً – ҳол, фатҳа ила мансуб.

بِالرُّوحِ... بِالدَّمِ...

***Маъноси:***

**Руҳ билан... Қон билан...**

بِالرُّوحِ – بِ ҳарфи жор, тақдирдаги نَفْدِيكَ (сенга фидо қиламиз) маҳзуф феълига мутаъаллиқ, الرُّوحِ касра ила мажрур.

بِالدَّمِ – بِ ҳарфи жор, тақдирдаги نَفْدِيكَ (сенга фидо қиламиз) маҳзуф феълига мутаъаллиқ, الدَّمِ касра ила мажрур.

## 120
## ШАРТ ВА ЖАВОБ

إِنْ تُغَامِرْ [...] كُنْ [...] وَاعِيًا

***Маъноси:***
**Агар ўзингни хавф – хатарга қўйсанг, онгни ишлат.**

إِنْ – жазм қилувчи ҳарфи шарт.

تُغَامِرْ – маълум музореъ феъли, феъли шарт бўлгани учун إِنْ ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

كُنْ – ноқис феъли амр, сукунга мабний, жавоби шарт бўлгани учун жазм ўрнида, исми أَنْتَ мустатир замири рафъ ўрнида.

وَاعِيًا – كُنْнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Шарт ва жавоб маъно ифодалашда ишлатиладиган услуб, асоси шарт адоти ва икки феъл бўлиб, аввалгиси феъли шарт, иккинчиси жавоби шарт ёки жазо деб номланади. Ўша икки феъл қуйидаги ҳолатларда келади:

1. Мажзум музореъ ва мажзум музореъ.
2. Мажзум музореъ, жазм ўрнидаги мозий.
3. Мажзум музореъ, жазм ўрнидаги амр.

4. Жазм ўрнидаги мозий, жазм ўрнидаги мозий.

5. Жазм ўрнидаги мозий, мажзум музореъ.

6. Жазм ўрнидаги мозий, марфуъ музореъ, тақдирдаги мубтадонинг хабари.

إِنْ أَهْمَلْتَ وَاجِبَاتِكَ سَتَنْدَمُ

*Маъноси:*

**Мажбуриятларингга эътиборсиз бўлсанг тез орада надомат чекасан.**

إِنْ – жазм қилувчи ҳарфи шарт.

أَهْمَلْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, феъли шарт бўлгани учун жазм ўрнида, ت рафъ ўрнида фоил.

وَاجِبَاتِكَ – мафъулун биҳ, жамъи муаннаси солим бўлгани учун касра ила мансуб, ك музофун илайҳ.

سَتَنْدَمُ – س ҳарфи истиқбол, تَنْدَمُ маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, жазм ўрнида жавоби шарт, фоили أَنْتَ мустатир замири. تَنْدَمُ жумласи рафъ ўрнида, тақдири أَنْتَ бўлган маҳзуф мубтадонинг хабари.

مَنْ صَبَرَ نَالَ

*Маъноси:*

**Ким сабр қилса етишади.**

مَنْ – исми шарт, жазм қилувчи, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

صَبَرَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, жазм ўрнида феъли шарт, фоили هُوَ мустатир замири.

نَالَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, жазм ўрнида жавоби шарт, фоили هُوَ мустатир замири. Жавоб жумласи рафъ ўрнида хабар.

## 121

## ШАРТ ВА ЖАВОБ – ХАБАР

الَّذِي يَفُوزُ [...] لَهُ [...] جَائِزَةٌ [...]

***Маъноси:***
**Ғалаба қозонганга мукофот.**

الَّذِي – исми мавсул, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

يَفُوزُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири.

لَهُ – ل ҳарфи жор, маҳзуф хабари муқаддамга мутаъаллик, ه замир, жор ўрнида.

جَائِزَةٌ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ. Исмий жумла рафъ ўрнида хабар.

## ҚОИДАЛАР

* Мубтадо хабарга сабаб бўлиб келганида, мубтадо исми шарт, хабар жавоби шарт ўрнида бўлади.

* Мубтадо хабарга сабаб бўлиб келиши учун мубтадо қуйидаги ҳолларда келса тўғри бўлади:

1. Исми мавсул бўлганида.
2. Мавсуф накра бўлганида.

* Жазо “фо”си хабар олдида келиши худди жавобга кирганидек хабари муаххар бўлганда жоиз бўлади.

الَّذِي تَأْتُونَهُ مِنْ خَيْرٍ فَهُوَ ذُخْرٌ لَكُمْ

***Маъноси:***

**Қилган яхшиликларингиз ўзингизга захирадир.**

الَّذِي – исми мавсула, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

تَأْتُونَهُ – маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун “нун”нинг собитлиги ила марфуъ, و замир рафъ ўрнида фоил, ه замир, насб ўрнида мафуълун биҳ.

مِنْ – ҳарфи жор, تَأْتُونَهُга мутаъаллиқ.

خَيْرٍ – касра ила мажрур.

فَهُوَ – ف жазо, هُوَ замири мунфасил, фатҳага мабний, рафъ ўрнида хабар.

ذُخْرٌ – хабар, замма ила марфуъ. Исмий жумла рафъ ўрнида хабар.

لَكُمْ – ل ҳарфи жор, ذُخْرٌга мутаъаллиқ, كُمْ замир, жор ўрнида.

زَائِرٌ فِي البَيْتِ لَهُ الشُّكْرُ

***Маъноси:***

**Зиёратчи уйдадир, унга ташаккур.**

زَائِرٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, زَائِرٌнинг тақдирдаги наътига мутаъаллиқ.

البَيْتِ – касра ила мажрур.

لَهُ – ل ҳарфи жор, маҳзуф хабари муқаддамга мутаъаллиқ, ه замир, жор ўрнида ( فَلَهُ дейилса ҳам бўлади, бу ерда ف ҳарфи жазо).

الشُّكْرُ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ. Исмий жумла рафъ ўрнида хабар.

## 122
## СИФАТИ МУШАББАҲА – СИЙҒАСИ

كَانَ الشُّرْطِيُّ جَمِيلَ الْمُحَيَّا بَهِيَّ الطَّلْعَةِ

***Маъноси:***
**Миршабнинг юзи чиройли, кўриниши ёрқин эди.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

الشُّرْطِيُّ – كَانَнинг исми, замма ила марфуъ.

جَمِيلَ – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб, музоф.

الْمُحَيَّا – музофун илайҳ, узр сабабли “алиф”га тақдир қилинган касра ила мажрур.

بَهِيَّ – كَانَнинг иккинчи хабари, фатҳа ила мансуб, музоф.

الطَّلْعَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Исми фоилга ўхшаш сифати мушаббаҳа сифатнинг собитлиги маъносига далолат қилади, сулосий лозим феълдан самоъий (қиёсий бўлмаган) вазнларда олинади. Аммо ранг, айб ёки бирор инсоний сифатга далолат қилса, қиёсий бўлган أَفْعَل вазнида олинади.

Сулосий бўлмаган лозим феълдан собитлик маъноси қасд қилинса исми фоил вазнларида олинади.

* Сифати мушаббаҳага далолат қилувчи исми муштоқ уч қисмдир:

1. Асл.
2. Аслга мулҳақ қилинган.
3. Муштоққа таъвил қилинган.

هَذَا أُسْتَاذٌ طَاهِرُ القَلْبِ مَحْمُودُ الْمَقَاصِدِ

***Маъноси:***
**Бу қалби пок, мақсадлари мақталган устоздир.**

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

أُسْتَاذٌ – хабар, замма ила марфуъ.

طَاهِرُ – أُسْتَاذٌга наът, рафъда унга тобеъ, музоф.

القَلْبِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

مَحْمُودُ – أُسْتَاذٌга иккинчи наът, рафъда унга тобеъ, музоф.

الْمَقَاصِدِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

تَنَاوَلْنَا شَرَابًا عَسَلَ الطَّعْمِ

***Маъноси:***
**Таъми асалдек ичимлик ичдик.**

تَنَاوَلْنَا – маълум мозий феъли, نَا замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, نَا рафъ ўрнида фоил.

شَرَابًا – мафуълун биҳ, фатҳа ила мансуб.

عَسَلٍ – شَرَابًاга наът, фатҳа ила мансуб, музоф.

الطَّعْمِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 123
## СИФАТИ МУШАББАҲА – АМАЛИ

أَيُّهَا الْمَلِكُ الكَرِيمُ نَسَبُهُ

***Маъноси:***
**Эй насаби карамли подшоҳ.**

أَيُّهَا – أَيُّ мунодо, заммага мабний, насб ўрнида, هَا ҳарфи танбеҳ.

الْمَلِكُ – أَيُّга наът, унга тобеъ, лафзан марфуъ, маҳаллан мансуб.

الكَرِيمُ – الْمَلِكُга наът, унга тобеъ, лафзан марфуъ, маҳаллан мансуб.

نَسَبُهُ – الكَرِيمُ сифатига фоил, замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Сифати мушаббаҳанинг амали икки турлидир:
Лафзий ва маҳаллий;
Унинг тўрт ҳолати бор:

Музоф, ғойри музоф, الдан ҳоли ва ال билан.

1. Ғойри музоф бўлганида фоил сифатида рафъ бўлади. Ёки тамйиз сифатида насб бўлади.

2. Музоф бўлганида музофун илайҳни лафзан жор қилади, музофун илайҳ эса, рафъ ўрнида фоил бўлади.

* ال билан келган музофда қуйидагилар жоиз:

1. Музофун илайҳ бўлган жор.
2. Фоил бўлган рафъ.
3. Мафъулун биҳга ўхшаш бўлган насб.

هُوَ تِلْمِيذٌ يَقِظٌ عَقْلاً

*Маъноси:*
**Бу ақли сергак ўқувчидир.**

هُوَ – замири мунфасил, фатҳага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

تِلْمِيذٌ – хабар, замма ила марфуъ.

يَقِظٌ – تِلْمِيذٌга наът, рафъда унга тобеъ.

عَقْلاً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

أَكْرِمْ بِالعَالِمِ الفَاضِلِ الْمَسْلَكَ

*Маъноси:*
**Маслаки фазилатли олимни ҳурмат қил!**

أَكْرِمْ – феъли амр, жомид, феъл ила амр эмас, таъажжуб ирода қилинган сукунга мабний.

بِالعَالِمِ – بِ ҳарфи жор зоид, العَالِمِ лафзан касра ила мажрур, фоил бўлгани учун маҳаллан марфуъ.

الفَاضِلِ – العَالِمِга наът, жорда унга тобеъ.

الْمَسْلَكَ – мафъулун бихга ўхшаш, фатҳа ила мансуб.

هَذَا مُدِيرٌ صَخْرٌ قَلْبُهُ

***Маъноси:***
**Бу, қалби қаттиқ мудирдир.**

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

مُدِيرٌ – хабар, замма ила марфуъ.

صَخْرٌ – مُدِيرٌга наът, рафъда унга тобеъ.

قَلْبُهُ – таъвил қилинган صَخْرٌ сифатининг фоили, замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

## 124

## ЗАМИРИ ША`Н

هُوَ الأَمِيرُ قَادِمٌ [...]

***Маъноси:***
**У амир ташриф буюрди.**

هُوَ – замири ша`н, фатҳага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

الأَمِيرُ – иккинчи мубтадо, замма ила марфуъ.

قَادِمٌ – الأَمِيرُ мубтадосининг хабари, замма ила марфуъ. Жумлаи исмия рафъ ўрнида, замири ша`ннинг хабари.

## ҚОИДАЛАР

* Замири ша`н – у муфрад, ғоиб замирдир: هُوَ، هِيَ.

* Ҳақида сўз бораётган ша`нга ушбу замирлар рамз бўлади, бу нарсадан мурод бирор ишни улуғлаш ва ҳурматлашдир. Атф, бадал, тавкид ёки наътлардан унинг тобеъси бўлмайди ва унинг ўзи ҳам бошқа нарсага наът бўлмайди.

У икки қисмдир:

1. Мунфасил, доим мубтадо бўлиб келади, муаййан шахсга эмас ўзидан кейин келувчи жумлага боғлиқ бўлади ва ўша жумла унга хабар бўлади.

2. Муттасил, أَنَّ ва ахавотлари ва афъолу қулубга хос бўлади.

Носихдан кейинги жумла рафъ ўрнида хабар бўлади, афъолу қулубдан кейинги жумла насб ўрнида иккинчи мафъулун биҳ бўлади, замири ша`н биринчи мафъулун биҳ бўлади.

ظَنَنْتُهَا الرِّيَاضَةُ تَنْفَعُ

***Маъноси:***
**Спорт фойдалидир, деб ишонаман.**

ظَنَنْتُهَا – маълум мозий феъли, афъолу қулубдан, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил, هَا замири ша`н, насб ўрнида биринчи мафъулун биҳ.

الرِّيَاضَةُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

تَنْفَعُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هِيَ мустатир замир. تَنْفَعُ жумлаи феълияси рафъ ўрнида الرِّيَاضَةُ мубтадосининг хабари. الرِّيَاضَةُ تَنْفَعُ жумлаи исмияси насб ўрнида иккинчи мафъулун биҳ.

هِيَ الأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ

***Маъноси:***
**У амаллар ниятлар биландир.**

هِيَ – замири ша`н, фатҳага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

الأَعْمَالُ – иккинчи мубтадо, замма ила марфуъ.

بِالنِّيَّاتِ – ب ҳарфи жор, الأَعْمَالُ мубтадосининг маҳзуф хабарига мутаъаллиқ, النِّيَّاتِ рафъ ўрнида, замири ша`ннинг хабари.

## 125

## ФАСЛ (АЖРАТУВЧИ) ЁКИ ТАЯНЧ ЗАМИРИ

الإِنْتَاجُ هُوَ الطَّرِيقُ الْمُؤَدِّي لِلنَّجَاحِ

***Маъноси:***
**Ишлаб чиқариш муваффақиятга олиб борувчи йўлдир.**

الإِنْتَاجُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

هُوَ – замири фасл, эъробда ўрни йўқ.

الطَّرِيقُ – хабар, замма ила марфуъ.

الْمُؤَدِّي – الطَّرِيقга наът, талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

لِلنَّجَاحِ – ل ҳарфи жор, الْمُؤَدِّي исми фоилига мутаъаллиқ, النَّجَاحِ касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Фасл ёки таянч замири бу рафъ мунфасил замиридир: هُوَ، أَنْتَ، أَنَا...

Тобеъдан хабарни ажратиш учун мубтадо ва хабар орасини бўлади.

1. Маърифа бўлган мубтадо ва хабар орасида музаккар муаннас, ифрод, тасния ва жамъда икковига мувофиқ ҳолда келади.

2. Гоҳида мубтадо аслида мубтадо бўлган лафз бўлади, масалан كَانَнинг исми, إِنَّнинг исми...

Хабар гоҳида маърифага яқин лафз бўлади.

Масалан: Тафзийл...

* Иснод учун эмас фасл учун ишлатилгани учун эъробда ўрни йўқ нарсани “ҳарф” дейилади.

لَيْسَ أَحَدٌ هُوَ أَعْلَمَ مِنْ أَخِيكَ

***Маъноси:***
**Акангдан билимлирок ҳеч ким йўқ.**

لَيْسَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

أَحَدٌ – لَيْسَнинг исми, замма ила марфуъ.

هُوَ – замири фасл, эъробда ўрни йўқ.

أَعْلَم – لَيْسَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

مِنْ – ҳарфи жор, أَعْلَمга мутаъаллиқ.

أَخِيكَ – асмои хомсадан бўлгани учун ي ила мажрур, ك замир, музофун илайҳ.

إِنَّكَ أَنْتَ الْخَطِيبُ

*Маъноси:*
**Албатта сен хатибсан.**

إِنَّكَ – إِنَّ феълга ўхшаш ҳарф, ك замир, насб ўрнида إِنَّ нинг исми.

أَنْتَ – замири фасл, эъробда ўрни йўқ.

الخَطِيبُ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

الأُمَّهَاتُ هُنَّ الفَاضِلاَتُ

*Маъноси:*
**Оналар фозилалардир.**

الأُمَّهَاتُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

هُنَّ – замири фасл, эъробда ўрни йўқ.

الفَاضِلاَتُ – хабар, замма ила марфуъ.

## 126
## ЗАМИРИ МУТТАСИЛ

فَأَسْقَيْنَاكُمُوهُ

***Маъноси:***
**Сизларни у ила суғордик.**

فَأَسْقَيْنَاكُمُوهُ – ف ҳарфи истинофийя, أَسْقَيْنَاكُمُوهُ маълум мозий феъли, نَا замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, نَا рафъ ўрнида фоил, كُم замир, насб ўрнида биринчи мафъулун биҳ, و ишбоъ (ошириб кўрсатиш) ҳарфи, ه замир, насб ўрнида иккинчи мафъулун биҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Замири муттасил кўриниб турувчи замирдир:

1. Рафъ ўрнида: ا، و، نا، ن، ت мухотаба يси бўлади.

2. Насб ва жор ўрнида: мухотаб كси, نَا, ғоиб هси, мутакаллим يси бўлади.

الْمُوَظَّبُونَ يَعْرِفُونَ وَاجِبَاتِهِمْ

***Маъноси:***
**Қатъиятли инсонлар ўз мажбуриятларини биладилар.**

الْمُوَظَّبُونَ – мубтадо, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила марфуъ.

يَعْرِفُونَ – маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун نнинг собитлиги ила марфуъ, و замир рафъ ўрнида фоил, жумлаи феълийя, рафъ ўрнида хабар.

وَاجِبَاتِهِمْ – мафъулун биҳ, жамъи муаннаси солим бўлгани учун касра ила мансуб, هِمْ замир, музофун илайҳ.

البَنَاتُ يَتَشَبَّهْنَ بِأُمَّهَاتِهِنَّ

***Маъноси:***
**Қизлар оналарига ўхшайдилар.**

البَنَاتُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

يَتَشَبَّهْنَ – маълум музореъ феъли, муаннасни билдирувчи نَга ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ن замир, рафъ ўрнида фоил, феълий жумла рафъ ўрнида хабар.

بِأُمَّهَاتِهِنَّ – ب ҳарфи жор, يَتَشَبَّهْنَга мутаъаллиқ, أُمَّهَاتِهِنَّ касра ила мажрур, هِنَّ замир, музофун илайҳ.

قُومِي بِوَاجِبِكِ

***Маъноси:***
**Мажбуриятингни тўкис адо эт.**

قُومِي – амр феъли, афъоли хомсага мулҳақ қилингани учун ҳазфи “нун”га мабний, ي замир, рафъ ўрнида фоил.

بِوَاجِبِكِ – ب ҳарфи жор, قُومِيга мутаъаллиқ, وَاجِبِكِ касра ила мажрур, ك музофун илайҳ.

## 127
## МУСТАТИР ЗАМИР

سَوْفَ يَتَحَدَّثُ [....] غَدًا عَنْ مَوضُوعِ السَّاعَةِ

***Маъноси:***
**У эртагаёқ соат мавзуси бўйича гапиради.**

سَوْفَ – ҳарфи истиқбол.

يَتَحَدَّثُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили (фоил келтириш жоиз бўлган ҳолда) هُوَ мустатир замири.

غَدًا – мафъулун фийҳ, зарфи замон, фатҳа ила мансуб, يَتَحَدَّثُга мутаъаллиқ.

عَنْ – ҳарфи жор, يَتَحَدَّثُга мутаъаллиқ.

مَوضُوعِ – касра ила мажрур, музоф.

السَّاعَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Замири мустатир феълдан сўнг келганида, нутқ ва ёзувда кўринмайдиган замир бўлиб, у икки қисмдир:

1. Вожиб бўлган ҳолда, унинг ўрнини феълдан сўнг зоҳир исм эгаллаши мумкин эмас.

Бу феъллар қуйидаги замирлар билан тасриф бўлиб, қуйидагича келади: أَنَا، نَحْنُ، أَنْتَ каби.

Унинг фоили вожиб бўлган ҳолда яширинган бўлиб, тақдири أَنَا дейилади.

2. Жоиз бўлган ҳолда, яъни унинг ўрнини феълдан сўнг зоҳир исм эгаллаши мумкин. Бу ҳолатда феъл қуйидаги мустатир (беркитилган) замирлар билан келади: هُوَ، هِيَ каби.

Фоили жоиз бўлган ҳолда яширинган бўлиб, тақдири هُوَ дейилади.

لاَ أُوْذِي أَحَدًا مِنْ قَرِيبٍ أَوْ مِنْ بَعِيدٍ

***Маъноси:***
**Яқинданми ёки узоқданми ҳеч кимга озор бермайман.**

لاَ – ҳарфи нафий.

أُوْذِي – маълум музореъ феъли, талаффузга оғирлик қилгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили вожиб ҳолда أَنَا мустатир замири.

أَحَدًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

مِنْ – ҳарфи жор, أُوْذِيга мутаъаллиқ.

قَرِيبٍ – касра ила мажрур.

أَوْ – ҳарфи ъатф.

مِنْ – ҳарфи жор, أُوْذِيга мутаъаллиқ.

بَعِيدٍ – касра ила мажрур.

أَرْجُو الاعْتِذَارَ

***Маъноси:***
**Узр сўрашни умид қиляпман.**

أَرْجُو – маълум музореъ феъли, талаффузга оғирлик қилгани учун وга тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили вожиб ҳолда أَنَا мустатир замири.

الاعْتِذَارَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## 128
## ЗАМИРИ МУНФАСИЛ

أَنْتَ تَسْأَلُ [....][....] عَنِ الغُيَّابِ

***Маъноси:***
**Сен бу ерда йўқ одамлар ҳақида сўраяпсан.**

أَنْتَ – замири мунфасил, фатҳага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

تَسْأَلُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنْتَ мустатир замири. Феълий жумла, рафъ ўрнида хабар.

عَنِ – ҳарфи жор, تَسْأَلُга мутаъаллиқ.

الغُيَّابِ – касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Замири мунфасил бошқа калималардан ажратиб ёзилади ва:

* Рафъ ўрнида: 1. Ғоиб замир: هُوَ، هُمَا، هُمْ، هِيَ، هُمَا، هُنَّ. 2. Мухотаб: أَنْتَ، أَنْتُمَا، أَنْتُمْ، أَنْتِ، أَنْتُمَا، أَنْتُنَّ. 3. Мутакаллим: أَنَا، نَحْنُ.

* Насб ўрнида: 1. Ғоиб замир: إِيَّاهُ، إِيَّاهُمَا، إِيَّاهُم، إِيَّاهَا، إِيَّاهُمَا، إِيَّاهُنَّ. 2. Мухотаб: إِيَّاكِ، إِيَّاكُمْ، إِيَّاكُمَا، إِيَّاكَ، إِيَّاكُنَّ، إِيَّاكُمَا، إِيَّاكِ 3. Мутакаллим: إِيَّايَ، إِيَّانَا.

هِيَ مَلْحُوظَةٌ غَيْرُ مَلْفُوظَةٍ

***Маъноси:***
**Бу нарса тушунилган, айтилган эмас.**

هِيَ – замири мунфасил, фатҳага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

مَلْحُوظَةٌ – хабар, замма ила марфуъ.

غَيْرُ – مَلْحُوظَةٌга наът, рафъда унга тобеъ,музоф.

مَلْفُوظَةٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

إِيَّاكُما نَحْتَرِمُ

***Маъноси:***

**Сиз икковингизни ҳурмат қиламиз.**

إِيَّاكُمَا – замири мунфасил, сукунга мабний, насб ўрнида муқаддам мафъулун биҳ.

نَحْتَرِمُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили نَحْنُ мустатир замири.

مَا نَجَحَ إِلاَّ نَحْنُ

***Маъноси:***

**Фақат бизгина муваффақият қозондик.**

مَا – ҳарфи нафий.

نَجَحَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

إِلاَّ – ҳарфи истисно ва ҳаср.

نَحْنُ – замири мунфасил, заммага мабний, рафъ ўрнида фоил (إِلاَّ ва нафийдан кейин фоил бўлади).

## 129
## ЗАРФИ ЗАМОН

مَا لَقِيتُهُ مُذْ سَافَرَ [...]

***Маъноси:***
**Сафарга кетганидан бери уни кўрмадим.**

مَا – ҳарфи нафий.

لَقِيتُهُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил, ه замири, насб ўрнида мафъулун биҳ.

مُذْ – зарфи замон, сукунга мабний, насб ўрнида мафъулун фийҳ لَقِيتُهُга мутаъаллиқ, музоф.

سَافَرَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

## ҚОИДАЛАР

* Зарфи замонлар қуйидагича:

1. Мубҳам мўъраб зарф: آنَاء، أَبَدًا، إِزَاءَ، أَمَدَ، حِينَ، زَمَانَ، عِنْدَ، مُدَّةَ، وَقْتَ.

2. Чегараланган мўъроб зарф: أُسْبُوع، خَرِيف، خَمِيس، سَاعَة، شُبَاط، عَام، قَرْن، يَوْم.

3. Мабний зарф: الآنَ، أَمْسِ، أَيْنَ، رَيْثَ، رَيْثَمَا، لَمَّا، مَتَى، مُذْ، مُنْذُ، إِذْ، إِذَا، أَنَّى، أَيَّانَ، بَعْدَ، بَيْنَ، بَيْنَمَا، عَوْضُ، قَبْلَ، قَطُّ، لَدُنْ، لَدَى، صَبَاحَ مَسَاءَ.

* Зарфнинг ҳукми мафъулун фийҳ бўлгани учун мансуб бўлади, феълга ёки феълга ўхшашга мутаъаллиқ бўлади.

تَعَرَّضَ لُبْنَانُ قُرُونًا لأَطْمَاعِ الغُزَاةِ

***Маъноси:***
**Ливан асрлар давомида ҳужумга нишон бўлиб келган.**

تَعَرَّضَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

لُبْنَانُ – фоил, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

قُرُونًا – мафъулун фийҳ, зарфи замон фатҳа ила мансуб, تَعَرَّضَга мутаъаллиқ.

لأَطْمَاعِ – ل ҳарфи жор, تَعَرَّضَга мутаъаллиқ, أَطْمَاعِ касра ила мажрур, музоф.

الغُزَاةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

أَمْطَرَتِ السَّمَاءُ أَمْسِ

*Маъноси:*

**Кеча осмон ёмғир ташлади.**

أَمْطَرَتِ – маълум мозий феъли, фатҳа ила мансуб, ت ҳарфи таънис.

السَّمَاءُ – фоил, замма ила марфуъ.

أَمْسِ – зарфи замон касрага мабний, насб ўрнида мафъулун фийҳ, أَمْطَرَتِга мутаъаллиқ.

## 130
## ЗАРФИ МАКОН

تَلَفَّتَ الصَّيَّادُ يَمْنَةً وَيَسْرَةً

*Маъноси:*

**Овчи ўнга чапга аланглади.**

تَلَفَّتَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الصَّيَّادُ – фоил, замма ила марфуъ.

يَمْنَةً – мафъулун фийҳ зарфи макон, фатҳа ила мансуб, تَلَفَّتَга мутаъаллиқ.

وَيَسْرَةً – و ҳарфи атф, يَسْرَةً сўзи يَمْنَةًга маътуф, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Зарфи маконлар мисол тариқасида қуйидагичадир:

1. Мубҳам мўъраб зарф:

أَمَامَ، تَحْتَ، شِمَالَ، فَوْقَ، وَرَاءَ، يَمِينَ، بَيْنَ، تِجَاهَ، تِلْقَاءَ، خَلْفَ، عِنْدَ، قُدَّامَ.

2. Чегараланган мўъраб зарф:

بَحْرَ، بَلَدَ، بَيْتَ، جَبَلَ، قَرْيَةَ، مَدِينَةَ، مَسْجِدَ، نَهْرَ .

3. Мабний зарф: أَيْنَ، ثَمَّ، ثَمَّتَ، حَيْثُ، هُنَا، أَنَّى، بَعْدُ، عَلُ، قَبْلُ، لَدُنْ، لَدَى, бунга олти тарафни билдирувчи, изофадан ҳоли зарфлар ҳам киради.

* Зарфнинг ҳукми мафъулун фийҳ бўлгани учун мансуб бўлади, феълга ёки феълга ўхшашга мутаъаллиқ бўлади.

وُقوفًا تَحْتَ الْمِظَلَّةِ اتِّقَاءً لِلشِّتَاءِ

***Маъноси:***

**Қишдан паналаниб, соябон тагида турди.**

وُقوفًا – маҳзуф феълга мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб.

تَحْتَ – мафъулун фийҳи зарфи макон, фатҳа ила мансуб, وُقوفًاга мутаъаллиқ, музоф.

الْمِظَلَّةِ – музофун илайҳ, касра мажрур.

اتِّقَاءً – мафъулун лиажлиҳ, фатҳа ила мансуб.

لِلشِّتَاءِ – ل ҳарфи жор, اتِّقَاءًга мутаъаллиқ, الشِّتَاءِ касра ила мажрур.

تَاجِرْ حَيْثُ أَخُوكَ مُقِيمٌ

*Маъноси*:
**Аканг муқим бўлган жойда тижоратчилик қил.**

تَاجِرْ – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

حَيْثُ – зарфи макон, заммага мабний, насб ўрнида мафъулун фийҳ تَاجِرْга мутаъаллиқ, музоф.

أَخُوكَ – мубтадо, асмои хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ.

مُقِيمٌ – хабар, замма ила марфуъ. أَخُوكَ مُقِيمٌ жумласи жор ўрнида музофун илайҳ.

## 131

## АТФИ БАЁН

قَالَ الْمَلِكُ دَبْشَلِيمُ لِلفَيْلَسُوفِ بَيْدَبَا

***Маъноси:***
**Подшоҳ Дабшалийм файласуф Байдабога деди...**

قَالَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمَلِكُ – фоил, замма ила марфуъ.

دَبْشَلِيمُ – الْمَلِكُга атфи баён, рафъда унга тобеъ.

لِلفَيْلَسُوفِ – لِ ҳарфи жор, قَالَга мутаъаллиқ, الفَيْلَسُوفِ касра ила мажрур.

بَيْدَبَا – الفَيْلَسُوفِга атфи баён, узр сабабли алифга тақдир қилинган касра ила мажрур, жорликда الفَيْلَسُوفِга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Атфи баён бу ўз матбуъсидан машҳурроқ тобеъдир.

1. Унинг мақсади маътуф алайҳи маърифа бўлса, уни изоҳлаш, накра бўлса хослашдир.

2. Атфи баён ва унинг матбуъининг ҳукми, наъти ҳақиқий ва унинг манъутига ўхшайди, яъни у маътуф алайҳига эъробда, таърифда ва танкирда мутлақ эргашади, яна ифрод, тасния, жамъ ва тазкийр, таънийсда ҳам эргашади.

أَكَلْتُ فَاكِهَةً تُفَّاحَةً

***Маъноси:***

**Мева олма едим.**

أَكَلْتُ – маълум мозий феъли, تُ замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, تُ рафъ ўрнида фоил.

فَاكِهَةً – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

تُفَّاحَةً – فَاكِهَةًга атфи баён, насбда унга тобеъ.

قَوْمُنَا العَرَبُ رُسُلُ حَضَارَةٍ

***Маъноси:***

**Араб миллатимиз, маданият элчисидир.**

قَوْمُنَا – мубтадо, замма ила марфуъ, نَا замир, музофун илайҳ.

العَرَبُ – قَوْمُنَاга атфи баён, рафъда унга тобеъ.

رُسُلُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

حَضَارَةٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

صَاحَبَ الشَّاعِرُ أَبُو فِرَاسٍ الفَارَابِيَّ

*Маъноси:*
**Шоир Абу Фирос Фаробийга ҳамроҳлик қилди.**

صَاحَبَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الشَّاعِرُ – фоил, замма ила марфуъ.

أَبُو فِرَاسٍ – الشَّاعِرُга атфи баён, рафъда унга тобеъ, музоф, асмои хомсадан бўлгани учун рафъ аломати و, فِرَاسٍ музофун илайҳ, касра ила мажрур.

الفَارَابِيَّ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## 132
## АТФИ НАСҚ (ТАРТИБ АТФИ)

كَانَ زَيْدٌ قَائِمًا وَ سَمِيرٌ جَالِسًا

*Маъноси:*
**Зайд турган ва Самир ўтирган эди.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

زَيْدٌ – كَانَнинг исми, замма ила марфуъ.

قَائِمًا – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

وَ سَمِيرٌ – و ҳарфи атф, سَمِيرٌ زَيْدٌга маътуф, рафъда унга тобеъ.

جَالِسًا – قَائِمًاга маътуф, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Атфи насқ ўз матбуъсига ҳарфи атф воситаси ила эргашувчи тобеъдир.

1. Атф ҳарфлари тўққизтадир:

واو، أَمْ، أَوْ، بَلْ، ثُمَّ، حَتَّى، فَ، لَكِنْ، لاَ

2. Омилнининг маътуф ёки маътуф маъносида келган нарсага таъсир ўтказиши шарт қилинади, агар омилнининг маътуфга таъсир ўтказиши тўғри бўлмаса, маътуфга ўзига мос омил тақдир қилинади.

3. Маътуф маътуфун алайҳга фақат эъробда эргашиши шарт, бошқаларида фарқли бўлиши мумкин.

4. Сийғаси бир хил бўлса, икки феълнинг орасида атф қилинади.

5. Атф икки жумла орасида, ўша икки жумла хабарийлик ва иншоийликда бир хил бўлса мумкин, феълийлик ва исмийликда бир хил бўлса атф қилиниши яхши, лекин феълийлик ва исмийликда фарқ қилса ҳам атф жоиздир.

6. Атф ва маътуфга биргина омил таъсир ўтказиши шарт.

أَقُومُ أَنَا وَزَيْدٌ

***Маъноси:***

**Мен ва Зайд тик турибмиз.**

أَقُومُ – маълум мозий феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замир.

أَنَا – أَقُومُнинг фоилидан тавкид, сукунга мабний, рафъ ўрнида.

وَ زَيْدٌ – و ҳарфи атф, زَيْدٌ أَنَاга маътуф, замма ила марфуъ. (такдирда زَيْدٌ يَقُومُ бўлади).

جَاءَتْ مَرْيَمُ لاَ عَبْدُ اللهِ

***Маъноси:***

**Абдуллоҳ эмас Марям келди.**

جَاءَتْ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таъннис.

مَرْيَمُ – фоил, замма ила марфуъ.

لاَ – нафий ва атф ҳарфи.

عَبْدُ اللهِ – عَبْدُ مَرْيَمُга маътуф, рафъда унга тобеъ, музоф, اللهِ лафзи жалола, музофун илайҳ касра ила мажрур.

## 133
## АТФИ БАЁН ВА БАДАЛ

سَمِعْتُ عَنْدَلِيبًا أَيْ بُلْبُلاً

***Маъноси:***

**Андалийбнининг яъни, булбулнинг овозини эшитдим.**

سَمِعْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

عَنْدَلِيبًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

أَيْ – ҳарфи тафсийр.

بُلْبُلاً – عَنْدَلِيبًاга атфи баён, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Атфи баён маътуфун алайҳнинг ўрнини эгаллаши мумкин, шунда маътуфун алайҳини келтирмаса бўлади, маътуфун алайҳнинг ўрнини эгалловчи бадали кулл бўлиши ҳам мумкин.

* Атфи баён маътуфун алайҳга бутунлай эргашади, бадал эса, фақат эъробда эргашади.

* Атфи баён замирда ёки замирдаги эргашган ёки феъл ёки феълга эргашган бўлмайди, бадал эса аксинча.

* Атф тафсийрий бўлган أَنْ، أَيْ ҳарфларидан сўнг ҳам келади.

أَعْجَبَتْنِي الوَرْدَةُ رَائِحَتُهَا

***Маъноси:***

**Гулнинг ҳиди мени ажаблантирди.**

أَعْجَبَتْنِي – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таъниc, ن ҳарфи виқоя, ي насб ўрнида музофун илайҳ.

الوَرْدَةُ – фоил, замма ила марфуъ.

رَائِحَتُهَا – الوَرْدَةُдан бадал, рафъда унга тобеъ, هَا замир, музофун илайҳ.

رَأَيْتُهُ أَخَاكَ

*Маъноси:*
**Акангни кўрдим.**

رَأَيْتُهُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил, ه замир, мафъулун биҳ.

أَخَاكَ – رَأَيْتُهُдаги هдан бадал, асмои хомсадан бўлгани учун алиф ила мансуб, ك замир, музофун илайҳ.

جَاءَ صَاحِبُكَ زَيْدٌ

*Маъноси:*
**Ҳамроҳинг Зайд келди.**

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

صَاحِبُكَ – фоил, замма ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ.

زَيْدٌ – صَاحِبُكَдан бадал ёки унга атфи баён, рафъда унга тобеъ.

## 134
## ЭЪРОБ АЛОМАТЛАРИ

تَنْقُلُ السُّفُنُ الرَّاحِلِينَ وَالسِّلَعَ وَالْمَصْنُوعَاتِ

*Маъноси:*
**Кемалар йўловчиларни, молларни ва маҳсулотларни ташийди.**

تَنْقُلُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

السُّفُنُ – фоил, замма ила марфуъ.

الرَّاحِلِينَ – мафъулун биҳ, жамъи музаккари солим бўлгани учун ي ила мансуб.

وَالسِّلَعَ – و атф ҳарфи, السِّلَعَ الرَّاحِلِينَга маътуф, фатҳа ила мансуб.

وَالْمَصْنُوعَاتِ – و атф ҳарфи, الْمَصْنُوعَاتِ сўзи الرَّاحِلِينَга маътуф, муаннас солим бўлгани учун касра ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Эъроб исмларидан ҳар бир исмнинг аслий аломати ва унинг ўрнини босувчи фаръий аломати бўлади:

А). Рафънинг аслий аломати замма бўлиб, унинг ўрнини босувчилар:

1. Асмои хомса ва жамъи музаккари солимда واو.

2. Мусаннода الف.

3. Афоли хомсада ن собит қолиши.

Б). Насбнинг аслий аломати фатҳа бўлиб, унинг ўрнини босувчилар:

1. Жамъи муаннаси солимда касра.

2. Асмои хомсада алиф.

3. Жамъи музаккари солим ва мусаннода ي.

4. Афъоли хомсада نнинг ҳазф қилиб, тушириб юборилиши.

В). Жорнинг аслий аломати касра бўлиб, унинг ўрнини босувчилар:

1. Сарфдан манъ бўлганда, яъни ғойри мунсарифда фатҳа.

2. Асмои хомса, мусанно ва жамъи музаккари солимда ي.

Г). Жазмнинг аслий аломати сукун бўлиб, унинг ўрнини босувчилар:

1. Афъоли хомсада نнинг ҳазфи.

2. Охири иллатли феълларда иллат ҳарфининг ҳазф қилиб, тушириб юборилиши.

لَمْ يَنْسَ إِعْدَادَ السَّيَّارَةِ وَتَحْضِيرَ لَوَازِمِهَا

*Маъноси:*

**Тайёраларни ва эҳтиёт қисмлари тайёрлашни унутмади.**

لَمْ – ҳарфи нафий, жозима.

يَنْسَ – маълум музореъ феъли, لَمْ ила мажзум, жазм аломати иллат ҳарфининг ҳазфи, фоили هُوَ мустатир замири.

إِعْدَادَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

السَّيَّارَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

وَتَحْضِيرَ – و атф ҳарфи, تَحْضِيرَ сўзи إِعْدَادَга маътуф, насбда унга тобеъ, музоф.

لَوَازِمِهَا – музофун илайҳ, касра ила мажрур, هَا замир, музофун илайҳ.

## 135
## БИНО АЛОМАТЛАРИ

يَا ضَاحِكُونَ تَذَكَّرُوا سَاعَةَ الْحُزْنِ

*Маъноси:*

**Эй кулаётганлар, маҳзунлик пайтини эсланглар.**

يَا – ҳарфи нидо.

ضَاحِكُونَ – мунодо, жамъи музаккари солим бўлгани учун وга мабний, насб ўрнида.

تَذَكَّرُوا – феъли амр, афоли хомсага мулҳақ қилингани учун ҳазфи نга мабний, و замир, рафъ ўрнида фоил.

سَاعَةَ – мафъулун бих, фатҳа ила мансуб, музоф.

الْحُزْنِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Бино исмларидан ҳар бир исмнинг аслий аломати ва унинг ўрнини босувчи ҳарфлар мисолидаги фаръий аломати бўлади:

1. Замма, исм ва ҳарфларда бўлади, мунодода ا ва و унинг ўрнини босади.

2. Фатҳа, исм, феъл ва ҳарфларда бўлади, жинсни нафий қилувчи لا нинг исмидаги ي унинг ўрнини босади.

3. Касра, исм ва ҳарфда бўлади, унинг ўрнини ҳеч нарса босмайди.

4. Сукун, исм ва ҳарфда бўлади, унинг ўрнини ҳеч нарса босмайди, афъоли хомсада ҳазфи ن унинг ўрнини босади, охири иллатли ҳарфларда, иллат ҳарфининг ҳазфи (тушириб юборилиши) унинг ўрнини босади.

تَكَلَّمَ تَأَبَّطَ شَرًّا لِلْمَرَّةِ الثَّالِثَةَ عَشْرَةَ

***Маъноси:***

**Тааббатошаррон ўн учинчи маротаба гапирди.**

تَكَلَّمَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

تَأَبَّطَ شَرًّا – мураккаб иснодий исми ъалам, икки қисми фатҳага мабний, рафъ ўрнида фоил. (Тааббатошаррон бу тарихий шахс бўлган Собит ибн Жобирнинг лақаби)

لِلْمَرَّةِ – ل ҳарфи жор, تَكَلَّمَга мутаъаллиқ, الْمَرَّةِ касра ила мажрур.

الثَّالِثَةَ عَشْرَةَ – исми адад, الْمَرَّةِга наът, икк қисми фатҳага мабний, жор ўрнида.

حَذَارِ!

***Маъноси:***
**Ҳазир бўл!**

حَذَارِ – амр исм феъли, касрага мабний бўлиб, эъробда ўрни йўқ, фоили أَنْتَ мустатир замири.

## 136
## ФЕЪЛИ АМР

اِفْرَحْ [...] مَعَ الطَّبِيعَةِ فِي الرَّبِيعِ

***Маъноси:***
**Баҳорда табиатдан баҳра ол.**

اِفْرَحْ – феъли амр, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

مَعَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб бўлиб, اِفْرَحْга мутаъаллиқ, музоф.

الطَّبِيعَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

فِي – ҳарфи жор, اِفْرَحْга мутаъаллиқ.

الرَّبِيعِ – касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Феъли амр қуйидагиларга бино қилинади:

1. Сукунга, у бинонинг асосий ҳаракати: أَنْتَ، أَنْتُنَّ билан сарф қилинганда.

2. Афъоли хомсага мулҳақ бўлганда ҳазфи نга, أَنْتِ، أَنْتُمَا، أَنْتُمْ билан сарф қилинганда.

3. Охири иллатли ҳарфларда, иллат ҳарфининг ҳазфига, أَنْتَ билан сарф қилинганида.

4. Ташдидли ёки ташдидсиз “нун”и тавкидга ёпишиб келганда, أَنْتَ билан сарф қилинганида.

اِسْمَعُوا هَذِهِ الْحِكَايَةَ

***Маъноси:***

**Ушбу ҳикояни эшитинглар.**

اِسْمَعُوا – феъли амр, афъоли хомсага мулҳақ бўлгани учун ҳазфи نга мабний, و замир, рафъ ўрнида фоил.

هَذِهِ – исми ишора, касрага мабний, насб ўрнида мафъулун биҳ.

الْحِكَايَةَ – هَذِهِдан бадал, фатҳа ила мансуб.

اِبْتَعِدَنَ عَنِ الشَّرِّ

***Маъноси:***

**Ёмонликдан узоқлаш.**

اِبْتَعِدَنَ – феъли амр, ташдидсиз “нун”и тавкидга ёпишиб келгани учун фатҳага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

عَنِ – ҳарфи жор, اِبْتَعِدَنга мутаъаллиқ.

الشَّرِّ – касра ила мажрур.

اِسْعَ فِي طَلَبِ الرِّزْقِ

***Маъноси:***
**Ризқ талабида ҳаракат қил.**

اِسْعَ – феъли амр, охири иллатли ҳарф бўлгани учун иллат ҳарфининг ҳазфига мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

فِي – ҳарфи жор, اِسْعَга мутаъаллиқ.

طَلَبِ – касра ила мажрур, музоф.

الرِّزْقِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 137
## ФЕЪЛИ ТОМ (ТЎЛАҚОНЛИ ФЕЪЛ)

دَفَعَ القَائِدُ الْجُنْدَ إِلَى الْمَعَرَكَةِ

***Маъноси:***
**Лашкарбоши қўшинни жангга йўллади.**

دَفَعَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

القَائِدُ – фоил, замма ила марфуъ.

الْجُنْدَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

إِلَى – ҳарфи жор, دَفَعَга мутаъаллиқ.

الْمَعْرَكَةِ – касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Феъли том ўз фоилига иснодий нисбат воситасида боғланади ва шу нарса ила мақсад қилинган маъно тўлиқ бўлади.

У икки турли бўлади: Лозим ва мутаъддий.

* Лозим феълининг юзага келиши ўз фоилида бўлади, фоили рафъ ҳолида бўлади ва шу нарса ила мақсад қилинган маъно тўлиқ бўлади.

* Феъли мутаъаддийнинг амали фоилидан ўтиб мафуълун биҳни мансуб қилади, шу нарса ила мақсад қилинган маъно тўлиқ бўлади.

У икки турли бўлади: Мафъулун биҳга тўғридан – тўғри боғланади, мафъулун биҳга таъсир ўтказиш воситалари ила боғланади.

صَاحَ الدِّيكُ وَاسْتَيْقَظَ صَاحِبُ الْمَزْرَعَةِ

***Маъноси:***

**Хўроз қичқирди ва экин эгаси уйғонди.**

صَاحَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الدِّيكُ – фоил, замма ила марфуъ.

وَاسْتَيْقَظَ – و ҳарфи атф, اسْتَيْقَظَ маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

صَاحِبُ – фоил, замма ила марфуъ, музоф.

الْمَزْرَعَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

يُحْفَظُ الإِسْتِقْلالُ بِالاتِّحَادِ

*Маъноси:*
**Истиқлол бирлашиш ила сақлаб қолинади.**

يُحْفَظُ – мажҳул музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الإِسْتِقْلالُ – ноиби фоил, замма ила марфуъ.

بِالإِتِّحَادِ – ب ҳарфи жор, يُحْفَظُга мутаъаллиқ, الإِتِّحَادِ касра ила мажрур.

مَنَحَ التَّلاَمِيذُ أُسْتَاذَهُمُ الثِّقَةَ

*Маъноси:*
**Талабалар ўз устозларига ишонч билдирдилар.**

مَنَحَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

التَّلاَمِيذُ – фоил, замма ила марфуъ.

أُسْتَاذَهُمُ – мафъулун биҳ аввал, фатҳа ила мансуб, هُم замир, музофун илайҳ.

الثِّقَةَ – иккинчи мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## 138
## ФЕЪЛИ ЖОМИД

طَالَمَا بَحَثْتُ عَنْ زَوْجَةٍ مُنَاسِبَةٍ

*Маъноси:*
**Муносиб келинни қанчалик узоқ қидирдим.**

طَالَمَا – жомид мозий феъли, фатҳага мабний, фоил талабидан феълни зоида бўлган مَا ушлаб қолган.

بَحَثْتُ – маълум мозий феъли, تُ замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, تُ рафъ ўрнида фоил.

عَنْ – жор ҳарфи, بَحَثْتُга мутаъаллиқ.

زَوْجَةٍ – касра ила мажрур.

مُنَاسِبَةٍ – زَوْجَةٍга наът, жорда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Жомид феъл ўз шаклида ўзгаришни қабул қилмайди ва замонларда сарф этилмайди. Нафий маъносига далолат қилувчи لَيْسَ ва умид қилиш маъносига далолат қилувчи عَسَى каби маъноларга далолат қилади. Жомидлигининг сабаби ҳарфларга ўхшашлигидир.

Жомидлиги икки турлидир: Лозим ва ориз.

* Феъли жомид уч қисмдир:

1. Мозийга мулозим бўлиши, бунга мақташ ва ёмонлаш феъллари киради: نِعْمَ، بِئْسَ، سَاءَ، حَبَّذَا;

Таъажжуб феъллари : مَا أَفْعَلَهُ، أَفْعِلْ بِهِ;

Истисно феъллардан қуйидагилар: مَا حَاشَا، مَا خَلاَ، مَا عَدَا;

كَادَнинг ахавотларидан: كَرَبَ;

Умид қилиш ва киришиш феъллари;

كَانَнинг ахавотларидан: لَيْسَ، مَا دَامَ ;

Мутлоқ жомид феъллар: شَدَّمَا، طَالَمَا، قَصُرَمَا، قَلَّمَا;

2. Амрга мулозим: تَعَلَّمْ، تَعَالَ، هَبْ، هَلُمَّ;

3. Музореъга мулозим: يَهْيِطُ;

قَدِمَ الْقَوْمُ مَا خَلاَ وَاحِدًا

***Маъноси:***
**Бир кишидан бошқа қавмнинг ҳаммаси келди.**

قَدِمَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

القَوْمُ – фоил, замма ила марфуъ.

مَا – ҳарфи масдарий.

خَلاَ – жомид мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний, фоили аслга хилоф ҳолда вожибан هُوَ мустатир замири.

وَاحِدًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб. مَا خَلاَ масдар таъвилида, насб ўрнида, ҳол.

بِئْسَ الوَلَدُ العَاقُّ

***Маъноси:***
**Ота – онасига оқ бўлган фарзанд қандай ҳам ёмон фарзанддир.**

بِئْسَ – ёмонлашни билдирувчи жомид мозий феъли, фатҳага мабний.

الوَلَدُ – фоил, замма ила марфуъ.

العَاقُّ – الوَلَدُга наът, рафъда унга тобеъ.

## 139
## ЁМОНЛАШ ФЕЪЛИ

سَاءَ مَا يَعْمَلُونَ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ

***Маъноси:***

**Қилаётган ишлари қанчалар ёмон ва борар жойлари қанчалар аянчли.**

سَاءَ – ёмонлашни билдирувчи жомид мозий феъли, фатҳага мабний.

مَا – исми мавсул, сукунга мабний, рафъ ўрнида фоил.

يَعْمَلُونَ – маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, و замир, рафъ ўрнида фоил.

وَ بِئْسَ – و атф ҳарфи, بِئْسَ ёмонлашни билдирувчи жомид мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمَصِيرُ – фоил, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Ёмонлашни муболаға ила билдириш учун ишлатилувчи икки феъл: سَاءَ، بِئْسَ вожибан келувчи мустатир замирни рафъ қилади, ўша замирни тамйиз бўлгани учун мансуб ҳолда келган накра исм тафсир қилиб беради.

1. Жомид ёмонлаш феъли фақат мозий бўлиб ишлатилади, унинг музореъси, амри, иштиқоқ қилингани бўлмайди.

2. Зоҳир бўлган фоили ила мутлақ феълдек муомалада бўлади ва унга фоили муаннас бўлганда “тои таъннис” қўшилади: سَاءَت، بِئْسَتْ.

بِئْسَتِ امْرَأَةً هِنْدٌ

***Маъноси:***

**Ҳинд қанчалар ҳам ёмон аёл.**

بِئْسَتِ – ёмонлашни билдирувчи жомид мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هِيَ мустатир замири, ت ҳарфи таънис.

امْرَأَةً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

هِنْدٌ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ, بِئْسَت жумласи рафъ ўрнида хабар.

سَاءَ قَاضِي أَحْكَامِ الظُّلْمِ سَمِيرٌ

***Маъноси:***
**Самир қанчалар ёмон зулмкор ҳукмлар қозисидир.**

سَاءَ – ёмонлашни билдирувчи жомид мозий феъли, фатҳага мабний.

قَاضِي – фоил, талаффузга оғирлик қилгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

أَحْكَامِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, музоф.

الظُّلْمِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

سَمِيرٌ – قَاضِيдан бадал ёки атфи баён, рафъда унга тобеъ.

بِئْسَمَا زَيْدٌ

***Маъноси:***
**Зайд қанчалар ҳам ёмон.**

بِئْسَمَا – ёмонлашни билдирувчи жомид мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هِيَ мустатир замири, مَا накра, сукунга мабний, насб ўрнида тамйиз.

زَيْدٌ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ, بِئْسَمَا жумласи рафъ ўрнида хабар.

## 140
## АФЪОЛИ ҚУЛУБ

ظَنَنْتُ الْمُجَامَلَةَ حَارِسَةً لِلصَّدَاقَةِ

*Маъноси:*

**Ҳушмуомалалик, дўстона муносабатни сақловчи эканини билдим.**

ظَنَنْتُ – маълум мозий феъли, афъоли қулублардан икки мафъулни насб қилади, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

الْمُجَامَلَةَ – мафъулун биҳ аввал, фатҳа ила мансуб.

حَارِسَةً – иккинчи мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

لِلصَّدَاقَةِ – لِ ҳарфи жор, حَارِسَةً-га мутаъаллиқ, الصَّدَاقَةِ касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Афъоли қулуб феъллари фоили бор бўлган ҳолида исмий жумлага кириб, мубтадо ва хабарни насб қилади, мубтадо ва хабар унга икки мафъул бўлади.

Афъоли қулуб яна ظَنَّ ва ахавотлари ёки икки мафъулга таъсир ўтказувчи мутаъаддий феъллар деб ҳам аталади.

* Афъоли қулуб уч қисмдир:

1. Устун кўришни ифодаловчи феъллар: جَعَلَ........

2. Аниқ ишончни ифодаловчи феъллар: أَلْفَى..........

3. Ўзгариб қолишни ифодаловчи феъллар: اتَّخَذَ..........

* Барча афоли қулублар тўлиқ сарф қилинади яъни, улардан музореъ, амр, исми фоил ва бошқалари олинади. Барчалари мозий феъли амал қилгандек амал қилади, фақат هَبْ، تَعَلَّمْ амр сийғасидагина ишлатилади.

وَجَدْتُ التَّوْفِيقَ حَالَفَ أَهْلَ الإِجَادَةِ

***Маъноси:***

**Тавфиқ, ишни пухта бажарувчилар билан бирга бўлишини топдим.**

وَجَدْتُ – маълум мозий феъли, афъоли қулублардан икки мафъулни насб қилади, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

التَوْفِيقَ – мафъулун биҳ аввал, фатҳа ила мансуб.

حَالَفَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири. Жумлаи феълия иккинчи мафъулун биҳнинг ўрнини эгаллаган.

أَهْلَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

الإِجَادَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

عَلِمْتُ لأَخُوكَ مُجْتَهِدٌ

***Маъноси:***
**Акангни тиришқоқлигини билдим.**

عَلِمْتُ – маълум мозий феъли, афъоли қулублардан икки мафъулни насб қилади, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

لَأَخُوكَ – ل ҳарфи ибтидо, икки мафъулни насб қилишдан феълни тўсиб қолган, أَخُوكَ мубтадо, асмои хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ.

مُجْتَهِدٌ – хабар, замма ила марфуъ. Исмий жумла насб ўрнида мафъулун биҳ.

## 141
## ФЕЪЛИ ЛОЗИМ

لا تَنْحَنِي جِبَاهُ السِّنْدِيَانِ لِلرِّيَاحِ

***Маъноси:***
**Синдиён (янтоққа ўхшаш ўсимлик) шамолларда эгилмайди.**

لا – ҳарфи нафий.

تَنْحَنِي – маълум музореъ феъли, талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

جِبَاهُ – фоил, замма ила марфуъ, музоф.

السِّنْدِيَانِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

لِلرِّيَاحِ – لِ ҳарфи жор, تَنْحَنِي‎га мутаъаллиқ, الرِّيَاحِ касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Лозим феълнинг амали ўз фоилида қарор топади ва фоилини рафъ ҳолатига келтириши ила маъноси тугал бўлади.

Қуйидагиларга далолат қилганда феъл лозим бўлади:

1. Ғаризага.
2. Ҳайъатга.
3. Ранг, айб ва сифатга.
4. Тозалик ва кирликка.
5. Бўшлик ва тўлаликка.
6. Табиий ҳолда ориз бўлувчи ҳолатларга.

* Қуйидаги вазнлар феълнинг лозим эканига далолат қилади: اِنْفَعَلَ، تَفَعْلَلَ، اِفْعَلَّ، اِفْعَلَلَّ، اِفْعَنْلَلَ، اِفْعَالَّ.

* Бошқа вазнларнинг баъзисида таъдия:

فَعَّلَ، أَفْعَلَ، فَاعَلَ، اِسْتَفْعَلَ каби.

Баъзисида лозимлик:

تَفَعَّلَ، تَفَاعَلَ، اِفْتَعَلَ каби ғолиб келади.

* Лозим феъл ـه замирини қабул қилмайди.

ضَحِكَ الْمُنْتَصِرُ وَبَكَى الْمُنْكَسِرُ

***Маъноси:***
**Ютган кулди ва мағлуб йиғлади.**

ضَحِكَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمُنْتَصِرُ – фоил, замма ила марфуъ.

وَبَكَى – و ҳарфи атф, بَكَي маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний.

الْمُنْكَسِرُ – фоил, замма ила марфуъ.

اسْوَدَّتِ الدُّنْيَا فِي عَيْنَيْهِ

*Маъноси:*

**Кўзларида дунё қоронғулашиб кетди.**

اسْوَدَّتِ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ҳарфи таънис.

الدُّنْيَا – фоил, узр сабабли алифга тақдир қилинган заммага мабний.

فِي – ҳарфи жор, اسْوَدَّتِга мутаъаллиқ.

عَيْنَيْهِ – мусанно бўлгани учун ي ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ.

## 142
## ТАЪКИДЛАНГАН ФЕЪЛ

هَلْ تَذْهَبَنَّ غَدًا إِلَى الْمَلْعَبِ

*Маъноси:*

**Ўйингоҳга эртага борасанми?**

هَلْ – ҳарфи истифҳом.

تَذْهَبَنَّ – маълум музореъ феъли, ташдидли “нун”и тавкидга ёпишиб келгани учун фатҳага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

غَدًا – мафъулун фийҳ, зарфи замон фатҳа ила мансуб, تَذْهَبَنَّга мутаъаллиқ.

إِلَى – ҳарфи жор, تَذْهَبَنَّга мутаъаллиқ.

الْمَلْعَبِ – касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Таъкидланган феълга ташдидли ёки ташдидсиз “нун”и тавкид қўшилади.

* Феълга “нун”и тавкидни қўшишдан мақсад матакаллимнинг, феълни амалга оширишда тараддудсиз қўл уришини билдиришдир.

Ташдидли тавкид ташдидсиз тавкиддан кўра кучлироқдир, икковлари тавкид билан бирга қамров ва умумийликни ифода этади.

* “Нун”и тавкид:

1. Мозий феълига мутлақо қўшилмайди.

2. Шартсиз амр феълига киради.

3. Музореъга феълни келажак замонда келаётганини таъйин қилувчи нарса феълдан олдин келганидагина киради.

* Музореъни келажак замонда келаётганини таъйин қилувчи нарсалар:

Истифҳом, умидланишни ифода этувчи сўзлар, таклифни ифода этувчи сўзлар, бирор нарсага ундашни ифода этувчи сўзлар, қайтариқни ифода этувчи сўзлар, орзуни ифода этувчи сўзлар, қасамни ифода этувчи сўзлар.

يَا قَوْمَنَا احْذَرُنْ

***Маъноси:***

**Эй қавмимиз ҳазир бўлинглар.**

يَا – ҳарфи нидо.

قَوْمَنَا – мунодо, фатҳа ила мансуб, نَا замир, музофун илайҳ.

احْذَرُنْ – феъли амр, афъоли хомсага мулҳақ бўлгани учун ҳазфи “нун”га мабний, و рафъ ўрнида фоил, “нун”и тавкидга ёпишиб келган ва икки сокин учрашмаслиги учун ҳазф қилинган.

هَلاَّ تَرْجِعْنَانِّ عَنْ عَزْمِكُنَّ

***Маъноси:***
**Азмингиздан қайтмайсизларми?**

هَلاَّ – ундашни ифода этувчи ҳарф.

تَرْجِعْنَانِّ – маълум музореъ феъли, аёллик “нун”ига ёпишгани учун сукунга мабний, “алиф” аёллик “нун”и ва “нун”и тавкид орасидаги зоида бўлиб, аёллик “нун”и замир, рафъ ўрнида фоил.

عَنْ – ҳарфи жор, تَرْجِعْنَانِّга мутаъаллиқ.

عَزْمِكُنَّ – касра ила мажрур, كُنَّ замир, музофун илайҳ.

## 143
## МУТАЪАДДИЙ ФЕЪЛ

يَصُبُّ الفَجْرُ ذَوْبَ التَّرَانِيمِ فِي النَّفْسِ

***Маъноси:***
**Тонг нафсга тараннум оқимларини солади.**

يَصُبُّ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الفَجْرُ – фоил, замма ила марфуъ.

ذَوْبَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

التَّرَانِيمِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

فِي – ҳарфи жор, يَصُبُّга мутаъаллиқ.

النَّفْسِ – касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Мутаъаддий феъл маъноси тўлиқ бўлиши учун фоилидан ўтиб мафъулун биҳни насб қилади ва икки навъ бўлади:

1. Мафъулун биҳга тўғридан-тўғри воситасиз боғланадиган.
2. Мафъулун биҳга таъдия услублари орқали боғланадиган.

* Лозим мутаъаддийга айланадиган ҳолатлар:

1. Аввалидаги таъдия ҳамзаси ила.
2. Калиманинг ع нининг иккилантириш ила.
3. Ҳарфи жор воситаси ила.
4. Зарф воситаси ила.

* Мутаъаддий, ўзлик маъносига далолат қилувчи вазнга ўтказилганида, лозимга айланади: فَعَلَ – افْتَعَلَ، فَعَلَ – انْفَعَلَ، فَعَّلَ – تَفَعَّلَ.

Бу вазнлар, таъдия вазнларининг мажҳули далолат қилган маънога далолат қилади.

* Мутаъаддий ه замирини қабул қилади ва у икки қисмдир: фоили маълум, фоили мажҳул.

يُبْذَلُ جُهْدٌ كَبِيرٌ فِي سَبِيلِ الإِعْمَارِ

*Маъноси:*
**Қайта тиклаш йўлида катта куч сарфланяпти.**

يُبْذَلُ – мажҳул музореъ феъли, замма ила марфуъ.
جُهْدٌ – ноиби фоил, замма ила марфуъ.
كَبِيرٌ – جُهْدٌга наът, рафъда унга тобеъ.
فِي – ҳарфи жор, يُبْذَلُга мутаъаллиқ.
سَبِيلِ – касра ила мажрур, музоф.
الإِعْمَارِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

أَضْحَكَ النَّاظِرُ التَّلاَمِيذَ

*Маъноси:*
**Нозир ўқувчиларни кулдирди.**

أَضْحَكَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.
النَّاظِرُ – фоил, замма ила марфуъ.
التَّلاَمِيذَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## 144
## УЧ МАФЪУЛГА ТАЪДДИЙ ЭТУВЧИ ФЕЪЛ

أَعْلَمْتُ الغُلاَمَ الحِرْفَةَ وَسِيلَةَ الرِّزْقِ

*Маъноси:*

**Йигитга, касб-ҳунарни, ризқ учун восита эканини билдирдим.**

أَعْلَمْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

الغُلامَ – мафъулун биҳ аввал, фатҳа ила мансуб.

الحِرْفَةَ – иккинчи мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

وَسِيلَةَ – учинчи мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

الرِّزْقِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Уч мафъулга таъаддий этувчи феъл ўз фоили ва мафъулидан сўнг исмий жумлага киради ҳамда мубтадо ва хабарини насб қилади, шунда улар икки мафъулга айланади.

Уч мафъулга таъаддий этувчи феъллар:

أَخْبَرَ، أَرَى، أَعْلَمَ، أَنْبَأَ، حَدَّثَ، خَبَّرَ، نَبَّأَ бу феъллар أَرَى нинг ахавотлари дейилади.

* Бу феълларга ҳукмдан тўхтатиш ва қолдиришда афъоли қулубга хос бўлган аҳкомлар татбиқ этилади.

نَبَّأْتُ الطَّيَّارَ الجَوَّ يُنَاسِبُ الْمِلاَحَةَ

***Маъноси:***

**Учувчини ҳаво учса бўладиган эканидан хабардор қилдим.**

نَبَّأْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

الطَّيَّارَ – мафъулун биҳ аввал, фатҳа ила мансуб.

الجَوَّ – иккинчи мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

يُنَاسِبُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замир. Феълий жумла насб ўрнида учинчи мафъулун биҳнинг ўрнини эгаллаган.

الْمِلاَحَةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

أَخْبَرْتُ الشَّاهِدَ لأَدَاءُ الشَّهَادَةِ وَاجِبٌ

*Маъноси:*

**Гувоҳга гувоҳликни адо этиш вожиб экани ҳақида хабар бердим.**

أَخْبَرْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

الشَّاهِدَ – мафъулун биҳ аввал, фатҳа ила мансуб.

لأَدَاءُ – ل ҳарфи ибтидо, феълни уч мафъулни насб қилишдан тўхтатган, أَدَاءُ мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

الشَّهَادَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

وَاجِبٌ – хабар, замма ила марфуъ. Исмий жумла насб ўрнида иккинчи ва учинчи мафъулни ўрнини эгаллаган.

## 145
## ИККИ МАФЪУЛГА ТАЪДИЯ ЭТУВЧИ ФЕЪЛ

كَسَا أَخُوكَ الفَقِيرَ ثَوْبًا

*Маъноси:*

**Аканг фақирга кийим кийгазди.**

كَسَا – маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний.

أَخُوكَ – фоил, асмои хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ.

الفَقِيرَ – мафъулун биҳ аввал, фатҳа ила мансуб.

ثَوْبًا – иккинчи мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Баъзи мутаъаддий феъллар асли мубтадо ва хабар бўлмаган икки мафъулни насб қилади.

Ишлатилиши кўп феъллар: كَسَا، سَقَى، زَوَّدَ، رَزَقَ، أَعْطَى، أَطْعَمَ، أَسْكَنَ. Бу феълларга ўхшаш феъллар кўп бўлиб, уларни ёдда сақлаш мушкулдир.

Уларнинг машҳурлари: حَبَّبَ، جَزَى، أَنْشَدَ، أَنْسَى، اسْتَصْنَعَ.

* Қуйидаги феъллар икки мафъулга таъддий этади ва иккинчи мафъули жор ва мажрур орқали келади:

كَالَ، كَنَّى، صَدَقَ، سَمَّى، زَوَّجَ، دَعَا، أَمَرَ، اسْتَغْفَرَ، اخْتَارَ.

أَنْسَى اللَّعِبُ التِّلْمِيذَ وَاجِبَتَهُ

***Маъноси:***

**Ўйин ўқувчининг мажбуриятларини эсидан чиқартирди.**

أَنْسَي – маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний.

اللَّعِبُ – фоил, замма ила марфуъ.

التِّلْمِيذَ – мафъулун биҳ аввал, фатҳа ила мансуб.

وَاجِبَتَهُ – иккинчи мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, ه замир, музофун илайҳ.

تَأْمُرُونَ النَّاسَ خَيْرًا – أَيْ بِالْخَيْرِ

***Маъноси:***
**Одамларни яхшиликка буюрасизлар.**

تَأْمُرُونَ – маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун “нун”нинг субути ила марфуъ, و замир, рафъ ўрнида фоил.

النَّاسَ – мафъулун биҳ аввал, фатҳа ила мансуб.

خَيْرًا – иккинчи мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

أَطْعَمْتُ الوَلَدَ خُبْزًا

***Маъноси:***
**Болани нон билан таомлантирдим.**

أَطْعَمْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

الوَلَدَ – мафъулун биҳ аввал, фатҳа ила мансуб.

خُبْزًا – иккинчи мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## 136
## МАЖҲУЛ ФЕЪЛ

أُنْقِذَ أَمْسِ تَاجِرٌ مِنْ إِعْلاَنِ الإِفْلاَسِ

***Маъноси:***

**Кеча тожирнинг банкрот бўлгани эълон этилишидан қутқазилди.**

أُنْقِذَ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний.

أَمْسِ – зарфи замон, касрага мабний насб ўрнида мафъулун фийҳ, أُنْقِذَга мутаъаллиқ.

تَاجِرٌ – ноиби фоил, замма ила марфуъ.

مِنْ – ҳарфи жор, أُنْقِذَга мутаъаллиқ.

إِعْلاَنِ – касра ила мажрур, музоф.

الإِفْلاَسِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Мутаъаддий феъл икки қисмдир:

Фоили маълум ва фоили мажҳул.

Мажҳул феълнинг фоили ҳазф қилинади ва мафъулун биҳ ноиби фоил қилинади.

* Мажҳул фақат мутаъаддий феълнинг ўзига ва восита билан хосдир. Суянишга мафъули бўлмагани учун лозим феълдан мужҳул ясалмайди. Унинг амри ҳам бўлмайди балки мозий ёки музореъси бўлади.

* Мажҳул, маълум мутаъаддийдан ясалади:

1. Мозийда: تَفَعَّلَ– تُفُعِّلَ.

2. Музоreъда: يَتَفَعَّلُ – يُتَفَعَّلُ.

3. Мозийнинг охиридан битта олдинги ҳарфи алиф бўлса: قَالَ – قِيلَ.

4. Ажвафда: يُفَالُ – يُفِيلُ бўлади.

يُعَادُ الكِتَابُ إِلَى الْمَكْتَبَةِ

***Маъноси:***

**Китоб кутубхонага қайтарилади.**

يُعَادُ – мажҳул музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الكِتَابُ – ноиби фоил, замма ила марфуъ.

إِلَى – ҳарфи жор, يُعَادُга мутаъаллиқ.

الْمَكْتَبَةِ – касра ила мажрур.

بِيعَ الْخَاتِمُ فِي الْمَزَادِ العَلَنِيِّ

***Маъноси:***

**Узук ким ошди савдосида сотилди.**

بِيعَ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний.

الْخَاتِمُ – ноиби фоил, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, بِيعَга мутаъаллиқ.

الْمَزَادِ –касра ила мажрур.

العَلَنِيِّ – الْمَزَادِга наът, жорда унга тобеъ.

## 147
## ФЕЪЛИ МАДҲ

حَبَّذَا الْجُنُودُ سِيَاجًا لِلْوَطَنِ

***Маъноси:***

**Ватан учун қўрғон бўлган аскарлар қандоқ ҳам яхши.**

حَبَّذَا – حَبَّ маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ذَا исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида фоил. حَبَّذَا жумласи мадҳни ифодалаш учун, рафъ ўрнида хабари муқаддам.

الْجُنُودُ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ.

سِيَاجًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

لِلْوَطَنِ – لِ ҳарфи жор, سِيَاجًاнинг маҳзуф наътига мутаъаллиқ, الوَطَنِ касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Муболаға усули ила мадҳни ифодалаш учун қуйидаги икки феъл қўлланилади: حَبَّذَا, نِعْمَ;

Вужубан бўлган мустатир замирни рафъ қиладилар, ўша замир тамйиз бўлиб, насб ҳолда келувчи исми накра уни тафсир қилиб келади.

1. Феъли жомид фақат мозийда келади, музореъси, амри, муштоққи бўлмайди.

2. Зоҳир фоили ила мутлоқ феълнинг ўрнида келади, фоил муаннас бўлганда نِعْمَга ت таъннис қўшилиши жоиз, حَبَّذَا ҳар доим биргина кўринишда келади.

نِعْمَ الرَّجُلُ رَجُلاً يَنْطِقُ بِالْحَقِّ

***Маъноси:***

**Ҳақни гапирувчи киши қанчалар ҳам яхши кишидир.**

نِعْمَ – жомид мозий феъли, мадҳни ифодалаш учун келиб, фатҳага мабний,

الرَّجُلُ – фоил, замма ила марфуъ.

رَجُلاً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

يَنْطِقُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатири замири. يَنْطِقُ жумласи насб ўрнида رَجُلاًга наът.

بِالْحَقِّ – ب ҳарфи жор, يَنْطِقُга мутаъаллиқ, الْحَقِّ касра ила мажрур.

حَبَّذَا شَبَابًا الشَّبَابُ العَامِلُ

*Маъноси:*
**Меҳнат қилувчи ёшлар қандай ҳам яхши ёшлардир.**

حَبَّذَا – حَبَّ маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ذَا исми ишора, сукунга мабний, рафъ ўрнида фоил. حَبَّذَا жумласи мадҳни ифодалаш учун, рафъ ўрнида хабари муқаддам.

شَبَابًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

الشَّبَابُ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ.

العَامِلُ – الشَّبَابُга наът, рафъда унга тобеъ.

## 148
## МУЗОРЕЪ ФЕЪЛИ

سَأَبِيعُ السَّمْنَ وَالعَسَلَ

*Маъноси:*
**Тезда ёғ ва асал сотаман.**

سَأَبِيعُ – س ҳарфи истиқбол, أَبِيعُ маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замир.

السَّمْنَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

وَالعَسَلَ – و ҳарфи атф, العَسَلَ السَّمْنَга маътуф, насбда унга тобеъ.

# ҚОИДАЛАР

* Музореъ феъли мўъробдир:

1. Марфуъ: замма ила ва афъоли хомсада насб қилувчи, жазм қилувчи ва бинодан ҳоли бўлганда “нун”нинг собитлиги ила.

2. Мансуб: фатҳа ила ва афъоли хомсада насб қилувчи феълдан олдин келса.

3. Мажзум: сукун ила ва афъоли хомсада “нун”нинг ҳазфи ила ҳарфи жазм ва шарт адоти феълдан олдин келса ва охири мўътал феълларда иллат ҳарфининг ҳазфи ила ҳарфи жазм ва шарт адоти феълдан олдин келса.

* Музореъ феъли мабнийдир:

Аёллик “нун”ига ёпишиб келганда сукунга, ташдидли ёки ташдидсиз “нун”га ёпишиб келганда фатҳага.

أَتَمَنَّى أَنْ تَذْهَبِي إِلَى الحَفْلَةِ

***Маъноси:***

**Маросимга боришингни истайман.**

أَتَمَنَّى – маълум музореъ феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири.

أَنْ – масдар ва насб ҳарфи.

تَذْهَبِي – маълум музореъ феъли, أَنْ ила мансуб, афъоли хомсадан бўлгани учун ҳазфи “нун” ила мансуб, ي замир, рафъ ўрнида фоил. أَنْ تَذْهَبِي дан таъвил қилинган масдар насб ўрнида, мафъулун биҳ.

إِلَى – ҳарфи жор, تَذْهَبِيга мутаъаллиқ.

الْحَفْلَةِ – касра ила мажрур.

لاَ تَدْنُ مِنَ النَّارِ

***Маъноси:***
**Оловга яқинлашма.**

لاَ – нафий ва жазм ҳарфи.

تَدْنُ – маълум музореъ феъли, لاَ ила мажзум, жазм аломати иллат ҳарфининг ҳазфи, фоили أَنْتَ мустатир замири.

مِنْ – ҳарфи жор, تَدْنُга мутаъаллиқ.

النَّارِ – касра ила мажрур.

## 149
## МЎЪТАЛ ФЕЪЛ

لاَ تَسْهُ عَنْ مَوْعِدِ القِطَارِ

***Маъноси:***
**Поездни, келар вақтига эътиборсизлик қилма.**

لاَ – нафий ва жазм ҳарфи.

تَسْهُ – маълум музореъ феъли, لاَ ила мажзум, жазм аломати иллат ҳарфининг ҳазфи, фоили أَنْتَ мустатир замири.

عَنْ – ҳарфи жор, تَسْهُ га мутаъаллиқ.

مَوْعِدِ – касра ила мажрур, музоф.

القِطَارِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Мўътал феълнинг асл ҳарфларидан бири ёки иккиси ҳарфи иллат бўлади ва эъроби ёки биносида қуйидаги ишлар орқали ажратилади:

1. Охири мўътал музореъ феъли охирги иллат ҳарфининг ҳазфи ила мажзум бўлади.

2. Охири мўътал амр феъли охирги иллат ҳарфининг ҳазфига мабнийдир.

3. Охиридан битта олдинги ҳарфи алиф бўлган мажҳул мозий феъли қуйидаги вазнда келади: قَالَ – قِيلَ.

4. Ажваф бўлган мажҳул музореъ қуйидаги вазнда келади: يُقَالُ ،يَقِيلُ .

رَ بِأُمِّ العَيْنِ الأَلْعَابَ النَّارِيَّةَ

***Маъноси:***
**Оловли ўйинларни ўз кўзинг билан кўр.**

رَ – амр феъли, иллат ҳарфининг ҳазфига мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

بِأُمِّ – ب ҳарфи жор, رَга мутаъаллиқ, أُمِّ касра ила мажрур, музоф.

العَيْنِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

الأَلْعَابَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

النَّارِيَّةَ – الأَلْعَابَга наът, насбда унга тобеъ.

لَمْ يَبْقَ شَيْءٌ

***Маъноси:***
**Ҳеч нарса қолмади.**

لَمْ – жазм ва нафий ҳарфи.

يَبْقَ – маълум музореъ феъли, لَمْ ила мажзум, жазм аломати иллат ҳарфининг ҳазфи.

شَيْءٌ – фоил, замма ила марфуъ.

اِئْتِ الْمَكَانَ لَيْلاً نَهَارًا

*Маъноси:*

**Эрта–ю кеч макон изла.**

اِئْتِ – амр феъли, иллат ҳарфининг ҳазфига мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

الْمَكَانَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

لَيْلاً – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб اِئْتِга мутаъаллиқ.

نَهَارًا – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб اِئْتِга мутаъаллиқ.

## 150
## МАЪЛУМ ФЕЪЛ

عَرَّتِ الرِّيَاحُ أَشْجَارَ الصَّفْصَافِ وَالْحَوْرِ

*Маъноси:*

**Шамоллар тол ва терак дарахтларини расво қилиб ташлади.**

عَرَّتِ – маълум мозий феъли, узр сабабли ҳазф қилинган алифга тақдир қилинган фатҳага мабний, ت ҳарфи таънис.

الرِّيَاحُ – фоил, замма ила марфуъ.

أَشْجَارَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

الصَّفْصَافِ – музофун илайҳ касра ила мажрур.

وَالْحَوْرِ – و ҳарфи атф, الصَّفْصَافِ الْحَوْرِ га маътуф, жорда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Мутаъаддий феъл маъноси тўлиқ бўлиши учун фоилидан ўтиб мафъулун биҳни насб қилади ва икки қисм бўлади:

1. Фоили маълум, фоили мажҳул. Маълум феъл ўзи билан фоили зикр қилинадиган феълдир.

يَجْمَعُونَ أَغْبَارَ السَّنَابِيلِ وَيَنْقُلُونَهَا إِلَى البَيَادِرِ

***Маъноси:***

**Бошоқ донларини жамлаб хирмонларга олиб борилади.**

يَجْمَعُونَ – маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун “нун”нинг субути ила марфуъ, و замир, рафъ ўрнида фоил.

أَغْبَارَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

السَّنَابِيلِ – музофун илайҳ касра ила мажрур.

وَ يَنْقُلُونَهَا – و ҳарфи атф, يَنْقُلُونَ маълум музореъ феъли, афъоли хомсадан бўлгани учун “нун”нинг субути ила марфуъ, و замир, рафъ ўрнида фоил, هَا замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

إِلَى – ҳарфи жор, يَنْقُلُونَ га мутаъаллиқ.

البَيَادِرِ – касра ила мажрур.

هَؤُلاءِ الصَّيَّادُونَ لَنْ يَصْطَادُوا إِلاَّ السَّمَكَ الكَبِيرَ

***Маъноси:***

**Ана у овчилар катта балиқдан бошқа ҳамма нарсани овлайдилар.**

هَؤُلاءِ – исми ишора, касрага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

الصَّيَّادُونَ – هَؤُلاءِдан бадал, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила марфуъ.

لَنْ – ҳарфи насб.

يَصْطَادُوا – маълум музореъ феъли, لَنْ ила мансуб, афъоли хомсадан бўлгани учун насб аломати ҳазфи “нун”. Феълий жумла рафъ ўрнида хабар.

إِلاَّ – чегаралаш ва истисно ҳарфи.

السَّمَكَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

الكَبِيرَ – السَّمَكَга наът, насбда унга тобеъ.

**151**

## ЯҚИНЛАШТИРИШ (МУҚОРОБА) ФЕЪЛИ

كَادَ الفَارِسُ يَضْحَكُ

***Маъноси:***
**Отлиқ кулиб юборишига оз қолди.**

كَادَ – носих мозий феъли, фатҳага мабний.

الفَارِسُ – كَادَнинг исми, замма ила марфуъ.

يَضْحَكُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири. Феълий жумла насб ўрнида كَادَнинг хабари.

## ҚОИДАЛАР

* كَادَ ва ахавотлари яқинлаштиришни ифодаловчи феъллар бўлиб носих феълларга мансубдир ва исмий жумлага кириб мубтадони рафъ қилади, ўша мубтадо كَادَ исми дейилади, хабарни насб қилади, ўша хабар كَادَнинг хабари дейилади. Хабарида қуйидаги нарсалар шарт қилинади: 1. Музореъ бўлиши. 2. Исмига қайтувчи замирни рафъ қилиши. 3. Исмидан кейин келиши.

* Қуйидагиларга тақсимланади:

1. Яқинлаштириш феъллари: كَادَ، كَرَبَ، أَوْشَكَ.

2. Умид қилиш феъллари: عَسَى، حَرَى، اخْلَوْلَقَ.

3. Киришиш феъллари:

اِبْتَدَأَ، أَخَذَ، أَقْبَلَ، اِنْبَرَى، أَنْشَأَ، جَعَلَ، شَرَعَ، طَفِقَ، عَلِقَ، قَامَ، هَبَّ.

كَادَнинг ахаволарининг ҳаммаси жомиддир, фақат أَوْشَكَ ва كَادَлардан музореъ ва амр иштиқоқ қилинади.

عَسَى القَرْيَةُ أَنْ تَتَطَوَّرَ إِلَى أَحْسَنَ

***Маъноси:***
**Қишлоқ янада яхшироқ ҳолга келса эди.**

عَسَى – носих мозий феъли, كَادَнинг ахаволаридан, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний.

القَرْيَةُ – عَسَىнинг исми, замма ила марфуъ.

أَنْ – масдар ва насб ҳарфи.

تَتَطَوَّرَ – маълум музореъ феъли, أَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа, фоили هِيَ мустатир замири. أَنْ تَتَطَوَّرَдан таъвил қилинган масдар насб ўрнида عَسَىнинг хабари.

إِلَى – ҳарфи жор, تَتَطَوَّرَга мутаъаллиқ.

أَحْسَنَ – сарфдан манъ бўлгани учун касра ўрнига фатҳа ила мажрур.

شَرَعَ القَمَرُ يَظْهَرُ

***Маъноси:***
**Ой кўрина бошлади.**

شَرَعَ – носих мозий феъли, كَادَнинг ахаволаридан, фатҳага мабний.

القَمَرُ – شَرَعَнинг исми, замма ила марфуъ.

يَظْهَرُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири. Феълий жумла насб ўрнида شَرَعَнинг хабари.

## 152
## УШЛАБ ҚОЛИНГАН (МАКФУФ) ФЕЪЛ

شَدَّمَا يُتْعِبُ الطِّفْلُ وَالِدَيْهِ

***Маъноси:***
**Болакай ота–онасини қанчалар ҳам чарчатди.**

شَدَّمَا – жомид мозий феъли, фатҳага мабний, зоида مَا феълни фоил талабидан тўхтатиб қолган.

يُتْعِبُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الطِّفْلُ – фоил, замма ила марфуъ.

وَالِدَيْهِ – мафъулун биҳ, мусанно бўлгани учун ي ила мансуб, هـ замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Мутасарриф ёки жомид бўлсин ҳар бир феъл омил ёки макфуф бўлади.
* Омил феъл ўзи таъсир қилувчи исмларда ўзига хос эъроб аломатларини пайдо қилади.
* Макфуф феъл эъроб аломатларини пайдо қилишда, феълни амалдан ушлаб қолувчи адотлар сабабидан тўхтатилган бўлади, бу мозий сийғасидаги жомид феъл

бўлиб, уни зоида مَا фоил талабидан тўхтатиб қолади. Макфуф феъллар жуда кам бўлиб, улар қўйидагилардир:

شَدَّمَا، طَالَمَا، قَصُرَمَا، قَلَّمَا، كَثُرَمَا.

قَصُرَمَا أُلاَقِيكَ فِي هَذِهِ الأَيَّامِ

***Маъноси:***

**Шу кунларда сенга қанчалар ҳам кам йўлиқяпман.**

قَصُرَمَا – жомид мозий феъли, фатҳага мабний, зоида مَا феълни фоил талабидан тўхтатиб қолган.

أُلاَقِيكَ – маълум музореъ феъли, талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири, ك замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

فِي – ҳарфи жор, أُلاَقِيكَга мутаъаллиқ.

هَذِهِ – исми ишора, касрага мабний, жор ўрнида.

الأَيَّامِ – هَذِهِдан бадал, касра ила мажрур.

كَثُرَمَا أُمَارِسُ الرِّيَاضَةَ

***Маъноси:***

**Спорт билан қанчалар ҳам кўп шуғулланаман.**

كَثُرَمَا – жомид мозий феъли, фатҳага мабний, зоида مَا феълни фоил талабидан тўхтатиб қолган.

أُمَارِسُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили أَنَا мустатир замири.

الرِّيَاضَةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

قَلَّمَا تَكَاسَلْتَ

*Маъноси:*
**Кам дангасалик қилдинг.**

قَلَّمَا – жомид мозий феъли, фатҳага мабний, зоида مَا феълни фоил талабидан тўхтатиб қолган.

تَكَاسَلْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

## 153
## МАНФИЙ ФЕЪЛ

لَيْسَ يُجْدِي الْبُكَاءُ عَلَى الْمَاضِي

*Маъноси:*
**Ўтган ишга йиғи фойда бермас.**

لَيْسَ – ноқис мозий феъли, كَانَнинг ахавотларидан, фатҳага мабний, исми هُوَ мустатир замири шаъни.

يُجْدِي – маълум музореъ феъли, талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

الْبُكَاءُ – фоил, замма ила марфуъ.

عَلَى – ҳарфи жор, يُجْدِيга мутаъаллиқ.

الْمَاضِي – талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган касра ила мажрур.

# ҚОИДАЛАР

* Феъл икки қисмдир: мусбат, манфий.

1. Мусбат феълнинг фоилига феъл ижобий тарзда боғланади.

2. Манфий феълнинг фоилига феълнинг олдидан нафий ҳарфлари келгани учун феъл фоилга инкорий тарзда боғланади. Ўша ҳарфлар: لَمْ، لَمَّا، لَنْ، لاَ، مَا.

* Аммо لَيْسَ феъли ўз исмидан хабарни нафий қилиш учун ишлатиладиган жомид, ноқис мозий феълидир.

مَا هَرَبَ الْجُنْدِيُّ مِنَ الْمَعْرَكَةِ

***Маъноси:***
**Аскар жангдан қочмади.**

مَا – ҳарф нафий.

هَرَبَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْجُنْدِيُّ – фоил, замма ила марфуъ.

مِن – ҳарфи жор, هَرَبَга мутаъаллиқ.

الْمَعْرَكَةِ – касра ила мажрур.

لاَ فُضَّ فُوكَ وَلاَ شُلَّتْ يُمْنَاكَ

***Маъноси:***
**Сўзинг қанчалар гўзал, ишинг қанчалар аъло.**

لاَ – ҳарфи нафий.

فُضَّ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний.

فُوكَ – ноиби фоил, асмои хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ.

وَ لاَ – و ҳарфи атф, لا ҳарф нафий.

شُلَّتْ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таънис.

يُمْنَاكَ – ноиби фоил, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ.

## 154
## МОЗИЙ ФЕЪЛИ

أَقْبَلَ الشَّاهِدَانِ وَقَالاَ الحَقَّ

***Маъноси:***
**Икки гувоҳ келди ва ҳақни айтдилар.**

أَقْبَلَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الشَّاهِدَانِ – фоил, мусанно бўлгани учун алиф ила марфуъ.

وَقَالاَ – و ҳарфи атф, قَالاَ маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ا замир, рафъ ўрнида фоил.

الحَقَّ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Мозий феъли доимо мабнийдир:
1. هُوَ، هِيَ، هُمَا билан келганда фатҳага мабний: فَعَلَ، فَعَلاَ، فَعَلَتْ.
Фатҳа бинонинг аслий аломатидир.

2. هُمْ билан келганда фатҳа ўрнига заммага мабний: فَعَلُوا.

3. أَنْتَ، أَنْتُمَا، أَنْتُمْ، أَنْتِ، أَنْتُنَّ، هُنَّ، أَنَا، نَحْنُ билан келганда фатҳага мабний: فَعَلْتَ....

* Мозийнинг аломатларидан бири охирига икки ҳил ت қабул қилишидир.

1. Сукунли таънис ت-си: فَعَلَتْ.

2. Ҳаракатли фоиллик ت-си: فَعَلْتَ.

خَرَجُوا لأَعْمَالِهِمْ أَوْ ذَهَبُوا إِلَى مَدْرَسَتِهِمْ

*Маъноси*:
**Ишлари учун чиқдилар ёки мадрасаларига кетдилар.**

خَرَجُوا – маълум мозий феъли, жамъ “вов”ига ёпишгани учун заммага мабний, و замир, рафъ ўрнида фоил.

لأَعْمَالِهِمْ – ل ҳарфи жор, خَرَجُوا-га мутаъаллиқ, أَعْمَالِهِمْ касра ила мажрур, هِم замир, музофун илайҳ.

أَوْ – ҳарфи атф.

ذَهَبُوا – маълум мозий феъли, жамъ “вов”ига ёпишгани учун заммага мабний, و замир, рафъ ўрнида фоил.

إِلَى – ҳарфи жор, ذَهَبُوا-га мутаъаллиқ.

مَدْرَسَتِهِمْ – касра ила мажрур, هِم замир, музофун илайҳ.

فَرِحْتُ بِهِ

***Маъноси:***
**У ила шодландим.**

فَرِحْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида, фоил.

بِهِ – ب ҳарфи жор, فَرِحْتُга мутаъллиқ, ه замир, жор ўрнида.

## 155
## НОҚИС ФЕЪЛ

كَانَ الجَوُّ صَاحِيًا وَالبَرْدُ قَارِسًا

*Маъноси:*
**Ҳаво мусаффо, совуқ қаттиқ эди.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

الجَوُّ – كَانَнинг исми, замма ила марфуъ.

صَاحِيًا – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

وَالبَرْدُ – و ҳарфи атф, البَرْدُ الجَوُّга маътуф, рафъда унга тобеъ.

قَارِسًا – صَاحِيًاга маътуф, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* كَانَ ва ахавотлари ноқис феъллар бўлиб, носих феъллар жумласига киради ва исмий жумлага кириб мубтадони рафъ қилади ва уни كَانَнинг исми дейилади. Ҳамда хабарни насб қилади ва уни كَانَнинг хабари дейилади.

* Ушбу феъллар уч қисмдир:
1. Тўлиқ сарф бўлучи феъллар:
كَانَ، ظَلَّ، صَارَ، بَاتَ، أَمْسَى، أَضْحَى، أَصْبَحَ.
2. Ноқис сарф бўлувчи феъллар: مَا فَتِئَ، مَا زَالَ، مَا بَرِحَ، مَا انْفَكَّ.

3. Умуман сарф бўлмайдиган феъллар: لَيْسَ، مَا دَامَ.

* Ушбу феълларга қуйидагилар мулҳақ қилинади:

اِرْتَدَّ، اسْتَحَالَ، آضَ، انْقَلَبَ، تَبَدَّلَ، تَحَوَّلَ، حَارَ، رَاحَ، رَجَعَ، عَادَ، غَدَا.

Ноқис феъллардан иштиқоқ қилинган ҳар бир феъл ўша амални бажаради.

لَيْسَ الْمُعَلِّمُ بِظَالِمٍ

***Маъноси:***

**Муаллим золим эмас.**

لَيْسَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمُعَلِّمُ – لَيْسَнинг исми, замма ила марфуъ.

بِظَالِمٍ – ب зоида ҳарфи жор, ظَالِمٍ лафзан касра ила мажрур, لَيْسَнинг хабари бўлгани учун маҳаллан мансуб.

مَا زَالَ العَدُوُّ نَاقِمًا

***Маъноси:***

**Душман доимо адоват сақловчидир.**

مَا زَالَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

العَدُوُّ – مَا زَالَнинг исми, замма ила марфуъ.

نَاقِمًا – مَا زَالَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

اِنْقَلَبَ خَصْمًا

***Маъноси:***

**У душманга айланди.**

اِنْقَلَبَ – ноқис мозий феъли, كَانَ ва ахавотларига мулҳақ қилинган, фатҳага мабний, исми هُوَ мустатир замири, рафъ ўрнида фоил.

خَصْمًا – اِنْقَلَبَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

## 156

## ФОИЛ

غَضِبَ الْمُعَلِّمُ

***Маъноси:***
**Муаллим ғазабланди.**

غَضِبَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الْمُعَلِّمُ – фоил, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Фоил марфуъ исм бўлиб, жумла асосида муснадун илайҳ бўлади, маълум ва томм жумла асосида муснад бўлган феълдан кейин келади.

1. Феълга ўхшаш муштоқ исмлар фоилни рафъ қилишда феълнинг амалини қилади.

2. Феълда қуйидагилар шарт қилинади:

Муқаддам бўлиши, том бўлиши, маълум бўлиши, муснад бўлиши.

* Фоил уч навъдир:

Сарийҳ (очиқ), музмар (беркитилган) ва сарийҳга таъвил қилинган.

Фоилнинг омили икки навъдир:

Сарийҳ ва сарийҳга ўхшаш.

تَرَكَ مَنْ نُحِبُّ

***Маъноси:***

**Биз муҳаббат қилганимиз тарк этди.**

تَرَكَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

مَنْ – исми мавсул, сукунга мабний, рафъ ўрнида фоил.

نُحِبُّ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили نَحْنُ мустатир замири.

بَلَغَنِي أَنَّكَ نَجَحْتَ

***Маъноси:***

**Муваффақият қозонганингни эшитдим.**

بَلَغَنِي – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

أَنَّكَ – أَنَّ феълга ўхшаш ҳарф, ك замир, насб ўрнида أَنَّнинг исми.

نَجَحْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил. Феълий жумла

рафъ ўрнида أَنَّнинг хабари. أَنَّكَ نَجَحْتَдан таъвил қилинган масдар рафъ ўрнида بَلَغَنِيнинг фоили.

الْمَدْرَسَةُ نَاجِحَةٌ تَلاَمِذَتُهَا

*Маъноси*:
**Ўқувчилари муваффақият қозонган мадраса.**

الْمَدْرَسَةُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

نَاجِحَةٌ – хабар, замма ила марфуъ.

تَلاَمِذَتُهَا – نَاجِحَةٌ исми фоилнинг фоили, замма ила марфуъ, هَا замир, музофун илайҳ.

آمِينَ

*Маъноси:*
**Ижобат эт!**

آمِينَ – амр исми феъли, фатҳага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

## 157
## ФОИЛ МАРТАБАСИ

أَهَانَ أَبِي عَمِّي

*Маъноси:*
**Отам амакимни хорлади.**

أَهَانَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

أَبِي – фоил, ўриннинг муносиб ҳаракат ила эгаллангани учун بـга тақдир қилинган замма ила марфуъ, ي замир, музофун илайҳ.

عَمِّي – мафъулун биҳ, ўриннинг муносиб ҳаракат ила эгаллангани учун مـга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб, ي замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Фоилнинг асли, феълдан кейин, мафъулдан олдин келишидир.

Бу нарса қуйидаги ҳолларда шарт бўлади:

1. Фоил ва мафъулни эъроблари кўринмаганида.
2. Мафъул чегараланган бўлганида.
3. Фоил муттасил замир бўлганида.

* Мафъулни фоилдан олдин келиши:

1. Фоил исми зоҳир бўлиб, мафъул муттасил замир бўлса.
2. Фоил чегараланган бўлса.
3. Фоилга мафъулнинг замири ёпишган бўлса.
4. Қарийна мавжуд бўлса, мафъулни фоилдан олдин келиши жоиз.

* Мафъулни феълдан олдин келиши:

1. Гап мафъул ила бошланса.
2. أَمَّاнинг жавобида мафъулнинг феъли жазо “фо”сидан кейин келса.
3. Мунфасил замир бўлса.

مَا هَذَّبَ النَّاسَ إِلاَّ الدِّينُ القَوِيمُ

***Маъноси:***

**Фақатгина тўғри дийн инсонларни тарбиялай олади.**

مَا – ҳарфи нафий.

هَذَّبَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

النَّاسَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

إِلاَّ – истисно ва чегаралаш ҳарфи.

الدِّينُ – фоил, замма ила марфуъ.

القَوِيمُ – الدِّينُга наът, рафъда унга тобеъ.

ضَرَبَ أَخَاكَ الأَمِيرُ

*Маъноси:*
**Акангни амир урди.**

ضَرَبَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

أَخَاكَ – мафъулун биҳ, асмои хомсадан бўлгани алиф ила мансуб, ك замир, музофун илайҳ.

الأَمِيرُ – фоил, замма ила марфуъ.

أَهْلاً

*Маъноси:*
**Хуш келдингиз.**

أَهْلاً – тақдири أَتَيْتَ бўлган маҳзуф феълнинг мафъули, фатҳа ила мансуб.

# КИНОЯ

كَمْ سَنَةً مَضَى عَلَى الْمِحْنَةِ

*Маъноси:*
**Қанча йиллар меҳнатда ўтди.**

كَمْ – исми киноя (истифҳомия) сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

سَنَةً – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

مَضَى – маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири. Феълий жумла рафъ ўрнида хабар.

عَلَى – ҳарфи жор, مَضَى га мутаъаллиқ.

الْمِحْنَةِ – касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Киноя, мутасарриф ва сариҳ бўлмаган лафз ила муаййан нарсани билдирувчи исмдир.

Кинoялар: كَمْ، كَأَيٍّ، كَذَا، كَيْتَ، ذَيْتَ، بِضْعٌ، فُلاَنٌ.

بِضْعٌ، فُلاَنٌ дан бошқа ҳаммаси ҳаракат ёки сукунга мабний. Хабарий كَمْ жумла бошида келиш ҳаққи бор.

كَمْ لِيرَةٍ صَرَفْتَ

*Маъноси:*
**Қанча – қанча лиралар сарфлаб ташладинг.**

كَمْ – исми киноя (истифҳомия) сукунга мабний, насб ўрнида мафъулун биҳ муқаддам, музоф.

لِيرَةٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

صَرَفْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

عِنْدِي كَذَا كَذَا كِتَابًا

***Маъноси:***

**Менда казо казо китоблар бор.**

عِنْدِي – мафъулун фийҳ зарфи замон, ўриннинг муносиб ҳаракат ила эгаллангани учун دга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб, маҳзуф хабари муқаддамга мутаъаллиқ, ي замир, музофун илйҳ.

كَذَا – исми киноя, рафъ ўрнида мубтадо.

كَذَا – كَذَاнинг тавкиди, рафъда унга тобеъ.

كِتَابًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

اِسْتَعَرْتُ بَعْضَ وَرَقَاتٍ

***Маъноси:***

**Баъзи варақларни ишлатишга олдим.**

اِسْتَعَرْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

بَعْضَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

وَرَقَاتٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 159
## КУНЯ ВА ЛАҚАБ

كَانَ أَبُو الْحَسَنِ عَلِيٌّ بَطَلَ السِّبَاحَةِ

***Маъноси:***
**Абул Ҳасан Алий сузишда пешқадам эдилар.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

أَبُو – كَانَнинг исми, асмои хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, музоф.

الْحَسَنِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

عَلِيٌّ – أَبُو الْحَسَنِга атфи баён, рафъда унга тобеъ.

بَطَلَ – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб, музоф.

السِّبَاحَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Куня таркибий, изофий мураккаб исми аламдир, у музоф ва музофун илайҳдан ташкил топади, боши қуйидаги сўзлар бўлади:

أَبٌ، أُمٌّ، اِبْنٌ، بِنْتٌ، أَخٌ، أُخْتٌ، عَمٌّ، عَمَّةٌ، خَالٌ، خَالَةٌ.

Куняни исми аламдан олдин ёки кейин келиши мумкин.

الشَّنْفَرَى أَيْ الغَلِيظُ الشَّفَتَيْنِ لَقَبُ شَاعِرٍ

***Маъноси:***

**Шанфаро яъни “Икки қалин лабли” бир шоирнинг лақаби.**

الشَّنْفَرَى – мубтадо, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

أَيْ – ҳарфи тафсийр.

الغَلِيظُ – маҳзуф мубтадонинг хабари, замма ила марфуъ, музоф.

الشَّفَتَيْنِ – музофун илайҳ, мусанно бўлгани учун ي ила мажрур.

لَقَبُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

شَاعِرٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Лақаб исми алам бўлиб, сариҳ лафз ила мақташ ёки ёмонлашни билдиради ҳамда у ила мақсад этилган инсонга далолат қилади. Исми алам лақабдан машҳурроқ бўлмаса, лақабни исми аламдан кейин келтириш шарт, агар лақаб машҳурроқ бўлса икки хил келтириш мумкин:

هَارُونُ الرَّشِيدُ .......

## 160
## АМАЛДАН ТЎХТАТИБ ҚОЛУВЧИ

يُرَادُ الفَتَى كَيْمَا يَضُرُّ

***Маъноси:***

**Ёшдан зарар еткизмаслиги учун еҳтиёт бўлинади.**

يُرَادُ – мажҳул музореъ феъли, замма ила марфуъ.

الفَتَى – ноиби фоил, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

كَيْمَا – كَيْ ҳарфи жор ва насб, уни зоида مَا насб қилишдан тўхтатиб қолган.

يَضُرُّ – маълум мозий феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири. يَضُرُّ مَاдан таъвил қилинган масдар жор ўрнида.

## ҚОИДАЛАР

* Бу маъно ифодаловчи зоида ҳарф бўлиб, ўзидан олдингини ўзидан кейингининг эъробига таъсир қилишидан тўхтатиб қолади. Амалдан тўхтатиш учун биргина ҳарф бор: مَاу зоида ёки амалдан тўхтатувчи бўлади.

Бу ҳарф қуйидагиларга ёпишиб келади:

1. Феълга: طَالَمَا، كَثُرَمَا، قَلَّمَا، قَصُرَمَا، شَدَّمَا.

Амалдан тўхтатилган феъл эъроб зоҳир қилишдан ва фоил талаб қилишдан тўхтайди.

2. Ҳарфга: إِنَّمَا، كَأَنَّمَا، لَكِنَّمَا، رُبَّمَا، كَيْمَا.

طَالَمَا أَتَى سَعِيدٌ

*Маъноси:*
**Саъийднинг келиши чўзилиб кетди.**

طَالَمَا – жомид маълум мозий феъли, фатҳага мабний, зоида مَا уни фоил талаб қилишдан тўхтатган.

أَتَى – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

سَعِيدٌ – фоил, замма ила марфуъ.

رُبَّمَا زَيْدٌ قَادِمٌ

***Маъноси:***
**Эҳтимол Зайд келгандир.**

رُبَّمَا – тўхтатувчи ва тўхтатилган, жумлада амали йўқ.

زَيْدٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

قَادِمٌ – хабар, замма ила марфуъ.

إِنَّمَا الْخِيَانَةُ عَاقِبَتُهَا العَارُ

***Маъноси:***
**Хиёнатнинг оқибати ордир.**

إِنَّمَا – ҳарфи масдар ва насб, зоида مَا насх қилишдан тўхтатиб қолган.

الْخِيَانَةُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

عَاقِبَتُهَا – иккинчи мубтадо, замма ила марфуъ, هَا замир, музофун илайҳ.

العَارُ – хабар, замма ила марфуъ, исмий жумла рафъ ўрнида الْخِيَانَةُнинг хабари.

كَأَنَّمَا البَدْرُ طَالِعٌ

***Маъноси:***
**Худди ой чиқаётгандай.**

كَأَنَّمَا – ҳарфи ва насб, зоида مَا насх қилишдан тўхтатиб қолган.

البَدْرُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

طَالِعٌ – хабар, замма ила марфуъ.

## 161

## МУБТАДО ВА ХАБАР (1)

الحَقُّ غَالِبٌ

***Маъноси:***
**Ҳақ ғолибдир.**

الْحَقُّ – мубтадо, замма ила марфуъ.

غَالِبٌ – хабар, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Мубтадо гапнинг бошида келиши мумкин бўлган марфуъ исмдир, аслида маърифа, лафзий омиллардан ҳоли, хабарга иснод қилиш ила маҳкумун алайҳ бўлади. Гапнинг

бошида келиши ила марфуъ бўлган мубтадо хабарни рафъ қилади, хабар аслида накра бўлган исмдир, мубтадога ҳукм қилинган ва мубтадо унга иснод қилинган.

* Мубтадо сарийҳ ёки сарийҳга таъвил қилинган бўлади ва қуйидагиларнинг аввалида келади:

1. Ибтидоий жумла.
2. Ҳолий жумла.
3. Наътий жумла.
4. Хабарий жумла.
5. Мавсулнинг силаси.

أَنْ تَصُومُوا خَيْرٌ لَكُمْ

***Маъноси:***

**Рўза тутганингиз ўзингиз учун яхши.**

أَنْ – насб ва масдар ҳарфи.

تَصُومُوا – маълум музореъ феъли, أَنْ ила мансуб, афоли хомсадан бўлгани учун насб аломати نнинг ҳазфи. أَنْ تَصُومُوا дан таъвил қилинган масдар рафъ ўрнида мубтадо.

خَيْرٌ – хабар, замма ила марфуъ.

لَكُمْ – ل ҳарфи дор, خَيْرٌга мутаъаллиқ, كُمْ замир, жор ўрнида.

سِرْتُ وَ القَمَرُ فِي كَبِدِ السَّمَاءِ

***Маъноси:***

**Кетаётган эдим ой эса осмон ўртасида эди.**

سِرْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

وَالقَمَرُ – و ҳолия ҳарфи, القَمَرُ мубтадо, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ.

كَبِدِ – касра ила мажрур, музоф.

السَّمَاءِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

الظُّلْمُ مَرْتَعُهُ وَخِيمٌ

***Маъноси:***
**Зулм майдони хатарлидир.**

الظُّلْمُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

مَرْتَعُهُ – иккинчи мубтадо, замма ила марфуъ, ـه замир, музофун илайҳ.

وَخِيمٌ – хабар, замма ила марфуъ. مَرْتَعُهُ وَخِيمٌ жумласи рафъ ўрнида الظُّلْمُнинг хабари.

## 162

## МУБТАДО ВА ХАБАР (2)

العِلْمُ يَرْفَعُ قَدْرَ صَاحِبِهِ

***Маъноси:***
**Илм ўз эгасининг қадрини кўтаради.**

العِلْمُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

يَرْفَعُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири.

قَدْرَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

صَاحِبِهِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Хабар аслида накра бўлган исмдир, мубтадога ҳукм қилинган ва мубтадо унга иснод қилинган.

* Хабар аслида накра бўлади чунки у мубтадога васфдир, гоҳида мабтадо маърифа бўлса маърифа бўлиб ҳам келади.

* Хабар уч қисмдир:

1. Муфрад, биргина калима бўлган ҳолда ёки бир калима ўрнида бўлган ҳолда.
2. Жумла, феъл ва фоили бўлган ҳолда ёки мубтадо ва хабар бўлган ҳолда.
3. Шибҳи жумла, зарф, музоф ёки маҳзуф феълга ва васфга мутаъаллиқ бўлган жор ва мажрур бўлган ҳолда.

أَنْتُمْ أَحَدَ عَشَرَ

***Маъноси:***

**Сизлар ўн биттасизлар.**

أَنْتُمْ – замири мунфасил, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

أَحَدَ عَشَرَ – мураккаб исми адад, фатҳага мабний, рафъ ўрнида хабар.

لُبْنَانُ وَطَنُنَا

***Маъноси:***
**Ливан ватанимиздир.**

لُبْنَانُ – мубтадо, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

وَطَنُنَا – хабар, замма ила марфуъ, نَا замир, музофун илайҳ.

الفَلاَّحُونَ قَادِمُونَ

***Маъноси:***
**Деҳқонлар келишяпти.**

الفَلاَّحُونَ – мубтадо, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила марфуъ.

قَادِمُونَ – хабар, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила марфуъ.

الفَتَى فِي الْمَدْرَسَةِ

***Маъноси:***
**Йигитча мадрасада.**

الفَتَى – мубтадо, талаффузга оғир бўлгани учун ىга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ.

الْمَدْرَسَةِ – касра ила мажрур.

## 163
## МУБТАДО ВА ХАБАР (3)

كُتَيِّبٌ هَذَّبَ أَخْلاَقِي

***Маъноси:***
**Кичкина китобча ахлоқимни сайқаллади.**

كُتَيِّبٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

هَذَّبَ – маълум музореъ феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

أَخْلاَقِي – мафъулун биҳ, ўриннинг муносиб ҳаракат ила эгалланганлиги сабабли قга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб, ي замир, музофун илайҳ. Феълий жумла рафъ ўрнида хабар.

## ҚОИДАЛАР

* Мубтадо ҳақида хабар берилганда маъно ифодалаши учун мубтадо аслида маърифа бўлади. Агар накра ҳам маъно ифодаласа жумлани у билан ҳам бошлаш мумкин, накра хос ёки омм бўлганда маъно ифодалайди.

* Накра қуйидагиларни хослайди:

1. Васф. 2. Изофа. 3. Ўзидан кейингига таъсир қилса. 4. Тасғир.

* Накра қуйидагиларни омлайди:

1. Накра ила муфрадни умумийлаштириш ирода қилинганда. 2. Истифҳом ёки наҳйдан кейин келганда.

3. Зарфдан ёки ҳарф ила мажрур қилинган калимадан сўнг келса.

4. Дуо бўлса.

5. Тўсатданликни ифодаловчи إِذَا дан кейин келса.

6. لَوْلاَ дан кейин келса.

7. Накра ила маълум бир нарсани навларга ажратиш ирода қилинганда.

8. Накрага жумлани бошлаш дуруст бўладиган бирор калима изофа қилинса.

رَغْبَةٌ فِي الخَيْرِ خَيْرٌ

***Маъноси:***
**Яхшиликка рағбат қилиш яхшиликдир.**

رَغْبَةٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, رَغْبَةٌга мутаъаллиқ.

الخَيْرِ – касра ила мажрур.

خَيْرٌ – хабар, замма ила марфуъ.

هَلْ أَحَدٌ فِي الدَّارِ

***Маъноси:***
**Ҳовлида биров борми?**

هَلْ – ҳарфи истифҳом.

أَحَدٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ.

الدَّارِ – касра ила мажрур.

لَوْلاَ اصْتِبَارٌ لَهَلَكْنَا

***Маъноси:***
**Сабр – тоқат бўлмаганда ҳалок бўлар эдик.**

لَوْلاَ – шарт маъносини ўз ичига олган нарсани амалдан қолдирувчи ҳарф.

اصْتِبَارٌ – мубтадо, замма ила марфуъ, хабари вужубан маҳзуф.

لَهَلَكْنَا – ل ҳарфи жавоб, نَا маълум мозий феъли, نَاга ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, نَا рафъ ўрнида фоил.

**164**

## МУБТАДО ВА ХАБАР (4)

كَمْ عَبِيدٍ فِي بَيْتِ اللهِ

***Маъноси:***
**АЛЛОҲнинг уйида қанчадан – қанча бандалар бор.**

كَمْ – исми киноя, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо, музоф.

عَبِيدٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ.

بَيْتِ – касра ила мажрур, музоф.

اللهِ – лафзи жалола, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Мубтадо аслида жумла бошида келади чунки у маҳкумун алайҳ, хабар аслида мубтадодан кейин келади чунки у маҳкумун биҳ, бу нарса қуйидаги ҳолатларда вожиб бўлади: 1. Таъажжуб ما си, хабарий كَمْ, исми шартлар, исми истифҳомлар билан бошланганда.

2. Исми шартлар, исми истифҳомларга музоф бўлганда.

3. Жумла бошида келувчиларга мақрун бўлса ёки уларга ўхшаш бўлса.

4. Мубтадо ва хабар баробар бўлганда.

5. Хабар إِلاَّ،إِنَّمَا, талабий жумла ва мубтадонинг замирини рафъ қилувчи феъл ила чекланган бўлса.

غُلاَمُ مَنْ فِي الدَّارِ

***Маъноси:***
**Ҳовлидаги инсоннинг ғуломи.**

غُلاَمُ – мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

مَنْ – исми истифҳом, сукунга мабний, жор ўрнида музофун илайҳ.

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ.

الدَّارِ – касра ила мажрур.

أَخُوكَ سَنَدِي

***Маъноси:***
**Аканг суянчиғим.**

أَخُوكَ – мубтадо, асмои хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ.

سَنَدِي – хабар, ўриннинг муносиб ҳаракат ила эгаллanganлиги сабабли دга тақдир қилинган замма ила марфуъ, ي замир, музофун илайҳ.

مَا الكَسْلاَنُ إِلاَّ خَاسِرٌ

***Маъноси:***
**Дангаса фақатгина бахтсиз бўлади холос.**

مَا – ҳарфи нафий.

الكَسْلاَنُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

إِلاَّ – чеклаш ва истисно ҳарфи.

خَاسِرٌ – хабар, замма ила марфуъ.

## 165
## МУБТАДО ВА ХАБАР (5)

أَيْنَ الطَّرِيقُ

***Маъноси:***
**Йўл қаерда?**

أَيْنَ – исми истифҳом, фатҳага мабний, рафъ ўрнида хабари муқаддам.
الطَّرِيقُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Хабар аслида мубтадодан кейин келади чунки у маҳкумун биҳ, мубтадо аслида жумла бошида келади чунки у маҳкумун алайҳ. Илло гоҳида аслни ўзгартириш шарт бўлади, шунда хабарни мубтадодан олдин келтириш шарт:

1. Хабар зарф, жор ва мажрур бўлса ва мубтадо накира ёки исми истифҳом бўлса.
2. Мубтадо إِنَّمَا، إِلاَّ, хабарга қайтувчи замири бор нарса ила чекланган бўлса.
3. Хабарни мубтадодан кейин келтириш маъно тушунилишига халал берса.
4. Хабар макон учун исми ишора бўлса.
5. Мубтадо أَنْ ва силасидан кейин келган бўлса.
6. Мубтадо ва хабар тенг бўлса ва ирода қилинган маънони баён қилувчи қарийна мавжуд бўлса.

إِنَّمَا عَادِلٌ اللهُ

*Маъноси:*
**Фақатгина АЛЛОҲ одилдир.**

إِنَّمَا – насб ва масдар ҳарфи, насх қилишдан зоида مَا тўхтатиб қолган.

عَادِلٌ – хабари муқаддам, замма ила марфуъ.

اللهُ – лафзи жалола, мубтадо муаххар, замма ила марфуъ.

بَنُو أَبْنَائِنَا بَنُونَا

*Маъноси:*
**Фарзандларимиз фарзандлари фарзандларимиздир.**

بَنُو – хабари муқаддам, талаффузга оғирлик қилгани учун وга тақдир қилинган замма ила марфуъ, музоф.

أَبْنَائِنَا – музофун илайҳ, касра ила мажрур, نَا замир, музофун илайҳ.

بَنُونَا – мубтадо муаххар, талаффузга оғирлик қилгани учун وга тақдир қилинган замма ила марфуъ, نَا замир, музофун илайҳ.

عِنْدِي أَنَّكَ أَشْعَرُ الشُّعَرَاءِ

*Маъноси:*
**Менимча сен шоирларнинг энг зўрисан.**

عِنْدِي – мафъулун фийҳ зарфи замон, ўриннинг муносиб ҳаракат ила эгалланганлиги сабабли دга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб, маҳзуф хабари муқаддамга мутаъаллиқ ي замир, музофун илайҳ.

أَنَّكَ – أَنَّ феълга ўхшаш ҳарф, ك замир, насб ўрнида أَنَّнинг исми. أَنَّكَ أَشْعَرُ الشُّعَرَاءِ жумласи рафъ ўрнида мубтадо муаххар.

أَشْعَرُ – أَنَّнинг хабари, замма ила марфуъ, музоф.

الشُّعَرَاءِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 166

## МУБТАДО ВА ХАБАР (6)

العَارُ لِلقَاتِلِ الْمُجْرِمُ

***Маъноси:***

**Ор бўлсин қотилга, (у) жиноятчидир.**

العَارُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

لِلقَاتِلِ – ل ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ, القَاتِلُ касра ила мажрур.

الْمُجْرِمُ – маҳзуф мубтадонинг хабари (тақдири هُوَ ), замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* Мубтадо қуйидаги ҳолларда ҳазф қилиниши жоиз бўлади:

1. Мубтадонинг таъйинлигига бирор бир қарийна далолат қилса.

2. Бирор бир қарийна мубтадонинг ҳазфига далолат қилса.

* Мубтадо қуйидаги ҳолларда ҳазф қилиниши шарт бўлади:

1. Қасамнинг жавоби мубтадонинг ўрнини эгаллаган бўлса.

2. Мубтадонинг хабари ўз лафзидан бўлган масдар бўлса.

3. لاَ سِيَّمَا дан кейин келса ва لاَ سِيَّمَا ила истисно қилинган марфуъ бўлса.

4. نِعْمَ ва بِئْسَ қатнашган жумла бўлса.

5. Фақатгина яхшилаш ёки ёмонлаш учун матбуъсидан кесилган наът ила мубтадо ҳақида хабар берилса.

مَنْ عَمِلَ صَالِحًا فَلِنَفْسِهِ

*Маъноси:*

**Ким солиҳ амал қилса фақат ўзи учундир.**

مَنْ – жазм қилувчи исми шарт, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

عَمِلَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, жазм ўрнида феъли шарт, фоили هُوَ мустатир замири.

صَالِحًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

فَلِنَفْسِهِ – ف ҳарфи жазо, ل ҳарфи жор, маҳзуф мубтадога мутаъаллиқ (тақдири عَمَلُهُ), نَفْسِهِ касра ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ. Маҳзуф мубтадо ва хабардан ташкил топган исмий жумла жазм ўрнида жавоби шарт. Жазм ва шарт жумлалари рафъ ўрнида مَنْнинг хабари.

أَكْرِمِ العُلَمَاءَ وَ لاَ سِيَّمَا زَيْدٌ

***Маъноси:***
**Уламоларни, хусусан Зайдни икром қил.**

أَكْرِمِ – феъли амр, сукунга мабний, икки сокин учрашмаслиги учун сукундан касра эваз қилинган, фоили أنْتَ мустатир замири.

العُلَمَاءَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

وَ لاَ – و ҳолия, لا жинсни нафий қилувчи.

سِيَّمَا – لاнинг исми, музоф бўлгани учун фатҳа ила мансуб, مَا исми мавсул, сукунга мабний, жор ўрнида музофун илайҳ.

زَيْدٌ – маҳзуф мубтадонинг хабари (тақдири هُوَ ), замма ила марфуъ. Исмий жумла насб ўрнида ҳол.

## 167

## МУБТАДО ВА ХАБАР (7)

مَنْ عِنْدَكَ؟ أَبُوكَ

***Маъноси:***
**Ҳузурингда ким бор? Отанг.**

مَنْ – жазм қилувчи исми шарт, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

عِنْدَكَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ (тақдири مَوْجُودٌ ) ك замир, музофун илайҳ.

أَبُوكَ – мубтадо, асмои хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ. Маҳзуф мубтадонинг хабари ( тақдири عِنْدِي ).

## ҚОИДАЛАР

* Хабар қуйидаги ҳолларда ҳазф қилиниши жоиз бўлади:

1. Бирор бир қарийна хабарнинг ҳазфига далолат қилса.

2. Тўсатдан содир бўлганликни билдирувчи إِذَا ва истифҳомнинг жавобидан сўнг келса.

* Мубтадо қуйидаги ҳолларда ҳазф қилиниши шарт бўлади:

1. Сариҳ қасамнинг жавоби бўлса.

2. Хабар мутлоқ мавжудликка далолат қилгандаги لَوْلَاнинг жавоби.

3. Мавжудлик мутлоқ бўлгандаги зарф, жор ва мажрур.

4. Сифатнинг истифҳом ёки нафий ила масбуқ бўлган омили.

5. Мусоҳаба “вов”и ила мубтадога исмнинг атф қилиниши.

6. Хабар бўлишга ярамайдиган ҳол бўлса.

كُلُّ إِنْسَانٍ وَ فِعْلُهُ.....

***Маъноси:***
**Ҳар бир инсон ва феъли........**

كُلُّ – мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

إِنْسَانٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

وَ فِعْلُهُ – و атф ҳарфи, فِعْلُهُ كُلٌّга маътуф, рафъда унга тобеъ, ه замир, музофун илайҳ. Мубтадонинг хабари маҳзуф ( тақдири مُقْتَرِنَانِ ).

خَرَجْتُ فَإِذَا العَدُوُّ.....

***Маъноси:***
**Чиқдим-у, қарасам душман......**

خَرَجْتُ – маълум музореъ феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

فَإِذَا – ف ҳарфи ибтидо, إِذَا тўсатдан содир бўлганликни билдирувчи ҳарф.

العَدُوُّ – мубтадо, замма ила марфуъ, хабари маҳзуф ( тақдири كَامِنٌ ).

الأَمِيرُ عِنْدَكَ.....

***Маъноси:***
**Амир ҳузурингда......**

الأَمِيرُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

عِنْدَكَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ, ك замир, музофун илайҳ.

**168**

# МУБТАДО ВА СИФАТ

مَا عَالِمٌ أَخَوَاكَ بِالأَمْرِ

***Маъноси:***
**Иккала акангг ишдан хабари йўқ.**

مَا – ҳарфи нафий.

عَالِمٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

أَخَوَاكَ – исми фоил бўлган عَالِمٌнинг фоили, хабар ўрнини эгаллаган, мусанно бўлгани учун алиф ила марфуъ, كَ замир, музофун илайҳ.

بِالأَمْرِ – بِ ҳарфи жор, عَالِمٌга мутаъаллиқ, الأَمْرِ касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Сифат нафийй ва истифҳомдан сўнг келиб зоҳир исмга ёки мунфасил замирга омил бўлса, эъроби ўзидан кейин келганга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслигига боғлиқ бўлади.

1. Сифат муфрад ва ундан кейинги калима мусанно ёки жамъ ва ўша сифат ила жумла бошланинши лозим бўлса ва яна ундан кейинги калима хабарнинг ўрнини эгаллаган марфуъ фоил бўлса.

2. Сифат ўзидан кейинги калима билан эъробда мутобиқ бўлса, сифат мубтадо бўлади ундан кейин келган калима эса хабарнинг ўрнини эгаллаган марфуъ фоил бўлади ёки у хабари муқаддам ундан кейин келган мубтадо муаххар бўлади.

3. Сифат ўзидан кейинги калима билан тасния ва жамъда мутобиқ бўлса, сифат хабари муқаддам ундан кейин келган мубтадо муаххар бўлади.

إِنَّمَا قَائِمٌ عَبِيدُكَ

*Маъноси:*
**Фақатгина қулларинг қоимдирлар.**

إِنَّمَا – насб ва масдар ҳарфи, зоида مَا насх қилишидан тўхтатиб қолган.

قَائِمٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

عَبِيدُكَ – исми фоил бўлган قَائِمٌнинг фоили, хабар ўрнини эгаллаган, замма ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ.

هَلْ قَادِمٌ الغَائِبُ

*Маъноси:*
**Ғоиб одам келдими?**

هَلْ – ҳарфи истифҳом.

قَادِمٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

الغَائِبُ – исми фоил бўлган قَائِمٌнинг фоили, хабар ўрнини эгаллаган, замма ила марфуъ. (ёки мубтадо, замма ила марфуъ).

مَا خَالِدُونَ الأَحْيَاءُ

*Маъноси:*
**Тириклар абадий яшамайдилар.**

مَا – ҳарфи нафий.

خَالِدُونَ – хабари муқаддам, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила марфуъ.

الأَحْيَاءُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

## 169

## ЖОРНИНГ ЁКИ ЗАРФНИНГ МУТАЪАЛЛИҚИ

وَرِثَ الشَّابُّ عَنْ وَالِدِهِ أَرْضًا

*Маъноси:*
**Йигит отасидан ерни мерос қилиб олди.**

وَرِثَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الشَّابُّ – фоил, замма ила марфуъ.

عَنْ – ҳарфи жор, وَرِثَга мутаъаллиқ.

وَالِدِهِ – касра ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ.

أَرْضًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Ҳарфи жор мажрур қилаётган исмга боғлангани учун феълга ёки феълдан иштиқоқ қилинган калимага мутаъаллиқ бўлади. Мутаъаллиқ зикр қилинади ё тақдир қилинади.

1. Феъл маъносини ўз ичига олган калима ёки феълга ўхшашга таъвил қилинган калимага мутаъаллиқ бўлади.

2. Мутаъалликни ҳазф қилиш жоиз, у икки турга бўлинади: мутаъалликга қарийна далолат қилса ҳазф жоиз, мутлоқ мавжудликка далолат қилганда ҳазф вожиб.

3. Ҳарфи жор зоида ёки зоидага ўхшаш бўлса унга мутаъаллиқ бўлмайди.

* Зарф ва унинг мутаъаллиқининг ҳукми ҳарфи жорнинг ҳукми кабидир.

زَيْدٌ لَيْثٌ فِي كُلِّ مَوْقِعَةٍ

***Маъноси:***

**Зайд ҳар қандай жойда ҳам шердир.**

زَيْدٌ – мубтадо, замма ила марфуъ.

لَيْثٌ – хабар, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, لَيْثٌга мутаъаллиқ.

كُلِّ – касра ила мажрур, музоф.

مَوْقِعَةٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

رَأَيْتُ الَّذِي عَلَى السَّطْحِ

***Маъноси:***

**Теккисликдагини кўрдим.**

رَأَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

الَّذِي – исми мавсул, сукунга мабний, насб ўрнида мафъулун биҳи.

عَلَى – ҳарфи жор, маҳзуф исмий жумланинг хабарига мутаъаллиқ ( тақдири هُوَ مَوْجُودٌ ).

السَّطْحِ – касра ила мажрур.

تَوَجَّهَ الصَّيَّادُ شَرْقًا

*Маъноси:*
**Овчи шарқ томон йўналди.**

تَوَجَّهَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الصَّيَّادُ – фоил, замма ила марфуъ.

شَرْقًا – мафъулун фийҳ зарфи макон, фатҳа ила мансуб, تَوَجَّهَга мутаъаллиқ.

## 170

## МУСАННО

أَخَذَ الحَبْلَ بِيَدَيْنِ قَوِيَّتَيْنِ

*Маъноси:*
**Арқонни кувватли қўллари ила ушлади.**

أَخَذَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

الْحَبْلَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

بِيَدَيْنِ – ب ҳарфи жор, أَخَذَга мутаъаллиқ, يَدَيْنِ мусанно бўлгани учун ي ила мажрур.

قَوِيَّتَيْنِ – يَدَيْنِга наът, жорда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Мусанно муфрад исмдаги иккиликга далолат қилади.

1. Рафъ ҳолатида муфраднинг охирига фатҳа қўйиб, унга алиф ва максур нун қўйилади, насб ва жор ҳолатида “ё” ва максур “нун” қўйилади.

2. Шарти: юқорида зикр қилинган зоидалардан мужаррад бўлишга яроқли бўлсин, муфрадига ўхшашни унга атф қилишга яроқли бўлсин.

3. Мусаннога мулҳақ қилинган исмлар: اِثْنَانِ، اِثْنَتَانِ، ثِنْتَانِ، كِلَا، كِلْتَا.

Мусаннога изофа қилинувчи исмлар: أَبَوَانِ، قَمَرَانِ.

Мусанно деб номланувчи исмлар: حُسْنَيَيْنِ، مُحَمَّدَيْنِ.

هَاتَانِ شَفَتَانِ تَخْتَلِجَانِ

*Маъноси:*

**Бу титраб турган лаблар.**

هَاتَانِ – исми ишора, мусанно бўлгани учун алиф ила марфуъ, рафъ ўрнида мубтадо.

شَفَتَانِ – хабар, мусанно бўлгани учун алиф ила марфуъ.

تَخْتَلِجَانِ – маълум музореъ феъли, афоли хомсадан бўлгани учун субути “нун” ила марфуъ, алиф замир, рафъ ўрнида фоил. Феълий жумла рафъ ўрнида شَفَتَانِга наът.

كِلاَ الرَّجُلَيْنِ عَالِمَانِ

*Маъноси:*

**Иккала киши олимдирлар.**

كِلاَ – мубтадо, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ, музоф (كِلاَ мусаннонинг эъроби ила эърobланмайди, фақат замирга изофа қилинганда мусаннонинг эъроби ила эърobланади: كِلاَهُمَا).

الرَّجُلَيْنِ – музофун илайҳ, мусанно бўлгани учун ي ила мажрур.

عَالِمَانِ – хабар, мусанно бўлгани учун алиф ила марфуъ.

أُطْلِقَتْ رَصَاصَتَانِ اثْنَتَانِ

*Маъноси:*

**Икки ўқ отилди.**

أُطْلِقَتْ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таънис.

رَصَاصَتَانِ – ноиби фоил, мусанно бўлгани учун алиф ила марфуъ.

اثْنَتَانِ – رَصَاصَتَانِга наът, мусанногa мулҳақ бўлгани учун алиф ила марфуъ.

## 171

## ЭЪРОБДАГИ ЎРИН

مِنْ أَيْنَ جِئْتَ يَا هَذَا

***Маъноси:***
**Эй сен, қаердан келдинг.**

مِنْ – ҳарфи жор, جِئْتَга мутаъаллиқ.

أَيْنَ – исми истифҳом, сукунга мабний, жор ўрнида.

جِئْتَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

يَا – ҳарфи нидо.

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний, насб ўрнида.

## ҚОИДАЛАР

* Эъробда ўрни борлар:

1. Эъробда ўрни йўқ бўлган исми феълдан ташқари ҳамма мабний исмлар.

2. Мозий феъли, амр феъли, “нун”и тавкид ва аёллик “нун”и ёпишган музореъ феъли.

3. Қуйидаги жумлалар: хабар бўлиб келувчи, ҳол бўлиб келувчи, мафъулун биҳи бўлиб келувчи, зарфи замон ва зарфи маконга музофун илайҳ  бўлиб келувчи, муфрадга тобеъ бўлиб келувчи, эъробда ўрни бор жумлага тобеъ бўлиб

келувчи, فَ ва тўсатданликни билдирувчи إِذَا га мақрун бўлган жазм қилувчи шартга жавобан келувчи.

لَعَلَّكَ تَرْفِقَنَّ بِي

***Маъноси:***
**Шоядки менга мулойим муомала қилсанг.**

لَعَلَّكَ – феълга ўхшаш ҳарф, كَ замир, насб ўнида, لَعَلَّнинг исми.

تَرْفِقَنَّ – маълум музореъ феъли, ташдидли нуни тавкид унга ёпишиб келганлиги учун фатҳага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири. Феълий жумла рафъ ўрнида لَعَلَّнинг хабари.

بِي – بِ ҳарфи жор, تَرْفِقَنَّга мутаъаллиқ, ي замир, жор ўрнида.

إِنَّ السُّبُلَ كَانَتْ ضَائِقَةً بِهِ

***Маъноси:***
**Йўл унга торлик қилар эди.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

السُّبُلَ – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

كَانَتْ – маълум ноқис мозий феъли, фатҳага мабний, фоили рафъ ўрнида бўлган هِيَ замири, ت ҳарфи таънис.

ضَائِقَةً – كَانَتْнинг хабари, фатҳа ила мансуб. كَانَتْ ضَائِقَةً жумласи рафъ ўрнида إِنَّнинг хабари.

بِهِ – ب ҳарфи жор, ضَائِقَةًга мутаъаллиқ, ه замир, жор ўрнида.

## 172

## МУЗАККАР ВА МУАННАС

تَمَّ اللِّقَاءُ بَيْنَ إِبْرَاهِيمَ وَزَيْنَب

***Маъноси:***
**Иброҳим ва Зайнабнинг учрашуви тугади.**

تَمَّ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

اللِّقَاءُ – фоил, замма ила марфуъ.

بَيْنَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, اللِّقَاءُга мутаъаллиқ, музоф.

إِبْرَاهِيمَ – музофун илайҳ, сарфдан манъ бўлгани учун фатҳа ўрнига касра ила мансуб.

وَ زَيْنَبَ – و ҳарфи атф, زَيْنَب إِبْرَاهِيمга маътуф, жорда унга тобеъ, у ҳам сарфдан манъ.

## ҚОИДАЛАР

* Музаккар هَذَا калимаси ила ишора қилиш мумкин бўлган исмдир, у икки навъдир:

1. Ҳақиқий, инсонлар ва ҳайвонларнинг эркак жинсига далолат қилади.

2. Мажозий, истилоҳий қоидаларга эргашган нарсаларнинг исмларига далолат қилади.

* Муаннас هٰذِهِ калимаси ила ишора қилиш мумкин бўлган исмдир, у икки навъдир:

1. Ҳақиқий, инсонлар ва ҳайвонларнинг аёл жинсига далолат қилади.

2. Мажозий, истилоҳий қоидаларга эргашган нарсаларнинг исмларига далолат қилади. У уч қисмдир:

1. лафзий муаннас, таъсис аломати бор музаккар, 2 маънавий муаннас, таъсис аломати бўлмаган муаннас, 3 лафзий ва маънавий муаннас. Таъсис аломати бўлган муаннас.

سَلَكَ حَمْزَةُ نَهْجًا خَاصًّا

***Маъноси:***

**Ҳамза ўзига хос йўл тутди.**

سَلَكَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

حَمْزَةُ – фоил, замма ила марфуъ, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

نَهْجًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

خَاصًّا – نَهْجًاга наът, насбда унга тобеъ.

صَنَعَ نُوحٌ السَّفِينَةَ لِكُلِّ مُؤْمِنٍ وَمُؤْمِنَةٍ

***Маъноси:***

**Нуҳ ҳар бир мўмин ва мўмина учун кема тайёрлади.**

صَنَعَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

نُوحٌ – фоил, замма ила марфуъ.

السَّفِينَةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

لِكُلِّ – ل ҳарфи жор, صَنَعْга мутаъаллиқ, كُلِّ касра ила мажрур, музоф.

مُؤْمِنٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

وَمُؤْمِنَةٍ – و ҳарфи атф, مُؤْمِنَةٍ مُؤْمِنٍга маътуф, жорда унга тобеъ.

## 173

## МУЖАРРАД МАСДАР

قَلِقَ الأَبُ عَلَى ابْنِهِ قَلَقًا شَدِيدًا

***Маъноси:***
**Ота ўғли учун қаттиқ қайғурди.**

قَلِقَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

الأَبُ – фоил, замма ила марфуъ.

عَلَى – ҳарфи жор, قَلِقَга мутаъаллиқ.

ابْنِهِ – касра ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ.

قَلَقًا – мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб.

شَدِيدًا – قَلَقًاга наът, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Мужаррад (аслий деб ҳам номланади) масдар фақат маънавий ишга далолат қилиб, замон ва маконга алоқаси

бўлмайди. Мозий феълида бор бўлган барча аслий ва зоида ҳарфларни масдар ўз ичига олади, масдар мозийдан олинади ва бошида зоида “мим” ҳарфисиз, охирида зоида ташдидли “ё” ва ундан кейин марбута “то” таъնис келмайди.

* Мужаррад масдар икки қисмдир:

1. Сулосий, унинг ўн бешта қиёсий вазни бор, ўттиз олтита самоъий вазни бор.

2. Рубоъий, уни икки самоъий вазни бор.

الزِّرَاعَةُ حِرْفَةٌ لِاسْتِثْمَارِ النَّبَاتَاتِ وَالحَيَوَانَاتِ

*Маъноси:*

**Зироат ўсимлмклар ва ҳайвонлар орқали фойда кўриладиган соҳа.**

الزِّرَاعَةُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

حِرْفَةٌ – хабар, замма ила марфуъ.

لِاسْتِثْمَارِ – ل ҳарфи жор, حِرْفَةٌга мутаъаллиқ, اِسْتِثْمَارِ касра ила мажрур, музоф.

النَّبَاتَاتِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

وَالحَيَوَانَاتِ – و ҳарфи атф, الحَيَوَانَاتِ النَّبَاتَاتِга маътуф, жорда унга тобеъ.

تَتَجَلَّى عَظَمَةُ الخَالِقِ فِي مَخْلُوقَاتِهِ

*Маъноси:*

**Холиқнинг улуғворлиги яратган нарсаларида кўринади.**

تَتَجَلَّى – маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

عَظَمَةُ – фоил, замма ила марфуъ, музоф.

الخَالِقِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

فِي – ҳарфи жор, تَتَجَلَّىга мутаъаллиқ.

مَخْلُوقَاتِهِ – касра ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ.

## 174

## МАЗИЙД МАСДАР

تَزَعْزَعَتْ أَرْكَانُ الْمُجْتَمَعِ تَزَعْزُعًا مُقْلِقًا

***Маъноси:***
**Жамият асослари безовта ҳолда тебранди.**

تَزَعْزَعَتْ – маълум мозий феъли, фатҳа ила мансуб, ت ҳарфи таъннис.

أَرْكَانُ – фоил, замма ила марфуъ, музоф.

الْمُجْتَمَعِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

تَزَعْزُعًا – мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб.

مُقْلِقًا – تَزَعْزُعًاга наът, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Мазийд масдар маълум мазийд мозий феълидан иштиқоқ қилинади ва икки қисмга бўлинади:

1. Сулосий феълдан мазийд: اِسْتَفْعَلَ، اِسْتِفْعَالاً.

2. Рубоъий феълдан мазийд: تَفَعْلَلَ، تَفَعْلُلاً.

* Мажҳул феълнинг масдари асосан маълум феълнинг масдари кўринишида келади: فُوعِلَ، مُفَاعَلَةً، فِعَالاً.

عَرَفَتِ البِلاَدُ تَقَدُّمًا حَضَارِيًّا

***Маъноси:***

**Юрт маънавий ривожланишни билди.**

عَرَفَتِ – маълум мозий феъли, фатҳа ила мансуб, ت ҳарфи таънис, икки сокин учрашмаслиги учун касра келтирилган.

البِلاَدُ – фоил, замма ила марфуъ, музоф.

تَقَدُّمًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

حَضَارِيًّا – تَقَدُّمًاга наът, насбда унга тобеъ.

تَوَصَّلْنَا إِلَى تَسْوِيَةٍ تُرْضِي الفَرِيقَيْنِ

***Маъноси:***

**Икки тарафни рози қилувчи тенгликка эришдик.**

تَوَصَّلْنَا – маълум мозий феъли, نَا замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, نَا рафъ ўрнида фоил.

إِلَى – ҳарфи жор, تَوَصَّلْنَاга мутаъаллиқ.

تَسْوِيَةٍ – касра ила мажрур.

تُرْضِي – маълум музореъ феъли, талаффузга оғир бўлгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили هِيَ мустатир замири.

الفَرِيقَيْنِ – мафъулун биҳ, мусанно бўлгани учун ي ила мансуб. Феълий жумла жор ўрнида تَسْوِيَةٍга наът.

سُجِنَ صَاحِبُ امْتِيَازِ الجَرِيدَةِ

***Маъноси:***
**Газетанинг шартномачиси ҳибсга олинди.**

سُجِنَ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний.

صَاحِبُ – ноиби фоил, замма ила марфуъ, музоф.

امْتِيَازِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур, музоф.

الجَرِيدَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 175

## МАСДАР – АМАЛИ

أَطْرَبَنِي إِنْشَادُ أَخِيكَ الأَشْعَارَ

***Маъноси:***
**Акангнинг шеърлар айтиши мени таъсирлантирди.**

أَطْرَبَنِي – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

إِنْشَادُ – фоил, замма ила марфуъ, музоф.

أَخِيكَ – музофун илайҳ, асмои хомсадан бўлгани учун лафзан ي ила мажрур, маҳаллан фоил, ك замир, музофун илайҳ.

الأَشْعَارَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Масдар ўз феълининг амалини бажаради, изофа ила фоилни мажрур қилади ва мафъулун биҳни насб қилади.

1. Масдар лозим феълдан бўлса фоилга изофа бўлиш ила кифояланади, мутаъаддий бўлса фоилга изофа бўлиб мафъулун биҳни насб қилади.

2. Масдарнинг феъли ҳарф ила мутаъаддий бўлса масдар ҳам ўша ҳарф ила мутаъаддий бўлади.

* Масдарнинг амали бир мартталикни ифодаловчи ة масдарнинг охирига қўшилганда ботил бўлади, агар ة масдарнинг аслидан бўлмаса.

سَرَّنِي إِنْشَادُ الأَشْعَارِ أَخُوكَ

***Маъноси:***

**Акангни шеърлар айтиши мени ҳурсанд қилди.**

سَرَّنِي – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

إِنْشَادُ – фоил, замма ила марфуъ, музоф.

الأَشْعَارِ – музофун илайҳ, лафзан касра ила мажрур, маҳаллан мафъулун биҳ.

أَخُوك – إِنْشَادُ масдарининг фоили, асмои хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ.

أَعْجَبَتْنِي رَحْمَتُكَ الغُلاَمَ

*Маъноси:*

**Болага нисбатан раҳмдиллигинг мени ажаблантирди.**

أَعْجَبَتْنِي – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таънис ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

رَحْمَتُكَ – фоил, замма ила марфуъ, музоф, ك замир, музофун илайҳ.

الغُلاَمَ – رَحْمَتُكَ масдарига мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

ضَرْبًا زَيْدًا

*Маъноси:*

**Зайдни урди.**

ضَرْبًا – маҳзуф феълга мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб.

زَيْدًا – ضَرْبًا масдарига мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

# МАСДАР – ИШ ҲАРАКАТИ БИР МАРТТА СОДИР БЎЛГАНЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ ИСМ

لَقَدْ نَظَرْتُ مِنَ النَّافِذَةِ نَظْرَةً

***Маъноси:***

**Деразадан бир марта қарадим.**

لَقَدْ – لَ ҳарфи қасам, قَدْ ҳарфи таҳқийқ.

نَظَرْتُ – маълум мозий феъли, تُ замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, تُ рафъ ўрнида фоил.

مِن – ҳарфи жор, نَظَرْتُга мутаъаллиқ.

النَّافِذَةِ – касра ила мажрур.

نَظْرَةً – мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб (иш ҳаракатини бир мартта содир бўлганини ифодаловчи исм).

## ҚОИДАЛАР

* Иш ҳаракатининг бир мартта содир бўлганини ифодаловчи ушбу исм масдардир.

1. Сулосий феълдан فَعْلَة вазнида олинади. Масдар فِعْلَة ёки فُعْلَة вазнида бўлса فَعْلَة вазнига ўтказиш шарт бўлади.

2. Сулосийдан бошқада ўз масдарининг вазнининг охирига ة таъниc келтирилади: فَعَّلَ ،تَفْعِلَة.

3. Агар масдарнинг аслида ة таъниси бўлса уша масдарга иш ҳаракатининг бир мартта содир бўлганини ифодаловчи бошқа лафз ёки қарийна қўшилиши шарт: فَاعَلَ وَاحِدَةً مُفَاعَلَةً.

رُبَّ أَكْلَةٍ مَنَعَتْ أَكَلَاتٍ

*Маъноси:*

**Гоҳида биргина луқма қолганларидан манъ қилади.**

رُبَّ – ҳарфи жор, зоидага ўхшаш.

أَكْلَةٍ – лафзан касра ила мажрур, мубтадо бўлгани учун маҳаллан марфуъ (иш ҳаракатини бир мартта содир бўлганини ифодаловчи ушбу исм).

مَنَعَتْ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таъпис, фоили هِيَ мустатир замири. Феълий жумла рафъ ўрнида хабар.

أَكَلَاتٍ – мафъулун биҳ, жамъи муаннаси солим бўлгани учун касра ила мажрур.

كَانَتْ مُجَادَلَةٌ لَمْ تَتَوَقَّفْ

*Маъноси:*

**Тинимсиз бир тортишув бўлиб ўтди.**

كَانَتْ – маълум мозий томм феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таъпис.

مُجَادَلَةٌ – фоил, замма ила марфуъ (иш ҳаракатини бир мартта содир бўлганини ифодаловчи ушбу исм).

لَمْ – жазм қилувчи ҳарфи нафий.

تَتَوَقَّفْ – маълум музореъ феъли, لَمْ ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили هِيَ мустатир замири. Феълий жумла рафъ ўрнида наът.

# 177
# МАСДАР – ИСМИ МАСДАР

كَانَ....كَرِيمًا جَزِيلَ العَطَاءِ

***Маъноси:***
**(у) карамли, атоси кўп эди.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний, كَانَнинг исми рафъ ўрнида هُوَ мустатир замири.

كَرِيمًا – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

جَزِيلَ – كَانَнинг иккинчи хабари, фатҳа ила мансуб, музоф.

العَطَاءِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур ( أَعْطَى феълининг исми масдари).

## ҚОИДАЛАР

* Исми масдар масдар маъносига далолат қилади ва эвазсиз ҳолда лафзан ва тақдиран феълининг ҳарфларидан ҳоли бўлади.

* Исми масдарларнинг энг сарийҳи мужаррад маънога далолат қилувчи ҳар бир исмдир ва унинг ўз лафзидан бўлган, унга таъсир ўтказувчи феъли бўлмайди القَهْقَرَى каби.

* Исми масдар икки навъдир:

1. Алам, наҳвда омил бўлмайди.
2. Алам бўлмаган, масдарнинг омил бўлиш шартлари ила омил бўлади, бу ҳолат истеъмолда кам учрайди.

الجَيْشُ مَشَى القَهْقَرَى أَيْ رُجُوعًا

*Маъноси:*
**Қўшин “қоҳқоро” яъни орқага қайтган ҳолда юрди.**

الجَيْشُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

مَشَى – маълум мозий феъли, талаффузга оғирлик қилгани учун ىга тақдир қилинган фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири. Феълий жумла рафъ ўрнида хабар.

القَهْقَرَى – мафъулун мутлоқнинг ноиби, алифга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб ( исми масдар).

أَيْ – ҳарфи тафсийр.

رُجُوعًا – القَهْقَرَىдан бадал, насбда унга тобеъ.

اِنْتَهَتِ الحَرْبُ وَسَادَ السَّلاَمُ

*Маъноси:*
**Уруш тўхтади ва тинчлик устун бўлди.**

اِنْتَهَتِ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таъниc, икки сокин учрашиб қолмаслиги учун касра берилган.

الحَرْبُ – фоил, замма ила марфуъ.

وَ سَادَ – و ҳарфи атф, سَادَ маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

السَّلاَمُ – фоил, замма ила марфуъ (исми масдар).

# МАСДАР – ИСМИ НАВЪ

لَقَدْ وَثَبَ وِثْبَةَ النُّمُورِ

***Маъноси:***
**Қоплон сакраш қилди.**

لَقَدْ – لَ ҳарфи қасам, قَدْ ҳарфи таҳқийқ.

وَثَبَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

وِثْبَةَ – мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб, музоф (исми навъ).

النُّمُورِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Исми навъ феълнинг ҳайъати ва навъига далолат қилувчи масдардир.

1. Сулосий феълдан فِعْلَة вазнида олинади ва навъга далолат қилиш учун маълум лафз ёки масдарга ва масдарга васф бўлувчига далолат қилувчи бирор қарийнани зиёда қилинади. Масдар فَعْلَة ёки فُعْلَة вазнида бўлса فِعْلَة вазнига кўчириш шарт бўлади.

2. Сулосийдан бошқада иш ҳаракатининг бир мартта содир бўлганини ифодаловчи масдар сийғасида олинади ва васфга далолат қилувчи лафз келтирилади.

3. Масдарнинг аслида ة таънис бўлса навъга далолат қилиш учун маълум лафз ёки навъга далолат қилувчи бирор қарийнани келтириш шарт бўлади.

* Навъ масдарининг фойдаси икки нарсага кенг маъноли лафз ва кам калималар ила далолат қилишидир.

عِزَّةُ النَّفْسِ تَرَفُّعٌ عَنِ الدَنَايَا

*Маъноси:*

**Нафс иззати бу, пасткаш ҳаракатлардан ўзини тийишдир.**

عِزَّةُ – мубтадо, замма ила марфуъ, музоф (исми навъ).

النَّفْسِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

تَرَفُّعٌ – хабар, замма ила марфуъ.

عَنِ – ҳарфи жор, تَرَفُّعٌга мутаъаллиқ.

الدَنَايَا – узр сабабли алифга тақдир қилинган касра ила мажрур.

إِنْعَامَةُ اللهِ تَمْلَأُ النَّفْسَ انْشِرَاحًا

*Маъноси:*

**АЛЛОҲнинг инъоми нафсни шодликка тўлдиради.**

إِنْعَامَةُ – мубтадо, замма ила марфуъ, музоф (исми навъ).

اللهِ – лафзи жалола, музофун илайҳ, касра ила мажрур.

تَمْلَأُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هِيَ мустатир замири.

النَّفْسَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

انْشِرَاحًا – иккинчи мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

# 179
# СУНЪИЙ МАСДАР

الإِنْسَانِيَّةُ تُمَيِّزُ الأَدَبَ العَرَبِيَّ الْمَهْجَرِيَّ

*Маъноси:*

**Инсоният чет эллардаги араб адабиётини юксак баҳолайди.**

الإِنْسَانِيَّةُ – мубтадо, замма ила марфуъ (сунъий масдар).

تُمَيِّزُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هِيَ мустатир замири. Феълий жумла рафъ ўрнида хабар.

الأَدَبَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

العَرَبِيَّ – الأَدَبَга наът, насбда унга тобеъ.

الْمَهْجَرِيَّ – الأَدَبَга иккинчи наът, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Сунъий масдар бирор нарсага мансубликни ифодаловчи лафзга ўзгартирилган масдардир, унга ة таънис мулҳақ қилинади ва зиёдадан кейин зиёдадан олдин далолат қилмаган мужаррад маънога далолат қилади. У муштоққа таъвил қилинган исми жомиддир, унга шибҳи жумла мутаъаллиқ бўлиши мумкин.

Сунъий масдар исми фоил, исми мафъул, тафзийл феъли, жомид исм, исми алам, масдар, мимий масдар ва шу кабилардан олинади.

Сунъий масдарга кимё ва шунга ўхшаш илмларда ҳожат тушади.

التَّقَدُّمِيَّةُ تَحَرُّرٌ فِي الآرَاءِ السِّيَاسِيَّةِ وَالإِجْتِمَاعِيَّةِ

***Маъноси:***

**Ривожланиш сиёсий ва ижтимоий тарафдан мустақил бўлишдир.**

التَّقَدُّمِيَّةُ – мубтадо, замма ила марфуъ (сунъий масдар).

تَحَرُّرٌ – хабар, замма ила марфуъ.

فِي – ҳарфи жор, تَحَرُّرٌга мутаъаллиқ.

الآرَاءِ – касра ила мажрур.

السِّيَاسِيَّةِ – الآرَاءِга наът, жорда унга тобеъ.

وَالإِجْتِمَاعِيَّةِ – و ҳарфи атф, السِّيَاسِيَّةِ الاجْتِمَاعِيَّةِга маътуф, жорда унга тобеъ.

الجَاهِلِيَّةُ تُحَكِّمُ الوَثَنِيَّةَ

***Маъноси:***

**Жоҳилият васанийликни ҳукмрон қилинади.**

الْجَاهِلِيَّةُ – мубтадо, замма ила марфуъ (сунъий масдар).

تُحَكِّمُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هِيَ мустатир замири. Феълий жумла рафъ ўрнида хабар.

الوَثَنِيَّةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## 180
## ТАЪВИЛ ҚИЛИНГАН МАСДАР

وَصَلَنِي أَنَّكَ مَرِيضٌ

***Маъноси:***
**Касал эканглигингнинг хабари менга етди.**

وَصَلَنِي – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

أَنَّكَ – أَنَّ ҳарфи масдар, феълга ўхшаш ҳарф, ك замир, насб ўрнида أَنَّнинг исми.

مَرِيضٌ – أَنَّнинг хабари, замма ила марфуъ. أَنَّكَ مَرِيضٌдан таъвил қилинган масдар рафъ ўрнида وَصَلَنِيнинг фоили.

## ҚОИДАЛАР

* Таъвил қилинган масдар маънавий масдар бўлиб ўз лафзидан бўлган феълнинг ўрнида, масдарий ҳарфдан кейин тақдир қилинади.

Масдарий ҳарфлар олтита: тенгликни ифодаловчи ҳамза, أَنَّ، أَن، لِكَيْ، لَوْ، مَا.

* Умумий ҳукмлар:

1. Масдарий ҳарфлар ва улардан кейинги феъллар таъвил қилинган масдарни ташкил қилиш учун бир қолипга солинади.

2. Таъвил қилинган масдар сарийҳ масдар каби эъробланади, жумлалар каби эмас муфрадлар каби эъробланади.

3. Масдарий ҳарфлар мавсула ҳарфлари деб аталади чунки улар калом орасида лафзларни ўзаро боғлайди, улардан кейин келган жумлаларнинг эъробда ўрни йўқ чунки улар исми мавсулалар каби ўша жумлаларнинг силасидир.

4. Масдарий ҳарфлар фақат мутасарриф феълларгагина боғланади чунки жомид феълнинг масдари бўлмайдики, унга таъвил қилинса.

سَوَاءٌ عَلَيَّ أَدَرَسْتَ أَمْ لَمْ تَدْرُسْ

*Маъноси:*
**Дарс қиласанми йўқми менга барибир.**

سَوَاءٌ – хабари муқаддам, замма ила марфуъ.

عَلَيَّ – عَلَي ҳарфи жор, سَوَاءٌга мутаъаллиқ, ي замир, жор ўрнида.

أَدَرَسْتَ – أَ ҳарфи масдарий, دَرَسْتَ маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил. أَدَرَسْتَдан таъвил қилинган масдар рафъ ўрнида мубтадо муаххар.

أَمْ – ҳарфи атф.

لَمْ – жазм ва нафий ҳарфи.

تَدْرُسْ – маълум музореъ феъли, لَمْ ила мажзум жазм аломати сукун, фоили рафъ ўрнида أَنْتَ мустатир замири. أَمْ لَمْ تَدْرُسْдан таъвил қилинган масдар аввалги масдарга маътуф, рафъда унга тобеъ.

## 181
## МИМИЙ МАСДАР

سُرِرْتُ جِدًّا لِمَقْدِمِ الصَّدِيقِ

*Маъноси:*
**Дўстнинг ташрифидан жуда ҳурсанд бўлдим.**

سُرِرْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

جِدًّا – мафъулун мутлоқнинг ноиби, фатҳа ила мансуб.

لِمَقْدِمِ – ل ҳарфи жор, سُرِرْتُга мутаъаллиқ, مَقْدِمِ касра ила мажрур, музоф (масдари миймий).

الصَّدِيقِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Миймий масдар зоида миим ҳарфи ила бошланади ва миймий бўлмаган масдардан маъно жиҳатидан фарқланмайди, лекин далолатининг қуввати ва таъкиди ила устунроқ туради.

1. Асосан сулосийдан مَفْعَل вазнида олинади, гоҳида унга ة таънис қўшилади: مَفْعَلَة.

2. Сулосийдан бошқада мажҳул музореънинг вазнида олинади: مُفَعَّل، مُفْتَعَل، مُسْتَفْعَل، مُتَفَاعَل.

3. Наҳвда масдарининг амалини бажаради, ўрнига қараб эърobланади. Муфрадлик ва музаккарликни лозим тутади, охирида ташдидли зоида ي бўлмайди, ة таънис эса фақатгина эшитиш йўли ила охирида келиши мумкин.

حَضَرَ قَبْلَ الْمَوْعِدِ بِعَشْرِ دَقَائِقَ

***Маъноси:***

**Келишилган жойда ўн дақиқа олдин ҳозир бўлди.**

حَضَرَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

قَبْلَ – мафъулун фийҳ зарфи замон фатҳа ила мансуб, حَضَرَ-га мутаъаллиқ, музоф.

الْمَوْعِدِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур (масдари миймий).

بِعَشْرِ – ب ҳарфи жор, الموْعِدِнинг маҳзуф наътига мутаъаллиқ, عَشْرِ касра ила мажрур, музоф.

دَقَائِقَ – музофун илайҳ, сарфдан манъ бўлгани учун фатҳа ила мажрур.

لِكُلِّ مُوَاطِنٍ حُرِّيَّةُ الْمُعْتَقِدِ

***Маъноси:***

**Ҳар бир фуқорога эътиқод эркинлиги.**

لِكُلِّ – ل ҳарфи жор, маҳзуф хабари муқаддамга мутаъаллиқ, كُلِّ касра ила мажрур, музоф.

مُوَاطِنٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

حُرِّيَّةُ – мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

الْمُعْتَقِدِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур (масдари миймий).

## 182
## МАЪРИФА ВА НАКРА

فِي السَّاحَةِ وَلَدٌ يُدْعى سَمِيرًا

***Маъноси:***
**Ҳовлида Самир деб номланувчи бола бор.**

فِي – ҳарфи жор, маҳзуф хабари муқаддамга мутаъаллиқ.

السَّاحَةِ – касра ила мажрур.

وَلَدٌ – мубтадо муаххар, замма ила марфуъ.

يُدْعَى – мажҳул музореъ феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ, ноиби фоили هُوَ мустатир замири.

سَمِيرًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Маърифа муаййан нарсага далолат қилувчи исм, маърифа исмлар:

1. Мўъроб исмлар: исми алам, алиф – лом ила маърифа бўлган исм, маърифага изофа қилинган исм.

2. Мабний исмлар: замир, исми ишора, исми мавсул, нидо ила қасд қилинган накра.

3. Накра маърифа қилинади: Таъриф алиф – ломи ила, маърифага изофа қилиш ила.

* Накра муаййан бўлмаган исмга далолат қилувчи исм:

1. Накра исми жинсга ўхшатилади, исми жинс навъда ўзи ила муштарак бўлган кўп муфрадларга ўхшашдир.

2. Исми жинс ўзига маънавий ёки лафзий зиёда қилинганда маърифага айланади, ўша зиёда маъруф, аниқ бўлган ҳиссий ёки маънавий нарсага ишора қилиган ҳолда далолат қилинувчисини яъни исми жинсни фақат ўзигагина қаратган бўлади.

عَادَ مُهَاجِرٌ إِلَى قَرْيَةٍ

***Маъноси:***
**Муҳожир қишлоққа қайтди.**

عَادَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

مُهَاجِرٌ – фоил, замма ила марфуъ.

إِلَى – ҳарфи жор, عَادَга мутаъаллиқ.

قَرْيَةٍ – касра ила мажрур.

يَا تِلْمِيذُ هَذَا العِلْمُ لَكَ

***Маъноси:***
**Эй ўқувчи бу илм сен учун.**

يَا – ҳарфи нидо.

تِلْمِيذُ – мунодо, заммага мабний, насб ўрнида.

هَذَا – исми ишора, сукунга мабний рафъ ўрнида мубтадо.

العِلْمُ – هَذَاдан бадал, рафъда унга тобеъ.

لَكَ – ل ҳарфи жор, маҳзуф хабарга мутаъаллиқ, ك замир, музофун илайҳ.

## 183
## МАФЪУЛУН БИҲ

تَلَقَّى سَمِيرٌ رِسَالَةً مِنْ صَدِيقِهِ

*Маъноси:*
**Самир дўстидан хат олди.**

تَلَقَّى – маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳага мабний.

سَمِيرٌ – фоил, замма ила марфуъ.

رِسَالَةً – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

مِنْ – ҳарфи жор, تَلَقَّىга мутаъаллиқ.

صَدِيقِهِ – касра ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Мафъулун биҳ фоилнинг феъли устига воқеъ бўлувчи мансуб исмдир. Авомиллари саккизтадир: феъл, масдар, исми фоил, исми мафъул, сифати мушаббаҳа, муболағага ўхшаш исмлар, таъажжуб феъллари, исми феъл.

* Мафъулун биҳнинг навълари:

1. Зоҳир, сарийҳ, мўъроб. 2. Зоҳир, сарийҳ, мабний. 3. Зоҳир, сарийҳ, мунфасил. 4. Зоҳир, сарийҳ, муттасил. 5. Сарийҳга таъвил қилинган.

دَرَسَ التِّلْمِيذُ هَذِهِ القَصِيدَةَ

*Маъноси:*
**Ўқувчи ушбу қасидани дарс қилди.**

دَرَسَ – маълум мозий феъли, фатҳага мбний.

التِّلْمِيذُ – фоил, замма ила марфуъ.

هَذِهِ – исми ишора, касрага мабний, насб ўрнида мафъулун бих.

القَصِيدَةَ – هَذِهِдан бадал, насбда унга тобеъ.

إِيَّاهُ نَطْلُبُ

***Маъноси:***

**Фақатгина уни талаб қиламиз.**

إِيَّاهُ – замири мунфасил, заммага мабний, насб ўрнида муқаддам мафъулун бих.

نَطْلُبُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили вужубан نَحْنُ мустатир замири.

أَصَابَهُ مِنْ ذَلِك قَلَقٌ شَدِيدٌ

***Маъноси:***

**Бу нарса сабабидан уни қаттиқ ҳавотир босди.**

أَصَابَهُ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ه замир, мафъулун бих.

مِنْ – ҳарфи жор, أَصَابَهُга мутаъаллиқ.

ذَلِكَ – исми ишора, фатҳага мабний, жор ўрнида.

قَلَقٌ – фоил, замма ила марфуъ.

شَدِيدٌ – قَلَقٌга наът, рафъда унга тобеъ.

# 184
# МАФЪУЛУН БИҲ – МАРТАБАСИ

وَأَمَّا السَّائِلَ فَلاَ تَنْهَرْ

***Маъноси:***
**... ва аммо сўровчини жеркима.**

وَ أَمَّا – و ҳарфи атф, أَمَّا жазм қилмайдиган ҳарфи шарт ва ажратиш ҳарфи.

السَّائِلَ – муқаддам мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

فَلاَ – ف жазо, لاَ жазм қилувчи ҳарфи нафий.

تَنْهَرْ – маълум музореъ феъли, لاَ ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

## ҚОИДАЛАР

* Мафъулун биҳ аслида фоилдан кейин келади, фоилдан кейин келиши лафзий ёки маънавий халал берса вужубан фоилдан олдин келтирилади. Агар бу нарса бўлмаса иккала ҳолат ҳам жоиз.

* Мафъулун биҳга зоида жор қилувчи “лом” фақатгина такидлаш учун кириши мумкин, у қувватлаш “лом”и деб аталади.

* Мафъулун биҳ ила маъно ифодалаш мақсад қилингани учун у жумлада зикр қилиниши керак, лекин гоҳида ҳазф қилинади:

1. Жавазан ёки вужубан ҳолда мафъулга бирор қарийна далолат қилса.

2. Табий ҳолда маълум бўлса.

3. Гапни қисқа қилиш мақсадида.

أَفَدْتُ وَأَفَادَنِي الصَّدِيقُ ( أَيْ أَفَدْتُهُ)

***Маъноси:***
**Мен дўстимга, дўстим менга фойда берди.**

أَفَدْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

وَأَفَادَنِي – و ҳарфи атф, أَفَادَنِي маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

الصَّدِيقُ – фоил, замма ила марфуъ.

لِزَيْدٍ رَأَيْتُ

***Маъноси:***
**Зайдни кўрдим.**

لِزَيْدٍ – ل ҳарфи жор, зоида такидлаш ҳарфи, زَيْدٍ лафзан касра ила мажрур, муқаддам мафъулун биҳ бўлгани учун маҳаллан мансуб.

رَأَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

رَضَعَ الطِّفْلُ (أَيْ أُمَّهُ)

***Маъноси:***
**Гўдак (онасини) эмди.**

رَضَعَ – маълум мозий феъли, фатҳага мбний.

الطِّفْلُ – фоил, замма ила марфуъ.

## 185
## ХОСЛАНГАН МАФЪУЛ

نَحْنُ العَرَبَ نَرْعَى الذِّمَمَ

***Маъноси:***
**Биз араблар мажбуриятларга риоя қиламиз.**

نَحْنُ – замири мунфасил, заммага мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

العَرَبَ – маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири أَخُصُّ) фатҳа ила мансуб. أَخُصُّ العَرَبَ феълий жумласи насб ўрнида ҳол.

نَرْعَى – маълум музореъ феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ, фоили نَحْنُ мустатир замири.

الذِّمَمَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб. Феълий жумла рафъ ўрнида хабар.

## ҚОИДАЛАР

* Хослаш бу мутакаллим ёки мухотаб замирни, ўша замирдан кейин келган, замир маъносидаги зоҳир, маърифа

исмга ҳукм қилиш ва ўша ҳукмни икковларидагина қолдириш.

* Исми зоҳир хосланади, у тақдири أَخُصُّ бўлган маҳзуф феълга мафъулун биҳдир.

* Хослашдан мақсад: 1. Фахрланиш. 2. Тавозеъ. 3. Зиёда баён.

أَنْتُمْ بَنِي حَاتِمٍ أَصْحَابُ الكَرَمِ

*Маъноси:*

**Сиз Бани Ҳотим карам соҳибидирсиз.**

أَنْتُمْ – замири мунфасил, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

بَنِي – маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири أَخُصُّ) жамъи музаккари солимга мулҳақ бўлгани учун ي ила мансуб, музоф.

حَاتِمٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур. أَخُصُّ بَنِي حَاتِمٍ жумласи насб ўрнида ҳол.

أَصْحَابُ – хабар, замма ила марфуъ, музоф.

الكَرَمِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

أَنَا خَالِدًا حَطَّمْتُ أَصْنَامَ الجَاهِلِيَّةِ

*Маъноси:*

**Мен Холид, жоҳилият санамларини парчалаб ташладим.**

أَنَا – замири мунфасил, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

خَالِدًا – маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири أَخُصُّ) фатҳа ила мансуб. أَخُصُّ خَالِدًا феълий жумласи насб ўрнида ҳол.

حَطَّمْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил. Феълий жумла рафъ ўрнида хабар.

أَصْنَامَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

الجَاهِلِيَّةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 186
## ЖОЙ ЭГАЛЛАШ (ИШТИҒОЛ) ИЛА МАФЪУЛ

هَلْ زَيْدًا ضَرَبْتَهُ

***Маъноси:***
**Зайдними урдинг?**

هَلْ – ҳарфи истифҳом.

زَيْدًا – маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири ضَرَبْتَ) фатҳа ила мансуб.

ضَرَبْتَهُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил, ه замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Иштиғолда исм феълдан олдин келади, феъл ўша исмга ёки ўша исмга музоф бўлган исмга қайтувчи замирга омил бўлади.

* Иштиғол услуби уч ишни ўз ичига олади:

1. Жой эгалловчи муфрад исмга ва ўша исмга қайтувчи замирга маҳзуф ёки зоҳир ҳолда йўналувчи феълдир.

2. Ўрни эгалланган (машғулун анҳу) бу аввалги маъмулдир, яъни зоҳир феълдан олдин келиб маҳзуф феълга мафъулун биҳ бўлиб келувчи исмдир.

3. Ўринни эгалловчи (машғулун биҳи) бу иккинчи маъмулдир, яъни зоҳир феълга мафъулун биҳ бўлган исми муфрадга қайтувчи замирдир.

إِنِ العِلْمَ خَدَمْتَهُ نَفَعَكَ

***Маъноси:***

**Агар илмга хизмат қилсанг, у сенга наф беради.**

إِنْ – икки феълни жазм қилувчи ҳарфи шарт.

العِلْمَ – маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири خَدَمْتَ) фатҳа ила мансуб. Маҳзуф феъл жазм ўрнида феъли шарт.

خَدَمْتَهُ – маълум мозий феъли, تَ замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, تَ рафъ ўрнида фоил, هُ замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

نَفَعَكَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, жазм ўрнида жавоби шарт, фоили هُوَ мустатир замири, كَ замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

اللَّهُمَّ أَمْرَنَا يَسِّرْهُ

***Маъноси:***
**АЛЛОҲим ишимизни енгиллат.**

اللَّهُمَّ – اللّٰه лафзи жалола мунодо, заммага мабний насб ўрнида, م маҳзуф ҳарфи нидодан эваз ҳарфи.

أَمْرَنَا – маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири يَسِّرْ) фатҳа ила мансуб, نَا замир, музофун илайҳ.

يَسِّرْهُ – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири, ه замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

## 187
## БИРОР НАРСАГА УНДАШ (ИҒРО) ИЛА МАФЪУЛ

الصِّدْقَ أَيُّهَا الوَلَدُ

***Маъноси:***
**Ростгўйликни лозим тут эй бола.**

الصِّدْقَ – маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири اِلْزَمْ) фатҳа ила мансуб.

أَيُّهَا – أَيُّ мунодо, заммага мабний насб ўрнида, هَا ҳарфи танбеҳ.

الوَلَدُ – أَيُّга наът унга тобеъ, лафзан марфуъ маҳаллан мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Иғро бу мухотабни бирор чегараланган ишни бажаришга ундаш.

* Иғро услуби уч ишни ўз ичига олади:

1. Иғро қилувчи, у танбеҳ берувчи мутакаллимдир.
2. Иғро қилинувчи, у танбеҳ эшитувчи.
3. Иғро қилинган амал, у чегараланган бирор иш.

* Иғро қилинган амал замирдаги феъл ила мансуб бўлади, тақдири اِلْزَمْ.

1. Феъл атф ва такрор ила замирда бўлиши вожиб.
2. Булардан бошқа ҳолатда феъл замирда бўлиши жоиз.

النَّجْدَةَ النَّجْدَةَ يَا ذَوِي الشَّهَامَةِ

***Маъноси:***

**Ўзаро ёрдамлашиш, ўзаро ёрдамлашишни лозим тутинг эй жасорат аҳли.**

النَّجْدَةَ – маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири اِلْزَمْ) фатҳа ила мансуб.

النَّجْدَةَ – النَّجْدَةَга тавкид, насбда унга тобеъ.

يَا – ҳарфи нидо.

ذَوِي – мунодо, жамъи музаккари солимга мулҳақ бўлгани учун ي ила мансуб, музоф.

الشَّهَامَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

العَدْلَ وَ الإِنْصَافَ أَيُّهَا القُضَاةُ

***Маъноси:***

**Адолат ва инсофни лозим тутинг эй қозилар.**

العَدْلَ – маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири اِلْزَموا) фатҳа ила мансуб.

وَالإِنْصَافَ – و ҳарфи атф, الإِنْصَاف العَدْلَга маътуф, насбда унга тобеъ.

أَيُّهَا – أَيُّ мунодо, заммага мабний насб ўрнида, ها ҳарфи танбеҳ.

القُضَاةُ – أَيُّга наът унга тобеъ, лафзан марфуъ маҳаллан мансуб.

مَنْ أَنْتَ زَيْدًا

***Маъноси:***

**Сен кимсан, Зайдни эсла.**

مَنْ – исми истфҳом, сукунга мабний, рафъ ўрнида мубтадо.

أَنْتَ – замири мунфасил, фатҳага мабний, рафъ ўрнида хабар.

زَيْدًا – маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири تَذَكَّرْ) фатҳа ила мансуб.

## 188
## ҲАЗИР ҚИЛИШ (ТАҲЗИЙР) ИЛА МАФЪУЛ

إِيَّاكَ واليَأْسَ يا تِلْمِيذُ

***Маъноси:***

**Ноумидликдан эҳтиёт бўл эй ўқувчи.**

إِيَّاكَ – замири мунфасил, фатҳага мабний, насб ўрнида маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири إِحْذَرْ).

وَ اليَأْسَ – و ҳарфи атф, إِيَّاكَга اليَأْسَ маътуф, фатҳа ила мансуб.

يَا – ҳарфи нидо.

تِلْمِيذُ – мунодо, заммага мабний, насб ўрнида.

## ҚОИДАЛАР

* Таҳзийр бу мухотобга макруҳ ишдан четланиши учун танбеҳ бериш.

* Таҳзийр услуби уч ишни ўз ичига олади:

1. Таҳзийр қилувчи, у танбеҳ берувчи мутакаллимдир.
2. Таҳзийр қилинувчи, у танбеҳ эшитувчи.
3. Таҳзийр қилинган амал, у макруҳ бўлган бирор иш.

* Таҳзийр إِيَّاكَ ва унинг фарълари ила ёки ундан фарқли лафзлар орқали бўлади. Таҳзийр қилинган амал такрор келган ёки атф қилинган бўлса, уни маҳзуф мубтадо ёки маҳзуф хабарга тақдир қилиб рафъ қилиш жоиз бўлади.

لاَ تَصْحَبْ أَخَا الجَهْلِ إِيَّاكَ وَ إِيَّاهُ

***Маъноси:***

**Жоҳилга дўст бўлишдан эҳтиёт бўл сен ҳам, у ҳам.**

لاَ – нафий ва жазм ҳарфи.

تَصْحَبْ – маълум музореъ ҳарфи, لاَ ила мажзум, жазм аломати сукун, фоили أَنْتَ мустатир замири.

أَخَا – мафъулун биҳ, асмои хомсадан бўлгани учун алиф ила мансуб, музоф.

الجَهْلِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

إِيَّاكَ – замири мунфасил, фатҳага мабний, насб ўрнида маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири اِحْذَرْ).

وَ إِيَّاهُ –و ҳарфи атф, إِيَّاهُ إِيَّاكَга маътуф, заммага мабний, насб ўрнида мафъулун биҳ.

الأَسَدَ

***Маъноси:***

**Йўлбарсдан эҳтиёт бўл.**

الأَسَدَ – маҳзуф феълга мафъулун биҳ (тақдири اِحْذَرْ), фатҳа ила мансуб.

الأَسَدُ الأَسَدُ

***Маъноси:***

**Йўлбарс, йўлбарс!!!**

الأَسَدُ – маҳзуф мубтадонинг хабари (тақдири هُوَ), замма ила марфуъ.

الأَسَدُ – الأَسَدُга тавкид, рафъда унга тобеъ.

## 189
## ТАЪАЖЖУБ ИЛА МАФЪУЛ

مَا أَجْمَلَ الوَرْدَةَ الحَمْرَاءَ

*Маъноси:*
**Қизил гул қандоқ ҳам гўзал!**

مَا – таъажжубни ифодаловчи исм, сукунга мабний рафъ ўрнида мубтадо.

أَجْمَلَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири бўлиб аслга хилоф ҳолда вужубандир.

الوَرْدَةَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

الحَمْرَاءَ – الوَرْدَةَга наът, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Таъажжубнинг икки сийғаси бор: مَا أَفْعَلَهُ،أَفْعِلْ بِهِ. Муфрад сийғасидан бошқа кўринишда келмайдиган икки жомид феълдир. Иккала таъажжуб феъли тафзийл феъллари олингани каби олинади. Таъажжубни феъл орқали ифодалаш учун гоҳида فَعُلَ вазни ишлатилади.

* Таъажжуб устига воқеъ бўлган исмдаги шартлар:

1. Маърифа бўлиши, усиз калом тушунарли бўлса унинг ҳазфи жоиз.
2. Хос бўлган накра.

أَكْرِمْ بِهَا أَرْضًا

*Маъноси:*
**Ер ила у қанчалар ҳам ҳурматли!**

أَكْرِمْ – жомид амр феъли, фоили вужубан أَنْتَ мустатир замири.

بِهَا – ب ҳарфи жор, أَكْرِمْга мутаъаллиқ, ها замир, жор ўрнида.

أَرْضًا – тамйиз, фатҳа ила мансуб.

جَهُلَ بِعَمْرٍ

***Маъноси:***

**Амр қанчалар ҳам жоҳил!**

جَهُلَ – жомид мозий феъли, фатҳага мабний.

بِعَمْرٍ – ب зоида ҳарфи жор, عَمْرٍ лафзан касра ила мажрур, фоил бўлгани учун маҳаллан марфуъ.

مَا كَانَ أَحْسَنَ العِلْمَ

***Маъноси:***

**Илм қандоқ ҳам яхши!**

مَا – таъажжубни ифодаловчи исм, сукунга мабний рафъ ўрнида мубтадо.

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний, рафъ ўрнидаги هُوَ мустатир замири унинг исмидир.

أَحْسَنَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири бўлиб аслга хилоф ҳолда вужубандир. أَحْسَنَ жумласи насб ўрнида كَانَнинг хабари.

العِلْمَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб. كَانَ أَحْسَنَ жумласи рафъ ўрнида хабар.

## 190

## ИККИ ОМИЛНИНГ ОРАСИНИ АЖРАТИШ (ТАНОЗУЪ) ИЛА МАФЪУЛ

نَبَّهْتُ وَ نَصَحْتُ سَعِيدًا

***Маъноси:***
**Саидга танбеҳ бердим ва насиҳат қилдим.**

نَبَّهْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

وَ نَصَحْتُ – و ҳарфи атф, نَصَحْتُ маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

سَعِيدًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Танозуъда икки омил бир маъмулга йўналтирилади ва аввалги омилдан кейин келувчи маъмул ҳазф қилиниб иккинчи омилдан кейин зоҳир бўлади.

1. Иккала омилни маъмулга бирдек тасир ўтказувчи қилиб бўлмайди, балки улардан бирини танлаб зоҳирда уни асосий омил қилиб иккинчисини эътиборсиз қолдириш керак.

2. Маъмул икки омилдан олдин келса ёки ораларида келса аслида танозуъ бўлмайди.

3. Лекин маъмул икки таъажжуб феълларининг орасида келса танозуъ бўлади.

مَا أَحْبَبْتُ وَ عَاشَرْتُ إِلاَّ إِيَّاكَ

***Маъноси:***

**Фақат сенга муҳаббат қилдим ва фақат сен билан бирга яшадим.**

مَا – ҳарфи нафий.

أَحْبَبْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

وَعَاشَرْتُ – و ҳарфи атф, نَصَحْتُ маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

إِلاَّ – истисно ва чеклаш ҳарфи.

إِيَّاكَ – замири мунфасил фатҳага мабний, насб ўрнида عَاشَرْتُ феълига мафъулун биҳ.

زَيْدًا أَضَفْتُ وَأَكْرَمْتُ

***Маъноси:***

**Зайдни меҳмон қилдим ва икром қилдим.**

زَيْدًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб (бу ерда танозуъ йўқ).

أَضَفْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

وَأَكْرَمْتُ – و ҳарфи атф, نَصَحْتُ маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

## 191
## МАФЪУЛУН ФИЙҲ

زُرْتُكَ يَوْمَ الأَحَدِ صَبَاحًا

***Маъноси:***
**Сени якшанба куни тонгда зиёрат қилдим.**

زُرْتُكَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил, ك замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

يَوْمَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, زُرْتُكَга мутаъаллиқ, музоф.

الأَحَدِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

صَبَاحًا – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, زُرْتُكَга мутаъаллиқ.

## ҚОИДАЛАР

* Мафъулун фийҳ бу мансуб бўлган зарф бўлиб феълдан сўнг феълнинг замони ва маконини билдириб, чегаралаш

учун келади. Зарфлик шартлари қуйидаги чегараланишларни лозим қилади:

1. Исмийлик, зарф феъл ёки ҳарф бўлмайди.

2. Замон ва макон маъноларини ўз ичига олиши, ушбу маъноларга далолат қилмайдиган исм зарф бўлиб келмайди. 3. Замон ва маконга далолат қилувчи исмнинг феълга боғланиб келиши.

4. Насб бўлиш ёки насбга мабний бўлиш, зарф бу мафъулун фийҳдир ва феълнинг замони ё макони, феъл воқеъ бўлган пайт ва жойдир.

حَلَّقَتِ الطَّائِرَةُ فَوْقَ الْمَدِينَةِ وَ تَحْتَ الغُيُومِ

***Маъноси:***

**Қуш шаҳар устидан булутлар остидан павоз қилди.**

حَلَّقَتِ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таъннис.

الطَّائِرَةُ – фоил, замма ила марфуъ.

فَوْقَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, حَلَّقَتِга мутаъаллиқ, музоф.

المَدِينَةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

وَ تَحْتَ – و ҳарфи атф, تَحْتَ فَوْقَга маътуф, насбда унга тобеъ, музоф.

الغُيُومِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

اِسْتِرَاحَةُ الْمُحَارِبِ طَالَتْ أُسْبُوعًا

***Маъноси:***

**Жангчиларнинг дам олиши бир ҳафта давом этди.**

اِسْتِرَاحَةُ – мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

الْمُحَارِبِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

طَالَتْ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, фоили هِيَ мустатир замири, ت ҳарфи таъмис. Феълий жумла рафъ ўрнида хабар.

أُسْبُوعًا – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, طَالَتْга мутаъаллиқ.

## 192
## МАФЪУЛУН ЛИАЖЛИҲ

زُيِّنَتِ الْمَدِينَةُ إِكْرَامًا لِلْمَلِكِ

*Маъноси:*

**Подшоҳни икром қилиш учун шаҳар зийнатланди.**

زُيِّنَتِ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таъмис.

الْمَدِينَةُ – ноиби фоил, замма ила мафъул.

إِكْرَامًا – мафъулун лиажлиҳ, фатҳа ила мансуб.

لِلْمَلِكِ – ل ҳарфи жор, إِكْرَامًاга мутаъаллиқ, الملِك касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Мафъулун лиажлиҳ бу феъл ниманинг сабабидан воқеъ бўлаётганини аниқлаб келувчи масдардир. Мафъулун

лиажлиҳ қуйидаги саволга жавобан келади: нима учун фоил феълни бажарди.

* Унда қуйидаги нарсалар жам бўлиши шарт бўладики, шунда у насб қилинади:

1. Масдар бўлиши. 2. Накира бўлиши. 3. Ўзгарувчан бўлиши. 4. Омили замон ва фоилда муштарак бўлиши. 5. Омилига лафзда мухолиф бўлиши.

* Турли ҳукмлар: 1. Омилидан олдин келиши мумкин. 2. Омилини унга бирор қарийна далолат қилганда ҳазф қилиш жоиз. 3. Кўп бўлиши жоиз эмас. 4. Атф ва бадал жоиз.

مَارَسْتُ الطِّبَّ حُبًّا بِشِفَاءِ المَرْضَى رَغْبَةً فِي سَلاَمَتِهِمْ

***Маъноси:***

**Тиббиёт билан касалларнинг шифо топишига муҳаббат ва саломатликларига рағбат қилганим учун шуғулландим.**

مَارَسْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

الطِّبَّ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

حُبًّا – мафъулун лиажлиҳ, фатҳа ила мансуб.

بِشِفَاءِ – ب ҳарфи жор, حُبًّا-га мутаъаллиқ, شِفَاءِ касра ила мажрур, музоф.

الْمَرْضَى – музофун илайҳ, узр сабабли алифга тақдир қилинган касра ила мажрур.

رَغْبَةً – حُبًّا-дан бадал, насбда унга тобеъ.

فِي – ҳарфи жор, رَغْبَةً-га мутаъаллиқ.

سَلاَمَتِهِمْ – касра ила мажрур, هِمْ замир, музофун илайҳ.

(لِمَاذَا ابْتَعَدْتَ عَنِ الْمَرِيضِ؟) تَجَنُّبًا لِلْعَدْوَى

***Маъноси:***

**(Нима учун касалдан узоқлашдинг?) Юқумли касалликдан четланиш учун.**

تَجَنُّبًا – маҳзуф феълга мафъулун лиажлиҳ, фатҳа ила мансуб.

لِلْعَدْوَى – ل ҳарфи жор, تَجَنُّبًاга мутаъаллиқ, العَدْوَى узр сабабли алифга тақдир қилинган касра ила мажрур.

## 193
## МАФЪУЛУН МУТЛОҚ

قَتَلَ الحَارِسُ اللِّصَّ قَتْلاً

***Маъноси:***

**Қўриқчи ўғрини қатл қилди.**

قَتَلَ – маълум мозий феъли. фатҳага мансуб.

الحَارِسُ – фоил, замма ила марфуъ.

اللِّصَّ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

قَتْلاً – мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Мафъулун мутлоқ бу феълдан сўнг ўша феъл лафзида келади ва феълни такидлайди ёки навъини баён қилади ёки ададини баён қилади.

1. Мафъулун мутлоқнинг омили уч турлидир:

Тугал мутасарриф феъл, ҳодисага далолат қилувчи васф, мафъулун мутлоққа маъно ва лафз жиҳатидан ўхшаш масдар.
2. Мафъулун мутлоқни ўрнини босувчилар (ноиблари): маънодаги муродифи (синоними), масдар навъи, исми масдар, адади масдар, вақти масдар, сифати масдар, масдарга изофа қилинган كُلٌّ ва بَعْضٌ калималари, исми ишора, унга қайтувчи замир, ўз феъли ила маълум бўлган иш қуролининг номи, истифҳом маъносидаги مَا ва أَيٌّ, шарт маъносидаги مَا، أَيٌّ ва مَهْمَا.

رَأَيْتُكَ (مُجْتَهِدًا) اجْتِهَادًا

***Маъноси:***
**Сени қаттиқ тиришқоқлигингни кўрдим.**

رَأَيْتُكَ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил, ك замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

اجْتِهَادًا – мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб.

أَكَلْتُ كَثِيرًا

***Маъноси:***
**Кўп таомландим.**

أَكَلْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

كَثِيرًا – мафъулун мутлоқнинг ноиби, фатҳа ила мансуб.

دَقَّ النَّاقُوسُ دَقَّتَيْنِ

*Маъноси:*
**Қўнғироқ икки мартта чалди.**

دَقَّ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

النَّاقُوسُ – фоил, замма ила марфуъ.

دَقَّتَيْنِ – мафъулун мутлоқ, мусанно бўлгани учун ي ила мансуб.

سُبْحَانَ اللهِ

*Маъноси:*
**“АЛЛОҲ ҳар қандай айбу нуқсондан покдир” (деб тасбеҳ айтаман).**

سُبْحَانَ – маҳзуф феълга мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб, музоф.

اللهِ – лафзи жалола, музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 194

## МАФЪУЛУН МАЪҲ

سِرْتُ وَالجَبَلَ

*Маъноси:*

**Тоғ бўйлаб юрдим.**

سِرْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

وَالجَبَلَ – و "вов"и маъия, الجَبَلَ мафъулун маъҳ, фатҳа ила мансуб.

## ҚОИДАЛАР

* Мафъулун маъҳ бу насб қилинган исм бўлиб феъл ва унинг ўхшашидан кейин келиб "вов"и маъия ила феъл ва унинг ўхшашига мусоҳабани (биргаликни) ифода этади. Бунинг шарти жумланинг асли (мубтадо ва хабар) бўлмаслиги ва "вов" маъияни (биргалик) ифодалаши, у ила атф қилиб бўлмаслиги.

* Мафъулун маъҳнинг ҳукмлари:

1. Ўзидан олдин келган феъл ёки унинг ўхшаши ила насб қилинади, "вов"и маъия ила эмас, чунки у феълнинг маъноси мафъулга етиб бориши учун васила холос.
2. Омилидан олдин мутлақо келиши мумкин эмас, омили ва унга муштарак исм орасида келиши ҳам мумкин эмас.
3. Мафъул ва "вов"и маъия орасини бирор нарса бўлиши мумкин эмас.
4. Мафъулдан сўнг ўзаро мутаносибликка эҳтиёжи бор бирор нарса келса "вов"дан олдинги исмнинг ўзигина риоя қилиниши вожиб бўлади.

الرَّجُلُ سَائِرٌ وَالحَدَائِقَ

***Маъноси:***

**Киши боғлар бўйлаб сайр қилувчидир.**

الرَّجُلُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

سَائِرٌ – хабар, замма ила марфуъ.

وَ الحَدَائِقَ – و “вов”и маъия, سَائِرٌ الحَدَائِقَ исми фоилига мафъулун маъҳ, фатҳа ила мансуб.

مَشَيْتُ وَ الصَّدِيقَ (وَالصَّدِيقُ)

*Маъноси:*
**Дўстим ила бирга юрдим.**

مَشَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

وَالصَّدِيقَ – و “вов”и маъия, الصَّدِيقَ мафъулун маъҳ, фатҳа ила мансуб.

وَالصَّدِيقُ – و ҳарфи атф, الصَّدِيقُ ت замирига маътуф, замма ила марфуъ. Бу ерда атф қилиш жоиз лекин насб қилиш авлороқ.

رُوَيْدَكَ وَالغَاضِبَ

*Маъноси:*
**Ғазаблanганни тек қўй.**

رُوَيْدَكَ – амр исми феъл, фатҳага мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

وَالغَاضِبَ – و “вов”и маъия, الغَاضِبَ мафъулун маъҳ, фатҳа ила мансуб.

## 195

## МАВСУФ ВА СИФАТ

أَلْقَى أَبُو سَعِيدٍ الشَّاعِرُ قَصِيدَةً عَصْمَاءَ

***Маъноси:***

**Шоир Абу Саъийд энг гўзал қасийдани айтди.**

أَلْقَى – маълум мозий феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган фатҳа ила мансуб.

أَبُو – фоил, асмои хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, музоф.

سَعِيدٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

الشَّاعِرُ – أَبُو سَعِيدٍдан бадал, рафъда унга тобеъ.

قَصِيدَةً – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

عَصْمَاءَ – قَصِيدَةًга наът, насбда унга тобеъ. Сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган.

## ҚОИДАЛАР

* Исми мавсуф бу бир калимадирки, у ила бирор шахс ёки ҳайвон ёки нарса ёки маъно номланади. Сифат бу мавсуфнинг ҳолини очиб берувчи калима.

1. Мавсуф исмлар: исми алам, исми жинс, исми олат, масдар, исми макон, исми замон.

2. Сифатлар: муштоққининг маъносига далолат қилувчи исми жомид, исми фоил, исми мафъул, сифати мушаббаҳа, тафзийл феъллари, муболағa мисоллари, “мим”ий бўлмаган баъзи сулосий масдарлар.

* Сифат мавсуфига сонда, жинсда ва бошқаларда мутобиқ бўлиши шартдир. Сифат масдар бўлганда эркак жинсини ва бирликни лозим тутади, гоҳида баъзи сифатлар масдар ҳолида ҳам жамъ қилинади.

تَحَدَّثْتُ مَعَ رِجَالٍ ثِقَةٍ (أَوْ ثِقَاتٍ)

***Маъноси:***
**Ишончли кишилар билан гаплашдим.**

تَحَدَّثْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

مَعَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, تَحَدَّثْتُга мутаъаллиқ, музоф.

رِجَالٍ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

ثِقَةٍ – رِجَالٍга наът, жорда унга тобеъ.

كَانَ قَائِدًا أَسَدًا

***Маъноси:***
**Лашкарбоши шер каби эди (яъни шижоатли эди).**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний, исми هُوَ мустатир замири.

قَائِدًا – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

أَسَدًا – قَائِدًاга наът, насбда унга тобеъ.

## 196

## НИДО

يَا يُوسُفُ سَاعِدْ أَخَاكَ

***Маъноси:***
**Эй Юсуф акангга ёрдам бер.**

يَا – ҳарфи нидо.

يُوسُفُ – мунодо, заммага мабний, насб ўрнида.

سَاعِدْ – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

أَخَاكَ – мафъулун биҳ, асмои хомсадан бўлгани учун алиф ила мансуб, ك замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Нидо бу чақириқни мухотобга йўналтириш ва эшитувчини мутакаллим ирода қилган нарсага огоҳ қилиш.

1. Нидо ҳарфлари саккизта: يَا، أَوْ، هَيَا، أَيَا، أَي، آي، آ

Буларнинг ҳар бири нидо феълининг ўрнини босади, нидо феъли: أُنَادِي.

2. Нидо ибораси феълий жумла ҳисобланади ва мунодо вужубан маҳзуф феълга мафъулун биҳ ҳисобланади, мунодо ҳам лафзан ҳам маҳаллан мансуб бўлади.

3. Мунодо уч қисмдир: муфрад, музоф, музофга ўхшаш.

هَيَا سَامِعَ الصَّوْتِ أَجِبْ

***Маъноси:***
**Эй овозни эшитувчи жавоб бер.**

هَيَا – ҳарфи нидо.

سَامِعَ – мунодо, фатҳа ила мансуб, музоф.

الصَّوْتِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

أَجِبْ – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

أَيَا حَسَنًا وَجْهُهُ اِقْتَرِبْ

***Маъноси:***
**Эй гўзал юзли бери кел.**

أَيَا – ҳарфи нидо.

حَسَنًا – мунодо, фатҳа ила мансуб.

وَجْهُهُ – حَسَنًا-нинг фоили, замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

اِقْتَرِبْ – амр феъли, сукунга мабний, фоили أَنْتَ мустатир замири.

أَيُّهَا اللَّاعِبُونَ المُتَمَرِّنُونَ اِنْصَرِفُوا

***Маъноси:***

**Эй машғулотдаги ўйинчилар машғулотни тўхтатинглар.**

أَيُّهَا – أَيُّ мунодо, заммага мабний, насб ўрнида, هَا ҳарфи танбеҳ.

اللَّاعِبُونَ – أَيُّга наът, унга тобеъ, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила лафзан марфуъ, маҳаллан мансуб.

الْمُتَمَرِّنُونَ – أَيُّга иккинчи наът, унга тобеъ, жамъи музаккари солим бўлгани учун و ила лафзан марфуъ, маҳаллан мансуб.

اِنْصَرِفُوا – амр феъли, афоли хомсага мулҳақ бўлгани учун ҳазфи “нун”га мабний, و замир, рафъ ўрнида фоил.

## 197
## НИДО – ИСТИҒОСА (ЁРДАМ СЎРАШ)

يَا لَلطَّبِيبِ لِلْمَرِيضِ

***Маъноси:***
**Эй табиб, касал(га ёрдамга кел).**

يَا – ҳарфи нидо.

لَلطَّبِيبِ – لَ зоида ҳарфи жор, الطَّبِيبُ лафзан касра ила мажрур, маҳзуф истиғоса феълига мафъулун биҳи бўлгани учун маҳаллан мансуб.

لِلْمَرِيضِ – لِ ҳарфи жор, маҳзуф истиғоса феълига мутаъаллиқ, المرِيضِ касра ила мажрур.

(Аслида: لِإِعَانَةِ المرِيضِ, сўзида إِعَانَةِ мажрур, المرِيضِ музофун илайҳ).

# ҚОИДАЛАР

* Истиғоса бу, воқеъ бўлган мушкулликдан халос этиши ёки воқеъ бўлиши кутилаётган мушкулликдан ёрдам бериши учун бирор шахсга нидо қилишдир.

* Истиғоса услуби унинг уч рукни билангина амалга ошади: 1. Нидо ҳарфи бўлган يَا, унинг ҳазфи жоиз эмас.

2. Ёрдам сўралувчи, унинг ҳазфи жоиз эмас.

3. У учун ёрдам сўралаётган, ҳазфи жоиз.

* Муштарак ҳукмлар:

1. Ёрдам сўралувчи ва у учун ёрдам сўралаётган жор қилувчи "лом" ила мажрур, ёрдам сўралувчининг "лом"и фатҳа ила келади, чунки у ҳарфи нидодан сўнг, жор "лом"и фатҳа билан келувчи замир ўрнида келади (масалан لَهُ).

يَا قَوْمَا لِلْمَظْلُومِينَ

***Маъноси:***
**Эй қавм, зулм кўрганлар(га ёрдам бер).**

يَا – ҳарфи нидо.

قَوْمَا – мунодо, тақдир қилинган заммага мабний, "алиф" ҳарфи муносабати ила ориз бўлган фатҳа ила ўриннинг эгаллanganлиги замманинг зоҳир бўлишидан манъ қилган.

لِلْمَظْلُومِينَ – لِ ҳарфи жор, маҳзуф нидо феълига мутаъаллиқ, المظْلُومِين жамъи музаккари солим бўлгани учун ي ила мажрур.

يَا لَلْأَحْرَارِ مِنَ الخَادِعِينَ

***Маъноси:***

**Эй олийжаноб инсонлар, ёлғончилар(дан бизга ёрдам беринглар).**

يَا – ҳарфи нидо.

لِلْأَحْرَارِ – ل зоида ҳарфи жор, الْأَحْرَارِ лафзан касра ила мажрур, маҳзуф истиғоса феълига мафъулун биҳ бўлгани учун маҳаллан мансуб.

مِنَ – ҳарфи жор, маҳзуф истиғоса феълига мутаъаллиқ.

الخَادِعِينَ – жамъи музаккари солим бўлгани учун ي ила мажрур.

## 198
## НИДО – ТАРХИЙМ (МАЙИНЛИК ИЛА ЧАҚИРИШ)

يَا عَامِ صَدَاقَةُ اللَّئِيمِ نَدَامَةٌ

***Маъноси:***
**Эй Оми, пасткашга дўстлик қилиш надоматдир.**

يَا – ҳарфи нидо.

عَامِ – мунодо, нидони майинлаштириш учун ҳазф қилинган ҳарфнинг заммасига мабний, насб ўрнида (аслида Оми бу Омирнинг эркалаб чақирилгани).

صَدَاقَةُ – мубтадо, замма ила марфуъ, музоф.

اللَّئِيمِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

نَدَامَةٌ – хабар, замма ила марфуъ.

# ҚОИДАЛАР

* Тархиймда мунодонинг охири муаййан йўл ила, балоғатга оид сабаб ила ҳазф қилинади. Тархийм услуби нидо услубларидан бири бўлиб икки асосий рукндан иборат бўлади ва ушбу рукнларни ҳазф қилиш жоиз эмас: нидо ҳарфи бўлган يَا, унинг бир ўзи мурахҳамга (майинлик ила нидо қилинаётган) киради. Мурахҳам бу мунодо, алам ёки мақсад қилинган накра бўлиб охири лафзни енгиллатиш учун ҳазф қилинади.

* Мурахҳам икки навъдир:

1. “То”и таъниc ила тугалланган бўлади, уни мутлоқ тархийм қилиш мумкин.

2. “То”и таъниc ила тугалланган бўлмайди, шарти алам бўлиши, музоф ёки мақсад қилинган накра бўлмаслиги, уч ҳарфдан ошиқ бўлмаслиги.

يَا مُسَافِرَ تَيَقَّظِي

***Маъноси:***
**Эй мусофира аёл, уйғон.**

يَا – ҳарфи нидо.

مُسَافِرَ – мунодо, нидони майинлаштириш учун ҳазф қилинган ҳарфнинг заммасига мабний, насб ўрнида (аслида مُسَافِرَةُ).

تَيَقَّظِي – амр феъли, афоли хомсага мулҳақ бўлгани учун ҳазфи “нун”га мабний, ي замир, рафъ ўрнида фоил.

لَيْسَ حَيٌّ عَلَى الْمَنُونِ بِخَالِ

*Маъноси:*
**Тирик инсон абадул абад қолувчи эмасдир.**

لَيْسَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

حَيٌّ – لَيْسَнинг исми, замма ила марфуъ.

عَلَى – ҳарфи жор, لَيْسَнинг хабарига мутаъаллиқ.

الْمَنُونِ – касра ила мажрур.

بِخَالِ – ب зоида ҳарфи жор, خَالِ маҳзуф ҳарфга тақдир қилинган касра ила лафзан мажрур, لَيْسَнинг хабари бўлгани учун маҳаллан мансуб (خَالِнинг асли خَالِدٍ, бу ердаги тархийм шеърий зарурат сабабидан).

## 199
## НИДО – НУДБА (МОТАМ НИДОСИ)

وَا عُثْمَانُ أَثَابَكَ اللهُ

*Маъноси:*
**Воҳ Усмон, сени АЛЛОҲ мукофотласин!**

وَا – нидо ва нудба ҳарфи.

عُثْمَانُ – мунодо ва мандуб, заммага мабний, маҳзуф нудба феъли сабабидан насб ўрнида ( тақдири أَنْدُبُ ).

أَثَابَكَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ك замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

اللهُ – лафзи жалола, фоил замма ила марфуъ.

# ҚОИДАЛАР

* Нудба бу нидонинг бир услуби бўлиб бунда нидо қайғуга учраганга ёки қайғу келтираётган нарсадан бўлади. Икки асосий рукндан ташкил топади ва уларни ҳазф қилиш жоиз эмас:

1. Нидо ҳарфи: у аслида وَا бўлиб нудба учун хосдир, яна يَا бўлиб аслида у нидонинг ҳамма турига ишлатилаверади.

2. Мандуб икки навъ бўлади:

А) у учун қайғурилаётганга қайғуриш.

Б) қайғу келтираётган нарсага қайғуриш.

فَآهِ آهِ يَا مُصِيْبَتَاهْ

***Маъноси:***

**Оҳ оҳ, мусибат!**

فَآهِ – ف ҳарфи истинофия, آهِ музореъ исми феъл “қийналяпман”(أَتَوَجَّعُ) маъносида,касрага мабний, фоили أَنَا мустатир замири.

آهِ – آهِга тавкид, бинода унга тобеъ.

يَا – нидо ва нудба ҳарфи.

مُصِيْبَتَاهْ – мунодо мандуб, калиманинг охирига тақдир қилинган заммага мабний, замманинг зоҳир бўлишига ўриннинг муносиб ҳаракат ила бандлиги монеълик қилган, маҳзуф нудба феъли сабабидан насб ўрнида ( тақдири أَنْدُبُ ), алиф нудба учун, ه сакта ҳарфи.

وَا حَامِيًا ذِمَارَ الوَطَنِ

***Маъноси:***
**Воҳ, ватан шарафини ҳимоя қилувчилар!**

وَا – нидо ва нудба ҳарфи.

حَامِيًا – мунодо ва мандуб, фатҳа ила мансуб, маҳзуф нудба феъли сабабидан насб ўрнида ( тақдири أَنْدُبُ ).

ذِمَارَ – حَامِيًا исми фоилига мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб, музоф.

الوَطَنِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 200
## ЖОР ҚИЛУВЧИНИ ОЛИБ ТАШЛАШ

تَمُرُّونَ الدِّيَارَ وَلَمْ تَعُوجُوا

***Маъноси:***
**Диёрларни босиб ўтасизлар–у, кириб ўтмайсизлар.**

تَمُرُّونَ – маълум музореъ феъли, афоли хомсадан бўлгани учун субути “нун” ила марфуъ, و замир, рафъ ўрнида фоил.

الدِّيَارَ – мафъулун фийҳ, фатҳа ила мансуб (аслида: بِالدِّيَارِ, жор қилувчини олиб ташлаш ила насб қилинган).

وَ لَمْ – و ҳарфи атф, لَمْ жазм қилувчи нафий ҳарфи.

تَعُوجُوا – маълум музореъ феъли, لَمْ ила мажзум, афоли хомсадан бўлгани ҳазфи “нун” ила мажзум, و замир, рафъ ўрнида фоил.

# ҚОИДАЛАР

* Жор қилувчини олиб ташлаш мутаъаддий феълдан сўнг ҳарфи жор воситаси ила тугал бўлади, мажрур исм ҳарфи жорни тушириб юборилгандан сўнг насб қилинади.

1. Жор қилувчини олиб ташлаш чегараланган зарфи макондан олдин жоиз бўлади, зарфи макон муштоққ бўлса ҳам бўлмаса ҳам фарқи йўқ, зарфи макон мушштоқк бўлмаса қуйидаги феъллар ила келади: سَكَنَ ،نَزَلَ ،دَخَلَ. Ва яна жор қилувчини олиб ташлаш بِأَنَّ ،أَنْ ،مِنْ маъносида келувчи أَنْ ва أَنَّлардан сўнг жоиз бўлади.

2. Жор қилувчини олиб ташлаш رَغَبَ ва шунга ўхшаш феъллар билан ҳарфи жорнинг ўзгариши сабабли маънода ноаниқлик пайдо бўлганлиги учун жоиз бўлмайди.

أَحَقًّا أَنَّكَ مَسْرُورٌ

***Маъноси:***
**Сен ҳақиқатда хурсандмисан?**

أَحَقًّا – أَ ҳарфи истифҳом, حَقًّا мафъулун фийҳ зарфи замон, маҳзуф феълга мутаъаллиқ, лафзан фатҳа ила мансуб, ўрни риоя қилинган ҳолда хабари муқаддам (аслида فِي حَقِّ жор қилувчини олиб ташлаш ила насб қилинган).

أَنَّكَ – أَنَّ феълга ўхшаш ҳарф, كَ замир, насб ўрнида أَنَّнинг исми.

مَسْرُورٌ – أَنَّнинг хабари, замма ила марфуъ. أَنَّكَ مَسْرُورٌдан таъвил қилинган масдар рафъ ўрнида мубтадо муаххар ( аслида أَفِي حَقِّ سُرُورُكَ).

تَوَجَّهْتُ مَكَّةَ

*Маъноси:*
**Маккага йўналдим.**

تَوَجَّهْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

مَكَّةَ – мафъулун фийҳ, фатҳа ила мансуб, сарфдан манъ бўлгани учун танвин олмаган (аслида تَوَجَّهْتُ إِلَى مَكَّةَ ).

## 201
## НИСБАТ БЕРИШ

التَّعْلِيمُ الإبْتِدَائِيُّ إِجْبَارِيٌّ وَ مَجَّانِيٌّ

*Маъноси:*
**Бошланғич таълим мажбурий ва бепулдир.**

التَّعْلِيمُ – мубтадо, замма ила марфуъ.

الإبْتِدَائِيُّ – التَّعْلِيمُга наът, рафъда унга тобеъ.

إِجْبَارِيٌّ – хабар, замма ила марфуъ.

وَ مَجَّانِيٌّ – و ҳарфи атф, مَجَّانِيٌّ إِجْبَارِيٌّга маътуф, рафъда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Нисбат беришда ташдидли ي ҳарфи исмнинг охирига бирор нарсанинг ўша калимага мансублигига далолат қилиши учун қўшилади. Нисбат يсидан олдинги ҳарф мутлоқ касрали қилиниши ва يдан олдин “то”и таъниc, тасния ва жамъ аломатлари бўлмаслиги нисбатнинг ҳукмидир.

* Қуйидаги вазнлар нисбат يсидан беҳожатдир:

1. فَاعِل, бир нарсанинг соҳиби маъносида.
2. فَعَّال, бир нарсани қилувчи эканлиги маъносида.
3. فَعِل, феъл эгаси маъносида.

قَامَتِ اللَّجْنَةُ الدَّوْلِيَّةُ بِرِحْلَةٍ عَالَمِيَّةٍ

*Маъноси:*

**Давлат қўмитаси бутун дунё бўйлаб сафарга чиқди.**

قَامَتِ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таъниc.

اللَّجْنَةُ – фоил, замма ила марфуъ.

الدَّوْلِيَّةُ – اللَّجْنَةُга наът, рафъда унга тобеъ.

بِرِحْلَةٍ – ب ҳарфи жор, قَامَتга мутаъаллиқ, رِحْلَةٍ касра ила мажрур.

عَالَمِيَّةٍ – رِحْلَةٍга наът, жорда унга тобеъ.

يَرْتَدِي العُمَّالُ ثَوْبًا خَضْرَاوِيًّا

*Маъноси:*

**Ишчилар яшил кийим киядилар.**

يَرْتَدي – маълум музореъ феъли, талаффузга оғирлик қилгани учун يга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

العُمَّالُ – фоил, замма ила марфуъ.

ثَوْبًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

خَضْرَاوِيًّا – ثَوْبًاга наът, насбда унга тобеъ.

عَلَّمَنا شَيْخٌ فَتَوِيُّ الهِمَّة

***Маъноси:***

**Бизга ҳиммати кенг шайх таълим берди.**

عَلَّمَنا – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, نَا замир, насб ўрнида мафъулун биҳ.

شَيْخٌ – фоил, замма ила марфуъ.

فَتَوِيُّ – شَيْخٌга наът, рафъда унга тобеъ, музоф.

الهِمَّةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## 202
## ИСМНИ НАСБ ҚИЛИШ

كَانَ نَبِيلاً وَعَزِيزًا

***Маъноси:***

**У аслзода ва азиз эди.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний, исми рафъ ўрнидаги هُوَ мустатир замири.

نَبِيلاً – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

وَ عَزِيزًا – و ҳарфи атф, نَبِيلاً عَزِيزًاга маътуф, насбда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Исмни насб қилиш бу эъробий ҳолат бўлиб исмнинг охирини эъроб аломатларидан бўлган фатҳа ёки унинг ўрнини босувчи ила ҳаракатлантириш билан бажарилади. Насб зоҳир ёки тақдирда ёки маҳаллда (ўринда) бўлади.

* Мансуб исмнинг насб аломати охирида кўринади ва ҳаракатлар ёки ҳарфлар ила эъробланади.

1. Фатҳа ила: муфрад исм ва жамъи таксир.
2. Касра ила: жамъи муаннаси солим.
3. Алиф ила: асмои хомса.
4. "Ё" ҳарфи ила: мусанно ва жамъи музаккари солим.

* Мансуб исмлар:

1. Мафъуллар: мафъулун биҳ, мунодо, мафъулун мутлоқ, мафъулун лажлиҳ, мафъулун фийҳ, мафъулун маъаҳ.
2. Ҳол, тамйиз, мустасно.
3. كَانَнинг хабари, مَاнинг хабари, إِنَّнинг исми, жинсни нафий қилувчи لا.
4. Мансуб исмга тобеъ бўлганлар.

سَمِعْتُ خَبَرًا جَيِّدًا

***Маъноси:***
**Яхши хабар эшитдим.**

سَمِعْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

خَبَرًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

جَيِّدًا – خَبَرًاга наът, насбда унга тобеъ.

أَكَلْتُ الطَّعَامَ طَازِجًا

***Маъноси:***
**Таомни янгилигида тановул қилдим.**

أَكَلْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

الطَّعَامَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

طَازِجًا – ҳол, фатҳа ила мансуб.

سَمْعًا وَ طَاعَةً

***Маъноси:***
**Эшитдим ва итоат этдим.**

سَمْعًا – маҳзуф феълга мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб.

وَ طَاعَةً – و ҳарфи атф, طَاعَةً سَمْعًاга маътуф, насбда унга тобеъ.

## 203
## ФЕЪЛНИ НАСБ ҚИЛИШ

لَنْ يَتَخَلَّفَ الطَّالِبُ عَنْ مَدْرَسَتِهِ

***Маъноси:***

**Талаба мадрасасидан ҳеч қолмайди.**

لَنْ – ҳарфи насб.

يَتَخَلَّفَ – маълум музореъ феъли, لَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа.

الطَّالِبُ – фоил, замма ила марфуъ.

عَنْ – ҳарфи жор, يَتَخَلَّفَга мутаъаллиқ.

مَدْرَسَتِهِ – касра ила мажрур, ه замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Феълни насб қилиш бу эъробий ҳолат бўлиб музореъ феълида содир бўлади, бу ҳолат музореъ феълидан олдин ўзи насб қилувчи ҳарф ёки замирда турувчи أَنْ келса амалга ошади. Насб ҳарфлари:

1. Аслийлари: أَن،لَنْ،إِذَنْ،كَيْ.

2. Фаръийлари ёки замирда турувчи أَنْ билан: таълийл “лом”и, тавкийд “лом”и, حَتَّى, أَوْ, сабабият “фо”си, маъия (биргаликни ифодаловчи) “вов”и.

* Мансуб феълнинг эъроб аломатлари:

1. Фатҳа, у аслий аломатдир.

2. Афъоли хомсада унинг ўрнини ҳазфи “нун” босади.

لَيْسَ لِلْغَوْلِ حَقِيقَةٌ فَتَخَافُوا

***Маъноси:***

**Ажина ҳақиқатда бор нарса эмаски, ундан қўрқсангиз.**

لَيْسَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

لِلْغَوْلِ – لِ ҳарфи жор, لَيْسَнинг муқаддам маҳзуф хабарига мутаъаллиқ, الغَوْلِ касра ила мажрур.

حَقِيقَةٌ – لَيْسَнинг муаххар исми, замма ила марфуъ.

فَتَخَافُوا – فَ сабабият, تَخَافُوا маълум музореъ феъли замирдаги أَنْ ила мансуб, насб аломати афъоли хомсадан бўлгани учун ҳазфи “нун”, و замир, рафъ ўрнида фоил.

أَرَدْتُمَا أَنْ تَدْرُسَا

***Маъноси:***
**Дарс қилишни ирода қилдингиз.**

أَرَدْتُمَا – маълум мозий феъли, تُمَا замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, تُمَا рафъ ўрнида фоил.

أَنْ – ҳарфи насб.

تَدْرُسَا – маълум музореъ феъли, أَنْ ила мансуб, насб аломати афъоли хомсадан бўлгани учун ҳазфи “нун”, “алиф” замир, рафъ ўрнида фоил. أَنْ تَدْرُسَاдан таъвил қилинган масдар насб ўрнида мафъулун биҳ.

## 204
## НАЪТИ ҲАҚИҚИЙ

اِلْتَقَيْتُ بِرَجُلٍ شَرِيفٍ عَظِيمٍ

***Маъноси:***
**Шарафли, улуғ инсон билан кўришдим.**

اِلْتَقَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

بِرَجُلٍ – ب ҳарфи жор, اِلْتَقَيْتُга мутаъаллиқ, رَجُلٍ касра ила мажрур.

شَرِيفٍ – رَجُلٍга наът, жорда унга тобеъ.

عَظِيمٍ – رَجُلٍга иккинчи наът, жорда унга тобеъ.

## ҚОИДАЛАР

* Наъти ҳақиқий бу сифат бўлиб ўз мавсуфини сифатлаб келади ва мавсуфига лафзан ва маънан эргашади.

* Мавсуфига эъробда эргашади ва замирини рафъ қилади ва ифрод тасния жамъда, жинсда, маърифа накраликда мавсуфга мутобиқ бўлади. Мавсуф билан сифатнинг мутобиқ бўлиш ҳоллари:

1. Жамъи музаккар солим: наът бутунлай мутобиқ бўлади.

2. Оқилга мулҳақ қилинган жамъ: наът жоиз ҳолда мутобиқ. 3. Оқилга нисбатан ишлатиладиган жамъи таксир: наът жоиз ҳолда муфрад муаннас.

4. Оқил бўлмаганга нисбатан ишлатиладиган жамъи таксир: наът муфрад муаннас ёки жамъи муаннаси солим.

5. Исми жамъ: наът муфрад ёки жамъ.

6. Музаккар ва муаннасдан ташкил топган: музаккар.

7. Оқил ва оқил бўлмагандан ташкил топган: оқил.

جَاءَ البَنُونَ الصَّالِحُونَ (أَوْ الصَّالِحَةُ)

***Маъноси:***

**Солиҳ фарзандлар келдилар.**

جَاءَ – маълум мозий феъли, фатҳага мабний.

البَنُونَ – фоил, жамъи музаккари солимга мулҳақ бўлгани учун و ила марфуъ.

الصَّالِحُونَ – البَنُونَга наът, рафъда унга тобеъ, жамъи музаккари солим бўлгани учун рафъ аломати و.

اِشْتَرَيْتُ كُتُبًا كَثِيرَةً (أَوْ كَثِيراتٍ)

***Маъноси:***

**Кўп китоблар сотиб олдим.**

اِشْتَرَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

كُتُبًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

كَثِيرَةً – كُتُبًاга наът, насбда унга тобеъ.

عَاشَرَ قَوْمًا مُهَذَّبِينَ (أَوْ مُهَذَّبًا)

***Маъноси:***

**Одобли инсонлар билан турди.**

عَاشَرَ – маълум мозий феъли. фатҳага мабний, фоили هُوَ мустатир замири.

قَوْمًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

مُهَذَّبِينَ – قَوْمًاга наът, насбда унга тобеъ, жамъи музаккари солим бўлгани учун насб аломати ي.

## 205
## НАЪТИ САБАБИЙ

رَأَيْتُ الرَّجُلَ الفَاضِلَ مُعَلِّمُهُ

***Маъноси:***
**Муаллими фозил инсон бўлган кишини кўрдим.**

رَأَيْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

الرَّجُلَ – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

الفَاضِلَ – الرَّجُلَга наът, насбда унга тобеъ.

مُعَلِّمُهُ – الفَاضِلَ исми фоилига фоил, замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

## ҚОИДАЛАР

* Наъти сабабий бу ўз мавсуфига алоқадор бўлган нарсанинг сифатини баён қилиб берувчи бўлиб, ўзидан олдингига лафзан, ўзидан кейингига маънан эргашади. Унинг икки ҳолати бор:

1. Мавсуфнинг замирига макрун (тегишли) ёки мавсуфнинг замири бор нарсага музоф: ўзидан олдингига эъробда, маърифа ва накраликда эргашади ва бирликни лозим тутади, ўзидан кейингига жинсда эргашади. Аммо жамъи таксир бўлганда ўзидан кейингида жамъ қилиш жоиз.

2. Мавсуфнинг замирига мақрун (тегишли) бўлмаган: наъти ҳақиқий каби амал қилади.

جَاءَنِي التِّلْمِيذُ الفُضَلاءُ آبَاؤُهُ

*Маъноси:*
**Ота – онаси фозил бўлган ўқувчи ҳузуримга келди.**

جَاءَنِي – маълум мозий феъли, фатҳага мабний, ن ҳарфи виқоя, ي замир, насб ўрнида, мафъулун биҳ.

التِّلْمِيذُ – фоил, замма ила марфуъ.

الفُضَلاءُ – التِّلْمِيذُга наът, рафъда унга тобеъ.

آبَاؤُهُ – الفُضَلاءُ исми фоилига фоил, замма ила марфуъ, ه замир, музофун илайҳ.

تَعَرَّفْتُ عَلَى رَجُلَيْنِ كَرِيمَي النَّسَبِ

*Маъноси:*
**Насаби олий бўлган икки киши билан танишдим.**

تَعَرَّفْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келганлиги учун сукунга мабний, ت рафъ ўрнида фоил.

عَلَى – ҳарфи жор, تَعَرَّفْتُга мутаъаллиқ.

رَجُلَيْنِ – мусанно бўлгани учун ي ила мажрур.

كَرِيمَي – رَجُلَيْنِга наът, жорда унга тобеъ, мусанно бўлгани учун ي ила мажрур, музоф.

النَّسَبِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

# НАСХ ҚИЛУВЧИЛАР

كَانَ الشَّارِعُ شَاهِدًا عَلَى تَطَوُّرِ الحَيَاةِ

***Маъноси:***
**Кўча ҳаётнинг ривожига шоҳиддир.**

كَانَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

الشَّارِعُ – كَانَнинг исми, замма ила марфуъ.

شَاهِدًا – كَانَнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

عَلَى – ҳарфи жор, شَاهِدًاга мутаъаллиқ.

تَطَوُّرِ – касра ила мажрур, музоф.

الحَيَاةِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

## ҚОИДАЛАР

* Насх қилувчилар бу исмий жумлага кириб мубтадо ва хабар эъробининг ҳаракатида ўзгариш содир этувчи ҳарфлар, исмлар ва феъллардир. Насх қилувчилар уч навълидир:

1. Маъно ҳарфлари: феълга ўхшаш ҳарфлар, لَيْسَга ўхшаш нафий ҳарфлари, жинсни нафий қилувчи لا.

2. Ноқис феъллар: كَانَ ва كَادَнинг ахавотлари.

3. Ноқис феъллардан иштиқоқ қилиб олинган феъллар.

* Насх қилувчилар мубтадо ва хабарга кирганда:

1. Лафзан иккаловини эъробни бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтказиш ила ўзгартиради.

2. Маноъан бирор ҳодмонга ўтказиш ила ёки жоизлик ҳолатидан вожиблик ҳолатига ўтказиш ила ўзгартиради.

إِنَّ الإِحْسَانَ فَضِيلَةٌ

***Маъноси:***
**Албатта эҳсон қилиш фазилатдир.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

الإِحْسَانَ – إِنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

فَضِيلَةٌ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

كَادَ البَيْتُ يَسْقُطُ

***Маъноси:***
**Уй қулаб кетай деб турибди.**

كَادَ – ноқис мозий феъли, фатҳага мабний.

البَيْتُ – كَادَнинг исми, замма ила марфуъ.

يَسْقُطُ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, фоили هُوَ мустатир замири. Феълий жумла насб ўрнида كَادَнинг хабари.

مَا زَيْدٌ نَائِمًا

***Маъноси:***
**Зайд ухламаяпти.**

مَا – لَيْسَга ўхшаш нафий ҳарфи.

زَيْدٌ – مَاнинг исми, замма ила марфуъ.

نَائِمًا – مَاнинг хабари, фатҳа ила мансуб.

**207**

# НОИБИ ФОИЛ

يُجْزَى الكَرِيمُ خَيْرًا وَ اللَّئِيمُ شَرًّا

***Маъноси:***

**Карамли инсон яхшилик билан, пасткаш инсон ёмонлик билан мукофотланади.**

يُجْزَى – мажҳул музореъ феъли, узр сабабли алифга тақдир қилинган замма ила марфуъ.

الكَرِيمُ – ноиби фоил, замма ила марфуъ.

خَيْرًا – мафъулун мутлоқ, фатҳа ила мансуб.

وَ اللَّئِيمُ – و ҳарфи атф, اللَّئِيمُ الكَرِيمُга маътуф, рафъда унга тобеъ.

شَرًّا – خَيْرًاга маътуф, насбда унга тобеъ.

# ҚОИДАЛАР

* Ноиби фоил бу марфуъ исм бўлиб ундан олдин мажҳул феъл ёки унга ўхшаши келтирилади ва ўша марфуъ исм ушбу феълга суянтирилади. Фоилни ҳазф қилишнинг асосий сабаблари:

1. Уни билмаслик ёки эшитувчилар уни билмасликларини хоҳлаш.
2. Ўта машҳур бўлиши.
3. Уни зикр қилишдан бирор фойда бўлмаслиги.

* Феъл мажҳул сийғасига бино қилинганда феълни фоилни баён қилиб берувчига мулҳақ қилиш тўғри бўлмайди. Исми мафъул ноиби фоилни рафъ қилишда мажҳул фелга ўхшайди. Фоил ва маълум феълнинг барча ҳукмлари ноиби фоил ва мажҳул феълда ҳам бўлади, мажҳул феъл доимо сарф қилинади.

هَلْ حُقِّقَتْ سَعَادَةُ الإِنْسَانِ؟

***Маъноси:***

**Инсон саодати амалга ошдими?**

هَلْ – ҳарфи истифҳом.

حُقِّقَتْ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний, ت ҳарфи таъниc.

سَعَادَةُ – ноиби фоил, замма ила марфуъ, музоф.

الإِنْسَانِ – музофун илайҳ, касра ила мажрур.

مُنِحَ البَطَلُ وِسَامًا رَفِيعًا

***Маъноси:***

**Қаҳрамон олий орден ила тақдирланди**.

مُنِحَ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний.

البَطَلُ – ноиби фоил, замма ила марфуъ.

وِسَامًا – мафъулун биҳ, фатҳа ила мансуб.

رَفِيعًا – وِسَامًاга наът, насбда унга тобеъ.

لَنْ يُعَاقَبَ أَخُوكَ

**Маъноси:**
**Аканг таъқиб қилинмайди.**

لَنْ – ҳарфи насб.

يُعَاقَبَ – мажҳул музореъ феъли, لَنْ ила мансуб, насб аломати фатҳа.

أَخُوكَ – ноиби фоил, асмои хомсадан бўлгани учун و ила марфуъ, ك замир, музофун илайҳ.

## 208
## إِنَّНИНГ ҲАМЗАСИ ҚАЧОН ФАТҲАЛИ БЎЛАДИ?

سُمِعَ أَنَّ العَسْكَرَ مَنْصُورٌ

***Маъноси:***
**Қўшинга ёрдам берилгани эшитилди.**

سُمِعَ – мажҳул мозий феъли, фатҳага мабний.

أَنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

العَسْكَرَ – أَنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

مَنْصُورٌ أَنَّ العَسْكَرَ مَنْصُورٌдан таъвил қилинган масдар рафъ ўрнида ноиби фоил.

## ҚОИДАЛАР

* إِنَّнинг ҳамзаси фатҳа қилиниши إِنَّ ва ундан кейин келганни масдарга таъвил қилиш мумкин бўлганда тўғри бўлади.

1. Фоил ёки ноиби фоилнинг ўрнида воқеъ бўлса.
2. Мафъулун биҳнинг ўрнида воқеъ бўлса.
3. Исми маъно кўринишидаги хабар ўрнида воқеъ бўлса.
4. Ҳарф ёки изофа ила мажрурнинг ўрнида воқеъ бўлса.
5. Зонн (гумон) маъносини ўз ичига олган гапдан кейин воқеъ бўлса.
6. Жор қилувчи ва атф қилувчи حَتَّىдан кейин.

الحَقُّ أَنَّ الجَهْلَ عَارٌ

***Маъноси:***

**Ҳақ шуки албатта жоҳиллик ордир.**

الحَقُّ – мубтадо, замма ила марфуъ.

أَنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

الجَهْلَ – أَنَّнинг исми, фатҳа ила мансуб.

عَارٌ – أَنَّнинг хабари, замма ила марфуъ. أَنَّ الجَهْلَ عَارٌдан таъвил қилинган масдар рафъ ўрнида хабар.

أُحِبُّكَ مَعَ أَنَّكَ ظَالِمٌ

***Маъноси:***

**Сенга золим бўлсанг ҳам муҳаббат қиламан.**

أُحِبُّكَ – маълум музореъ феъли, замма ила марфуъ, ك замир, насб ўрнида мафъулун биҳ, фоили вужубан أَنَا мустатир замири.

مَعَ – мафъулун фийҳ зарфи замон, фатҳа ила мансуб, أُحِبُّكَга мутаъаллиқ, музоф.

أَنَّكَ – أَنَّ феълга ўхшаш ҳарф, ك замир, насб ўрнида أَنَّнинг исми.

ظَالِمٌ – أَنَّнинг хабари, замма ила марфуъ. أَنَّكَ ظَالِمٌдан таъвил қилинган масдар жор ўрнида изофа ила.

## 209
## إِنَّНИНГ ҲАМЗАСИ ҚАЧОН КАСРАЛИ БЎЛАДИ?

وَاللهِ إِنَّكَ لَصَادِقٌ

***Маъноси:***
**АЛЛОҲГА қасамки сен ростгўйсан.**

وَاللهِ – و ҳарфи қасам ва жор, маҳзуф феъли қасамга мутаъаллиқ, اللهِ касра ила мажрур.

إِنَّكَ – إِنَّ феълга ўхшаш ҳарф, ك замир, насб ўрнида, إِنَّнинг исми.

لَصَادِقٌ – ل ҳарфи жавоб, صَادِقٌ إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

## ҚОИДАЛАР

* إِنَّнинг ҳамзаси касра қилиниши إِنَّ ва ундан кейин келганни масдарга таъвил қилиш мумкин бўлмаганда тўғри бўлади.

1. Каломни бошида келса.
2. Зонн (гумон) маъносини ўз ичига олмаган гапдан кейин воқеъ бўлса.
3. Қасамга жавоб бўлиб келса ва хабар ل ҳарфи жавобига муқтарин бўлса.
4. Исми зот ёки унинг сифати кўринишидаги хабар бўлиб келса.
5. Ҳол ўрнида келса.
6. Истифтоҳия бўлган أَلاَ, حَيْثُ ва إِذْдан кейин келса.
7. Силатул мавсулнинг бошида келса.
8. Ибтидоия حَتَّىдан кейин келса.

إِنَّ اللهَ عَادِلٌ

***Маъноси:***
**Албатта АЛЛОҲ адолатлидир.**

إِنَّ – феълга ўхшаш ҳарф.

اللهَ – лафзи жалола, إِنَّнинг фатҳа ила мансуб.

عَادِلٌ – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

قُلْتُ إِنَّكَ وَدُودٌ

**Маъноси:**
**“Сен кўнгилга яқинсан” деб айтдим.**

قُلْتُ – маълум мозий феъли, ت замирига ёпишиб келгани учун сукунга мабний, ت замир, рафъ ўрнида фоил.

**إِنَّكَ** – إِنَّ феълга ўхшаш ҳарф, ك замир, насб ўрнида, إِنَّнинг исми.

**وَدُودٌ** – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ.

زَيْدٌ إِنَّهُ كَرِيمٌ

***Маъноси:***

**Зайд албатта карамлидир.**

**زَيْدٌ** – мубтадо, замма ила марфуъ.

**إِنَّهُ** – إِنَّ феълга ўхшаш ҳарф, ه замир, насб ўрнида, إِنَّнинг исми.

**كَرِيمٌ** – إِنَّнинг хабари, замма ила марфуъ. إِنَّهُ كَرِيمٌ жумласи рафъ ўрнида хабар.